

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

***ИСМОИЛ САИФНАЗАРОВ, ТОҲИР КАРИМ,
НИГОРА РАХИМБОБОВА***

**ҚАДРИЯТЛАР – ИҚТИСОДЧИ МУРАББИЙ
НИГОҲИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги
томонидан иқтисодиёт, молия ва бизнес йўналишидаги Олий ўқув
юртларининг бакалаврият босиқичи талабалар гуруҳи мураббийлари ва
ўрта махсус таълимидаги лицей ҳамда коллежларнинг ўқув-тарбиявий
ишлари бўйича директор ўринбосарлари, гуруҳ тарбиячиларига ўқув-
услубий қўлланма сифатида тавсия қилинади).*

ТОШКЕНТ – 2010

Исмоил Саифназаров, Тоҳир Карим, Нигора Раҳимбобоева:
Қадриятлар – иқтисодчи мураббий нигоҳида. Услубий қўлланма. 2010.
158 б.

Китоб “Қадриятлар тизимини қарор топтиришда диний ва дунёвий
мезонларнинг ўзаро нисбати масаласи” мавзусидаги давлат гранти маблағи
хисобига нашр этилди.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Н.Х.Жумаев

**Такризчилар: ф.ф.н., доц. А.Ўтамурадов,
и.ф.н., доц. М.Юсупов,
т.ф.н., доц. Х.Мамараҳимов**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг 2010 йил 27 август
ойидаги 1-сонли Илмий Кенгашида нашрга тавсия этилган.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	5
1-ҳафта.....	11
2-ҳафта. Илм – маърифат куни.....	14
3-ҳафта. Иқтисодиёт университети академиклари.....	17
4-ҳафта. 1-мавзу. 17 сентябр - Абдулла Қаҳҳор (1907-1968) таваллуд топган кун.....	22
2-мавзу. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети тарихи.....	24
5-ҳафта. Бурҳониддин Марғиноний.....	25
6-ҳафта. 1-мавзу. Иқтисодиёт Университети ректорлари.....	29
2-мавзу. Миллий тарбиянинг отаси Абдулла Авлоний ҳақида.....	30
7-ҳафта. 1-мавзу. Абу Наср Форобий (873-950).....	31
8-ҳафта. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун.....	33
9-ҳафта. Нобель ким? Нобель мукофотлари кимга ва нима учун берилади?.....	37
10-ҳафта. Давлат размлари.....	43
11-ҳафта. Мақсуд Шайхзода.....	45
12-ҳафта. Иброҳим Мўминов.....	47
13-ҳафта. Адабиёт миллий кадриятлар тизимида.....	50
14-ҳафта. 1-мавзу. Иқтисодиёт Университети раҳбарияти.....	53
2-мавзу. 2002 -2003 йиллардаги иқтисодиёт бўйича нобель совриндорлари.....	58
15-ҳафта. Бош қомусимиз - халқ ҳокимиятининг гарови.....	61
16-ҳафта. Ҳамид Олимжон.....	63
17-ҳафта. Эркин Воҳидов.....	65
20-ҳафта. 1-мавзу. “Эл севган адиб”. Ойбек (1905-1968).....	69
2-мавзу. Ўзбекистон – Тинчлик устун.....	72
21-ҳафта. Мардлар кўриқлайди Ватанни!.....	73
22-ҳафта. 1990 йили “Молиявий иқтисодиёт назариясига оид биринчи ишлари учун” нобель мукофотида сазовор Гарри М.Марковиц, Мертон М.Миллер, Вильям Ф.Шарп.....	80
23-ҳафта. Кадриятларимизнинг бош тарғиботчиси.....	82
24-ҳафта. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий.....	87
25-ҳафта. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий туғилган куни.....	90
26-ҳафта. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.....	94
27-ҳафта. Ёшлар диний экстремизм ва фундаментализмга қарши.....	96
27-ҳафта. Садоқат куйчиси шоира Зулфия туғилган куни.....	101
28-ҳафта. 1-мавзу. Амарта Сен – 1998 йилги нобель мукофоти совриндори.....	103
2-мавзу. Мақсуд аз-Замахшарий.....	105
29-ҳафта. 1-мавзу. Наврўз.....	107
2-мавзу. Абу Али ибн Сино.....	109
30-ҳафта. Мирзо Улуғбек.....	110

31-хафта. Авесто.....	113
32-хафта. Амир Темур Кўрагоний таваллуд топган кун.....	115
33-хафта. Абдулла Қодирий туғилган кун.....	118
34-хафта. Аҳмад ал-Фарғоний.....	119
35-хафта. Шаҳарларимиз тарихи: Хоразм билан боғлиқ афсоналар.....	122
35-хафта. 1–мавзу. Илм сари илк қадамлар. Академик Яҳё Ғуломовни хотирлаб.....	127
2-мавзу. Хотира ва қадрлаш куни.....	129
36-хафта. 1903 йил 10 май - академик шоир Ғафур Ғулом таваллуд топган кун.....	132
37-хафта. 1-мавзу. Истибод қурбонлари хотираси куни.....	134
2-мавзу. Мунаввар Қори Абдурашидхонов.....	137
38-хафта. Шарқ азалдан тарбия мактаби:.....	139
39-хафта. 2001 йилда “70-йиллардан ассиметрик информацияга оид бозорлар назарияси асосларини” яратган уч олим.....	143
40-хафта. 1-мавзу. Республика ёшлари давлат ҳимоясида.....	146
2–мавзу. Глобаллашув ёки миллийлик инқироzi?.....	150
41-хафта. 1988 йилги Нобель мукофотида сазовор бўлган Морис Аллэ.....	153
42-хафта. 1-мавзу. Гиёҳвандлик ва оила.....	154
2-мавзу. Ижтимоий ҳимоя – устувор йўналиш.....	155
43-хафта. 1–мавзу. ОАВ Фуқаролик жамиятининг ажралмас бўлаги.....	156
2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Герби.....	158

К И Р И Ш

2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб аталиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшларнинг ўз имкониятларидан кенг фойдаланиб, келажакда юксак марраларга эришишлари учун уларга соғлом маънавий муҳит яратиб бериш лозим. Шу боис ёшлар онгига уларнинг келажакда муносиб касб-ҳунар эгалари ҳамда ўз соҳаларининг етук мутахассис кадрлари бўлиб етишишларида ҳалол меҳнатнинг ўрни ниҳоятда бекиёс эканлигини муттасил сингдириб борилиши лозим. Шундай экан, баркамол авлод тарбияси миллий концепцияси тамойилларининг асосини ўз Ватанига, жамиятга содиқ фарзандлар етиштириш, уларнинг эркин фикрловчи, масъулиятли, салоҳиятли, билимли ва маънавий етук шахс бўлиб шаклланиши учун зарур бўлган маънавий муҳитни қарор топтириш ташкил этади. Миллий тарбия асосларини эгаллаш натижасида юксак интеллектни камол топтириш, айниқса, ёш авлод онги - шуурида маънавий-ахлоқий, инсонпарварлик ва демократик кадриятларга ҳурмат туйғусини камол топтириш ва уни таълим-тарбия жараёни билан уйғунлаштириш, ҳамда уни аниқ истикболли мақсадга йўналтириш жамиятнинг янада юксалишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу ўринда яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида Олий ўқув юртининг бакалавриат босқичи ижтимоий-гуманитар йўналишидаги мутахассисликлар гуруҳи мураббийлари учун “Мураббий – кадриятларимиз тарғиботчиси” номли услубий қўлланманинг чоп этилиши Олий ўқув юрти бакалавриат босқичи Иқтисодиёт, молия ва бизнес йўналишидаги талабалар гуруҳлари мураббийлари ҳамда ушбу йўналишдаги лицей ва коллежларидаги тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва гуруҳ мураббийлари учун ҳам ўқув-услубий қўлланмани ёзиб нашр этдиришни лозим кўрдик.

Қўлингиздаги ушбу ўқув-услубий қўлланмада асосан кадриятлар тизимини уч босқичдан иборат қилиб баён қилишни мураббийлар ўз олдиларига мақсад қилиб кўядилар. Умумбашарий аҳамиятга молик кадриятлар, жумладан, иқтисодиёт бўйича халқаро нобель мукофотиغا сазовор бўлган олимлар ва унинг асосий ғоялари ва х.к. Умуминтақавий ёхуд миллий аҳамиятга эга бўлган кадриятлар, жумладан юртимиздан чиққан миллатимизнинг фаҳрига айланган алломалар, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Замахшарий, Улуғбек, Бехбудий, Мунаввар Қори, Чўлпон, Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом ва шунингдек И.Каримов, И.Мўминов ва бошқалар билан талабаларни таништириш назарда тутилади. Шунингдек Республикамизда ном қозонган ТДИУдан чиққан машҳур иқтисодчи олимлар билан ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий кадриятларни тарғиб қилишни ҳам муаллифлар асосий вазифа қилиб оладилар.

Республикамизда иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаб берадиган энг йирик ўқув маскани бу ҳеч муболағасиз Тошкент Давлат Иқтисодиёт

Университетидир. Илм-фанни янада ривожлантириш, иктидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун ушбу масканда барча шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда талаба-ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи мураббий олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Мураббий ўз фаолиятида талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, “оммавий маданият” ҳуружларидан ҳимоя қилишга, ҳамда ёш авлодни жисмонан бақувват маънавий баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни айниқса спортга қизларни жалб этишга доир комплекс чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган иш режасига эга. Ана шу режа асосида иқтисодчи-мураббий ўзбек халқининг маънавий меросидаги энг гўзал анъаналардан бири устоз – шогирд тизимига таянган ҳолда уни ҳаётга тадбиқ этишга бўлган интилиш ётади. Бу анъанага мувофиқ мураббий ва ўқитувчилар ўзларида бор билим ва салоҳиятларини келажак авлод тарбиясига сафарбар этиб келганлар. Шу билан бирга у тарбия жараёнида шогирднинг фақат билим ва кўникмаларинигина эмас, балки инсонийлик фазилатларининг ҳам тўлақонли шаклланишига имкон яратиб келган. Шунингдек, Шарқ халқлари маданиятининг таркибидан ўрин олган бу мазкур тизим шогирднинг ижтимоий муҳит талабларига нисбатан кучли масъулият туйғусининг қарор топтиришга хизмат қилишдан ташқари устознинг ҳам шогирдлари, жамоаси олдида ўта кучли ижтимоий масъулиятининг ошишига хизмат қилади. Устоз-шогирд муносабатлари тизими аудиториядан ташқарида ҳам ва ҳатто умрининг охиригача ҳам давом этувчи барқарор муносабатлар сифатидаги аҳамиятини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимлигини таъкидламоқ керак. Қўлингиздаги “Қадриятлар – иқтисодчи мураббий нигоҳида” деб номланган ўқув-услубий қўлланма халқимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланиб, бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган миллий меросимизни тарғибот ва ташвиқот қилишнинг ўзига хос янги усули бўлиб, у ўз навбатида мураббийлик анъанасининг лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларидаги ўрнини янада кучайтиришга қаратилган маърифий тадбирлар тизимидир. Ушбу услубий қўлланма мураббийлар учун тарбиявий соатларда олиб бориладиган халқимизнинг алломалари, эътиборга молик саналар, байрамлар, қадрият мақомига эга бўлган алоҳида кунларига доир дарслар мавзуларини қамраб олади. Мавзуларни танлаш ва ёритишда муайян фанлар доирасидан ташқаридаги маълумотлар беришга, тарбиявий аҳамиятга молик ҳодисаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қўлланмани яратишдан мақсад олий ва ўрта махсус таълим соҳаларида таълим ва тарбия жараёнида халқимизнинг миллий–маънавий қадриятлари билан ёш авлодни таништириш, уларда инсонийлик

фазилатларини қарор топтиришдан иборат. Талаба ёшларнинг катта ҳаётга қадам ташлашга чоғланаётган, дунёқараш ва мақсадлари шаклланиб, жамиятда ўз ўрнини топишга интилаётган бир пайтда уларни ўраб турган муҳит, инсонлар, жамиятга муносабатини белгилашда миллий маънавий тарбиянинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилди. Миллий педагогиканинг отаси Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда : “ Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир”.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Уни тўлиқ оқилона эгаллаш ва ривожлантириш эса ҳозирги авлоднинг асосий вазифасидир. Ёш авлоднинг миллий қадриятлар руҳида тарбияланишининг ўзи ҳам муайян хулқ маданиятини таркиб топтиришга имкон туғдирди.

Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарор ва фармонлар, ёшларга мустаҳкам билим олиши учун кенг имкониятлар яратилаётганлигининг яна бир бор исботидир. Бунга жавобан биз ёшларни тарбиялашда ва уларга билим беришда барча куч - ғайратимизни аямаслигимиз лозим.

Ушбу китоб олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичи талабалари гуруҳ мураббийлари, ўрта махсус таълими муассасалари: иқтисодиёт, бизнес ва молия йўналишидаги лицей, коллеж раҳбарлари, ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ўқитувчилар ва тарбиячилари учун ўқув-услубий қўлланма сифатида тавсия этилади. Унда ўқув йилининг бошланиши, яъни 1 сентябрдан бошлаб то 1 июлгача ўтказиладиган тадбирлар режалаштирилган, бу тадбирларга тайёргарлик кўриш учун материаллар мужассамланган.

Ўқув юртларида таълим-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилиши ҳамда самарадорлиги дарсдан ташқари мустақил ишларнинг қай даражада ташкил этилишига кўпроқ боғлиқдир. Талабаларнинг билими, интизоми, жамоат ишларида фаоллиги, одоб-ахлоқи муайян даражада аудиториядан ташқаридаги ишлар ёрдамида шаклланади, камол топади. Бунинг самараси айниқса ўқув-тарбиявий ишлар бўйича мутасаддилар, гуруҳ раҳбарларининг ўз ишларига қай даражада масъулият билан ёндашишига боғлиқдир. Ушбу ишлар яхши йўлга қўйилган ўқув юртлари гуруҳларидан жамиятимиз учун билимли, жамоатчи-фаол, ёшларнинг кўп чиқишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб туради.

“Барчамизга аёнки, - деган эди Президентимиз, - инсон қалбига йўл аввало таълим –тарбиядан бошланади, шунинг учун қачонки, бу ҳақда гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот-ўқитувчи, мураббийларнинг олийжаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз”(Юксак маънавият - енгилмас куч” (130 бет). Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, технократик жараёнлар ҳар қанча қудрат касб этмасин, бу ҳаётни олдинга бошлайдиган, унга маъно-мазмун бахш

этадиган куч барибир маданият ва маънавият бўлиб қолаверади. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш – энг долзарб ва устувор вазифалардан бири экан, уларнинг амалга оширишда энг авало – мураббийларга сабр - тоқат тилаймиз. Юртимиз фарзандларини келажакка тайёрлаш, халқ учун, мамлакат учун зарур бўлган илмли, одобли, мард ва жасур соғлом инсон қилиб тарбиялаш сизга боғлиқ, азиз мураббий! Мазкур дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш режаси ва қўлланма мамлакатимизда илк маротаба матбуотда чоп этилаётганлиги сабабли, унда баъзи бир жузъий камчиликлар мавжуд бўлиши табиий.

Шу боис муаллифлар мазкур қўлланмага оид барча танқидий фикр ва мулоҳазаларингизни катта мамнуният билан қабул қилишга ва уларни қайта ишлаб такомиллаштиришга доим тайёр эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтишни ўзларининг бурчи деб тушунадилар.

Муаллифлар

СЕНТЯБРЬ

Душанба		6	13	20	27	
Сешанба		7	14	21	28	
Чоршанба	1	8	15	22	29	
Пайшанба	2	9	16	23	30	
Жума	3	10	17	24		
Шанба	4	11	18	25		
Якшанба	5	12	19	26		

Сентябр ойининг иш режаси

1. Янги ўқув йили ва мустақиллик кунини тантанали нишонлашга тайёргарлик кўриш тадбири.
2. Мустақиллик кунига бағишланган махсус курс дастури бўйича ўқув-услубий хужжатларни тайёрлаш.
3. Мустақиллик кунини тантанали ўтказиш.
4. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети тарихи билан талабаларни таништириш.
5. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг “Корпоратив одоб-ахлоқ кодекси”ни ўргатиш.
6. Биринчи курс талабаларининг қасамёдини ўтказиш.
7. Деворий газеталар чиқариш.
8. Иқтисодиёт олимлари хақида суҳбатлар.
9. Давлат Мадҳияси оҳанглари остида янги ўқув йилининг биринчи дарсига кириш.
10. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
11. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
12. Фикх илми Афлотуни Бурхониддин Марғиновий таваллуд топган кунига бағишлаб давра суҳбати ўтказиш.
13. Ал-Беруний қомусий олим мавзуида заковат кунини ўтказиш.
14. Гуруҳларда фаоллар сайлаш ва қайта сайлаш йиғилишларини ўтказиш.
15. Нобель ким? Нобель мукофотлари кимга ва нима учун берилади? мавзусида маъруза тинглаш.
16. Талабаларни мустақил ишлашини ташкил этиш режасини тузиш.
17. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети музейига экскурсия

- ташқил этиш.
18. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг ахборот ва ресурс марказига таширишни ташқил этиш.
 19. Талабаларни фан тўғаракларига жалб қилиш.
 20. Спорт тўғараклари ва мусобақаларини ташқил этиш.

Сентябр ойининг муҳим саналари.

- 1-сентябр. Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллик” байрами куни (1991).
- 2-сентябр. Янги ўқув йили ва билимлар куни (1991).
- 4-сентябр. Абу Райхон Беруний таваллуд топган кун.
- 5-сентябр. Тошкентнинг бош майдонига “Мустақиллик майдони” номи берилган кун (1991)
- 6-сентябр. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ташқил топган кун.
- 7-сентябр. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташқил топган кун.
- 8-сентябр. Халқаро саводхонлик куни (1966).
- 8-сентябр. Журналистларнинг халқаро бирдамлик куни (1958).
- 9-сентябр. “Жаҳон ҳусн ва гўзаллик куни”.
- 10-сентябр. “Халқаро тинчлик куни” (1981).
- 17-сентябр. Ёзувчи ва драматург Абдулла Қаххор таваллуд топган кун.
- 23-сентябр. Фикҳ илми афлотуни Бурхониддин Марғиноний таваллуд топган кун.
- 27-сентябр. Халқаро сайёҳлик куни (1980).

1 - ҲАҒТА

Аблат Абдулло

Ватаним, сени

Сехри ила табиат агар,
Дарахт қилиб яратса мени.
Шу ондаёқ томирларим-ла
Қучар эдим, Ватаним, сени.

Ё, шарқироқ сой бўлиб қолсам,
Бағрингда оқардим, ўйноқлаб.
Тафт-меҳрингдан парга айлансам,
Ёғар эдим ёмғирлар бўлиб.

Бўлиб қолсам баҳор шамоли,
Сочларингни суйиб тарардим.
Гар кўкдаги юлдуз бўлқолсам,
Жамолинга тўймай қарардим.

Қуйлар эдим, ифтихорланиб
Инсонман деб,-сенда тўралган,
Яшайпман, меҳрингга қониб,
Эркалатдинг туғилган ондан.

Ватан, менинг тақдирдошимсан,
Меҳрибоним ўзинг тоабад.
То тирикман, ўчмагай асло,
Юрагимда ёнган муҳаббат!

Ватанимиз мустақиллиги учун курашган қаҳрамонлар:

Тўмарис

Шуниси ҳайратомузки, ўрта аср шоири христианлар учун ғайридин ҳисобланган массагетлар маликасини Аърофга жойлаштириб, христиан дини арбоблари, Рим папаси, кардинал, епископ ва қироллардан устун қўяди. Уларни эса дўзахга, ҳатто Папани дўзахнинг саккизинчи қаватига жойлаштиради. Тўмарис адолат, озодлик, мустақиллик учун курашгани туфайли маъжусий бўлса ҳам аърофдан жой олади.

Фозила Сулаймонова

Зардуштийликдан Шарқ тафаккурига, ўзбек миллий дунёқарашига мерос бўлиб қолган муҳим сифатлардан бири инсон эрки, озодлиги, ўзлигини ватан, тупроқ, ўзига тегишли бўлган ҳудуд озодлиги орқали идрок этиш бўлди. Ўзбек халқи тарихида миллий қаҳрамонлар сифатида гавдаланган Муқанна, Широқ, Тўмарис, Спитамен каби тарихий шахслар билан боғлиқ тарихий воқеалар миллий ўтмишимизда ватан шаъни, шавкати, ор-номуси масаласининг ҳар қандай омилдан устун эканлигидан дарак беради.

Биргина Тўмарис мисолида келтирадиган бўлсак, «бадий адабиётларда массагетлар маликасининг ёрқин образи минг йиллар давомида асардан асарга, хусусан Ҳеродотдан кейин грек, рим адиблари асарларига, ва, ниҳоят, V асрда яшаган тарихчи Павел Орозийнинг «Жаҳон тарихи асарига ўтди», деб таҳлил қилар экан Фозила Сулаймонова, Тўмарис образининг Данте Алигьери ижодида илоҳийлаштирилгани ҳақида ёзади.

Тўмарис (мил. авв. 6-аср.) - Турон халқларининг аҳомонийлар босқинига қарши курашига раҳбарлик қилган жасур саркарда. Қадимги юнон тарихчиси Геродот «Тарих» (мил. авв. 5-аср.) асарида ёзилишича, Ахомонийлар давлати асосчиси Кир II мил. ав. 530 йилда Туронга бостириб кирганида Тўмарис массагетлар қабиласининг маликаси бўлган. Массагетлар бу пайтда Амударё (Ўзбўй) бўйлари ва Қорақум саҳросининг шмолий сарҳадларида яшашган. Тўмарис массагетлар подшосининг хотини бўлиб, у эрининг вафотидан сўнг давлатни бошқарган.

Эрондан келган босқинчилар қўшини билан массагетлар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Дастлабки жангда Тўмариснинг ўтли Спаргалис (Сипарангиз) бошчилигидаги массагетлар лашкари ғолиб чиққан. Бироқ кейинги жангда форслар ҳийла йўли билан Спаргалис ва айрим массагетларни асир олишганда, ор-номусга чидай олмаган Спаргалис ўзини ўлдирган. Тўмарис ўғлининг ҳалокатидан эсанкираб қолмай, ўз халқининг манфаатини ўйлаб, Кир II дан массагетлар юртидан чиқиб

кетишини сўрайди. Бироқ форслар шоҳи рад жавобини бергач, икки ўртада аёвсиз жанг бўлган. Геродот массагетлар ва форслар ўртасидаги жанг тафсилотларини ўз асарида қуйидагича тасвирлайди: «Менинг билишимча, бу жанг варварлар ўртасидаги барча жанглардан ҳам даҳшатли бўлган. Аввал ҳар иккала қўшин бир-бирини узоқ масофадан туриб, камондан ўққа тутдилар. Камон ўқлари тугагач, улар найза ва қилич билан курашдилар. Жанг узоқ вақт давом этди. Кўп қон тўкилди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозондилар. Форс қўшинларининг асосий қисми, жумладан Кир II ҳам, жанг майдонида ҳалок бўлган. У тўлиқ 29 йил шоҳлик қилган эди. Кир II нинг жасади топилгач, малика Тўмариснинг буйруғи билан унинг кесилган боши инсон қони билан тўлғазилган мешга солинган».

Тарихий маълумотларга кўра Кир II (Қуруш Кайхусров)нинг ўлими эр.аввалги 529 йил 16 август куни бўлганлиги тўғрисида қайд қилинади. Чунки ўша куни қуёш тўлиқ тутилганлиги аниқланган. Астрономик ҳисоб-китобларга кўра бу ходиса (яъни қуёшнинг тўлиқ тутилиши) Амударёнинг Каспийга қуйиладиган ирмоғи Ўзбўй соҳилларида эр.аввалги 529 й 16 август куни содир бўлганлиги аниқланган.

Тўмариснинг жасорати ва ҳарбий-сиёсий фаолияти тўғрисида халқ дostonлари яратилди, жангнома ва ривоятлар тўкилди. Эргаш Жуманбулбул ўғлидан Ҳоди Зарифов ёзиб олган «Ойсулув» дostonида Турон мамлакатининг подшоси Ойсулув образида Тўмарис фаолияти ўзининг бадиий талқинини топган. Ёзувчи Миркарим Осим «Тўмарис» қиссасида унинг жасоратини улуғлайди. Иброҳим Юсупов «Тўмарис» (1974) дostonини ёзган, композитор Улуғбек Мусаев шу номли балет (1982)ни сахналаштирган. Ўзбекистонда аёллар ўртасида мунтазам равишда «Тўмарис ўйинлари» фестивали ўтказилиб туради.

«Тўмарис ўйинлари» фестивали Ўзбекистоннинг миллий спорт ўйинлари мусобақаларидан бири бўлиб, икки йилди бир марта ўтказилади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» давлат дастури (1999 йил 18 феврал) асосида ташкил қилинган. Ундан кўзда тутилган мақсад хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш билан бир қаторда, улар орасидан маҳоратли спортчи қизларни тайёрлашдир. Фестивалда халқ миллий ҳаракатли ўйинлари: «Отиб қочар», «Отишма», «Тортишмачоқ», арқонда сакраш, тўп улоқтириш, қўл кучини синаш, «Барчиной тестлари» бўйича мусобақалар бўлади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Халқ қаҳрамони Тўмарис ҳақида қандай афсоналарни биласиз?
2. Тўмарис ҳақида қайси адабий асарларни ўқигансиз?
3. Тўмарис қаби ватан қаҳрамонларининг жасоратлари миллий мустақиллик даврида қандай аҳамиятга эга?

2-ҲАФТА:

ИЛМ – МАЪРИФАТ КУНИ

Абу Райҳон Беруний

“Миллий тарихимиз яна бир ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳақиқий баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон ХІ асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замандошларича баҳо беришда ҳам ўта ҳолислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган. Шу боис ҳам у ҳаётда кўп азиятлар чеккан, ҳатто умрининг охирида турмуш қийинчиликларига дучор бўлган аммо ҳар қандай оғир шароитга қарамасдан, эътиқодидан қайтмагани унинг ўз маънавий идеалларига нақадар содиқ бўлганидан дарак беради.”

Ислом Каримов

(Юксак маънавият - енгилмас куч. 42-43 бетлар)

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний милоднинг 973 йили 4 сентябрда Хоразмнинг ўша пайтдаги пойтахти Кат шаҳрининг чекка маҳаллаларидан бирида дунёга келган. Хоразмда шаҳарлар асосан икки қисмга бўлиб қурилар эди. Шаҳарнинг маркази «Шаҳри Дорун» (Ичон қалъа) деб номланиб, унда асосан сарой, ҳукмдор оиласи, саройдаги мансабдор шахслар, идоралари ва уйлари давлат аҳамиятига молик иншоотлар ва шу қабилар жойлашган. Шаҳри Дорунни ўраб олган маҳаллалардан иборат «Шаҳри Берун» (Дешон қалъа)да эса хунарманд косиблар ва бошқа турли хил табақа фуқаролари истиқомат қилишган.

Берунийнинг онаси ўтин териб сотиб кун кечирувчи ўта камбағал аёл бўлгани маълум. Отаси эса, у ҳали гўдаклигидаёқ оламдан ўтиб кетган. Айтишларича, бир куни онаси Хоразм ҳукмдорларидан бири бўлган Африғийлар сулоласига мансуб бадавлат Абу Наср ибн Али ибн Ироқ ҳузурига етти яшар ўғли Аҳмадни ўз қарамоғига олишини илтижо қилиб борган. Ибн Ироқнинг кампирга раҳми келиб, болани олиб қолган. У боланинг ўта зийраклигини кўриб, унга бор меҳрини бериб, тутинган ўғли сифатида тарбиялайди. Ибн Ироқ, ўз даврининг йирик математик олими бўлиб, 21 та асар ёзиб қолдиргани маълум. Шундан 18 таси Абу Райҳон Берунийга бағишлаб ёзилган.

995 йилда Сомонийлар салтанатига қарам бўлган, кейинчалик мустақил давлатга асос солган Гурганж ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад Кат шаҳрини босиб олиб, ўлканинг ягона ҳукмдорига айланади. Шу билан бирга у Хоразмшоҳ унвонини ҳам қўлга киритади.

Хоразмда Маъмунлар сулоласи (Маъмун ибн Муҳаммад — 995—997, Али ибн Маъмун - 997—1009, Абулаббос Маъмун ибн Маъмун - 1009—1017) ҳукмронлик қилган даврда илм-маърифатга илиқ. муносабат қарор топган эди. Гурганжга дунёнинг турли бурчакларидан олимлар, мутафаккирлар келар эди. Беруний ҳам ана шу олимлар даврасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. У Хоразмшоҳ Али ибн Маъмуннинг энг яқин маслакдоши ва маслаҳатчисига айланади. Абулаббос Маъмун ибн Маъмун даврида эса унинг суянчиғи бўлиб қолади, илмий-тадқиқот ишларини мамлакат манфаатлари билан уйғунлаштиришдек масъулиятли иш билан бир қаторда, Беруний ўлкада сув тармоқлари ва тақсмотини тартибга солиш, уни назорат қилишдек ўта муҳим топшириқни ҳам бажарар эди.

1017 йилда тинч, осуда кечаётган ҳаёт жаҳонгирликка даъвогар Маҳмуд Ғазнавий томонидан бузилиб, Хоразм тўла Ғазнавийлар салтанати таркибига киритилади. Саройдаги донгдор олимлар қаторида Беруний ҳам янги салтанатнинг пойтахти Ғазна шаҳрига олиб кетилади. У Ғазнавийлар саройида қолган умрини тўлалигича илмга бағишлади. Буюк олим томонидан 152 та асар ёзиб қолдирилгани маълум. Шундан бизгача 30 га яқини етиб келган. Лекин ана шу кам сонли асарларнинг ўзи ҳам Берунийнинг жаҳон фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдиришига сабаб бўлди.

Берунийнинг бизгача етиб келган асарларидан энг муҳимлари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (1000), «Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўли» (1016), «Геодезия» (1025), «ат-Тафҳим» (1029), «Ҳиндистон» (1030), «ал-Қонун ал-Масъудий» (1036), «Минеро-логия» (1040), «Китоб ас-сайдана фит-т-тиб» (1048) ва, шунингдек, «Беруний билан Ибн Сино савол-жавоблари» (тах-минан 997—998) каби асарлардир.

Буюк ватандошимиз фаннинг турли соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борди ва уларни яна бир поғона юқори кўтарди. Табиатшунослик фанларининг мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиқиши ва шаклланиши аслида Европада XVII асрда эмас, балки Ўрта Осиё мутафаккирларининг тинимсиз изланишлари орқали IX—XI асрларда рўй берган эди. Жуда кўп илм соҳаларнинг мустақил фан бўлиб шаклланишида Берунийнинг ўлмас асарлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. У илгари сурган илмий ғояларнинг тўғрилиги фақатгина XIX аср охирларига келиб ўз тасдиғини топди. Хусусан, Беруний нур кичик заррачаларнинг тўлқинсимон ҳаракатидан таркиб топганлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган эди. Бу борада Ньютон XVII асда «нур корпускула (заррачалар)» назарияси бўйича кашфиёт қилади. «Сайдана» ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари эса этнография фанларининг кейинги мустақил рипозлаиши учун асос яратиб берди.

Беруний ижтимоий фанлар соҳсида ҳам бир қатор муҳим инқилобий характерга эга бўлган ғояларни илгари сурган эди. Хусусан, географик муҳитнинг ижтимоий тараққиётдаги ҳал қилувчи роли, нурнинг моддий хусусияти, гелиоцентрик ва геоцентрик назарияларнинг тенг аҳамиятга эгаллиги ҳақидаги ғояла-ри ва бошқалар ижтимоий-гуманитар ҳамда

табиатшунослик фанлари асосларининг яратилишида хал қилувчи аҳамият касб этган эди. Беруний ўзининг “Минералогия” (“Китоб ал-Жавоғир”) номли қомусий асарида иқтисодий-ижтимоий муносабатларга, маъданиларнинг алмашиш қонуниятларига алоҳида эътибор қаратилганини кўрамыз. Академик И.Мўминов бу борада шундай деган эди: “Берунийнинг таъкидлашича, айтиб бир пайтда махсулотларнинг айримларининг шу ерда етишмовчилиги ва бошқа жойда ортиқчалиги уларни алмаштириш заруриятини туғдиради ва бу жараён сарф қилинган меҳнат миқдори асосида амалга оширилиши таъкидланган. Бундай кашфиёт инглиз иқтисодчи олими Адам Смит ва бошқалар томонидан Берунийдан кейин эътироф этилди”

Буюк олимнинг асарлари Шарқ мутафаккирлари орасида жуда машҳур бўлган бўлса-да, Ўрта аср Оврупо мутафаккирлари ҳамжамиятида кенг тарқалмади. Инглиз қироли Генрих III нинг саройида табиблик қилган П. Алфонс Берунийнинг «Сайдана» ва «Минералогия» асарларини латин тилига қисқартирилган ҳолда таржима қилган. Ундан узоқ йиллар унумли фойдаланган. Кейинчалик у «ал-Қонун ал-Масъудий» китобининг катта қисмини ҳам таржима қилган. Асар Франциянинг Монпелье шаҳрида қайта-қайта кўчирилган. «Бу асарлар Франция мактаблари ва университетларида ҳозиргача ўрганилиб келинади».

Оврупо Беруний асарлари билан том маънода XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб таниша бошлади. Француз М. С. Рено, италиялик Б. Бонкомпани, австриялик Э. Захау таржималари олимга кенг шуҳрат олиб келди.

Берунийнинг ижоди Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари томонидан муносиб баҳоланди. Машҳур араб сайёҳи ва географи Ёкут Ҳамавий (XII аср охири - XIII аср бошлари) Берунийнинг «ал-Қонун ал-Масъудий» китоби ҳақида тўхталиб, бу асар «астрономия ва математика соҳасида ёзилган барча китобларнинг изини ўчириб юборди», — деб ёзган эди.

Беруний билан бир даврда яшаган машҳур тарихчи Абул Фазл Байҳакий: «Бундан анча олдин мен устоз Абу Райҳон қўли билан ёзилган китобни кўрган эдим. Бу одам илми адабда, нарсаларнинг моҳиятини аниқлашда, хандаса ва фалсафада шу қадар билимдон эдики, замона илм ва ақлда унга тенг келадиган бошқа одамни кўрмади», — деб қайд қилган.

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон» асарларини биринчи булиб инглиз тилига таржима қилган австриялик Э. Захау: «Беруний шарқ уммони узра улуғвор қояга ўхшайди Уни ҳеч ким билан қиёслаб бўлмайди», — деб ёзган бўлса, ҳинд олими С. К. Чаттержи: «Ўрта асрда қадимги юнон, ҳинд ҳамда араб (мусулмон) дунёсининг фани ва маданиятини чуқур ўзлаштириб, қамраб олган фақат бир киши бўлган. У ҳам бўлса ўлмас Абу Райҳон Беруний эди», - деб юксак баҳо берган. Америкалик машҳур олим Ж. Сартон: «Жаҳон фани тарихининг XI асри биринчи ярмини ҳеч муболағасиз Абу Райҳон Беруний асри деб аташ лозимдир», - деб олимнинг инсоният илмий тафаккури тараққиётидаги ўрнини юксак баҳолайди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Абу Райҳон Берунийнинг қандай асарларини биласиз?
2. Беруний ҳақида қимматли адабий, илмий асарлар ёзган?
3. Берунийнинг жаҳон илми таракқиётида ўрни қандай?

3-ҲАФТА:

Иқтисодиёт Университети академиклари

Аминов Олим Мўминович – Олим, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик. 1906 йилда Қўқонда туғилган. 1932-1934 йилларда Қўқон шаҳрида Давлат пахтачилик институтининг ташкилотчиси ва директори, 1944-1948 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясидан Иқтисод институтининг биринчи директор ва Академиянинг илмий котиби, 1948-1966 йилларда Тошкент тўқимачилик ва Халқ хўжалиги институтининг ўқитувчиси ва кафедра мудири вазифаларида ишлаган.

1966 йилда Тошкент Давлат университети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг директори бўлиб фаолият кўрсатган. 70дан ортиқ илмий асарлар муаллифи.

О.Аминов асарларида иқтисодиёт, Ўрта Осиё иқтисоди тарихига оид масалалар чуқур ёритиб берилган. 1958 йилда нашр этилган “Экономическое развитие Средней Азии в колониальный период” номли монографиясида Ўрта Осиёнинг мустамлака давридаги иқтисодий ривожланишнинг ҳамма асосий томонлари тасвирланган. Тошкент Халқ хўжалиги институтининг “Иқтисод” кафедраси О.Аминов раҳбарлигида “Экономическая история Узбекистана” (1917-1967) монографиясини нашр қилди. Иқтисодиёт бўйича ўзбекча илмий терминология яратишда ҳам профессор О.Аминовнинг хизматлари катта.

О.Аминов фақат Ўзбекистонда эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам иқтисодиёт фанини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё иқтисодий тарих мактабини яратувчиларидан ва асосчиларидан бўлган.

Иқтисод ва тарих фанлари соҳасида малакали илмий кадрлар (60 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари) тайёрлаганлар. Бир қатор Халқаро ва Республика илмий конференция ҳамда симпозиумларида иштирок этган. О.Аминов бир қанча илмий журналларнинг ҳайъат аъзоси, Республика Фанлар академияларининг илмий-муаммо Кенгашларининг аъзоси, ўзбек Қомусининг бош таҳрир ҳайъати аъзоси бўлган.

Академик О.Аминов 1981 йил 22 октябрда вафот этган.

Искандаров Иброҳимжон – Иброҳимжон Искандаров иқтисод фанлари доктори, профессор. ЎзР ФА академиги, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

1932 йил 8 майда Чимкент вилояти, Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1949 йилда ўрта мактабни тамомлаган. 1953 йилда Тошкент Молия иқтисод институтини имтиёзли диплом билан тугатган. 1958-1961 йилларда Москва Давлат иқтисодиёт институтининг аспирантурасида таҳсил олган. 1962 йилда номзодлик ва 1969 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ўз меҳнат фаолиятининг Бухоро вилоятида оддий молия хизматчисидан бошланган И.Искандаров Ўзбекистон Республикаси Давлат режалаш қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Олий Советининг депутатлигига, фан соҳасида эса кичик илмий ходимдан то Ўзбекистон ФА вице-президенти лавозимига бўлган йўлни босиб ўтган. У Ўзбекистон Республикаси ФА Президиумининг Бош илмий котиби лавозимида ҳам ишлаган. И.Искандаров қатор иқтисодий илмий муассасаларга, жумладан, ЎзР ФА Иқтисодиёт институтига, Тошкент Халқ хўжалиги институтига, ЎзР ФА Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши кабиларга раҳбарлик қилган.

И.Искандаров Ўзбекистонда ижтимоий фанларни ва айниқса, иқтисодий фанларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. У муҳим иқтисодий дастурларнинг муаллифи бўлиб, 400 дан ортиқ илмий асарлар нашр этган. Унинг илмий асарлари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий юксалишини назарий стратегик ва мустақилликнинг интеграция жараёнларини долзарб муаммоларини таҳлили этишга бағишланган. Олим 40 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодларини етиштирган, кўплаб орден ва медаллар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

И.Искандаров бир неча бор хорижий мамлакатларда: АҚШ, Италия, Ҳиндистонда, шу жумладан, Туркияда ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этиб, улар билан ҳамкорлик ишларини мустаҳкамлашда фаол қатнашган. У “Ўзбекистон-Туркия” дўстлик жамиятининг Президенти лавозимида ишлаган ва ЎзР ФАда чоп этиладиган “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналининг муҳаррири бўлган.

Ҳозирги кунда у ЎзР ФА Иқтисодиёт институти бўлимининг раҳбаридир. И.Искандаров Америка Биография институти томонидан 1998 йилнинг жаҳондаги 500 машҳур шахслар рўйхатига киритилган ва махсус китобида нашр этилган йирик иқтисодчи олимдир. Йирик иқтисодчи олим И.Искандаров 500 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

Ким Владимир Васильевич – Иқтисод фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

1929 йил 25 сентябрда Хабаровск ўлкасининг Бикине шаҳрида туғилган. 1937 йилда Узоқ Шарқдан Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманига келишган. 1946 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтининг “Молия” факультетида ўқишга кириб, уни 1950 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. Давлат комиссияси йўлланмаси асосида Самарқанд вилояти бўйича тафтиш ишлари юзасидан назоратчи лавозимида тавсия қилинган. 1953 йилда Тошкент Молия-иқтисод

институти кундузги бўлимининг “Молия” мутахассислиги аспирантурасига қабул қилинган. 1956 йил сентябр ойидан ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1963 йилдан эса доцент ва “Қишлоқ хўжалик иқтисоди” кафедраси мудири лавозимларида ишлаган. 1961 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1969 йилда катта илмий ходим лавозимига ўтказилган ва 1972 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган. Аграр-иқтисод фанига катта ҳисса қўшганлиги учун 1979 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзолигига сайланган. 1981 йилда В.В.Ким “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонига сазовор бўлган. 1982 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумининг “Фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқшунослик” фанлари бўлимининг академик-котиби лавозимида ишлаган. 1985 йилдан В.В. Ким Тошкент Халқ Хўжалиги институтининг ўқув бўлими ишлари бўйича проректори ва 1987 йилдан эса илмий ишлар бўйича проректор лавозимида 1994 йилгача ишлаган. Сўнгра Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ректори маслаҳатчиси бўлиб ҳозирги кунгача ишлаб келмоқда. Иқтисодчи олим В.В. Ким раҳбарлигида тўртта фан доктори ва 32 та фан номзодлари етишиб чиққан. В.В. Ким йирик иқтисодчи олим бўлиб, унинг беш монографияси ва 150 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

Шарифхўжаев Мурод – иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий. 1932 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1949 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан, 1953 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтини имтиёзли диплом билан битирган. 1956 йилда аспирантурани тугатган ва шу институтда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 1959 йилда фан номзодлиги, 1974 йилда эса фан докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1976 йилда унга профессор илмий унвони берилган. 1989 йилда Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси ва 1995 йилда ФАнинг академиги этиб сайланган. М.Шарифхўжаев 1975-76йилларда Ўзбекистон Давлат режа қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий илмий-текшириш институтининг директори, 1976-86 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ректори, 1986-90 йилларда Давлат қурилиш қўмитасига қарашли Қурилиш мажмуалари раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқлараро институтининг проректори, 1990-91 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бош илмий котиби, 1994-95 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган.

М.Шарифхўжаев 1991-2005 й.й Тошкент Молия институтининг ректори, 2005-2006 й.й Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси лавозимларида ишлади. Академик М.Шарифхўжаев фундаментал илмий ишлари билан иқтисодиёт фанини бойитган, ўзининг илмий

мактабини яратган, айниқса, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги даврида бозор муносабатларига ўтиш бўйича қатор концепцияларни ишлаб чиқишда салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олимдир. У киши томонидан нашр этилган тадқиқотларнинг умумий ҳажми 200 босма табоқдан ошган бўлиб, 250 дан зиёд илмий асарлари ва мақолалари эълон қилинган. Шулар жумласида 9 та монография ҳамда Россия иқтисодиёт Академияси олимлари билан ҳамкорликда ёзилган “Экономическая теория” дарслиги (1999), Германия олимлари билан ҳамкорликда чоп этилган “Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти” дарслиги (2000) ва “Менежмент” ўқув қўлланмаси (2000) ҳам бор. Унинг илмий тадқиқотлари Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва ўз тараққиёт моделини яратишга, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини, халқнинг моддий фаровонлигини, маънавий юксаклигини оширишга, молия-кредит механизми ва солиқ тизимини такомиллаштиришга бағишланган. Академик М.Шарифхўжаев иқтисодиёт соҳасида мактаб яратган олимдир. Унинг раҳбарлигида 5 та фан доктори, 48 та фан номзоди тайёрланган. 15 тадан ортиқ монография ва илмий тўпламларнинг масъул муҳаррири бўлган хурматли устозимиз 2008 йилда вафот этган.

Саидахрор Саидахмедович Ғуломов – Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Саидахрор Саидахмедович Ғуломов 1947 йил 25 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1964 йилда ўрта мактабни “аъло” баҳоларга тугатди. 1969 йилда Тошкент Халқ хўжалик институтини имтиёзли диплом билан муваффақиятли тамомлагандан сўнг, мазкур институтнинг “Иқтисодий кибернетика” кафедрасида тадқиқотчи-шогирд лавозимида ишга қолдирилди. 1970-1973 йилларда Г.В.Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалик институтининг кундузги бўлим аспиранти бўлиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1973-1980 йилларда Тошкент Халқ хўжалик институтининг “Иқтисодий кибернетика” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади. 1980-1981 йилларда М.В.Ломоносов номи Москва Давлат Университетида катта илмий ходим лавозимида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1982-1988 йилларда Тошкент Халқ хўжалик институтида профессор, декан, ўқув ишлари бўйича проректор вазифаларида ишлаб келди. 1988 йилда муқобиллик (альтернатив) асосида ректор лавозимида сайланди.

1998-2004 йилларда Саидахрор Саидахмедович Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимида ишлади. 1991 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилди. 1995 йилда эса Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. 2002 йилда “Дўстлик” орденига сазовор бўлган. 2004-2006 йилларда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида ректор бўлиб ишлади. С. Ғуломов томонидан Ўзбекистон Республикасида

узлуксиз иқтисодий таълим концепцияси яратилди. Республикамизда биринчи бўлиб ТДИУ қошида “Бизнес мактаби”, “Ихтисослаштирилган Олий бизнес мактаб”ларини очилишида академик С.Ғуломовнинг хизматлари беқиёс. 2006 йилнинг апрель ойидан то ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимида ишлаб келмоқда.

Турсунмухамедов Саттор Пазилхакович - 1929 йил 11 январда Чимкент вилоятининг Туркестон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Дастлабки меҳнат фаолиятини 1944 йилдан бошлаган. Колхозчи, фабрика ишчиси (1944-1946) бўлиб ишлаган, меҳнат fronti катнашчиси. 1947 йилда ўрта мактабни тугатиб, Ўрта Осиё Университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирган ва 1952 йилда уни муваффақиятли тамомлаган. 1955 йилда Тошкент молия-иқтисод олийгоҳининг аспирантурасини битириб ва шу ерда ишлашга қолган. Турсунмухамедов С. бу даргоҳда 24 йил ишлаб оддий ассистент лавозимидан профессор даражасига ўсди. 1964 йилдан 1976 йилгача Тошкент халқ хўжалиги институтида (ҳозирги Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети) кафедра мудири бўлиб ишлади.

С.П.Турсунмухамедов 1976 йилнинг май ойидан 1979 йилнинг август ойига доир Тошкент Давлат Университети қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институтининг директори лавозимида ишлади. 1979-1983 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ректори бўлди. 1983-1985 йиллари Тошкент халқ хўжалиги (ҳозирги Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети) фалсафа кафедрасини бошқарди. 1985-1993 йилларда Тошкент Давлат университети қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтида ижтимоий-сиёсий муносабатлар назарияси кафедра мудири. 1993 йилда эса ТошДУ қошидаги Олий Педагогика институти директори вазифаларда фаолият кўрсатган.

1994-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясида эксперт гуруҳи раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

1995 йилдан тош 2005 йил июн ойига қадар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетида ўқиш сифатини назорат қилиш бўйича инспекцияси бошлиғи ва политология кафедрасининг профессори лавозимида ишлаган.

2005 йил сентябр ойидан ҳозирги кунга қадар Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Фалсафа кафедраси профессори лавозимида фаолият юритмоқда.

С.П.Турсунмухамедов ўз меҳнат фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан узвий боғлаган. У 1960 йилда М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида фалсафа факультетида номзолик диссертациясини ёқлади. 1970 йил Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1972 йилда профессор илмий унвони

берилган. У 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоларига сайланган. 2000 йил май ойидан ЎзРФА академигидир.

С.П.Турсунмухамедов умумий ҳажми 160 табоқдан ошиқ бўлган. 130 дан ортиқ турли монографиялар, рисоалар, ҳар хил тўпламлар, газета ва журналлардаги илмий мақолаларнинг муаллифи ҳисобланади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнати, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, мулкдорлар синфининг шаклланиши, жамиятнинг ижтимоий таркиби каби муаммолар талқини билан яқиндан қизиқади.

С.П.Турсунмухамедов бир қанча халқаро, республика ва олийгоҳлараро ўтказилган илмий-назарий ва услубий анжуманлар қатнашчиси.

С.П.Турсунмухамедов Олий малакали жамиятшунос-мутахассислар тайёрлаш ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг бевосита раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан доктори ва номзодлари тайёрланган. У докторлик ва номзодлик ишларини ҳимоя қилиш бўйича ташкил этилган бир қанча махсус илмий Кенгашлар раиси ва аъзоси бўлган.

С.П.Турсунмухамедов муносиб хизматлари учун бир қанча ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. Унга «Шавкатли меҳнати учун» медали (1970), «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахри унвони (1979) берилган. У «Ўзбекистон халқ маорифи аълочисидир» (1979).

Муҳокама учун саволлар:

1. Юқорида номлари тилга олинган олимлар Республикада иқтисодий фанлар бўйича илмий салоҳиятни кўтаришда қандай ҳисса қўшганлар?

4-ҲАФТА

1- мавзу. 17-сентябр-Абдулла Қаҳҳор (1907-1968)

таваллуд топган кун

Абдулла Қаҳҳор 1907 йилда Қўқон шаҳрида қосиб оиласида туғилди. Унинг болалик йиллари Фарғона водийсида ўтган. Абдулла Қаҳҳор 1919-1924 йилларда аввал бошланғич мактабда, сўнг Қўқон педагогика техникумида ўқиди. 1925 йилда Тошкент шаҳрига келиб, «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва «Муштум» журналы редакцияларида адабий ҳодим бўлиб ишлади. Шу билан бирга, Абдулла Қаҳҳор ўқишни ҳам давом эттирди. 1926 йилнинг кузида Ўрта Осиё Давлат Университетининг ишчилар факультетига ўқишга кириб, 1926 йилда уни муваффақиятли тамомлади ва Қўқон шаҳрига қайтиб, «Янги Фарғона» газетаси редакциясида бўлим мудири бўлиб ишлади. Бўлажак ёзувчи 1930 йилда Тошкентга кўчиб келди ва шу йили кузида Ўрта Осиё университетининг педагогика факультетига кириб, ўқий бошлади.

Абдулла Қаҳҳор газета ва журнал редакцияларида хизмат қилиб юрган вақтларида адабиётга ҳаваси ортади ва ёзувчиликка қизиқиши

уйғонади. 1924 йилдан бошлаб кичик фельетонлари билан «Қизил Ўзбекистон», «Янги Фарғона» газеталари ва «Муштум» журнали саҳифаларида кўринади. Абдулла Қаҳҳор ижодининг юксалишида ўзбек классик адабиёти ва халқ оғзаки ижоди, шунингдек, рус адабиётини ўрганиш катта таъсир кўрсатади. Бу тўғрида ёзувчининг ўзи шундай дейди: «Рус тилини маълум даражада ўзлаштириб, китобни мустақил ўқишга қодир бўлганимдан кейин Гоголнинг зехнимда умрбод қолиб кетган образларидан бири Тарас Бульба бўлади: барваста, бақувват, иродаси темир, ўртоқларига меҳрибон бўлган бу чол кўз олдидан сира кетмайди, ҳамма вақт худди яқиндагина кўрганга ўхшаб тураман».

Улуғ Ватан уруши йилларида битилган «Асрор бобо» ҳикоясини ёзишда мен «шу ерда туриб Берлинга ўт кўяётган» Асрор бобони Тарас Бульбанинг Ўзбекистондаги ўртоғи бўлиши керак, деб қўлимга қалам олган эдим, деб таъкидлайди ёзувчи Абдулла Қаҳҳор рус адабиётининг энг яхши асарлари намуналарини ўзбек тилига таржима қилишга ҳам катта ҳисса қўшган. У А.С.Пушкиннинг «Капитан қизи» повестини, Н.В.Гоголнинг «Ревизор» ва «Уйланиш» комедияларини, Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романининг биринчи ва иккинчи томларини, А.П.Чеховнинг бир қанча ҳикояларини, А.М.Горькийнинг «Менинг университетларим» повестини, К.А. Тренёвнинг «Любовь Яровая» пьесасини ўзбек тилига таржима қилишда маҳорат кўрсатган. Адиб таржима давомида рус ёзувчиларининг ижод «мактаби» дан ҳаётий сабоқ олади.

Ўттизинчи йилларда асосан «Бемор», «Анор», «Ўғри» каби ўтмиш ҳақидаги кичик прозаик асарлари билан танилган Абдулла Қаҳҳор, секин-аста замонавий мавзуда ҳикоя ва йирик проза асарлари ёзишга киришди. «Сароб» романи ёзувчининг бу соҳадаги биринчи, лекин дадил қадамидир.

Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повестида муҳим воқеа - халқ ташаббускорлиги ва бунёдкорлиги авж олиб бораётганлигини бадиий образлар орқали юксак маҳорат билан ёрқин тасвирлайди. Бу жиҳатдан, «Синчалак» повести ўзбек халқи маънавий тараққиётида муҳим воқеадир. Шунинг учун ҳам бу асар рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилиниб, нашр этилди ва кенг китобхонлар оммасига манзур бўлди.

Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси раҳбарларидан бири бўлган Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги йилларида «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» пьесаларини, «Ўтмишдан эртаклар», «Муҳаббат» сингари қиссаларини ёзади.

Абдулла Қаҳҳор мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди. «Шоҳи сўзана», «Ўтмишдан эртаклар» турли давлат мукофотлари билан тақдирланди.

А.Қаҳҳор узоқ вақт давом этган оғир касалликдан сўнг, 1968 йили 25 майда вафот этди. Машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Абдулла Қаҳҳор халқ хотирасида мангу яшайди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Абдулла Қаҳҳор асарларидаги ўзига хос қандай хусусиятлари бор?
2. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси асарларини ўқигансиз?
3. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” асарида қандай воқеалар баён қилинади?

2-мавзу. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети тарихи

- 1918 йил** – Туркистон халқ университетида тижорат соҳаси мутахассислари тайёрловчи қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.
- 1924 йил** – Туркистон халқ университети тижорат соҳаси мутахассислари тайёрловчи қисқа муддатли ўқув курслари асосида Ижтимоий-иқтисодий факультети ташкил этилди.
- 1925 йил** – Туркистон халқ университети Ижтимоий-иқтисодий факультети ижтимоий фанлар факультетига айлантирилди, ушбу факультет базасида эса маҳаллий хўжалик ва ҳуқуқ факультети ташкил этилди.
- 1931 йил** – Тошкент шаҳрида кейинчалик Ўрта осие давлат савдо ва кооперация институти бирлаштирилиб, Ўзбек халқ хўжалик институти деб номланган Режа институтини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.
- 1931 йил** – 13 августда Ўрта Осие молия-иқтисод институти ташкил этилди. Шу йил 31 августдан бу институтнинг номи Тошкент молия-иқтисод институти деб атала бошланди. Ушбу кун ҳар йили Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ташкил топган санаси сифатида нишонланади.
- 1946 йил** – Иккинчи жаҳон уруши йилларида Олма-ота шаҳрига эвакуация қилинган Ленинград ҳисоб-иқтисод институти Тошкент молия-иқтисод институти таркибига қўшилди. Иккита янги факультет: кредит-иқтисод ва ҳисоб-иқтисод факультетлари очилди.
- 1947 йил** - Ўрта Осие ва Қозоғистон республикалари саноати ва қишлоқ хўжалигига мутахассислар тайёрловчи режа-иқтисод факультети ташкил этилди.
- 1948 йил** – Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим оловчи мутахассис-иқтисодчиларни тайёрлайдиган кечки факультет очилди.
- 1955 йил** – Сиртқи факультет ташкил этилди. Бу факультет кейинчалик умуқиқтисод ва ҳисоб-иқтисод мутахассисликлари факультетларига ажратилди.
- 1962 йил** – Тошкент молия-иқтисод институти Тошкент халқ хўжалиги институтига айлантирилди.
- 1967 йил** – Тайёрлов курслари очилди. Бу курслар асосида 1970 йилда Тайёрлов бўлими ташкил этилди.
- 1968 йил** – Иқтисодий кибернетика факультети ташкил этилди.

Иқтисодчилар тайёрлаш ўқув режалари математика фанлари ҳиссасини ошириш асносида кучайтирилди.

1970 йил – Савдо-иқтисод факультети ташкил этилди. Бизнес мутахассисликлари ўқув режа ва дастурлари амалий бизнес фанлари ҳисобига кенгайтирилди ва кучайтирилди.

1973 йил – Кечки факультет таркибида Тошкент текстил комбинатидаги филиал ташкил этилди. Кейинчалик Самарқанд, Қарши ўқув-маслаҳат марказлари, Андижон, Қўқон филиаллари, умумиқтисодий сиртки факультетнинг янги шахобчалари очилди.

1981 йил – Савдо-иқтисод факультети таркибидан ажралиб чиққан меҳнат иқтисоди ва таъминоти факультети ташкил этилди.

1991 йил – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 июндаги Фармони билан Тошкент халқ хўжалик институти Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига айлантирилди.

5- ҲАФТА:

Бурҳониддин Марғинович

“Ўзининг беқиёс салоҳияти билан буюк илмий мактаб яратиб, гўзал Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ислом ҳуқуқшунослигининг яна бир улкан намояндаси Бурҳониддин Марғиновичнинг таббаррук номини бутун мусулмон дунёси юз йиллар давомида эъзозлаб келади. Бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида “Бурҳониддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг хужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди.

Марғиновичнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобдан иборат “Ҳидоя” -“Тўғри йўл” деб аталган асарининг, мана, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани, албатта, бежиз эмас.”

Ислом Каримов

«Ислом дарахти Арабистонда кўкариб гуллаган бўлса меваси Мовароуннаҳрда етилган». Бу ўлкада кўплаб азиз авлиёлар, шайхлар, алломалар етишиб чиққан. Марғинович, Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Занги ота, Нажмиддин Кубро, Юсуф Ҳамадоний, Ғиждувоний, Нақшбандий, Хожа Аҳрор Валий ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Ал Ҳидоя» асари муаллифи Бурҳониддин Марғинович 1123 йил 23 сентябрда Марғилон шаҳрида таваллуд топди. Самар ва у ерда қандда ўқиган шайхулислом номига эришган. Кейинчалик ўғли бу ишни давом эттирган деган маълумотлар бор.

Манбаларда қайд этилишича, Бурҳониддин Марғинович Фарғона водийсидаги Рожиддин кишлоғида туғилиб, Марғилоннинг Пирсиддиқ маҳалласида 13 йил яшаган ва кейин Самарқандга ҳижрат қилган. «Ал Ҳидоя» китобининг биринчи қисми шу ерда ёзилиб, қолган қисми Самарқандда давом эттирилган. 1178 йили асар ёзиб тугалланган.

Тўлиқ исми Абулҳасан Али ибн Абубакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Риштоний ал-Марғинович (1123 йил 23 сентябр, Риштон тумани, Даҳбет қишлоғи — 1197 йил 29 октябр, Самарқанд) — буюк факих, имом. Даставвал отаси Абубакр ибн Абдулжалил, сўнг Симом Баҳоуддин Али ибн Муҳаммад Асби-жобий кўлида таҳсил кўрди. Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Моворауннахрнинг бошқа шаҳарларида исломий таълим олиб, ҳанафий мазҳабининг буюк фақиҳи сифатида ном қозонди. Шайхулислом бўлиб етишди. 1149 йили ҳаж сафарига борди. Бурҳониддин Марғинович Самарқанд шаҳридаги Чоқардиза қабристонида дафн этилган.

Бурҳониддин Марғинович фикҳ бўйича асосий асари «Бидоят ул-мубтадиъ» («Бошловчилар учун қўлланма»)ни ҳанафий назарияси, шариат асосчиларидан Абул Ҳасан ал-Қудурий ва Муҳаммад аш-Шайбоний асарларига таяниб ёзган. Бурҳониддин Марғиновичнинг ушбу китоби назарий асар эди, ундан амалий жиҳатдан фойдаланиш қийин бўлган. Шу сабабли Бурҳониддин Марғинович нинг ўзи 8 жилдли шарҳ — «Кифоят ул-Мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълимот»)ни ёзишга қарор қилган. Кейинчалик бу китоби асосида «Китоб ал-Ҳидоя» (қисқача номи «Ҳидоя» — «Тўғри йўл»)ни яратади (1178). Бурҳониддин Марғинович бу китобда ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли жуда кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берди. Мазкур китоб нафақат Моворауннахрда, балки бутун ислом шарқида бир неча тилларга таржима этилиб маълум ва машҳур бўлиб кетди. Бу китоб фикҳ илми бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар бўлган. Ундан асрлар давомида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича нуфузли ҳуқуқий манба — асосий қўлланма сифатида фойдаланилган. Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам «ҳидоят йўлининг сарбони» дея катта ҳурмат-эътибор топти. Бурҳониддин вал-милла (ислом динининг далили, исботи) деган шарафли номга сазовор бўлди.

Аллома яна бир қанча асарлар ёзган: «Нашр ал-мазҳаб» («Мазҳабнинг тарқалиши»), «Китоб ат-тажнис вал-мазийд» («Фуқаролик ҳуқуқини тақвим этиш»), «Китоб ул-фароиз» мажбуриятлар ҳақида китоб», «Зийд фи фуру ул-ҳанафий» («Ҳанафий мазҳабида қўшимчалар») шулар жумласидандир. У ўз асарларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчиликнинг турли шакллари (давлат ва сиёсий мулкчилик), жиноят ва жазонинг ҳуқуқий жиҳатларини, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, жиноий ишни кўриш масалаларини батафсил ёритиб берди. Бу асарларда адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, эганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби тушунчаларнинг моҳияти очиқ берилган. Бурҳониддин Марғиновичнинг ўзи ҳаёти давомида ана шундай инсоний фазилатларга амал қилиб яшади. Илму урфон йўлидаги фидойилиги, камтаринлиги, ўз асарларида бирон

марта ҳам «мен» деган сўзни ишлатмай, ҳокисорлик билан изох беришида кўриниб туради.

Бурҳониддин Марғиновийнинг илмий мероси ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳондаги кўп олий ўқув юртларида мусулмон ҳуқуқшунослиги Бурҳониддин Марғиновийнинг фикҳ таълимоти асосида ўрганилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг унинг илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, асарларини чоп этиш ишларига катта эътибор берилга бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан Бурҳониддин Марғиновий вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2000) кенг нишонланди. Шу муносабат билан Марғинов шаҳри марказида Бурҳониддин Марғиновий ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий макбараси ўрнатилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Бурҳониддин Марғиновий илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида гапириб беринг
2. Бурҳониддин Марғиновийнинг қайси асарларини биласиз?
3. Бурҳониддин Марғиновийнинг ислом илми тараққиётидаги ўрни қандай?

ОКТАБР

Душанба		4	11	18	25
Сешанба		5	12	19	26
Чоршанба		6	13	20	27
Пайшанба		7	14	21	28
Жума	1	8	15	22	29
Шанба	2	9	16	23	30
Якшанба	3	10	17	24	31

Октябр ойининг тахминий иш режаси.

1. Сентябрь ойи иш режасининг бажарилиш таҳлили.
2. Октябр ойи иш режасини тузиш ва тасдиқлаб олиш.
3. Устоз ва мураббийлар кунини тантанали нишонлаш.
4. ТДИУнинг устоз-мураббийлари билан танишиш.
5. Ёзувчи Мирзакалон Исмоилий таваллуд топган кунига бағишланган давра-сухбати ўтказиш.
6. Ота – оналар мажлисини ўтказиш.
7. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
8. Марказий Осиё мутафаккир олимларидан Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино ҳақида суҳбат.
9. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
10. Тозалик кунини ўтказиш.
11. "Қобуснома" ҳақида суҳбатлар уюштириш.
12. Спорт мусобоқаларини ўтказиб бориш.
13. Ёзувчи Пиримкул Қодиров таваллуд топган кунни нишонлаш тадбирини тузиш.
14. Мамлакат ва дунё янгиликларидан хабардор қилиб бориш.
15. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОга аъзо бўлганлиги тўғрисида суҳбатлар.
16. Тўғрақлар ишини текшириш.

Октябр ойининг муҳим саналари.

- 1-октябр. Устоз ва мураббийлар куни (1997).
 1-октябр. Халқаро қариялар куни (1991).
 1-октябр. Халқаро мусиқа куни.
 5-октябр. Халқаро ўқитувчилар куни (1954).
 5-октябр. Халқаро шифокорлар куни (1984).
 6-октябр. Санъаткор ёзувчи, моҳир таржимон Мирзакалон Исмоилий таваллуд топган кун.
 11-октябр. Ўзбек театршунос арбоби, актёр, режиссёр Маннон Уйғур таваллуд топган кун.
 21-октябр. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берлиган кун (1989).

21-октябр. Нобель Альфред туғилган кун (1833).
24-октябр. Халқаро бирлашган миллатлар ташкилоти куни (БМТ 1945).
26-октябр. Ёзувчи Пиримқул Қодиров таваллуд топган кун.
27-октябр. Истеъдодли шоир Рауф Парфи таваллуд топган кун.
29-октябр. Ўзбекистон ЮНЕСКО га аъзо бўлган кун.

6– ҲАФТА

1-мавзу. Иқтисодиёт Университети ректорлари

- | | |
|----------------------|------------------------------|
| 1. Холиқов И.У. | - 1931-1934 йиллар. |
| 2. Сейдузов С.С. | - 1934-1938 йиллар. |
| 3. Сирихов К.А. | - 1938-1940 йиллар. |
| 4. Попов М.Г. | - 1940-1943 йиллар. |
| 5. Власенко | - 1943-1945 йиллар. |
| 6. Каракозов Е.А. | - 1945-1947 йиллар. |
| 7. Турсунов М.Т. | - 1947-1952 йиллар. |
| 8. Қориев М.М. | - 1952-1974 йиллар. |
| 9. Искандаров И.И. | - 1975-1976 йиллар. |
| 10. Шарифхўжаев М.Ш. | - 1976-1986 йиллар. |
| 11. Зоитов М.А. | - 1986-1988 йиллар. |
| 12. Ғуломов С.С. | - 1988-1998 йиллар. |
| 13. Алимов Р.Х. | - 1999-2004 йиллар. |
| 14. Ходиев Б.Ю. | - 2006-2010 йиллар. |
| 15. Жумаев Н.Х. | - 2010 йилдан ҳозирга қадар. |

2-мавзу. Миллий тарбиянинг отаси Абдулла Авлоний ҳақида

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар долзарб ва муҳим бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Ислом Каримов

Абдулла Авлоний – ўзбек педагогикасининг отаси, миллий маданиятнинг етакчи вакилларида бири, шоир, драматург, журналист, жамоат арбоби. 1878 йилда Тошкентда ҳунарманд оиласида дунёга келган. Ёшлигида эски мактабда савод чиқаради. XX асрнинг бошларида жаидлар ҳаракатига қўшилиб, 1904 йилда Тошкентнинг Миробод мавзесида янги усулдаги мактаб очади. 1907 йилда «Шухрат» газетасини чиқара бошлайди. Авлоний миллий-маданий тараққиётнинг мактаб-тарбия ва матбуот соҳаси ривожига жуда катта ҳисса қўшган адибдир. Унинг 1909 – 1917 йиллар давомида мактаб болалари учун ёзилган ўндан ортиқ китоби пайдо келди. Адибнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» каби дарсликлари, «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами инқилобга қадар бир неча бор қайта нашр этилди. Авлонийнинг «Учинчи муаллим», «Мактаб жўғрофияси», «Ҳисоб масаласи» каби нашр юзини кўрмаган дарсликлари мавжудлиги ҳам маълум. Мазкур асарлар ўзбек педагогикаси тараққиётига олиб келган муҳим манбалар сирасига киради. Авлоний ижтимоий-сиёсий, маданият соҳасидаги қарашларида мактаб ҳаётига катта эътибор бериши, унинг сиёсий қарашларида миллий тарбия ролининг жуда юқори қўйиши билан белгиланади. Авлонийнинг жаид сифатида ўзига хос жиҳати ҳам шундаки, унинг қарашларида миллий тарбия миллатни шакллантиради, унинг келажagini ҳал этишда асосий ўрин эгаллайди, деган фикр устун туради.

1913 йили Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби босилиб чиқади. Мазкур асар юқори синф ўқувчиларига дарслик сифатида ёзилган бўлиб, жаид маърифатчилигининг ноёб ҳодисасидир. Унда ёшларнинг руҳий, ахлоқий ҳамди миллий-маънавий тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Унда «ахлоқ», «ақл», «зийраклик», «ҳаққоният» категориялари қаторида «Ватан» «Ватан туйғуси», “Ватанга муҳаббат”, “Оила”, “Миллат” тушунчаларига ҳам жиддий эътибор бериб таърифланади, ўртасидаги боғланиш қонунияти кўрсатиб берилади. Ушбу асарда Туркистон фарзандларининг камол топишларида зарур бўлган инсоний фазилатлар ва зарур асослар бирма- бир таҳлил этилади. Авлонийга 1927 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвони, 1930 йилда

«Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори» унвони берилди. Авлоний 1934 йили 25 августда вафот этди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўзингиз севган устозларингиз ҳақида гапириб беринг
2. Устозлар ҳақида шеърлар ёдлаб беринг.
3. Авлонийнинг «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» китоби ҳақида гапириб беринг.

7-ҲАФТА

Абу Наср Форобий (873-950)

Форобий уни таҳаллуси бўлиб, тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон – жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусий олим. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожининг номи билан боғлиқ. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муалим ас-соний” – “Иккинчи муалим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастуси” деб юритилган.

Форобий туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб-Ўтрор деган жойда туғилган. У туғилган ҳудуд Сомонийлар томонидан бошқарилиб, араб халифалигининг шимолий чегараси ҳисобланган. Форобий бошланғич маълумотини она юртида олди. Сўнг Тошкент, Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Боғдодга келди. У бу ерда ўрта аср фани ва тилининг турли соҳалари, юнон фалсафий мактаблари билан чуқур танишиб, ўзга диний эътиқод, фалсафий фикрдаги кишилар билан илмий мулоқотда бўлди. Абу Башар Матта ибн Юнусдан (870-940) юнон тили ва фалсафасини, Юҳанна ибн Хийлон (860-920)дан табобат ва мантиқ илмини ўрганди. Айрим маълумотларга қараганда, у 70дан ортиқ тилни билган. Форобий 949-950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқда яшаб, шу ерда вафот этган ва “Боб ас-сағир” қабристонига дафн қилинган дейилади. Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изохлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар; 2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар. Олим

қадимги юнон мутафаккирлари – Платон, Аристотель, Эвклид, Птоломей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган.

Фаробийнинг асарларини мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағишланган асарлар: “Субстанция ҳақида сўз”, “Масалалар манбаи”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида” ва б.,

2. Инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган, яъни билишнинг шакллари, босқичлари, усуллари ҳақидаги асарлар. Мантиқнинг турли муаммоларига доир асарлари ҳам шунга киради: “Катталарнинг ақли ҳақида сўз”, “Ёшларнинг ақли ҳақида сўз”, “Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб”, “Мантиққа кириш китоби”, “Исбот китоби”, “Силлогизм шартлари китоби”, “Жоннинг моҳияти ҳақида рисола” ва б.,

3. Фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлар: “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи”, “Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз”, “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги ҳақида китоб”, “Фалсафага изохлар” ва б.,

4. Модданинг миқдори, фазовий ва ҳажмий муносабатларини ўрганишга бағишланган, яъни математика фанлари – арифметика, геометрия, астрономия ва музикага оид асарлар: “Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз”, “Фазо геометриясига кириш ҳақидаги қисқартма китоб”, “Астрология қоидалари ҳақида мулоҳазаларни тўғрилаш усули ҳақида мақола”, “Музика ҳақида катта китоб”, “Музика ҳақида сўз”, “Ритмлар туркумлари ҳақида китоб” ва б.,

5. Модда хоссалари ва турларини, ноорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсонлар организмнинг хусусиятларини ўрганувчи, яъни табиий фанлар – физика, кимё, оптика, медицина, биологияга бағишланган асарлар: “Физика усуллари ҳақида китоб”, “Алкимё илмининг зарурлиги ва уни инкор этувчиларга раддия ҳақида мақола”, “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Ҳайвон аъзолари тўғрисида сўз” ва б.,

6. Тилшунослик, шеърят, нотиклик санъати, хаттотликка оид асарлар: “Шеър ва қофилар ҳақида сўз”, “Риторика ҳақида китоб”, “Луғатлар ҳақида китоб”, “Хаттотлик ҳақида китоб” ва б.,

7. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга бағишланган, яъни ҳуқуқшунослик, этика, педагогикага доир асарлар: “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Шаҳарни бошқариш”, “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб”, “Фазилатли хулқлар” ва б.

Фаробийнинг табиий-илмий фанлар ҳақидаги қарашлари “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” асарида батафсил ёритилган. Китобда ўрта асрда маълум бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифи, аҳамияти кўрсатиб берилади. Барча фанлар беш гуруҳга ажратилади: 1.

Тил ҳақидаги илм. 2. Мантиқ ва унинг бўлаклари. 3. Математика. 4. Табиатшунослик ва метафизика. 5. Шаҳар ҳақидаги фанлар.

Фаробий ақлли инсон ҳақида гапириб бундай ёзади: “Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроққа эга бўлганларни иқлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим”.

Муҳокама учун саволлар:

1. Фаробий ижодидаги тассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.
2. Фаробийнинг қайси асарини ўқигансиз?

8-ҲАФТА

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.

Абдулла Авлоний

Сизга маълумки тилнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни бекиёсдир. Мутафаккирларнинг бир тоифаси диний мафкуранинг кучли таъсири остида тилга илоҳий тус беришга, яна бирлари эса тил табиий эҳтиёж орқали содир бўлган ижтимоий ҳодиса тушунтиришга уринганлар. Лекин ҳар иккала нуқтаи назар тарафдорлари ҳам тилнинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси эканлигини эътироф этганлар. «Кишилар ўртасидаги алоқа воситаси» тушунчасининг мазмун-моҳиятига чуқурроқ назар ташласак, тилнинг инсоният равнақи йўлидаги такрорланмас хизматининг тўлароқ намоён бўлишини ҳис қиламиз. Кишилар ўртасидаги алоқа воситаси деганда минг йиллар мобайнида тўпланган ҳаётий тажрибаларни муайян тизимга солиб, кейинги авлодларга қолдириш, шунингдек, аجدодлар томонидан илғаб олинган нарсаларни кейинги авлодлар томонидан қайта кашф қилишнинг олди олиш тушунилади, унга сарф қилинадиган вақт ва меҳнат тежаблиб, аجدодларимиз назари қаратилмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурлар ҳосил қилишга йўналтириш, бу тасаввурлар доирасининг муттасил кенгайтириб бориш ва дунё тўғрисидаги тасаввурларимизни янада сайқаллаштириш назарда тутилади.

Қисқаси, тил кишиларда атроф-муҳитга инстинктлар ёрдамида эмас, балки онгли муносабатда бўлиш жараёнини бошлаб берувчи бош элементдир. Ўз навбатида, тилга, табиий ҳамда ижтимоий муҳит талаблари асосида содир бўлувчи ҳодиса сифатида баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Инсоннинг барча онгли ҳаёти бевосита тил ва у орқали олинган ахборотлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам XX асрнинг машхур мутафаккирларидан бири Л.Витгенштейн, «Менинг тилимнинг чегараси менинг дунёимнинг чегарасини белгилаб беради», деганида тўла ҳақли эди.

Миллатнинг ўзига хослиги, унинг дунёни ўзига ҳос англашига қараб, бу ўзига хослик ана шу миллатнинг тили орқали намоён бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, тилнинг миллат тақдирида нақадар юксак аҳамият касб этишини илғаб олса бўлади.

Дарҳақиқат, тилнинг вужудга келиши айна пайтда дунёнинг ўз-ўзини англаш эволюциясининг ўта муҳим инқилобий босқичи эканлигини, бу эса, ўз навбатида, тирик организмлар ривожланишининг инстинктлар босқичидан кейинги дунёни англаш босқичига ўтишдан гувоҳлик берувчи ижтимоий ҳодиса эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай тил (шу жумладан миллий тиллар ҳам) табиий ва ижтимоий муҳит воқелигини инъикос эттирувчи, ана шу муҳитнинг кўз илғамас, ўта нозик жиҳатларини ҳам тўлиқ акс этдира оладиган ноёб ҳодисадир. Ҳар қандай миллатнинг ички, маънавий руҳиятини айнан ана шу миллатнинг тилигина раво ифода эта олади. Бундан келиб чиқиб **тил миллат маънавиятининг моддий ифодаси сифатида у миллатнинг энг улуғ қадриятидир, деб баҳо берсак, ҳеч муболага бўлмас, деб ўйлаймиз.**

Кўпинча миллий тилларнинг тақдири сиёсий муносабатларнинг ҳолати билан бевосита уланиб кетганлигидан огоҳ бўласан киши. Яъни, ҳар қандай мамлакатда олиб борилган ёки олиб борилаётган тил сиёсатининг айна пайтда миллий сиёсатнинг асоси қилиб олиниши ҳам шундан бўлса керак. Унитар давлатда олиб борилган тил сиёсати марказлашган давлатнинг сиёсий мақсадидан келиб чиққан ҳолда содир бўлади. Бунга мустақиллигимизгача бўлган мустабид тузумда олиб борилган тил сиёсатини мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин.

Бундан шу нарса маълум бўладики, жамиятнинг бош сиёсий ташкилоти (давлат)нинг қолган барча ижтимоий муносабатлар тизимининг қарор топишидаги ҳал этувчи таъсир кучига эга эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Мамлакат ва халқимиз тақрида «Давлат тили тўғрисидаги қонун»нинг қабул қилинганлигининг аҳамияти тўғрисида сўз кетганида яна бир нарсани эътибордан четда тутиш асло мумкин эмас деб ўйлайман. Ахир «Давлат тили ҳақидаги қонун»нинг давлат мустақиллигидан қарийиб икки йил муқаддам, собиқ мустабид тузум ҳали тўла ҳукмрон бўлиб турган замонда қабул қилинганлигини назарда тутадиган бўлсак, мазкур қонуннинг қабул қилиниш жараёни ҳам ўта мураккаб вазиятда содир бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Албатта, бундай шароитларда халқимизнинг илғор вакилларида улкан фидоийлик талаб қилинганлиги аниқ. Мафкуравий яқка ҳокимлик ҳукмрон жамиятларда миллий сиёсат ҳукмрон сиёсий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда юритилади. XX асрнинг

80-нчи йиллар бошларида динга қарши олиб борилган тазйиқ сиёсати миллий тилимизга ҳам таъсир қилмасдан қолмади.

Албатта, мамлакат, тарих учун йигирма йиллик муддат жуда қисқа. Лекин, айти пайтда, бу анчагина салмоқли муддат ҳам ҳисобланади. Шу ўтган вақт мобайнида ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ижобий томонга ўзгарганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур. Агар Собик иттифоқ даврида 70-80 йилларда ўзбек тилида 600-650 номда китоб нашр қилинган бўлса (унинг ҳам аксарият қисми мактаб дарсликларидан таркиб топганлигини назардан қочирмаслигимиз керак), мамлакат мустақиллигидан 17 йил ўтиб, бу рақам 2500-2600 тага ошганлиги, дарслик, ўқув қўлланмалар бошқа тилдан қилинган таржималар бўлмасдан, халқимиз, Ватанимизнинг ўзига хослиги тўла инобатга олинган соф, эркин, ижодий жараённинг махсули эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишимиз керак. Яна шунингдек, ўтган асрнинг 80-нчи йилларида ўзбек тилида бор йўғи 16 номда журнал чоп этилган бўлса бугунги кунда 100 дан ортиқ номда журналлар ўзбек тилида нашр қилинмоқда.

Умуман, XX асрнинг 80-нчи йилларида умумэътироф этилган қоида мавжуд бўлган: бирон-бир тил ўз халқини замон талабларига мос келувчи ахборотлар билан етарли равишда таъминлашлари учун камида бир йилда 15-16 минг номда китоб, 2000 та журнал, 450-500 номда газета нашр қилиниши керак бўлган. Ҳозирда замонанинг илғор зиёлиси бўлиши учун янада кўпроқ ҳажмдаги маълумотлар билан таъминланиш зарур бўлади. Лекин бунда ҳозирги замон кишисида Интернет тизими орқали олинadиган ахборотлар билан ўз эҳтиёжини маълум даражада қондириш имконияти ҳам мавжуд.

Ўзбек тилида нашр этиладиган матбуот саҳифаларидан олинаётган ахборотлар ҳажми бошқа тилни билмайдиган кишининг илғор замонвий зиёлиси бўлиб етишиши учун етарли эмас. Бу ўринда мамлакатда ҳукм суриб турган маънавий муҳитнинг характери (яъни, аксарият фуқаролар дунёқарашининг динийми ёки дунёвий мазмунга эгаллиги) ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бунда, албатта, ўқимишлилик даражаси, гносеологик муҳит ва унинг савия даражаси каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Собик иттифоқ даврида, аниқроғи, ўтган асрнинг 70-нчи йилларида Иттифоқдош республикаларда (маҳаллий тилларда) энциклопедиялар нашр этишга рухсат этилди. Ўзбекистонда ўзбек тилида нашр этиладиган энциклопедия 14 томдан иборат қилиб белгиланди. Адади (тиражи)ни эса 50 минг нусха бўлиши керак эди. Аҳолиси 14-15 миллион фуқароси бор республика учун шу миқдор етарли деб топилган эди.

Энциклопедиянинг давлат томонидан чоп этилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, тилнинг грамматик қонун ва қоидаларга мувофиқ ифода этиш усуллари катъий қарор топа боради. Яна шунингдек, давлат манфаатларига мос берилган маълумотлар берилиши кафолатланади. Бу эса жуда муҳим.

Ҳозирги пайтда XIX асрнинг охирларида чоп этилган Буюк Британия энциклопедиясида дунёда фақат қайд этилган тилларнинг умумий сони 6,5

минг эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган эди. Жаҳон аҳолиси 2,5 минг тилда ўзаро мулоқотда бўлаётганлиги тўғрисида маълумотлар кенг тарқалган. Шулардан 50-60 тага яқин тиллардагина тўлақонли дунёвий фанлар ўқитилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, кўз олдимизга дунёнинг тил манзараси яққол намоён бўла боради. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар қандай тилни инсоният учун ноёб ходиса сифатида эътироф этишимиз зарур.

Жаҳон халқларининг тиллари ўртасидаги муносабатлар тобора тез суръатлар билан ўзгараётган халқаро муносабатлар ва жаҳон иқтисодий муносабатларидаги кескин ўзгаришлар билан бевосита чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлади. Ижтимоий ҳаётнинг тез ўзгариши эса информацияларнинг инсоният тақдиридаги ролининг кескин ортиб бориши билан боғлиқ.

Лондондаги стратегик тадқиқотлар институтининг берган маълумотларига кўра, XIX аср охиригача инсоният томонидан яратилган информация (билим)лар миқдорида тенг бўлган ахборотлар XX аср охирида 8 соат ичида яратилаётган экан. Бундай кескин ўзгаришлар суръатига мос тарзда ана шу ахборотларни ифода этувчи тиллар таркибида ўзгаришлар бўлиши ҳам табиийдир. Масалан, илгари учрамаган бирон-бир нарсa ва ходисанинг муайян ҳолатини акс эттирувчи янгилик тушунча, атамаларда ифода этилади. Ҳар йили ана шундай илмда янги тушунча ва атамалар инглиз тилида 3 мингтани ташкил этар экан. Рус тилида эса бу 1 мингга тенг.

Тилимизнинг ифода имкониятларини кенгайтириш, жаҳон тилларга қиёсан тилимизга сайқал беришни кечиктириб бўлмас ниҳоятда муҳим вазифа қилиб белгилаб олишимиз лозим. Ижтимоий тараққиёт суръатлари шу қадар шиддат билан ҳаётимизни ўзгартираяптики, буни ўз вақтида илғаб олмаслик ва уни тил ва тафаккуримизда акс этирмаслик қолоқликка сабаб бўлиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бундай инқилобий ўзгаришлар юқини фақатгина санокли тилларгина кўтара олишлари мумкин бўлади. Тилимизнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиёда фақатгина ўзбек тили бундай оғир юқни елкасига олишга қодир деб айта оламиз. Лекин бу юқни кўтариш учун тинимсиз изланиш, машаққатли машқ қилишни кучайтириш керак. Тил мустақиллиги учун кураш пировард натижада мамлакат мустақиллигини қўлга киритишимиз учун пойдевор яратган бўлса, эндиликда тилимизнинг тараққиёт топиши муайян даражада давлат томонидан ўтказилаётган тил сиёсатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш билан бирга, мазкур мақомни амалга ошириш учун улкан масъулиятни ҳам ўз зиммасига олаётганлиги тилимизнинг кейинги равнақи учун кафолат бўлиб хизмат қилажак.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбек тилининг шаклланиш тарихида алоҳида ҳисса қўшган алломалар ҳақида гапириб беринг .
2. Нима учун миллий тил яшаса миллат яшайди?
3. Ўзбек тили ҳақида қайси шеърларни биласиз?

9- ҲАФТА

Нобель ким? Нобель мукофотлари кимга ва нима учун берилади?

Нобель мукофоти тўғрисида кенгрок тушунчага эга бўлиш учун Нобеллар оиласи тўғрисида айрим маълумотларни келтириш жоиздир. Нобеллар сулоласи бир неча бўлиб, швециялик саноатчи ва ихтирочилардир. Бу сулола **Эммануэль Нобель** (24.03.1801-03.09.1872 йй.) номи билан бошланади, у сув ости миналари ихтиросиси сифатида машҳурдир.



У 1842-1859 йиллари Россия пойтахти Петербургда истиқомат қилди ва бу ерда механика заводида асос солди. 1853-1856 йиллардаги Қрим урушида (Россия-Туркия ўргасида) Россия армиясига қурол-яроқ ва миналар етказиб турган (маълумки, бу урушда Россия қаттиқ талофот кўрди ва енгилди).

Альфред Бернхард Нобель (21.10.1833-Стокгольм- 10.12.1896, Сан-Ремо, Италия) Эммануэль Нобелнинг ўғли эди ва бизга таниш бўлган мукофот мазкур шахс номи билан бевосита боғлиқдир. У ҳам Россияда бўлган ва таниқли рус кимёгар олимлари Н.Н.Зинин ва В.Ф.Петрушевскийларнинг ишлари, асарлари билан танишиб чиққан. Уларнинг тадқиқотлари кимё фанининг нитроглицеринни тайёрлаш ва ундан амалий фойдаланиш технологияси билан боғлиқ бўлган. 1863 йилда А.Б.Нобель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва 1867 йили Буюк Британияда портловчи модда-умумий номи “динамит” деб номланган кашфиёт учун патент олди. Худди ўша йили ўша жойда (Лондонда) дастлабки даҳшатли симобли капсуль-детонатор ихтиросини ҳам патентлаб олди ва ўз ихтиросини амалиётга жорий этди. У портловчи модда-динамит ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди, бу соҳада иккита трест ташкил этилди, унинг ташкилотчиси ва эгаси сифатида иш юритди. Бу трестлар Ғарбий Европанинг деярли барча мамлакатларида фаолият кўрсатди. Альфред Нобель Лондон қиролик жамияти ва Швеция фанлар академиясининг аъзоси бўлган.

Кўп йиллик изланишлари натижаси ўлароқ, А.Нобель саксондан ортик кашфиёт муаллифидир. Динамит, сунъий ипак, газ моторлари на бошқалар

ҳаммага яхши маълум. Аммо бу олимни жаҳонга машҳур қилган сўнги “кашфиёти”-унинг 1895 йили Париж шаҳрида ёзиб қолдирган бир парча “Васиятнома”сидир. Шу ҳужжатга асосан Альфред Нобель халқаро мукофоти юзага келди ва ҳозирда ҳам энг юксак иуфузга эга.

Шу ерда таҳлилини тўхтатсак ҳам бўлар эди, аммо бу оиладаги бир печа ихтирочи ва тадбиркорлар тўғрисида маълумот бериш фойдадан холи эмас.

Людвиг Нобель (27.07.1831 -12.04.1888) Эммануэль Нобелнинг ўғли бўлган, катта тадбиркор ва катта дастгоҳлар конструктори сифатида машҳур эди, Россия техник жамиятининг аъзоси сифатида отаси томонидан Петербургда қурилган корхоналарни йирик машинасозлик заводларига айлантирди ва «Людвиг Нобель» (ҳозирги “Русский двигатель”) номи билан яхши маълум. 1876 йили ака-укалари, Роберт ва Альфред билан ҳамкорликда Бакуда Россиядаги энг йирик нефтни қайта ишловчи корхоналарни барпо эгди (1879 йилдан, ака-ука Нобеллар ҳамкорлиги, деб юритила бошлади).

Эммануэль Нобель (22.06.1859-31.05.1932), Людвиг Нобель ўғли, 1888-1971 йиллари Россиядаги тўнтаришгача ака-ука Нобеллар ҳамкорлиги, «Людвиг Нобель» жамияти ва бошқаларни бошқарди. Россиянинг тадбиркорлик ташкилотлари фаолиятида муҳим ўринни эгаллаган. У 1918 йилнинг бошида ўз ватани-Швецияга қайтиб кетган, сабаби ҳаммага яхши маълум – Россияда пролетариат диктатураси ва Совет Ҳокимияти ўрнатилди.

Менделеев даврий жадвалидаги 102-элемент Нобель хурматига нобелий (N0) номи билан аталди, бу элемент 1957 йили швециялик олимлар томонидан кашф зтилган.

Юқорида айтилганлардан шу нарса маълум бўлдики, ҳар йили бериладиган халқаро мукофот унинг таъсисчиси-швециялик муҳандис кимёгар, ихтирочи ва саноатчи Альфред Бернхард Нобель номи билан боғлиқ экан.

А.Б.Нобель васиятига кўра, унинг вафотидаи кейин қолган жамғарма-капитал асосида Нобель фонди ташкил этилиши керак эди. Ҳозир шу фондга тушадиган ҳар йилги даромад беш қисмга тенг бўлиниб, Нобель» мукофоти шаклида физика, кимё, физиология ёки медицина соҳасидаги буюк кашфиётлар, бадий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун бериб борилади.

Нима учун А.Нобель “Васиятнома”сида жуда муҳим математика фани тилга олинмаган деган савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Бу тўғрида икки хил қараш мавжуд: биринчиси бўйича у гўёки математика билан умуман қизиқмаган экан; иккинчидан (балки I асосийси) шуки, Нобель қаттиқ севган маъшуқа математик олим билан турмуш қурган ва шу сабабли у умуман уйланмаган, Нобель умри охирида унинг жамғармасида

70 миллион швед крони бўлган, ҳозирги даврда бу жамғармадаги пул миқдори 200 миллион кронага етган.

Совриндорлар ҳақидаги маълумотлар А.Нобель туғилган кун (21 октябрь) атрофида эълон қилинади:

А.Нобелни биз билан боғловчи ришталар мавжуд. У 1880 йилларда Ўрта Осиё (Каспий орти) темир йўли қурилиши ишларини мамнуният билан маъқуллаган. Хоразм, Бухоро ва Фарғонанинг беҳисоб бойликлари Россияга тўкинлик келтиршини башорат қилган экан.

Дастлабки мукофот соҳиблари – немис олимлари - рентен нурини кашф қилган Вильгельм Конрад Рентген ва дифтерия (бўғма)га қарши антитоксин зардобни яратган Эмиль Адольф Беринг; кимёвий динамика қонунларини яратган нидерландиялик Якоб Хендрис Вант-Гофф; француз шоири Солли Прюдом; халқаро «Қизил хоч» жамиятини тузиш ҳақидаги ташаббус билан чиққан швецариялик Анри Жан Дюнан ва Жаҳон халқаро лигасининг асосчиси, француз Фредерик Пасси эдилар. Ҳозирда бу мукофот соҳибларининг рўйхатида олти юзга яқин кишининг номи бор.

1968 йилда Швеция давлат банки ташкил этилганлигининг 300 йиллик юбилейи муносабати билан иқтисодиёт фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча (олтинчи) Нобель мукофоти таъсис этилди.

Агар А. Б. Нобель 1896 йили вафот этган бўлса, мукофотни топшириш 1901 йилдан бошланди ва ҳозиргача давом, этиб келмоқда. Нобель мукофоти А.Б.Нобель тасвири туширилган ва тегишли ёзуви бўлган олтин медалдан, диплом ва миқдори Нобель фондидаги даромадга боғлиқ бўлган маблағдан иборат (2,5 миллион швед кронаси).

Бу мукофога номзодлар тайлаш ва топшириш вазифаси Нобелнинг васиятига кўра, Стокгольмдаги Швеция қироллик фанлар академиясига (физика, кимё, иқтисодиёт фанлари бўйича), Стокгольмдаги қироллик медицина-хирургия (жарроҳлик) институтига (медицина ёки физиология бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академиясига (бадий асарлар бўйича) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобель мукофотини Норвегия (Осло) парламентининг Нобель комитети аъзолари беради.

Нобель мукофотига номзодлиги кўрсатилган шахсларнинг ирқи, миллати, жинси ва диний эътиқодидан қатъи назар, бу мукофотлар мазкур фан соҳаларида эришилган энг юксак ютуқлар учун берилиши керак. Тинчлик мукофотидан ташқари ҳамма мукофотлар фақат индивидуал тартибда ва бир марта берилади. Нобель мукофоти истисно сифатида М.Склодовская – Кюри (1903 ва 1911 й.), Л.Полинг (1954 ва 1962 й.) ва Ж.Бардинларга (1995 ва 1972 й.) икки мартадан берилган. Вафот этганларнинг илмий ишлари учун мукофот берилмайди (аммо аввал эълон қилинган, лекин мукофот берилиш кунигача вафот этганларга бу мукофот унинг қариндошларига берилган ҳолати қайд этилган).

Нобель мукофотининг тури тўғрисидаги низом билан белгилангани шахсларгина ушбу мукофотга номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга (масалан, Нобель мукофоти лауреатининг шундай ҳуқуқи

бор). Швеция қироллик фанлар академияси ва қироллик медицина-хирургия институти мукофотга иомзод кўрсатадиган шахсларни ҳар йили келаси йил учун махфий равишда танлайди.

Нобель мукофотини топшириш тантанаси ҳар йили Стокгольм (Швеция) ва Осло (Норвегия) да А.Б.Нобель вафот этан кунда (10 декабрда) ўтказилади. Мукофотни топшириш қатъий ўзгармас сценарий асосида ўтказилади. Бу сана “Нобель куни” деб аталади. Тантана Стокгольм ва Осло (Норвегия пойтахти) да ўтказилади. Ўша куни эрта тонгда Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида (ва Ослода) миллий байроқ расмий равишда кўтарилади. Мукофот эгалари Стокгольм филармониясининг концертлар залида тўпланадилар. Маросим ташкилотчилари таомилга қатъий амал қилишга шунчалик катта аҳамият берадиларки, мукофот соҳиблари тантаналардан олдин астойдил репетиция қилишлари зарур, деб ҳисобланади.

Тантана ўша куни кечқурун 1700 кишига мўлжалланган катта залда, қирол оиласининг иштирокида ўтади. Қарор-тамойил бўйича мукофотланувчилар фрак кийишлари шарт. Бундай ноёб кийим ҳамманинг ҳам гардеробида топилмайди, шу сабабли бу кийим бир кечага прокатга олинади.

Маросим бошида Нобель фонди ёки Швеция фанлар академияси номидан кўзга кўринган олим навбатдаги лауреатни ҳаммага қисқача таърифлайди. Шундан, кейин мукофот соҳиби ўрнидан туриб, катта “М” ҳарфи ёзилган тахта супалар ўрнатилган томонга ўтади. Саҳнанинг ўнг тарафига ўтган қирол тантанани бошқараётган кишининг қўлидан Фахрий Ёрлик ҳамда Нобель тасвири туширилган олтин медални олиб, лауреат турган томонга қараб юради ва мукофот тантанавор мусиқа садолари остида ўз эгасига топширилади. Бу ҳолат ҳар бир мукофот соҳиби учун такрорланади.

Маросим тугагач, барча Стокгольм шаҳар бошқармасига қараб юради, Бу жойда Нобель мукофоти лауреатлари шарафига тантанали зиёфат берилади. Лауреатлар қисқача нугқ сўзлайдилар. Мукофот муассиси (яъни Альфред Нобель) хотирасига сукут сакланади. Эртаси куни Нобель фондида лауреатларга мукофотнинг пулли қисми тоширилади. Пулнинг қиймати турлича бўлиб, 2,5 миллион швед кронаси атрофида бўлади (бошланғич фонд 31 миллион швед кронасига тенг эди).

Низомга мувофиқ, мукофотланганлар ярим йил давомида Стокгольм ёки Ослода “Нобель маърузаси” билан чиқишлари керак.

Нобель мукофоти лауреатлари орасида жаҳонга маълум олим, шоир, ёзувчи, жамоат арбоблари номини ўқиймиз: физика соҳасида В.Рентген (1901 йили олган), М.Планк (1918), А.Эйнштейн (1921), Н.Бор (1922), П.Дирак, Э.Шрёдингер (1933), Э.Ферми (1938); кимё соҳасида Э.Резерфорд (1908), Ф.Гриньяр (1912), И.Ленгмир (1932), Ф. Ва И.Жолио-Кюрилар (1935), П.Дебей (1936), С.Хиншельвуд (1956), Я.Гейровский (1959), Ж.Натта ва К.Циглер (1963); физиология ёки медицина соҳасида И.П.Павлов (1904), Р.Кох (1905), И.И.Мечников (1908), К.Ландштейнер

(1930), А.Флсминг (1945), Ф.Крик ва Ж.Уотсон (1962), К.Лоренц ва Н.Тинберген (1973); адабиёт бўйича Р.Тагор (1913), Р.Роллан (19-15), АП.Франс (1921), Б.Шоу (1932), И.А.Бунин (1933), Э.Хемиигуэй (1954), А.Камю (1957), П.Неруда (1971), М.А.Шолохов (1965), И.А.Солженицин, И.Бродский; тинчлик бўйича Ф.Нансен (1922), А.Швейцер (1952), Мартин Лютер Кинг (1964), М.С.Горбачев ва бошқалар.

Собиқ СССРдан бир қанча олимлар Нобель мукофотига сазовор бўлишган: Н.Н.Семенов (кимё бўйича 1956 йил), П.А.Черенков, И.М.Франк, Е.И. Тамм (физика, 1958), Л.Д.Ландау (физика, 1962), Н.Г.Басов ва А.М.Прохоров (физика, 1964) ва бошқалар.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нобель ким?
2. Нобель мукофотлари кимга ва нима учун берилади ?
3. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатларини биласизми?

НОЯБРЬ

Душанба	1	8	15	22	29	
Сешанба	2	9	16	23	30	
Чоршанба	3	10	17	24		
Пайшанба	4	11	18	25		
Жума	5	12	19	26		
Шанба	6	13	20	27		
Якшанба	7	14	21	28		

Ноябр ойининг тахминий иш режаси

1. Октябр ойи иш режасининг бажарилиш таҳлили.
2. Ноябр ойи иш режасини кўриб чикиб, қабул қилиш.
3. Хар ҳафтада бир маротаба мураббийлик соатини олиб бориш.
4. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
5. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
6. А.Жомий таваллуд топган кунига бағишлаб давра-суҳбати ўтказиш.
7. Қизлар билан одоб-ахлоқ тўғрисида суҳбат ўтказиш.
8. Баркамол авлод йили якуни тўғрисида суҳбатлар ўтказиш.
9. Кечикиб келувчи, дарс қолдирувчилар билан суҳбатлар.
10. Биринчи жорий назорати ва биринчи оралик назоратини ўтказиш бўйича суҳбат.
11. Давлат Байроғи ҳақида тушунча бериш ва суҳбат ўтказиш.
12. 2002 -2003 йиллардаги иқтисодиёт бўйича нобель совриндорлари.

Ноябр ойининг муҳим саналари

- 3–ноябр. БМТ ҳузурида маориф ва маданият масалалари бўйича ташкилот ЮНЕСКО ташкил топган кун (1946).
- 7–ноябр. Ўзбек адабиётининг атокли намояндаларидан бири драматург, файласуф, шоир, педагог ва жамоат арбоби Максуд Шайхзода таваллуд топган кун. (1908-1967).
- 10 – ноябр. Халқаро ёшлар куни (1945).
- 16 – ноябр. Халқаро бағрикенглик куни (1996).
- 17 - ноябр. Халқаро талабалар куни (1941).
- 18 – ноябр. Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи қабул қилинган кун (1991).
- 19 – ноябр. Жалолиддин Мангуберди таваллуд топган кун.
- 21 – ноябр. Халқаро телевидение куни (1996).
- 26 – ноябр. Халқаро ахборот куни (1988).

10- ҲАФТА

Давлат размлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 – йил 18-ноябрда бўлиб ўтган Сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида қонун қабул қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар туғларига хос бўлган энг яхши анъана ва маслақларини, ғояларни давом эттирган, улуг аждодларимизнинг маслаҳатларига ва ақидаларига мос келган, қарашларини давом эттирган ҳолда миллат табиати, халқимиз руҳиятидан келиб чиқиб, унинг миллий ва маънавий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирди.

Байроқдаги мовий ранг ҳаётимиз мазмуни акс этган мангу осмон ва оби ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, донишмандликни, шон –шухрат ва садоқатни билдиради. Байроқдаги оқ ранг – тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат йўлининг мусаффо, беғубор ва чароғон бўлиши учун яхши ният ифодаси.

Қизил йўллар – бу ҳар бир тирик жоннинг қон томири, унда жўш уриб турган ҳаётнинг куч, тириклик рамзи.

Яшил ранг – Ўзбекистоннинг саховатли ва табаррук тупроғи, гўзал табиати тимсоли; одамларни, афроғ муҳитни муҳофаза қилишга ундайди.

Ярим ой – Ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига тўғри келади. Ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмон ва тинчликнинг ифодасидир.

12 та юлдуз тасвири – қадимдан мукаммаллик, баркамоллик тимсоли.

Давлат байроғи — давлатнинг асосий рамзларидан бири: расмий, бошқа давлатлардан фарқловчи белгиси, эмблемаси. Давлат байроғининг тасвири махсус қонун ёки конституция билан белгиланади. Давлат суверенитети рамзи ҳисобланади. У герб ёки бошқа эмблема тасвирланган бир ёки кўп рангли алвондан иборат бўлади. Давлат байроғи давлат муассасалари, элчихоналар, консулликлар, ваколатхоналар, божхоналар ва ҳ.к. биноларида кўтарилади. Миллий байрамлар кунлари элчихоналар, ваколат-хоналар, консулликлар ўз мамлакати байроғини кўтаради. Давлат байроғи шунингдек, маросимлар пайтида, халқаро спорт совринлари топширилади ва бошқа ҳолларда ҳам кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун (1991 йил 18 ноябр.)да тасдиқданган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан ташкил топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир. Байроқнинг юқори қисмида ярим ой ва 12 юлдуз тасвири туширилган. Байроқнинг узунлиги 250 см, кенлиги 125 см га тенг. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда:

ЎзР расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, анжуманларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида ЎзРнинг тимсоли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва уни кўтариш билан боғлиқ тартиб-қоидалар юқоридаги қонунда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи доимий суратда, жумладан, мамлакат Президенти, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, ҳокимликлар иш олиб бораётган биноларда, Ўзбекистоннинг расмий делегациялари катнашаётган халқаро тадбирларда, байрам кунлари — вазирликлар, давлат қўмиталари ва муассасалари, корхоналар ва ташкилотлар бинолари, шунингдек, уй-жой биноларида кўтарилади.

Давлат герби – давлат рамзларидан бири. Унда давлатнинг миллий сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва бошқа белгилари ўз ифодасини топади. Герб давлат байроқларида, муҳрда, расмий бланкларда, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида, баъзи биноларда тасвирланади. Давлат герби нинг мазмуни конституция ёки махсус қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонун (1992 йил 2 июл)да тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса пахталари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра кўёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида 8 бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвири бор, Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи – қанотларини ёзган Хумо қуши кўринади. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва унинг тасвирини акс эттириши лозим бўлган ҳоллар, шу билан боғлиқ тартиб қоидалар юқоридаги қонунда белгиланган.

Давлат мадҳияси – давлат герби ва давлат байроғи билан бир қаторда давлат расмий рамзи ҳисобланадиган шеърый-мусиқий тантанавор асар, гимн. У асосан тантанали йиғилишлар вақтида, жамият ҳамда муҳим давлат аҳамиятига молик воқеаларни нишонлаш юзасидан ўтказилаётган маросимларда, халқаро спорт мусобақаларида ғолибларни мукофотлаш чоғида ва ҳ.к.да ижро этилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири [Абдулла Орипов сўзи, Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов мусиқаси] ЎзРнинг 1992 йил 10 декабридаги қонуни билан тасдиқланган. Шу қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этиш билан боғлиқ талаб ва қоидалар белгилаб қўйилган.

Муҳокама учун саволлар:

1. Давлатимиз гербида қандай рамзий маънолар акс этган.
2. Байроғимиз рангларида қандай маънолар мужассамлашган?
3. Мадҳиямиз мазмуни нималарни ўзида акс эттирган ?

11-ҲАФТА

Мақсуд Шайхзода

Ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири, драматург, файласуф, шоир, педагог ва жамоат арбоби Мақсуд Шайхзода /1908-1967 йил 7-ноябрда Озарбайжоннинг Ганжа вилоятидаги Октош шаҳрида шифокор оиласида дунёга келди. У, ўзи айтганидек, йигирманчи йилларнинг романтик ҳавосида қад кўтарган, ўттизинчи йилларнинг тинч ижод муҳотида фаоллик кўрсатган, ўзбек поэзиясида ёши катталар деб аталган шоирлар авлодига мансуб.

Шоир яна ёшлик йилларини эслаб шундай дейди, «менинг отам...одатда болаларга шеър ўқиб берар, кейинчалик айрим сўзларни айтиб бериб, шу сўзга мос қофия топишни болалардан талаб қилар эди. Қофия ҳам вазн оҳангига қулогим ўрганиб кетиб, мен беш яшарлигимда 8-10 мисрадан иборат масални тўқиганим эсимда. Албатта муайян фикр ва сюжетдан ҳосил бўлган бу масал бўри билан олмахон ҳақида тўқилган эди. Ҳар қалай, шеърга муҳаббат умримнинг илк йилларидан бошлаб қонимга, қалбимга, фикримга сингиб кетганини журъат билан айта оламан».

Шайхзода Октошда бошлангич мактабни битириб, 1921-йили Бокудаги дорилмуаллимин ўқитувчилар билим юртида ўқий бошлади. Дорилмуаллиминда ўқиб юрган 13 яшар ўспириннинг биринчи шеъри газетада босилиб чикди. У Бокуга келган Сергей Есенин, В.В.Маяковский, Нозим Ҳикматлар билан адабий учрашув кечаларида катнашади. Замоннинг бу улкан шоирлари Шайхзоданинг поэзияга ихлосини кучайтирди.

Шайхзода дорилмуаллиминни битиргач, /1926-28/ йилларда Доғистон билим юртларида ижтимоёт, жамиятшуносликдан дарс беради. Боку олий педагогика институтининг сиртқи бўлимида ўқишини давом эттиради.

Шайхзода 1928-йил Тошкентга келади. У Нариманов номли ва «Учқун» ўрта мактабларида дарс бера бошлайди. Шунингдек, у «Шарқ ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон», «Ёш Ленинчи» газеталарида мақолалари билан қатнашиб, ишлаб Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби шоирлар билан дўстлашиб кетади. «Мен Ўзбекистонни иккинчи ватаним деб шу ерда қолдим ва ўз тақдиримни ўзбек адабиёти билан боғладим» деган шоир тезда шу адабиётнинг таниқли қаламкашлари қаторидан ўрин олган. Унинг ўзбек тилида биринчи ёзган шеъри 1929-йили «Шарқ ҳақиқати» газетасида босилган эди.

Шоирнинг «Ўн шеър» номли биринчи шеърлар тўплами 1933 –

йилда босилиб чикди. Шундан кейин унинг «Ундошларим» /1933-йил/, «Учинчи китоб» /1934-йил/, «Жумҳурият» /1935-йил/ каби шеърий тўпламлари нашр этилиб, шоирни элга танитди.

Шайхзода поэтик ижод йўлига яхши тайергарлик билан кириб келади. У ўзбек, форс-тожик, озарбайжон классик адабиётини хусусан, Хофиз, Низомий, Навоий ва Бедил каби классик шоирларнинг ҳамда рус классик поэзиясини чуқур ўрганди. У сўзга, кофияга катта ғоявий мазмун бахш этиб, шеърларнинг ритми ва интонациясининг жарангдор бўлишига алоҳида эътибор берди. 30- йилларда ёзган «Баҳорда ёмғир», «Дайди шамол», «Мени ака дейдилар», «Ўтовда», «Юлдузларга бўлдим хамсоя» шеърлари ва «Ўрток Навоий» балладасида ишлатган майин лиризм, кучли мушоҳада ва оригинал тасвир воситалари яққол кўзга ташланади. Шоирнинг «Баҳорда ёмғир» шеъри пейзаж лирикасининг гўзал намуналаридан биридир.

М.Шайхзода ижодининг чўққиси «Мирзо Улуғбек» трагедиясидир. Лекин асар фақат тарихий шахслар ҳаётини ёритмайди. Драматург тарихий фактларга, воқеаларга ҳам тарихчи, ҳам ижодкор сифатида ёндашади ва Улуғбек яшаган даврнинг ҳаққоний бадиий манзарасини яратади.

М.Шайхзода адабиётшунос, таржимон сифатида ҳам кўп хизмат қилган. У Алишер Навоий, Низомий, Ганжавий, Бобур, Муқимий, Шота Руставелли, Пушкин, Байрон, Шекспир ҳақида илмий танқидий мақолалар ёзган. М. Шайхзода катта навоийшунос олим сифатида буюк шоирнинг адабий меросини чуқур ўрганди ва поэтик маҳоратига оид илмий ишлар яратди. У қарийиб 35 йиллар давомида Низомий номидаги ТошДПИда Ўзбек адабиётидан маърузалар ўқиди. М.Шайхзода Пушкиннинг «Моцарт» ва «Сальери» шеърий драмаси, «Мис чавандоз» поэмасини, Лермонтов, Некрасов шеърларини, Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини таржима қилди. Шунингдек, у М.Шайхзода Шекспирнинг «Гамлет», «Ромео ва Жулетта» трагедиялари, Байроннинг «Чайл Гарольде» поэмасини таржима қилди. 1967 йил 19 февралда вафот этди.

Шоир:

Шеърият диёри шоирларимиз,

Ҳар ўй, ҳар кўнгилга байтлар бўлсин ёр

Элга дастёр бўлсин шеърларимиз.

Демакки, умримиз ўтмабди бекор,- деб ёзган эди.

Чиндан ҳам Мақсуд Шайхзода ўз шеърлари билан умри боқийдир. Унинг ҳаёти ибрат ва маъно чашмасидай оромбахшдир. У жаҳонга машхур алломадир.

Адиб асари поклик, адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ ва иймонни улуғлайди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Мақсуд Шайхзоданинг қайси асарларини ўқигансиз?

2. “Мирзо Улуғбек” трагедияси асосида олинган бадиий филмнинг режиссёри ва Мирзо Улуғбек образини яратган актёр ким?
3. Мақсуд Шайхзода шеърларидан намуналар ўқиб беринг.

12-ҲАФТА

Иброҳим Мўминов

Иброҳим Мўминов Ўзбекистоннинг илмда, тафаккурда мустақиллики учун курашган, унинг миллий маънавиятимизни тиклашга интилган жонкуяр курашчи, миллатпарвар, ватанпарвар олимлардан эди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти сифатида илмий тадқиқотчиликни кенг йўлга қўйган, шарқона вазминлик, зукколик ва матонат билан унинг тизим ва йўналишларни белгилаган файласуф олим ва мураббий устоз И.М.Мўминов кекса авлодимизнинг ҳақиқий инсон ва ҳаққоний олим номига сазовор бўлган мўътабар вакилларидан биридир.

Иброҳим Мўминович Мўминов 1908 йилнинг 7 ноябрида ҳозирги Бухоро вилоятининг Шофрикон туманидаги Тезгузар қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1922-1927 йилларда у аввал бошланғич мактабда, кейин эса Бухоро оқартув институтида таҳсил олади. 1928 йилда И.М.Мўминов Бухоронинг дастлабки ёш вакиллари қаторида Самарқанд олий педагогика институтига (кейинчалик Педагогика академиясига айлантирилган) ўқишга киради.

И.Мўминов 1931 йилда Самарқанд Педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий факультетини аъло баҳолар билан тамомлагач, мазкур академиянинг ўзида ўқитувчи қилиб қолдирилади. 1933 йилда Самарқанд Педагогика академияси асосида Ўзбек Давлат университети (ҳозирги А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети) ташкил топади. Уни ташкил этишда И.М.Мўминов фаол иштирок этади. У мазкур университетнинг аввал филология факультетида, кейин эса тарих факультетида декан лавозимида ишлайди ва айни пайтда, ижтимоий илмлар кафедрасига раҳбарлик қилади.

Иброҳим Мўминов номзодлик диссертациясини Европа фалсафаси тарихидаги энг қийин ва муҳим масалалардан бири – “Гегел диалектикасининг рационал мағзи” (1941)га бағишланган бўлса-да, лекин Гегел ҳақидаги бу тадқиқот унинг ўз илмий изланишларини Шарқ фалсафаси, жумладан, Ўрта Осиё фалсафаси тарихини ўрганишга қаратилганидан далолат беради.

1943 йилда Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси ташкил топади. Унинг таъсис мажлисидаёқ И.Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланади. У шу даврдан бошлаб фалсафа илмига оид тадқиқотларни янада чуқурлаштиришга, унинг долзарб муаммоларини ишлаб чиқишга киришади. Бу борада, энг аввало, халқимизнинг ўтмиш маданий меросини ўрганиш ва ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор беради.

1950 йилда И.М.Мўминов ўзининг кўп йиллик тадқиқоти – “XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан” деган мавзудаги докторлик диссертациясини тугаллайди ва уни муваффақиятли ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари доктори деган илмий даража олади.

1956 йилда И.М.Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва, айни пайтда, вице-президенти қилиб сайланади. Унга Ўзбекистон Фанлар академияси системасида ижтимоий фанлар соҳасидаги барча илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилишдек мураккаб ва масъулиятли вазифа юкланади.

1957 йилда И.М.Мўминовнинг ташаббуси билан Тарих ва археология институтидаги Фалсафа ва ҳуқуқ шўъбаси асосида Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида фалсафа ва ҳуқуқ бўлими очилади. Бу бўлим ходимлари 1957 йилда И.М.Мўминов раҳбарлигида “Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикр бўйича материаллар” номли китоб тайёрлаб, чоп этилади. 1958 йилда Ўзбекистон ФА ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ бўлими асосида Ўзбекистон Фанлар академиясининг алоҳида Фалсафа ва ҳуқуқ институти очилади. Унинг тизими ва тадқиқот ишларини йўлга қўйиш вазифалари мазкур институтнинг биринчи раҳбари И.М.Мўминов зиммасига юкланади.

1958-1968 йилларда И.М.Мўминовнинг бевосита раҳбарлиги остида ва фаол иштирокида Абу Али ибн Синонинг беш жилдлик “Тиб қонунлари” китоби, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия” асарлари, Хоразмий, Форобий, Наршахий, Байҳақий, Махмуд Кошғарий, Алишер Навоий каби машҳур мутафаккирларнинг асарлари чоп этилади.

Бу даврда И.М.Мўминовнинг таҳрири остида ва иштирокида тарих ва адабиётшуносликка оид бир қатор ишлар чоп этилди. Хусусан, Ўзбекистон тарихи бўйича тўрт жилдлик китоб, бир жилдлик қомусий нашр, икки жилдлик “Самарқанд тарихи” рисоласи нашр этилди; М.М.Хайруллаевнинг “Форобий ва унинг рисоалари”, “Форобийнинг дунёқараши ва унинг фалсафа тарихидаги аҳамияти” номли Ўзбекистон “ФАН” нашриётида босилиб чиққан рисоалари И.М.Мўминовнинг таҳрири остида чоп этилди.

И.М.Мўминовнинг 1968 йил 5 майда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг кенгашида ёзма манбалар маълумоти асосида “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тугган ўрни ва роли” мавзусида ўқиган маърузаси илму-урфон аҳлининг тафаккур дунёсида туб инкилобий ўзгариш ясади. Қолаверса, ушбу тадқиқотнинг нашр этилиши Марказий Осиё, Ўзбекистон тарихида тоталитар тузум даврида шаклланган Амир Темур шахсига бўлган салбий қарашларни ўзгартириб юборди.

Иброҳим Мўминовнинг фалсафадаги илмий йўналишлари бошқа Ўрта Осиё республикаларидаги илмий тадқиқотларга ҳам таъсир кўрсатди. Фақат Ўзбекистонда эмас, Тожикистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистонда ҳам ижтимоий-фалсафий фикр тарихини ўрганишга эътибор кучайди.

И.Мўминов 50-йиллар охирида ва 70-йилларнинг биринчи ярмида гуманитар илмлар соҳасида нашр этилган Ўрта Осиё фалсафаси, Ўзбекистон тарихи, адабиётшунослиги, ўзбек маданиятига оид жуда кўп асарлар, дарсликлар, тўпламлар, жумладан, кўп жилдли китобларнинг муаллифи, ташкилотчиси ва раҳбаридир. Унинг бевосита бошчилигида шу соҳалар бўйича республикамізда турли Бутуниттифоқ ва Халқаро симпозиумлар, конференциялар бўлиб ўтди.

Иброҳим Мўминов биринчи ўзбек энциклопедиясининг асосчиси ва бош муҳаррири ҳамдир. Ўзбек энциклопедиясида ҳам Иброҳим Мўминов бой маданий меросимизни, маънавиятимизнинг узоқ ва мазмунли тарихини кенг ёритишга жуда катта эътибор берди.

И.М.Мўминов ўзининг эзгу ниятлари илмий ижодиёти ва амалий ташкилотчилик фаолиятлари билан халқимизнинг чуқур меҳр-муҳаббатига, ҳурмат-эътиборига, эъзоз-эҳтиромига сазовор бўлди. У ўз даврининг қатор юксак орден ва медаллари, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони билан, Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди, қатор йиллар давомида Ўзбекистон Олий Советига депутат қилиб сайланди. Умуман, И.М.Мўминов шахсига назар ташлайдиган бўлсак, у кишининг фаолиятида учта нарса яққол кўзга ташланади. Биринчидан; И.Мўминов бошчилигида Ўзбекистонда фалсафий тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб берувчи илмий мактаб яратганлигини кўрамыз. Иккинчидан; У киши фаолиятида ўзбек тилини илмий-фалсафий тилга айлантиришга бўлган кучли интилиш ётганлигини илғаб оламиз. Бунга эллигинчи олтмиш ва етмишинчи йилларда у мўътабар зот ташаббускорлигида чоп этилган асарларидан ҳам билса бўлади. Учинчидан; У кишининг энг буюк маънавий жасорати сифатида Амир Темур шахсига ҳаққоний (объектив) баҳо беришга бўлган ҳақиқатни кўрсатиш мумкин.

Мўътабар инсон Иброҳим Мўминович Мўминов 1974 йилда вафот этди. Олимнинг номларини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтига, Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига, Бухоро вилоятининг Шофриконтуманидаги 38-ўрта мактабга академик И.М.Мўминов номи берилган. Бухоро педагогика институтида у кишининг номидаги фахрли стипендия жорий этилган.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви, кадриятимизга бўлган ҳақиқий илмий муносабатининг вужудга келиши Иброҳим Мўминовнинг республикаміздаги ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси, у кишининг бу соҳадаги юксак ролини янада ёрқин намоён қилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Иброҳим Мўминовнинг ўзбек илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?

2. Иброҳим Мўминов “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” рисоласининг миллий маънавий тараққиётдаги ўрни қандай бўлди?

13-ҲАФТА

Адабиёт миллий қадриятлар тизимида

Озод Шарафиддинов

Мен билган ва ҳурмат қиладиган маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов эди.

Бу ажойиб инсоннинг номини кўндан буён эшитиб юрган бўлсамда, мен у киши билан истиқлол йилларида яқиндан танишдим. Унинг фақатгина илмий-педагогик фаолият билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-маънавий соҳада ҳам беқиёс фаоллик кўрсатгани олимга бўлган ҳурматимни янада зиёда қилди.

Ислом Каримов.

Озод Шарафиддинов адабиётшунос — танқидчи, умуман, олим-зиёлилар орасида биринчи бўлиб Республикамизнинг энг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

1999 йили «Университет» нашриёти Озод Шарафиддинов ҳақидаги замондошларининг дил сўзларидан иборат тўплам чоп этган эди. Китоб «Матонат ва муҳаббат» деб номланган. Дарҳақиқат, Аллоҳ берган беназир истеъдод соҳиби бўлмиш бу одам, Қодирий ибораси билан айтганда, «шахси бутун» зот, матонатли, шижоатли, мард, довюрак инсон эди.

Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонига ўтган аср 50-йилларининг ўрталарида, мамлакатда мустабид тузум адабий сиёсати қисман юмшаган, эркинлик шабадалари эса бошлаган бир пайтда кириб келди. Ўша кезлари адабий ҳаётда, танқидчилик ривожига янги бир тўлқин бошланди. Озод ака ана шу тўлқиннинг олдинги сафида борди, сўз санъатидаги соғлом кучлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг ихтироҳисси ва ҳимоячиси сифатида тапилди. Унинг «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Замон — қалб — поэзия», «Ниҳоллар» мақолалари шеърятни, умуман, адабий жараёни янгича англаш, идрок ва талқин этишининг ёрқин намуналари эди. Мунаққид адабиётимиз осмонида митти юлдузлар — Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар пайдо бўлганида — бу истиқболи порлоқ чин истеъдодларни танқидчиликда илк бор кашф этди, уларни янги ижодий парвозларга руҳлантирди. Устоз ва сафдошлари — Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби даврнинг пешқадам адиблари қалами ости-дан чиққан деярли ҳар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб, сўнг дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мунаққиднинг одилона баҳосини олар эди.

Озод Шарафиддиновнинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат тазйиқи ва таҳдидлари туфайли топталган тарихини тиклаш, қатағон қилинган адиблар меросини халққа қайтариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасидир, Мустабид тузум шароитида бундай кураш ва шижоатлар қанчалар қимматга тушганлигини, эҳтимол, ҳозирги ёш авлод яхши билмас. Мунаққиднинг «Тобутдаи товуш» комедияси ҳақидаги илҳом ва эҳтирос билан ёзилган мақоласи, мафкуравий-сиёсий жиҳатдан «номақбул» шеърлар муаллифлари Э. Воҳидов, А. Ориповларга устозлик қилгани учун таъна-дашномларга учради, у муҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар» тўплами, А. Каҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» китоби қатағонга учради; Чўлпон шеърляти, замонавий адабий жараён, қатор назарий масалаларга оид илмий мулоҳазалари, адабий анжуманлардаги дадил чиқишлари жиддий «сиёсий хато»лик деб саналиб, мунаққиднинг кутлуғ номи бадном этилди.

Ниҳоят, истиқлол кунлари келди. Озод Шарафиддинов сингари заҳматкашлар елкасига ҳам офтоб тегди. Унинг янги босқичдаги илк машғулоти — ўттиз йиллик орзу-армони Чўлпонни юзага чиқаришдан бошланди. «Кеча ва кундуз» романи мунаққид сўзбошиси билан қайта дунё юзини кўрди. Унинг раҳбарлигида Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жилдлик асарлари нашрга тайёрланди, «Адабиёт надир» тўплами чоп этилди. Чўлпон ижоди тадқиқига бағишланган илк диссертацияларга раҳбарлик қилди; Чўлпон адабий меросига оид кўплаб мақолалар, иккита рисола яратди. Айниқса, «Чўлпонни англаш» асари маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бу эссе мустабид тузум шароитида кадр топмаган беназир истеъдод, XX аср шеърлятининг ёрқин юлдузи тўғрисидаги ижодий зиёлиларнинг ўзига хос қалб нидоси, армон, афсус-надоматлари ифодасидир. Устоз иштирокида яратилган «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги (1999) янги миллий адабиётимизнинг истиқлол руҳи билан йўғрилган илк илмий тарихи сифатида кадрлидир.

Озод Шарафиддинов жисмонан ва руҳан ҳар қанча соғлом, матонатли бўлмасин, узоқ йиллик мунтазам тазйиқ, таҳдид, камситишлар унда барибир ўз асоратини кўрсатди: 90-йиллар ўрталарига келиб у оғир дардга чалинди, икки бор жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказди, оёғидан ажралди, бунинг устига бошқа хасталиклар қўшилди. Ўша оғир дамларда унинг дўстлари, сафдошлари, шогирдлари ҳолидан хабар олиб, унга ҳар жиҳатдан далда бериб туришди, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Мунаққиднинг 70 ёшлик юбилеи муносиб бир тарзда ўтди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил этилиши ва журналга О. Шарафиддиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши бу аллома фаолиятида янги саҳифа очди.

Улкан эҳтиром, ишонч-эътибордан руҳ олиб, кексалиги ва хасталигига қарамай, бу аллома мислсиз ғайрат-шижоат билан ижодий ишга киришди. Журнал бош муҳаррири сифатида моҳир ташкилотчи эканини намойиш этди. Шуниси муҳимки, журнал ихлосмандлари

журналнинг деярли ҳар бир сониди Озод аканинг ё роман, ё қисса, ё драма, ё публицистик, адабий-танқидий мақолалар таржимаси билан танишди.

Устоз асарларига хос яна бир муҳим фазилат шуки, у бирор адибнинг ижодий тақдири ёки алоҳида асари ҳақида баҳс юритар экан, муаллифнинг фикр-мулоҳазалари фақат шу адиб, шу асарларгагина оид бўлиб қолмасдан, давр адабий жараёнига дахлдор бўлиб чиқади, миллий адабиёт ривожига муҳим, жиддий ҳодиса — тамойиллар моҳиятини очишга қаратилади. Чумончи, «Чўлпонни англаш» рисоласидаги бу беназир истеъдод, у қолдирган ноёб адабий мероснинг етмиш йиллик машаққатли қисмати, шоир шаънининг топталиши бутун бир даврнинг, тузумнинг иллоти, фожияси, миллатнинг кўргилиги тарзида талқин этилади. Фитратга оид мақола-да бу улўғ мутафаккирнинг биргина асари «Ҳинд сайёҳи» таҳлили орқали адибнинг миллат, тарих олдидаги буюк хизмати устида гап боради; мазкур асар ўз даврида жаҳидчилик ҳаракатининг дастури — манифести бўлганлиги таъкидланади.

Устознинг янги босқичдаги ижтимоий, ижодий фаолияти нақадар хилма-хил бўлмасин, биринчи галда, у мунаққид, адабиётшунос адиб сифатида ўзининг янги сўзини айтди. Мунаққиднинг кейинги ўн йил давомида чоп этилган рисола, мақола, эссе ва адабий суҳбатлари янгиланаётган замонавий миллий адабий тафаккурнинг ёрқин намуналаридир. Уларнинг аксарияти сарҳисоб, ҳасби ҳол характериға эға. Мустабид тузум адабий сиёсатининг тафаккурдаги асоратларидан дадил воз кечиб, XX аср янги ўзбек адабиёти тарихини янгиға қайта идрок этиш, таҳлил ва талқин қилиш, қолаверса, умуман, бадиий ижодни, ижодкор шахсини, инсон зотини шўро даврида шаклланган андозалардан ҳоли, умумбашарий мезонлардан туриб, чин инсоний, илмий англаш — О. Шарафиддиновнинг янги босқичдаги адабий-танқидий ишларига хос энг муҳим хислатлар эди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Озод Шарафуддиновнинг ўзбек адабиёти тараққиётиға қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
2. Озод Шарафуддиновнинг жаҳон адабиёти соҳасидаги таржима асарлари билан танишмисиз?

14- ҲАҒТА.

1-мавзу. Иқтисодиёт Университети раҳбарияти



Жумаев Нодир Хосиятович,
иқтисод фанлари доктори,
профессор. Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
ректори.

1997-йили Тошкент молия институтини тугатиб, Молия ва кредит соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис бўлди. Профессор Т.М.Қоралиев илмий раҳбарлигида 2002-йили "Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш йўллари" мавзусидаги номзодлик диссертациясини Банк-молия академиясида ёқлаб, 08.00.07 Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. 2008-йили "Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш" мавзусидаги докторлик диссертациясини Банк-молия академиясида ҳимоя қилди.

У 120 дан ортиқ илмий ишлар ва ўқув қўлланмалар муаллифидир. Жумладан, 5 та монография, 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма, шунингдек, кўплаб илмий мақолалар, тезислар чоп эттирган.

Н.Жумаев раҳбарлик иш фаолиятини 1999-йил Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бўлим бошлиғи, сўнгра бошқарма бошлиғи лавозимларидан бошлаган. 2003-йилдан Тошкент молия институти Молия кафедраси мудир, 2006-йилдан Банк-молия академиясида илмий ишлар проректори, 2009-йилдан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори лавозимларида фаолият юритган. 2009-йил 27-декабрдаги сайловларда иштирок этиб, муваффақият қозониб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва Ижтимоий масалалар қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатди.

Н.Жумаев ўзининг илмий-педагогик малакасини АҚШ, Малайзия, Япония, Англия, Германия каби етакчи мамлакатларнинг нуфузли университетларида ошириб келди. Н.Жумаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг гранти доирасидаги 2

та илмий лойиҳада иштирок этиб, 1 та лойиҳанинг илмий раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Н.Жумаевнинг илмий раҳбарлигида 1 та фан номзоди тайёрланди, 3 та аспирант ва 3 та тадқиқотчи ўзларининг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш арафасида. Н.Жумаев Менежмент ва маркетинг, Эконометрика ва статистика ҳамда Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари ихтисосликлари бўйича Д.067.06.01 рақамли докторлик ва номзодлик диссертациялар ҳимоялари бўйича ихтисослашган кенгаш раисининг муовинидир.



Бекмуродов Адхам Шарипович,
иқтисод фанлари доктори,
профессор. Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида ўқув
ишлар проректори.

1985 йил Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)нинг Савдо иқтисоди факултетини тугатган.

1990 йил Москва халқ хўжалиги институти (ҳозирги Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси)да “Эффективность маркетинга сельскохозяйственной техники (на материалах Республики Узбекистан)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1994 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Эффективность маркетинга средств производства (на материалах сельхозмашиностроения Республики Узбекистан)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1995 йилда Белгиянинг Лувен университети МВА дастурини тугатиб, бизнесни бошқарув магистри дипломини олган. 1998-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ташқи ишлар вазирлиги ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида амалий фаолият олиб борган. 2000 йилда профессор илмий унвонига сазовор бўлган.

Асосий илмий-тадқиқот йўналиши: маркетинг, ташқи иқтисодий сиёсат, иқтисодий хавфсизлик, глобал иқтисодий рақобатбардошлик мавзулари ҳисобланиб, ушбу йўналишда 200 га яқин илмий, ўқув ва услубий нашрлар муаллифи. Маркетинг йўналишида 4 та фан доктори ва 12 та фан номзоди тайёрлаб, ушбу фан соҳасида илмий мактаб яратган.



Болтабаев Маҳмуджон Рустамович –
Маънавият ва маърифат ишлари бўйича
проректор, иқтисод фанлари доктори.

Болтабаев Маҳмуджон Рустамович 1969 йил 11 мартда Андижон вилоятида ишчи оиласида туғилган. 1993 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Тижорат» факултетини тугатган. 1994-1999 йиллар мобайнида «Пахта толаси экспортида маркетинг самарадорлиги» мавзусида илмий изланишлар олиб борган ва 1999 йилда шу мавзу бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1999 – 2005 йилларда «Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.Болтабаев 40 дан ортиқ илмий, ўқув – услубий ишларнинг муаллифи. Унинг қатор илмий мақолалари Италия, Германия ва Россия давлатларида чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга ихтисослашган Кенгашларнинг аъзоси.

М. Болтабаев 1993 – 2007 йилларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги ва тижорати» кафедраси ассистенти, «Тижорат» факультетида декан муовини, Магистратурада декан муовини, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, “Божхона иши ва логистика” кафедраси мудири, “Халқаро иқтисодий муносабатлар” факултети декани лавозимларида фаолият кўрсатган.

2007 йил 24 майдан ТДИУ Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.



Махмудов Носир Махмудович
иқтисод фанлари доктори,
профессор. Илмий ишлар бўйича
проректор.

1977-1980 йиллар Д.С. Коротченко номидаги Киев халқ хўжалиги институтида аспирант бўлиб “Эффективность и надежность производственных систем” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1990-1993 йиллар ТДИУда докторант, “Моделирование производственно – экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1994 йилдан профессор.

Асосий илмий-тадқиқот йўналиши: “Ишлаб чиқариш ва иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш ва прагнозлаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлиги”. Тошкент давлат иқтисодиёт университети таркибида фаолият кўрсатаётган 3 та ихтисослик (Менежмент ва маркетинг, эконометрия ва статистика, Иқтисодиётда ахборот тизими ва технологиялари) бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича Д.067.06.01 шифрли ихтисослашган кенгаш раис муовини.



Ахунова Гулчехра Назаровна -
Иқтисод фанлари доктори.
Университет академик лицей ва
касб-хунар коллежлари билан
ишлаш бўйича проректор.

1965 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини Оммавий адабиётлар редактори журналист ихтисослиги бўйича тамомлаган. 1967-1972 йилларда Тошкент давлат университети

журналистика факультети аспиранти, катта ўқитувчиси, лавозимида ишлади. 1974 йилда номзодлик диссертациясини ёклади ва номзодлик унвонини олди.

2004 йил 15 апрел Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун Д.005.10.02 ихтисослашган кенгашининг тавсиясига кўра 08.00.13-“Маркетинг” ихтисослиги бўйича “Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ахунова Гулчеҳра Назаровна томонидан ҳозирги кунгача chop этилган асосий илмий, ўқув-услубий ишлар қуйидагилардан иборат: 73 та иш эълон қилинган, шулардан, 4 та монография, 15 та ўқув қўлланма, китоблар, 27 та журналларда мақолалар, 27 та илмий мақолалар тўпламлар ва конференцияларда.

Ҳозирги вақтда бакалаврият ва магистратуранинг кундузги бўлимларида «Маркетинг хизматлари» фанидан маъруза ва амалий машғулот дарсларини олиб бормоқда. Магистрларнинг диссертация ишларига илмий раҳбарлик қилмоқда. Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари орасида ҳурматга сазовор.



Холмўминов Шайзоқ Раҳматович – ТДИУ молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Холмўминов Шайзоқ Раҳматович 1957 йил 11 мартда Самарқанд вилоятининг деҳқон оиласида туғилган. 1980 йилда Тошкент Ҳалқ хўжалиги институтининг “Иқтисодий кибернетика” факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1980 – 1982 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1983 – 1986 йилларда кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олган.

У 1987 йилдан “Қишлоқ меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишни моделлаштириш” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёклаган.

Профессор Ш.Р.Холмўминов 1987 йилдан буён “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедрасида ассистент, доцент ва профессор лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда. У 1998 йилда “Қишлоқ меҳнат

бозорининг шаклланишини ва ривожланишини моделлаштириш” мавзусида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. У 1999 йилдан 2004 йилгача ТДИУнинг “Иқтисодиёт ва статистика” факультети декани лавозимида ишлаган. Унга 2002 йил «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишони берилган.

Профессор Ш.Р.Холмўминов Халқаро меҳнат ва бандлик академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Унинг раҳбарлигида 1 та докторлик ва 5 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозирда у 6 та аспирантга илмий раҳбарлик ва 1 та докторантга илмий маслахатчилик қилмоқда. У ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси.

Ш.Р.Холмўминовнинг 311,8 босма табоқ илмий ишлари, шу жумладан, 3 та монография, 10 та рисола, 6 та дарслик ва 9 та ўқув қўлланма ҳамда 70 дан ортиқ илмий мақолалари хорижда ва республикаimizни нуфузли илмий журнал ва газеталарида нашр этилган.

Ш.Р.Холмўминов 2004 йилнинг май ойидан буён университетни молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

2-мавзу. 2002-2003 йиллардаги иқтисодиёт бўйича нобель совриндорлари

2002 йилги иқтисодиёт бўйича соврин америкалик Дэниел Канемал ва Вернон Смитларга берилди.

68 ёшли Канеман (1934) асли психолог (руҳшунос) бўлиб, Принстон университетида инсонларнинг иқтисодий муносабатларда доим ҳам рационал, яъни иқтисодиёт дарсликларидагидек ҳаракат қилавермасликларини аниқлашган. Унинг фикрича, “иқтисодий одам” башорат масалаларида ўта ўзига ишонган ҳолда иш юритади, фойда ва таваккалчиликда иррационал қарорлар қабул қилади, оқибатда кўпгина инвестиция банкларининг нотўғри прогнозлари бозорлар инқирозига олиб келади. 75 ёшли Смит (1927) эса Жорж Мэйсон университетида кўпгина тажрибалар орқали инсонлар харид ва сотув чоғида рационал ҳаракат қилишларини исботлаб берди (Канеман фикрига қарши). Демак, Нобель мукофоти икки қарама-қарши ғоя намояндаларига берилган. Бу ерда хатолик йўқ, чунки ҳозирги давр иқтисодий шароитида иккала совриндор ҳам ҳақ. Агар бозор муомаласида бутун жамоа томонидан қарор қабул қилинса, Смит ҳақ, агар айрим индивидлар шундай қарорни қабул қилсалар, унда Канеман ҳақ бўлиб чиқади. Бунда инсонларнинг ҳис-туйғулари муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, иррационал индивид (айрим шахс)ларнинг биргаликдаги ҳуққатвори рационал башорат қилинишига имкон беради.

Иқтисодиёт бўйича **2003 йилги Нобель мукофоти америкалик Роберт Энгл ва буюк британиялик Клайво Грейджерга** насиб этди. Уларга бу

мукофот келажакни башорат (прогноз) қила оладиган иқтисодий моделларни ишлаб чиққанликлари учун берилди. Хусусан, бу моделларда молиявий бозорлардаги тартибсиз флуктуацияларнинг (ўртача миқдордан четга чиқиш) акция қийматига таъсири ҳисобига юзага келадиган кескин ҳаракатларни юмшатиш механизми асослаб берилган. Бунда ялпи ички маҳсулот, истеъмол ва биржа баҳолари, банк фоизлари каби кўрсаткичлардаги ўсиш билан боғлиқ гипотезаларнинг ўзаро муносабати ўзгариши вақтга нисбатан кузатув маълумотларига кўра, зарур башоратга иқтисодий моделлар ёрдамида эришилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Иқтисодий ва психологик жараёнлар бир-бири билан боғлиқми?
2. Рационал ҳаракат ва рационал башорат нима?
3. Иқтисодий моделлар ялпи маҳсулотни ўсишига қандай таъсир кўрсатади?

ДЕКАБР

Душанба		6	13	20	27
Сешанба		7	14	21	28
Чоршанба	1	8	15	22	29
Пайшанба	2	9	16	23	30
Жума	3	10	17	24	31
Шанба	4	11	18	25	
Якшанба	5	12	19	26	

Декабр ойининг тахминий иш режаси

1. Ноябрь ойи иш режасининг бажарилиши тахлили.
2. Декабр ойи иш режасини тузиш.
3. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
4. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
5. Конституция кунини тантанали нишонлаш, тадбирларни белгилаш.
6. Ҳамид Олимжон таваллуд топган кунга бағишлаб давра-суҳбати ўтказиш.
7. Асқад Мухтор таваллуд топган кунга бағишлаб давра-суҳбати ўтказиш.
8. Эркин Воҳидов таваллуд топган кунга бағишлаб 2 ва 3 сонли талабалар турар жойларда учрашув ўтказиш.
9. Янги йилни тантанали кутиб олиш тадбирини тузиш.
10. Деворий газеталар чиқариш.
11. Концерт дастурини тайёрлаш.
12. Талабаларни қишки таътилини мароқли ўтказиш тўғрисида суҳбатлар.

Декабр ойининг муҳим саналари

- 1- декабр Халқаро ОИТС (СПИД)га қарши кураш куни (1988).
- 3-декабр Халқаро ногиронлар куни (1992).
- 8-декабр Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун (1992).
- 10-Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун (1992).
- 10-декабр Инсон ҳуқуқлари халқаро куни (1948)
- 12-Баҳор ва бахт куйчиси Ҳамид Олимжон таваллуд топган кун.
- 23-Ўзбек адабиётининг таниқли номаёндаси Асқад Мухтор таваллуд топган кун.
- 28-Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллуд топган кун.
- 28 – декабр Халқаро кино куни (1895).
- 31- Янги йил.

15- ҲАФТА

Бош қомусимиз-халқ ҳокимиятининг гарови

Давлатнинг конституциявий тузум асослари амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конс-титутцияси – Асосий қонуни 1992 йил 8 декабрда 12-чақириқ Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида қабул қилинган. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонун (1991 йил 31 август) Конституция учун асос бўлиб хизмат қилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш ғояси илк бор 1990 йил мартда бўлиб ўтган мамлакат Олий Кенгашининг 1-сессиясида илгари сурилган. 1990 йил 20 июнда Олий Кенгаш 2-сессиясининг қарори билан Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилган. Конституция лойиҳаси 2 йил давомида ишланган. Комиссия ишлаб чиққан лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда матбуотда эълон қилиниб, муҳокама этилган. Икки ярим ой давомида 5 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушган. Конституциявий комиссия умумхалқ муҳокамаси яқунларини кўриб чиқиб, лойиҳани тузатиб ва маъқуллаб Олий Кенгаш сессиясида муҳокамага тавсия қилган. Лойиҳа Олий Кенгаш сессиясида ҳам моддама-модда муҳокама этилгандан сўнг қабул қилинган.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижадарига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига, жами 32 моддага тузатиш ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудида шу вақтга қадар амал қилиб келган конституциялардан тубдан фарқ қилади. У бошидан охиригача мустақиллик ғоясининг билан суғорилган. Халқ, халқ ҳокимияти ғояси бутун Конституцияга сингдирилганлиги Ўзбекистон Республикаси Асосий қонунининг чинакам халқчиллиги, демократик табиатидан далолат беради. Конституцияда демократиянинг халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир деган асосий қоидаси ўз ифодасини топган (7-модда). Халқ ҳукуматга хизмат қилиш учун эмас, аксинча, ҳукумат халққа хизмат қилиш учун мавжуддир. Президент ва ҳукумат демократиянинг ана шу асосий ақидасига содиқ қолмоқдалар. Сўз эркинлиги, ўз фикрларини баён этиш, ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи, матбуот эркинлиги, йиғилиишар ўтказиш ва бирлашмаларга уюшиш эркинлиги, қонундан ҳамманинг баб-баравар қимоя топиш ҳуқуқи, қонунларга риоя этиш ва адолатли судловни амалга ошириш қуқуқлари – демократиянинг энг муҳим тартиб-қоидалари бўлган бу нормалар Конституцияда аниқ-равшан мустаҳкамлаб қўйилган (29-, 31-, 33-, 48-, 67-моддалар). Ҳокимият

фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, тартиб сақлашга ва халқ манфаатларини кўзлаб жиной хатти-ҳаракатларга чек қуйишга даъват этилган.

Фақат халқ сайлаган парламент ва Презилент халқ номидан иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг ҳеч бир бўлаги, ҳеч қайси сиёсий партия, жамоатчилик бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида бир шахс халқ номидан иш кўриши мумкин эмас (10-модла). Конституция халқнинг қонуний вакиллари бўлган парламент билан Президент ваколатларини аниқ чегаралаб беради. Жамиятнинг барқарор ҳаёт кечириши учун бу жуда муҳимдир. Бирорта шахс, ҳатто парламент депутати, ҳеч бир гуруҳ, жумладан, муҳолифат халқ номидан сўзлаши ва иш кўриши, ўз зиммасига халқнинг ваколатли вакили вазифасини олиши ёки ҳокимият тузилмаларининг ваколатларини ўзлаштириши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳокимият билан муҳолифат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида келиб чиқиши эҳтимол бўлган барча масалаларни биринчи марта жой-жойига қўйиб берди. Конституциянинг 7-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади».

Конституциявий тузум – инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси. Умумэтироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, унинг барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўкишга қаратилган ҳар қандай уриниш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Конституция мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайди (29-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси конституциявий тузум тушунчасининг ўзини ҳам бойитади. У конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни, яъни Конституцияни ўзгартириш учун куч ишлатишни мақсад қилиб қўйган сиёсий партиялар, шунингдек, бошқа ижтимоий бирлашмалар ташкил этилишини ва улар фаолиятини тақиқлайди. Фуқаролар Конституцияга риоя этишга, бинобарин унга асосланган тузумга итоат қилишга мажбурдирлар (48,57-моддалар).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси илк бор қонун чиқарувчи ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини аниқ ажратиб қўйди. Бу келажакда бутун давлат ҳокимиятининг битта орган ва бир шахс қўлида мужассам бўлишининг олдини олади.

Конституциянинг муҳим хусусияти унинг ижтимоий мақсадни кўзлаган бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилганлигидир.

Мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан хусусий мулк тенг ҳуқуққа эга ва бир хил ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни мамлакатнинг миллий хусусиятларини кенг акс эттирди. Бу ўзбек тилининг давлат тили сифатида мустаҳкамланганлигида ҳам, ҳокимият ва бошқарув органлари тузилмалари (Олий Мажлис, ҳокимлар, раислар, оқсоқоллар)да ҳам, маъмурий-худудий бирликларнинг номланиши (вилоятлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар)да ҳам ўз ифодасини топди. Бундан ташқари алоҳида боб ўзбек миллий қадриятларидан ҳисобланадиган мустаҳкам оила ва ундаги муносабатларга бағишланди. Конституцияда таъкидланишича, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Асосий қонун ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғам-хўрлик қилишга мажбурдирлар. Деб уқтиради (63-, 64-, 66-моддалар).

Мамлакатда 8 декабрь умумхалқ байрами – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши (2001 йил 4 январ) асосида мамлакатда таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг узлуксиз тизими шакллантирилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси неча бўлим, боб ва моддадан иборат?
2. Конституция сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қачон қабул қилинган?

16- ҲАФТА

Ҳамид Олимжон

Ҳамид Олимжон ўзбек совет поэзиясининг ёрқин сиймоларидан бирidir. У бор-йўғи 35 йил умр кечирди. Бироқ бой адабий мерос қолдирди. Унинг асарлари жаҳон классикасининг олтин хазинасидан ўрин олди.

Ҳамид Олимжоннинг ўзбек дostonчилигида янги давр очган «Зайнаб ва Омон» асари поэтик анъананинг ўзига хос намунасига мисол бўла олади. Ҳамид Олимжон бадиий ижод билан ижтимоий фаолиятни узвий қўша олган, уларни ягона мақсад ҳамда идеалга йўналтира билган янги типдаги ижодкор эди.

Қандай адабий – тарихий даврлар келмасин, қандай фикрлар шабадаси эсмасин, аср шеъриятининг энг истедодли намоёндалари орасида Ҳамид Олимжон салмоқли ўринда туради. Ҳамид Олимжон ғоят қисқа умр кўрганига карамай, насрда ҳам, поэзия, драматургияда ҳам самарали меҳнат қилишга уринди. Аммо унинг ўзбек адабиёти тараққиётига кўшган улушини, биринчи навбатда, шеърий ижоди, аниқроғи, энг яхши шеърий

дурдоналари белгилаб беради.

Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келди. У тўрт ёшга тўлганда отаси вафот этиб бобоси Азимбобо кўлида тарбияланди. У саводли киши бўлган Фозил Йўлдош ўғли Хатирчидан, Жуманбулбул ўғли Жиззахдан тушганида Азимбобо хонадонини гуллашиб, шоирхонликка бутун маҳалла йиғилар эди. Шундай пайтларда ёш Ҳамид ҳам бобоси ёнида бўлар, узок, тунларда бобоси тиззасига бош қўйиб ухлар, тушларида шеър, ғазал эшитиб, роҳат қилар эди. Онаси Комила хола кўп эртақлар айтиб берар эди, кейинчалик бу бахшихонлик ва эртақлар Х.Олимжон ижодининг манбалари бўлиб қолди.

Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда

Кўп эртақ эшитгандим, сўйлаб берарди бувим

Ҳ.Олимжон «Ёрилтош», «Ойгул билан Бахтиёр», «Тоҳир ва Зухра»лар ҳақидаги эртақларни тинглаб ўтказган дамларини эслаб, ижодга киришган.

“Ўт боғланган қанотлар, беқанот учган отлар,

Сўйлагувчи деворлар, бола бўб қолган чоллар”ни ҳаёлидан ўтказар экан, “Бувимнинг ҳар қиссаси, ҳар бир қилган ҳиссаси

фикримни тортар эди, ҳавасим ортар эди”, деб ўша адабий манбани миннатдорлик билан тилга олганлиги бежиз эмас. Ҳамид Олимжон шеърятининг халқчил оҳанг ва руҳ касб этишининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

30 – йилларда унинг «Дарё кечаси», «Ўлка», «Ойгул билан Бахтиёр», «Бахт», шеърлар тўпламлари босилиб чиқди. А.С. Пушкиннинг «Кавказ асираси» ва «Сув париси», Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романларини ўзбек тилига таржима қилди. 1937 йили Ўзбекистон Ёзувчиларининг IV Пленумида Ҳамид Олимжон ёзувчиликдан ҳам, комсомолдан ҳам ҳайдалади. 1939 йили Педтехникумда ўқитувчилик қилиб юриб, яна ижод қилишни бошлади. 1939 йил Ёзувчилар Уюшмаси Котиблигига сайланди.

1937 йили 23 мартда Козоғистон қардош халқининг қурилтойи бўлди. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон ҳукумати делегацияси аъзоси сифатида бу анжуманда қатнашиб, Хасан Қайғий деган қозоқ шоирининг фожиали қисмати билан танишади. Қор гиламлари остида ётган Олма-ота билан хайрлашиб, Тошкентга қайтганда унинг деразаси олдидаги бир тўп ўрик оппоқ бўлиб гуллаб турар эди. Қор ва ўрик гулларини қиёслар экан, шоир уни Хасан Қайғий қисмати билан солиштиради.

Мана сенга олам – олам гул,

Этагингга сиққанича ол,

Бунда толе ҳар нарсадан мўл

То ўлгунча шу ўлкада қол.

Ҳамма нарсадан мўл, серқуёш юртимизда бахт ва ижод нашидасини суриш шоирга насиб этмади. Фожиали қисмат гуркираб ижод қилаётган навқирон йигитни орамиздан олиб кетди. Шоир 1944 йили 3 июл куни Тошкентдан Жиззахга келаётганда автохалокат қурбони бўлди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ҳамид Олимжоннинг шеърларидан намуналар ўқиб беринг
2. Нима учун Ҳамид Олимжон баҳор ва шодлик куйчиси номини олган?
3. Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди ҳақида кимлар хотиралар ёзган?

17- ҲАФТА

Эркин Воҳидов

Эркин Воҳидов янги босқичдаги ўзбек совет адабиётининг забардаст вакилларида биридир. Унинг ўзбек классик шеърляти анъаналари изидан бориб, ҳозирги давр кишисининг бой маънавий дунёсини очиб берувчи «Ёшлик девони», «Тирик сайсралар», «Шарқий қирғоқ» тўпламлари, уруш оқибатлари ҳақида баҳс этувчи «Нидо», Тошкент зилзиласининг поэтик хроникаси бўлмиш «Палаткада ёзилган дoston», реалистик йўналишда битилган «Рухлар исёни», «Истамбул фожиаси» асарлари, Миллий театрда узоқ йиллар сахнадан тушмай ўйналган «Олтин девор» комедияси, шунингдек, И.Гёте, С.Есенин, А.Блок, М.Светлов, А.Твардовский, Р.Гамзатовдан қилган таржималари, айниқса «Эрон тароналари» билан «Фауст» таржимаси адабиётимизда, маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди.

Чинакам санъат асари ҳамиша қайноқ ҳаёт ичида, қизгин ижтимоий фаолият жўрлигида, тинимсиз изланиш, машаққатли меҳнат эвазига майдонга келади. Фақат қайноқ ҳаёт ичида туғилган ижодгина замон ва замин ташвишларига ҳамоҳанг бўла олади. Э. Воҳидов ижоди ва фаолияти бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Эркин Воҳидов Фарғона областининг Олтиариқ районида ўқитувчи оиласида дунёга келди. Отаси Чўянбой Воҳидов, онаси Розияхон обрў-эътиборли, маърифатли кишилар эди. Бўлғуси шоирнинг Ватан урушидан оғир ярадор бўлиб қайтган отаси, сўнгра онаси дунёдан ўтди. Эркин икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб тоғаси — Қарим Саҳибоев қўлида қолди. Саҳибоевлар хонадонида тез-тез шоир ва хонандаларнинг мароқли суҳбатлари бўлиб турарди. Эркин Воҳидовдаги нафосатга, шеърлятга меҳр ва майл ана шу даврларда шаклланди. Бадий ижодга қизиқиши уни ўқувчилик йиллари Островский номидаги пионерлар саройидаги Ғайратий бош бўлган тўғаракка етаклаб келди. Сўнгра Эркин Воҳидов Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таълим олди. Университет таълими шоирнинг ижодий тақдирида чуқур из қолдирди.

Эркин Воҳидов шоир сифатида шаклланган, ижоди гуркираган йиллар Ватанимиз, халқимиз тарихида, жамиятимиз маънавий-сиёсий ҳаётида ғоят муҳим ўзгаришлар, янгиланишлар юз берган, мазмундор, ҳаяжонли ҳамда зиддиятли воқеаларга бой давр бўлди. Партияимизнинг XX съезидан кейинги ҳаётбахш шабадалар адабий муҳитга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

Маълумки, ижодкорнинг шаклланишида адабий муҳит, тарбия, шароитнинг аҳамияти қанчалар катта бўлмасин, оқибат-натижада истеъдоднинг даражаси, характери, виждони ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Яна шуниси борки, ҳар қандай қулай шароитда ҳам ижод ўзига хос индивидуал, изтироб ва қийноқларга тўла тўхтовсиз изланишлар, баъзан зиддиятлар ичида кечади. Эркин Воҳидовнинг ижодий эволюциясини кузатганда, шоирнинг ўн беш ёшда ёзган лагерь тонги ҳақидаги болаларча содда, маъсум сатрларидан тортиб эллик ёш бўсағасида яратган ҳақиқат ёғдулари билан йўғрилган, драмаларга тўла қалб туғенидан иборат «Истамбул фожиаси»га қадар босиб ўтган ижодий йўлига назар ташласак, бунга яна бир қарра иқроқ бўламиз.

Эркин Воҳидов адабиётга 30-40-йиллар шеърляти таъсирида ҳаёт, ёшлиқ, севги куйчиси сифатида кириб келди. У, аввало, кўпроқ табиатдан, турмуш ҳодисаларидан, ҳаёт гўзаллигидан ҳайратланиб, ҳис-ҳаяжонларини шеърга солди. Унинг илк машқларида, танқидчи Озод Шарафиддинов айтганидай, кўпроқ дунёни энди кашф этаётган, бундан ўзи завқланиб, хурсандчилигидан бошқаларни ҳабардор этишга ошиқаётган, яшашнинг бениҳоя гўзал экани, ҳаётнинг ноёб неъмат эканини тушуниб келаётган мурғак қалбнинг қувончлари бор.

«Ёшлиқ девони» - шоир ижодининг бир намунаси. У шоирнинг 60-йиллардаги кайфияти ифодаси бўлибгина қолмай, умуман, шеърлятимиз таракқиётидаги муайян тенденциянинг кўриниши сифатида ҳам қимматлидир.

«Ёшлиқ девони», бир томондан, анъанавий аруз, ғазал бугунги кунда яшашга, инсондаги азалий бебаҳо туйғу — ишқ туғенини, романтик кайфиятни ифода этишга қобил эканлигини тасдиқласа, иккинчи томондан, анъанавий шаклнинг ҳозирги ривождаги айрим қийинчилик, ички зиддиятларини ҳам ошқор этади. Хусусан, «Ҳофизга» ғазалидаги баҳс, пародиянамо ҳазил-мутойиба замирида жиддий ҳақиқат— анъанавий ташбеҳлар билан бугунги реаллик орасидаги муайян зиддиятлар аниқ-равшан кўриниб туради.

Йиллар ўтган сари шоир ижодида фикрлар кўлами кенгайиб, ҳис-туйғулар тобора сержило бўлиб борди. Шунга қарамай, унда қандайдир ижодидан қониқмаслик, ўзини янгилашга мойиллик кайфияти туғилди. Бу бир дард, армон бўлиб, вужудини ғалаёнга сола бошлади. Бу ҳолат 70-йиллар бошларида, аниқроғи, «Йўқолган шеър»да (1972) жуда яхши ифодаланган. Шоир ўз асрига мос бутун оламнинг шавқу дардини ўзида мужассам этадиган шеърлар ёзишни орзу қилади. Ниҳоят, бу орзу, изланишнинг самараси 70—80-йилларда яратилган қатор шеърларида, «Рухлар исёни», «Истамбул фожиаси» дostonларида кўринди. Ҳудди шу этапда яратилган шеърларидан бири «Замин ташвишлари» (кейинчалик «Замин сайёраси») деб аталган. Бу ном фақат мазкур шеърнинг эмас, шу босқичдаги барча яхши шеърлар, дostonлар моҳиятини ифодалай олади. Реал ҳаётга ўта яқинлик, замин, замон ва инсон ташвишлари билан ҳамдардлик, оддий кундалик ташвишларда катта инсоний муаммоларни кўра билиш, улардан умумбашарий маъно излаш, бугунги кунда барчани ҳаяжонга солиб турган маеалаларни дадил ўртага қўйиб, уларга жавоб излаш - бу даврдаги энг яхши дoston ва шеърларга хос хусусиятлардир.

Шоирнинг бир интервьюсида ҳозирги замон жаҳон тараққийпарвар шеърляти ҳақида айтган бу сўзларини унинг энг яхши дoston, шеърларига ҳам тўла тадбиқ этиш мумкин. Бу асарларнинг ҳар бир сўз, ҳар бир сатрида инсоният қисматидан безовта қалб кечинмалари, замон тақдирига жавобгарлик ҳисси билан тепаётган юрак ҳаяжонлари ловуллаб туради. Улар дунёга тийрак кўз билан назар солишга чақириқ бўлиб янграйди. Шоирнинг «Замин ташвишлари», «Инсон», «Бизлар ишляпмиз», «Бонг уринг», «Оқсоқол», «Шарқий қирғоқ», «Ёлғизлик истаги», «Темиртан даҳолар», «Сирдарё ўлани», «Зангори шуълалар», «Рухлар исёни», «Истамбул фожиаси» сингари поэма ва лирик-публицистик шеърлари, «Манфаат фалсафаси», «Сен менга тегма», «Мажлис қилинг», «Донишқишлоқ латифалари» каби сатирик, юмористик асарлари — барчаси шундай ўткир рух билан йўғрилган.

Биламизки, адабиётдаги, хусусан, шеърятдаги янгилик, аввало, инсон, уни янгича тушуниш, талқин этишдан бошланади. Эркин Воҳидов шеърятдаги бурилиш ҳам инсон, унинг табиатини, ҳаёти моҳиятини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан диалектик тарзда поэтик идрок этишдан бошланган. Худди ўша «Йўқолган шеър»дан кейин бир йил ўтар-ўтмас ёзилган «Инсон» қасидасини эслайлик. Шеър қасида руҳидаги инсон мадҳи, инсонни улуғловчи сатрлар билан бошланади:

Собиту сайёрада - Инсон ўзинг, инсон ўзинг.

Мулки олам ичра бир - Хоқон ўзинг, султон ўзинг.

Шоир шу инсон қудрати, хусусан, унинг ҳозирги фан-техника революцияси шароитидаги имкониятлари хусусида сўз очиб,. Коинот саҳросида карвону сарбон, кенг жаҳон унинг кафтида эканини айтади. Инсон измидаги бу ёруғ дунё надур? Деган савол қўяди-да, кескин равишда «кошонадур, вайронадур» дея жавоб қилади. Шу сатрлардан бошлаб шеърда мадҳия оҳанги чекинади, шоирнинг ҳам фахр-ифтихор, ҳам афсус-надоматларга тўла армонли ноласи янграй бошлайди. Бу ёруғ дунёнинг хоқони, султони саналмиш инсонга хос ҳам кучли, ҳам ожиз жиҳатларни, жамики зиддиятларни очишга киришади:

Шоир инсоннинг инсон деган улуғ номга муносиб бўлиши, фарзандлик бурчига содиқ қолиши, замин дардига дармон, унга қалқон бўлишини истайди

Муҳокама учун саволлар:

1. Эркин Воҳидовнинг шеърларидан намуналар ўқиб беринг
2. Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб беринг

18-19 ҳафталар қишки таътил

ЯНВАРЬ

Душанба		3	10	17	24	31
Сешанба		4	11	18	25	
Чоршанба		5	12	19	26	
Пайшанба		6	13	20	27	
Жума		7	14	21	28	
Шанба	1	8	15	22	29	
Якшанба	2	9	16	23	30	

Январь ойининг тахминий иш режаси

1. Декабр оyi иш режаси бажарилишнинг тахлили.
2. Қишки таътил кунларининг тахлили.
3. Январ оyi иш режасини тузиб, тасдиқлаб олиш.
4. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
5. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
6. Ёзувчи Ойбек таваллуд топган кунига бағишлаб деворий газета чиқариш.
7. Ватан посбонлари кунини нишонлаш тадбирини тузиш.
8. Иккинчи ва учинчи жорий хамда оралиқ назоратининг ўзлаштириш даражаси хақида.
9. Ватан посбонлари кунига атаб деворий газета чиқариш.
10. Якуний назорат ҳафтасини юқори кўрсаткичлар билан ўтказиш хақида суҳбат.
11. Ватан посбонлари кунига атаб армияда хизмат қилиб қайтган ёшлар билан суҳбатлар ўтказиш ва мусиқали кеча тайёрлаш.
12. Ваҳҳобийлик нима? Суҳбатлар ўтказиш.
13. 1990 йили “Молиявий иқтисодиёт назариясига оид биринчи ишлари учун” нобель мукофотида сазовор Гарри М.Марковиц, Мертон М.Миллер, Вильям Ф.Шарплар хақида суҳбат.
14. Янгиликлардан хабардор қилиб бориш.
15. Спорт мусобақаларини ўтказиш.
16. Саноат ва ишлаб чиқариш кўргазмаларига ташрифни ташкил этиш.

Январ ойининг муҳим саналари.

- 1–январ Янги йил байрами.
 1–январ Халқаро тинчлик куни (1968).
 10–Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллуд топган кун.
 14–Ватан химоячилари куни (1993).

26–Халқаро божхона куни.

30–Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов таваллуд топган кун.

Январь ойида ўтказиладиган тарбиявий соатлар учун намунавий мавзулар

20-ҲАФТА

1–мавзу. “Эл севган адиб” Ойбек (1905-1968)

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йил 10 январда Тошкент шахрининг Гавкуш маҳалласида бўзчи оиласида таваллуд топди. Бўлажак адиб аввал эски мактабда, 1918 йилдан бошлаб эса янги мактабда ўқиди. У 1922-1925 йилларда Тошкентдаги педагогика техникумида, 1927-1929 йилларда Санкт-Петербургдаги қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олди. 1930 йилларда СамДУнинг иқтисодиёт факультетида таълим олди ва уни тамомлади. Сўнгра мактабларда, олий ўқув юртларида дарс бера бошлади. Ойбек дастлаб шеърятга ихлос қўйиб, ихчам ва сермазмун шеърлар битди. 1926 йили «Туйғулар», 1929 йили «Кўнгил найлари» шеърый тўпламлари босилиб чиқди. Турмуш ўртоғи Зарифага тоққа чиққанда бир туп наъматакни олиб бераман деб қийналгани ҳақида 1936 йилда ёзилган. «Наъматак» шеърини ёдламаган йигит-қизлар кам бўлса керак.

Нафис чайқалади бир туп наъматак,

Юксакда шамолнинг беланчагида,

Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,

Виқорла ўшшайган қоя лабида.

Нафис чайқалади бир туп наъматак.

Ойбекнинг ижодида дostonчилик муҳим ўринга эга. «Дилбар давр қизи», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ» «Қизлар», «Ҳамза», «Зафар ва Заҳро», «Ҳақгўйлар» каби дostonлар Ойбекни камолот чўққисига олиб чиқди.

Ойбекнинг насрий асарлари ҳам кенг китобхонлар оммасига манзур бўлди. «Навоий» номли тарихий романи қийинчилик билан ёзилди, шу билан бирга шоир бошига қора булутларнинг бостириб келишига ҳам сабабчи бўлган эди. «Қутлуғ қон», «Нур қидириб», «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шаббадалар» каби роман ва повестлари бирин-кетин нашрдан чиқиб, китобхонларнинг севимли асарига айланди.

Ойбекнинг турмуш ўртоғи биринчи хотин қизлар рассоми, кимё фанлари доктори, профессор Зарифа Саидносирова кўмакдоши, асарларини чоп эттирувчи котиба, вафодор турмуш ўртоғи, ишларининг давомчиси бўлиб келган. Ойбекнинг Лермонтовдан, Пушкиндан қилган таржималарини эл севиб ўқиди. Эл севган адиб 1968 йили июнда вафот этди. Уни юлдузлар ичра ойга ўхшатиш мумкин. Бу нурли чўққи истикболга чорловчи машъала бўлиб порлайверади.

Миртемир ўз хонадонига Ойбек яшаган кўча орқали боришни севар эди. У енгил машинада ёки пиёда борадими, улуғ адиб яшаган уйга етиши билан бизга билдирмаган ҳолда, бошқийими ёки шляпасини олиб, бу улуғ ва муқаддас маскан ёнидан бир қўлини кўксига қўйиб, таъзим билан ўтар экан. У Ойбекнинг улуғ инсон эканлигини бошқа қаламқаш дўстларига қараганда яхшироқ ва яқиндан билар эди.

Ойбек ҳаёт кезларидаёқ у ҳақида афсоналар тўқилган. Афсоналар эса ўз давридан илгарилаб кетган кишилар атрофида туғилади. Шу маънода Ойбек ўзига пир деб билган А. Навоий сингари, кейинги асрлар ва авлодларга ҳам улуғ замондош бўлиб қолаверади.

Ҳамзанинг «Пуштигул» тўплами Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Саидносированинг отаси Саидносир Миржалол ўғли сармоясига наشر этилганлиги тўғрисидаги маълумот Зарифа Саидносированинг «Ойбегим» номли эсдаликларида алоҳида қайд қилиб ўтилганлиги диққатга сазовордир. Мазкур эсдаликларни ўқиган ҳар бир ёшнинг, ўқимишли меҳнатсевар, тиришқоқ, ўз келажагини яратадиган инсон бўлишга ҳаракат қилиши аниқ.

Зарифа Саидносир қизи Тошкентнинг Пушкин кўчасида жойлашган «Писталашин» мактабининг 6-синфида ҳамда Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида таълим олган, шу билан бирга ўқишдан кейин баланд масжиддаги мусиқа билим юртида скрипка, пионино бўйича машғулотларга қатнашган. Ҳафтада икки-уч кун пионерлар саройидаги расм студиясида таъсвирий санъат билан ҳам шуғулланган, шунинг учун ҳам буюк инсонпарвар шоир Ойбекнинг севикли рафиқаси биринчи ўзбек аёл рассоми, мусиқачи, кимёшунос олима бўлиб шуҳрат топди, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, саришталик намунаси бўлиб қолди.

Анор, анжир пишган тепа тоғларда,
Асло жим бўлмайди шамол нағмаси
Майли ноз қил, майли шўхлик қил,
Майли баъзан, қиё боқмагил.
Қош қиличи узра югурган,
Араз билан, майли дилни тил.
Сен мендан зангилик безакли ҳаёт,
Кутма, эй гўзалим мен буюк тентак.
Бир улуғ бўшлиқдир сенсиз коинот,
Унутма, қайғурма, йиғлама чечак!

Ойбек домланинг “Қутлуғ қон” романида миллий адабиётнинг ўзига хос шаклланаётган қирраларини кўриш мумкин. “-Бир қарич ерларинг борлигини эшитган эдим, қўлларингдами?”

-Йўқ ер сотилиб кетган.

-Чакки бўлибди, жиян, ер сотган эр бўлмайди. Эр ер сотмайди. Бу гапнинг маъзини чак, ер сотганларнинг кўпини кўрдик, охири гадои бўлди...”

Доно оталарга хос ўғит шундай эмасми? Асарнинг бошидан охиригача Мирзакаримбойнинг бирор бир енгил-елпи иш тутиши ёки палапартиш гапиришига гувоҳ бўлмайсиз. Зеро ана шундай етти ўлчаб, бир

кесиши, вазминлиги, тадбиркорлиги туфайли бири икки бўлган, вақтида бошига оғир кунлар тушганини, аммо тадбир билан иш тутиб, шу даражага етганини у жиянига гапириб беради. Ойбек уни шундай таърифлайди: - “Бой ўз даврида кўпни кўрган, кўпни таниган, турли шаҳарлар ва турли одамлар билан муомала қилган. Унинг кўлидан жуда кўп хизматкор ва чорикор ва ҳоказолар ўтган. Шунинг учун одамни тез англаб олар эди. Ўзининг бу хислатига чуқур ишонар эди”.

Ойбек домла фалон жойда бирон образнинг салбий ёки ижобий эканлигини таъкидламаган, тасвирлаган холос. Зеро инсон батамом қора бўлмаганидек, фақатгина оқ бўёқ билан тасвирлаган қахрамонларни ҳам кўрмаймиз. Ҳаётни қандай бўлса, шу тариқа акс эттирган. Ёзувчи ҳамиша холис.

Ўтган аср бошидаги турмуш тарзи, урф-одатлар, халқнинг ҳаёти, маишатга берилган бойваччалар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни Ойбекдай акс эттирган адиб камдан-кам. Бу биз ва келажак авлод учун энг ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

«Қутлуғ қон»да кўпчилик, ҳатто баъзи танқидчилар ҳам эътибор бермаган бир образ бор. Бу жадид Абдушукур образидир. У бойлар даврасида бўлганда ҳам, камбағаллар билан учрашганда ҳам илм-маърифат ҳақида гапиради. Беҳбудий томонидан чиқарилган «Ойна» журналини ўқиб беради. “Биз Туркистон мусулмонлари чуқур ғафлатдамиз,- дейди у – агар биз жангу-жадал қилиб, бу жаҳолат ботқоғидан қутилмасак, тараққиёт йўлини тутмасак... муқаддас ерларимизни христианлар босиб оладилар...” Бу фақат жадиднинг жасорати эмас, қаттол бир замонда ана шу гапни ёза олган Мусо Ойбек матонати ҳам эди. Лекин гап шундаки, Абдушукурнинг гапига кулоқ берадиганлар йўқ ҳисоби. Бойлар пулни, камбағаллар қоринини ўйлайди. Агар «Қутлуғ қон»ни теливизорда кўрган бўлсангизлар бир эпизод ёдингизда қолгандир. Белкурак, кетмон, чукич билан қуролланган дарғазаб оломон пристав маҳкамаси сари йўл олади. Шунда уларнинг қаршисидан жадид Абдушукур пайдо бўлади: “-Қаёққа бораяп-сизлар? Қайтинглар! Бу нодонлик”, - дейди у. Адиб Ойбек бу ерда миллатни жаҳолат эмас, маърифат билан бошқариш зарурлигига ишора қилади.

Шоир ва ёзувчилар бизга фақат ёруғ томони билан назар ташлаб, иккинчи, сирли томонини бир умрга яширган ойга ўхшайдилар. Биз ойнинг тун қўйнидаги олтин ранг шуълаларини кўриб, юксак туйғуларга бериламиз-у, аммо унинг қоронғу тарафида нималар кечаётганидан беҳабар қоламиз. Худди шунингдек, шоир ва ёзувчиларнинг сўлим асарлари орқали бизга таниш бўлган ижодий ҳаёти қалбимизга олам-олам қувонч беради-ю, аммо уларнинг ижодида, илҳомдан четда кечган ҳаёти биз учун ойнинг қоронғу тарафидек нотаниш хилқат бўлиб қолаверади.

Машраб осилганда қаёқда эдинг,

Насимий товони тилиниб, туз босилганда-чи?

Дорга осилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни-ё, ‘

Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман.

Қачон халқ бўласан эй сен оламон.

Ёзувчи қанча улуғ бўлса, унинг шахсий ҳаёти ҳам шунчалик ибратли бўлади. Ибратомуз ҳаёт саҳифаларини китобхондан яшириш ё тасвир этишдан қочиш, уларни ҳаёт денгизининг тубида қолдириш билан баробардир. Улуғ адабнинг олмос истеъдоди албатта ўзбек адабиёти учун бениҳоя қадрли. Лекин, Ойбекнинг яна бир фазилати ҳақида тўхталиб ўтилмаса, унинг ёрқин образи тўлақонли бўлаолмайди. У ҳам бўлса, комил инсонларга хос бўлган маънавий жасорати бўлиб, уни ёш авлодимиз билиши шарт деб ўйлаймиз.

II-жаҳон уруши фашизмнинг тор-мор этилиши билан якунлаганидан сўнг, урушдан олдин бошланган даҳшатли қатағон сиёсати яна давом этила бошлаган эди. Миллат туйғуси бор ҳар бир зиёлининг ҳаёти ҳавф остида қолган эди. Айниқса, ёзувчи, шоирлар устидан назорат кучайтирилган бир пайтда ҳуфёна хат уюштириш, ёлғон гувоҳлик бериш зиёлиларни бир-бирига қайраш орқали миллий руҳни зўр бериб топташга ҳаракат қилинади. Уюштирилган “думалок” хатга қўл қўймаса, ўзи шубҳа остига олинар эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бировнинг утидан қилинган тухматга қўшилмаслик, инсонийлигини сақлаб қолиш жуда кўп ижодкор зиёлиларимизнинг қўлидан келмаганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам одамийлик фазилатини йўқотмаслик кераклигини чуқур англаб етган Ойбек бундай мудҳиш ишдан ўзини четга олаолган эди. Бу жасорати миллатнинг келгуси авлодлари учун ибратли намуна бўлганлигини билишимиз зарур. Лекин, бу жасорат улуғ ёзувчи учун ниҳоятда катта руҳий босимга учрашга сабабчи бўлганлигини, оқибатда эса фалаж ҳасталигига дучор бўлишига олиб келганлигини айтишимиз лозим. Бу жасорати улуғ адибнинг пок сиймосига гард юқтирмасдан, эъзозлаб авайлашимизга ундайди.

Тош экан бошим, ҳеч ёрилмади,

Ёғилди минг тош, қалам ҳамдардим.

Кўздан қатра ёшим, гар қолдим нонсиз,

Ва бошпонасиз, дарз кетмади қалб.

Дилда ҳақиқат бир он сўнмади,

Гуё зўр қуёш!

Муҳокама учун саволлар:

1. Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?
2. Ойбекнинг шеърларидан намуналар ўқиб беринг.
3. Ойбекнинг “Навой” романини ўқиганмисиз, у ҳақидаги таассуротларингиз қандай ?

2-мавзу. Ўзбекистон – Тинчлик устуни

2002 йил 11 январ куни ЮНЕСКО бош директори Кончиرو Маккура томонидан мамлакатимиз номига юборилган мактубда шундай дейилади.

“Ёшлар тинчлик, зўравонликка қарши кураш можароларни олдини олиш, инсон ҳуқуқлари ва демократия, маданиятлараро муносабатлар, ҳамжихатлик ва бағрикенглик ғоялари бўйича таълим беришга қўшган катта хиссаси ҳамда 2000 йил Халқаро тинчлик маданияти йилида амалга оширилган тадбирларни инобатга олиб Ўзбекистон “Тинчлик устуни” соврини учун бўлиб ўтган танлов ҳайати томонидан ғолиб деб топилди”. ЮНЕСКОга аъзо бўлган 190 та давлат орасида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг “Тинчлик устуни” совринига сазовор бўлиши жаҳонда Ўзбекистоннинг обрўсини янада ошириб юборди.

Кўп асрлик тарихга, улкан маданий маърифий меросга эга бўлган Ўзбекистон ЮНЕСКО да ҳамиша катта қизиқиш уйғотиб келган. Ҳозирги кунда ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия ташаббуси билан мамлакатимиздаги 31 та мактаб, лицей, коллежлар “Бирлашган мактаблар дастури”га аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг кўпгина тарихий-меъморий обидалари ЮНЕСКО ташаббуси билан жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Бу рўйхатдан жой олган Бухоронинг тарихий маркази Хивадаги Ичан қалъа мажмуи ва Шахрисабз шаҳри эндиликда дунё халқлари умумий мулки ҳисобланади. Бугун улар халқаро жамият ҳимоясига олинган.

Дарҳақиқат шундай. Бугун Ўзбекистон жаҳон аҳамиятига молик масалаларда дунёнинг пешқадам давлатлари сафидан ўрин олаётгани айти ҳақиқат. Айниқса умумбашарият тақдири, жаҳон цивилизациясининг бурилиш нуқталарида унинг ўзига хос таъсири бор. Шу боис бизга хайрихоҳ халқлар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар сони ҳам кун сайин кўпаймоқда.

Аввало, мамлакатимиз ҳар қандай масалага ҳўжа-кўрсинга, ёхуд шунчаки ёндашаётгани йўқ. Ҳар бир сўзимиз, қарашларимиз, ният-муддаоларимиз амалда ўз исботини топаяпти. Аслида Президентимиз Ислон Каримовнинг ҳар бир саъй ҳаракатида, билдираётган таклиф ва ташаббусларида нафақат минтақамиз балки дунё халқлари ва давлатлари манфаати, эртанги кун мақсад ва умидлари мужассамки, у тарихий мохияти жихатидан ҳам таҳсинга сазовордир.

21-ҲАФТА:

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

14-Январ –Ватан ҳимоячилари куни.

Йигитлар –халқларнинг мактови, кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи.
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркураши, файзи қувончи.

Ғафур Ғулом.

Ватан химоячилари деган шарафли туйғу билан нафас олаётган аскарга ҳавас киламан. Шу туйғу билан нафас олаяптими, демак, юраги уйғоқ. Постда сергак турган аскар, химоячи, сенга Ватанни сев, унинг ҳар бир қаричини ардоқла, дея кўрсатма бериб бўлмайди. Чунки сенинг қалбинг уйғоқ. Истиклол шабадаси эсаётган Ватанда эркин нафас олаяпсан, Ватан харитаси юрагингга чизилган, шу боис бу тупроқнинг мукаддаслигини қалбан ҳис қилаяпсан.

Химоячи довюрак ўғлон, сен бизнинг тинчлигимизга, осойишталигимизга посбонсан. Ватан химоячиси ҳақида бежиз бот-бот эсламаяпман. Чунки, у тушунча она билан эгизакдир. Ватанни қуриқлаяпсан, демак онани, унинг ҳаловатини муҳофаза қилаяпсан. Бундай шарафли бурч билан қанчалар ғурурлансанг арзийди.

Ватан сарҳадига зийрак нигоҳингни қадаб, бир-бир кўздан кечирасан. Аждодларнинг руҳи кезиб юрган Ватан бир зум нигоҳингда жонланади. Ва сенга куч, далда беради. Гўдакларнинг ширин уйқуси бузилмасин, она алласида маюслик йўқ бўлсин. Шунданми, мунаввар тонглар бир олам ютуқларимиздан бизга гулдаста тортиқ этади. Билгилки, бунда сенинг беқиёс хиссанг бор, Ватан посбони!

Мусаффо осмонимизда темир калхатлар эмас, истиклол эришган тинчлик каптарлари парвоз килсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Бу сенга боғлиқ Ватан химоячиси, Юрт ўғлони!

Ватан химоячилари куни учун намунавий мавзулар

ШИРОҚ

Широқ – Юнон манбаларида Сирак деб берилади, мил. Авв. 6 аср – Турон халқларининг ахоманийлар подшоси Доро I босқинига қарши курашган халқ қаҳрамони. Широқнинг ҳаёти ҳақида манбаларда жуда оз маълумотлар сақланиб қолган. Мил.авв. 6 аср бошларида Эрон шоҳи Доро I қўшини Турон худудига бостириб кирган. Юнон тарихчиси ва нотиғи Полиеннинг милоддан аввалги иккинчи асрда ёзган саккиз китобдан иборат «Ҳарбий ҳийлалар» («Стратегмалар») асарида илк марта Широқнинг жасорати тилга олинган.

Полиеннинг ёзишича, сак қабилалари оқсоқоллари Сакфар, Омарг ва Оамирис форс қўшинини енгиш учун ҳарбий кенгаш ўтказётганларида, уларнинг ҳузурига оддий отбоқар Широқ кслиб ўз режасини баён қилган. Режа маъқулланган. Унга амал қилиб Широқ ўз қабиласи манфаатини химоя этиш мақсадида, ҳарбий ҳийла ишлатган ва ёлғиз ўзи Доро I лашкарига қарши турган. Широқ Доро I қароргоҳига келиб, унга қабиладошлари ноҳақ ситам етказганлиги учун у Эрон қўшинини саклар қабиласи турган ерга қисқа йўл билан олиб боришини айтиб, душман қўшинини Қизилкум чўли ичкарисига бошлайди. Эрон қўшини йўлбошчининг маслаҳати билан фақат етти кунга етадиган сув, озиқ-овқат ва ем-хашак олган эди. Жазирама иссиқда чўлни кечиб ўтаётган душман

қўшини ҳолдан тойиб, озиқ-овқат ҳам тугайди. Ниҳоят, муҳлатнинг еттинчи кунда лушман қўшини алданганини пайқайди. Широқ атрофини қуршаб олган шоҳ Доро I ва унинг саркардаларига қарата қуйидаги сўзларни айтган: «Мен ёлғиз ўзим Доро қўшинини енгдим. Сизларни алдаб, чўлнинг қоқ ўртасига бошлаб келдим. Хоҳлаган томонингизга кетишингиз мумкин, воҳагача тўрт томонингиз ҳам 7 кунлик йўл!» Даҳшатга тушган шоҳ ва унинг саркардалари Широққа ёлвориб, унга сувсиз чўлдан олиб чиқиши учун катта бойлик ваъда қилишади. Широқ Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилишини айтгач, Доро I нинг саркардаси уни қилич билан чопиб ташлайди. Қўшиннинг асосий қисми сувсизлик ва очликдан Қизилқум чўлида қирилиб кетган. Фақат Доро I ва унинг оз сонли аъёнлари ёмғир ёғиши натижасида ҳалокатдан қутулиб, Бактра дарёси – Амударё қирғоғига етиб келишган.

Широқнинг жасорати ҳақида туркий халқлар ўртасида жангнома ва ривоятлар яратилди. Бу ривоятлар «Широқ» номи билан машҳур. Бухоро чўпонлари ўртасида бу ривоятлар ҳозир ҳам айтилади. У туркий халқларга қўшни бошқа ҳудудлардаги халқ оғзаки ижодига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Бу тарихий воқеани орадан саккиз юз йил ўтгач, Полиен ўз асарида юқоридагича келтириб ўтган. Широқ. Миллий қаҳрамон сифатида Ўзбекистон тарихига оид турли китобларда муносиб эгаллаган.

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Жалолиддин Мангуберди Жалолиддин (тўлиқ исми Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммад) (1198-1231) – Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори (1220-31), моҳир саркарда. Ануштегинийлардан. Хоразмшоҳлардан бўлган Аловиддин Муҳаммаднинг катта ўғли. Онаси – Ойчечак туркман канизаклардан бўлган. Жалолиддин бурнида холи (манги) бўлгани учун Мангбурни номи билан аталган. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб «Мангуберди» номи билан машҳур бўлиб кетган.

Чингизхон Жалолиддин Мангубердига қарши 45 минглик қўшин жўнатади. Ғазни яқинидаги Парвон жангида Жалолиддин Мангуберди мўғуллар устидан ажойиб ғалабани қўлга киритади. Бироқ жангдан сўнг Жалолиддин Мангубердининг лашкарбошилари ўлжа устида ўзаро жанжаллашиб қолиб, оқибатда Сайфуддин Игроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Маликлар Жалолиддин Мангубердини тарк этганлар. Жалолиддин Мангубердининг ёнида фақат Аминалмулк ўз лашкари билан қолган, холос.

Чингизхон катта қўшин тўплаб, Жалолиддин Мангубердига қарши шахсан ўзи отланган. Ғардиз қалъаси яқинида Жалолиддин Мангуберди Чингизхон қўшинини тор-мор келтиради ва кучи озлиги сабабли Синд (Ҳинд) дарёси томон чекинади. Чингизхон қўшини Жалолиддин Мангуберди лашкарларига дарёдан ўтишига имкон бермай, қуршаб олади. 1221 й. 25 ноябрда бўлган тенгсиз жангда мағлубиятга учраган Жалолиддин Мангуберди тўрт минг жангчиси билан Синднинг чап

соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарисига кириб кетади. Бу чўл ҳозирда ҳам Чўли Жалолий деб аталади. Чингизхон Жалолиддин Мангубердининг бу жасоратидан ҳайратда қолади. Орадан бир неча кун ўтгач, Жалолиддин Мангуберди кўшини сони етти мингга етади. Унга Кўлбарс баҳодир, Кабкуч, ва Саъиддин Али аш-Шарабдор каби лашкарбошилар ўз кишилари билан келиб қўшилади. Жалолиддин Мангуберди Шимолий Ҳиндистоннинг нотаниш чўлида оч, жулдур кийимли жангчилари билан саргардонликда қолади. Унинг бу ҳолидан фойдаланмоқчи бўлган Шатра вилояти шоҳи Жалолиддин Мангубердига хужум қилган. Жалолиддин Мангубердининг мерганлик билан отган камон ўқидан шоҳ ҳалок бўлади, кўшини эса пароканда бўлиб қочади. Жалолиддин Мангуберди катта ўлжани қўлга киритади.

Бу ғалабадан сўнг Синд, Учча, Мўлтон, Лохур ва Пешавор ҳокими Носириддин Кубача (1205-27)нинг Нандана ва Сакундаги ноиби Қамариддин Кармоний Жалолиддин Мангубердига ўзининг хайрихоҳлигини изҳор этиб, совға-саломлар жўнатган. Гиёсиддин Пиршоҳдан ажралиб кетган амирлардан Санжоқонхоп, Элчи паҳлавон, Ўрхон, Сойирча, Текжорук Хонкишилар ўз лашкарлари билан келиб Жалолиддин Мангубердига қўшилдилар. Жалолиддин Мангуберди Калор шаҳри., Паросравар, Тарнуж қалъаларини қўлга киритади. Мулкларининг катта қисмидан ажралган Кубача ўн минг отлик кўшини ҳамда мамлуклар сулоласидан бўлган Деҳли султони Шамсуддин Элтутмишдан олган қўшимча куч билан Жалолиддин Мангубердига қарши жанг қилган, бироқ, мағлубиятга учраб, хазинаси, қурол – яроғлари ўлжа тушган. 1222 йили Чингизхон Жалолиддин Мангуберди изидан Тўрбай Тўқшин ва Бола нўснни йигирма минглик кўшин билан жўнатади. Лекин улар Мўлтонга қадар бориб, шаҳарни ололмай, жазирама иссиққа дош беролмай қайтишади. Жалолиддин Мангуберди ўзига қарши мўғул қушинлари жўнатилгани тўғрисидаги хабарини Паросравар қалъасини олгандан сўнг эшитган. У Мўлтон томон йўл олиб, Кубача мулкларидан Учча, Садусан. Хатисор, Девал ва Дамрилларни камал қилади, кўшини учун туялар зарурлиги туфайли Гужарот вилояти маркази Наҳрвалга Хосхон бошчилигида кўшин жўнатади. Шамсуддин Элтутмиш Жалолиддин Мангуберди устига катта кўшин (ўттиз минг отлик, юз минг пиёда. Уч юзта фил) тортади. Жалолиддин Мангуберди мардонаворлик билан рақибига қарши чиқади. Унинг Ўзбек Той Жаҳон Пахлавон қўмондонлиги остидаги илғори Элтутмиш илғори билан тўқнашиб, рақибидан устун келади. Элтутмиш Жалолиддин Мангуберди ҳузурига элчисини юбориб, сулҳ сўрайди.

Жалолиддин Мангуберди Ҳиндистонда ўз номидан кумуш ва мис тангалар зарб қилган, унга тобе ҳинд мулкларида унинг номи хутбага қўшиб ўқилган. Бироқ вазият борган сари мураккаблашиб бормоқда эди. Элтутмиш, Кубача, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа вилоят ҳокимлари ўзаро тил бириктириб Жалолиддин Мангубердига қарши иттифок тузмокчи эканликлари аён бўлиб қолади. Жалолиддин Мангубердининг

икки лашкарбошиси Язидак паҳлавон ва Сунқуржиқ Тойсилар хиёнат қилиб, Элгутмиш томонига ўтганлар. Қийин вазиятдан қутулиш учун Жалолиддин Мангуберди ҳарбий кенгаш чақирган. Амирларнинг кўпчилиги Ироқ томон юриш қилиб, уни Ғиёсиддин Пиршоҳдан тортиб олишни таклиф қилади. Ироқда сиёсий парокандалик ҳукм суларди. Ироқ томон кетишга қарор қилинади. Жалолиддин Мангуберди ўзининг Ҳиндистонда забт этган мулкларига Ўзбек Той Жаҳон Паҳлавонни, Ғур ва Ғазни вилоятларига Ҳасан Қарлуқни ноиб сифатида қолдириб, Ироққа йўл олган. Чўлу биёбонларни кесиб ўтишда Жалолиддин Мангубердининг кўп жангчилари нобуд бўлган, ниҳоят у тўрт минг жангчиси билан Кирмонга етиб келган. Ғиёсиддин Пиршоҳнинг Кирмондаги ноиби Бароқ ҳожиб Жалолиддин Мангубердига тобелик изҳор қилади. Шундан сўнг Жалолиддин Мангуберди Форс вилояти маркази Шерозга келган. Форс ҳокими отабек Саъд ибн Зангий ва Ўазд ҳокими Отабек Алоуддавла ибн Тўғоншоҳ унга тобелик билдиришади. Жалолиддин Мангуберди Исфажонга келганда аҳоли уни катта тантана билан кутиб олади, қўшини қурол-аслаҳа билан таъминланади. Бу ҳол Ғиёсиддин Пиршоҳга ёқмайди, у акасига қарши ўттиз минг минг отлик қўшин билан йўлга чиқади. Бироқ Жалолиддин Мангуберди унга совға-саломлар билан ўз элчисини жўнатган ва ўзаро низони тинчлик билан ҳал этган, қўшин бошлиқлари Жалолиддин Мангуберди томонига ўтган. 1225 йил Жалолиддин Мангуберди Озарбайжонга юриш қилади. Сўнг Бағдодга қарши юришга ҳозирлик кўради. Халифа Носирга элчи жўнатиб, мўғулларга қарши бирлашишга чақиради. Бунга жавобан Халифа Жалолиддин Мангубердига қарши ўзининг мамлуки амир Жамолиддин Қуштемур бошлиқ йигирма минглик қўшин жўнатади. Басра яқинидаги жангда Халифа қўшинлари тормор келтирилади. Халифа Бағдод мудофааси билан машғул бўлади. Жалолиддин Мангуберди Бағдод атрофида ўн икки кун тургач, Озарбайжон томон кетади. Озарбайжон Жалолиддин Мангуберди ва Аррон отабеги Ўзбек ичкилик, маишатга берилиб, давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган эди, давлатни амалда унинг хотини Малика хотун бошқарди. 1225 й. Майда Жалолиддин Мангуберди шаҳарни жангсиз қўлга киритади. Дамашқ, Эрбил ҳокимлари у билан иттифок тузишга рози бўладилар. Отабек Ўзбек Табризни ташлаб, Ганжага, сўнг Алинжо қалъасига қочиб, ўша ерда вафот этади. Жалолиддин Мангуберди Малика хотунга уйланади. Табризда бир неча кун тургандан сўнг, ўз қўшинини Грузия томон бошлайди. 1225 йил августида Гарни қалъаси яқинида гуржиларнинг Иване Мхаргрдзели бошлиқ олтмиш минглик қўшинини тормор келтиради ва Тифлисга қараб юради.

1230 йил августида Арзинжон яқинидаги жангда Жалолиддин Мангуберди кучлари мағлубиятга учради. Жалолиддин Мангубердининг кучсизланганидан фойдаланган мўғуллар катта қўшин билан Озарбайжонга бостириб кириб, Жалолиддин Мангубердининг оз сонли қўшинини тор-мор келтирадилар, Жалолиддин Мангубердининг ўзи эса таъқибдан қутулиб, Курдистон тоғларига чиқиб кетади. Бу ерда қароқчи

курдлар қўлига асир тушиб, фожиали равишда ҳалок бўлган. Жалолиддин Мангуберди ҳақида унинг шахсий котиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: «Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очик кўнгил, тўғри сўз одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса, жилмайиб қўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқуллодда мард ва ботир саркарда эди».

Ўзбекистон ҳукумати Жалолиддин Мангубердини мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқати ва чексиз муҳаббатини кадрлаш ва унинг порлоқ руҳини абадийлаштириш мақсадида «Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида» қарор қабул қилди (1998 йили). Қарорга кўра, унинг юрти Хоразмда Жалолиддин Мангубердига ҳайкал ўрнатилди. Йирик кўча, майдон, жамоа корхоналарига унинг номи қўйилди. Жалолиддин Мангуберди ҳақида видеофильм. Достон, пьеса ва бошқа асарлар яратилган. «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилган (2000 йил 30 август.)

ТЕМУР МАЛИК

Темур малик (XII аср охири XIII асрнинг биринчи ярми) – хоразмшоҳ Аловоддин Муҳаммаднинг жияни, унинг ҳукмронлиги даврида Хўжанд ҳокими, Жалолиддин Мангубердининг яқин сафдоши, мўғуллар истилосига қарши кураш олиб борган саркарда, халқ қаҳрамони. 1219 йилнинг декабрида уч кунлик жангдан кейин Банокатни эгаллаган Алоқ нўён бошлиқ беш минг кишилик мўғул қўшини Хўжандни қамал қилишга киришади. Темур Малик илгарироқ ҳар эҳтимолга қарши Сирдарё ўртасидаги оролда, сув икки шохга бўлиниб оқадиган жойда, бир мустаҳкам қалъа қурдириб қўйган эди. Мўғул қўшини сон ва қурол-аслаҳа жиҳатдан устун бўлгани боис, шаҳарни мудофаа қилиш қийинлашади. Натижада, Темур Малик минг кишилик лашкари билан 1220 йилнинг апрелида оролга кўчиб ўтади ва тезликда қалъани жангга тайёрлашга киришади. Шаҳар ва қалъа атрофини душман халққа қилиб ўраб олади. Темур Малик усти наमत ҳамда сиркали лой билан сувалган, ўқ отиш учун даричалари бор кемалар ясатади. Кунда тонгда ҳар икки томонга олтитадан кемада сузиб келиб, ёвга қирғин келтиради. Охир оқибат вазият танглашгач, Темур Малик оролни ташлаб кетишга мажбур бўлади. У қолган аскарлари ва юклари ортилган етмиш қайикда Сирдарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Барчинлиғкент яқинида мўғуллар дарёни тўсиб қўядилар. Темур Малик қирғоққа тушиб, душман билан жанг қилади. Кўп талафот бериб, ёлғиз ўзи Қизилқум чўли орқали 1220 йилнинг ёзида Хоразмга етиб келади. Аскар тўплаб, Жўжихон қушинига кучли

зарба беради. Касба (Янгикент) шаҳрини мўғуллардаи озод қилади. Аммо салтанатда юзага келган мушкул сиёсий вазият туфайли Хоразмни тарк этади. Темур Малик 1221-32 йиллар давомида Султон Жалолиддин билан биргаликда мўғулларга қарши кураш олиб боради. Жалолиддин ҳалокатидан кейин ўз юртига қайтади. Маълум вақтдан сўнг мўғуллар томонидан Темур Малик қўлга олинади ва қатл қилинади.

НАЖМИДДИН КУБРО

Нажмиддин Кубро (тахаллуси, асл исм шарифи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакий ал-Хоразмий) (1145-1221 Хива) – улуғ шайх, тасаввуфнинг таниқли вакилларида бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси (унинг таҳаллуси «диннинг улуғ юлдузи» маъносини беради). Кубро нинг каромат кўрсатиш, воқеаларни олдиндан билиш. Ўткир назари билан таъсир эта олиш хислатига эга инсон бўлганлиги ҳақида ривоятлар тарқалган. Кубро ёшлигидан илмга қизиққан, қобилиятли бўлган. Ислом асослари, шариат, ҳадис ва тафсири жуда тез ўзлаштириб олади. 16-17 ёшларида таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида Хоразмдан чиқиб, Эрон. Миср, Шому Ироқ мамлакатларини кезади. Тариқатдан хабардор бўлишга интилиб, бир неча шайх, дарвишлар суҳбатида бўлади. Илк дафъа Мисрда шайх Рўзбихон Ваззон Мисрий (1189 йил вафот этган)га мурид тушади, ундан тариқат одобини ўрганади, шайхнинг қизига уйланади. Кейинчалик Ҳамадонда шайх Аммор Ёсир (1187 йил вафот этган), Дизфулда шайх Исмоил Қасрий (1193 йил вафот этган) каби устозлардан сабоқ олди. 25 йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишлаган Кубро 1185 йили Хоразмга қайтиб келади. Бу ерда катта хонақоҳ курдириб, ўз диний мактабини яратади. Кубро кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этди. Унинг тарбиясини олган юзлаб одамлар ирфоний маърифатдан баҳраманд бўлдилар. Кубронинг муридлари Мажидиддин Бағдодий (1209/1219 йил вафот этган), Саъдиддин Қумавий (1252 йил вафот этган), Нажмиддин Доя (1256 йил вафот этган) Сайфиддин Боҳорзий (1261 йил вафот этган) тасаввуф тарихида ном қозонган шайхлардир, Кубро ўз қарашларини араб тилида ёзган бир неча рисолаларида баён этган. Қуръонга мутасаввифлар нуқтаи назаридан шарҳ беришни охиригача етказа олмаган, бу ишни унинг шогирдлари тугаллаган. Форсча рубоийларида жавонмардлик, пок ахлоқ ғоялари ифодаланган,

Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлган. Кубро қабри Кўҳна Урганчда. Кекса шайх ва донишманд инсоннинг бу жангдаги қаҳрамонлиги, жасорати авлодларга ибрат бўлиб қолди. Кубро шахси ва унинг мероси Ўзбекистонда мустақиллик туфайли ўрганила бошланди. 1995 йилда Ўзбекистонда Кубро таваллудининг 850 йиллиги нишонланди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Мазкур сананинг нишонланиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Ватан тақдирига масъулият деганда нимани тушунасиз?

3. Ватанимизнинг мард ўғлонларидан кимларни биласиз?

22-ҲАФТА

1990 йили “Молиявий иқтисодиёт назариясига оид биринчи ишлари учун” нобель мукофотиغا сазовор Гарри М.Марковиц, Мертон М.Миллер, Вильям Ф.Шарп.

1990 йилдаги Нобель мукофоти уч америкалик олимга насиб этди; **Гарри М.Марковиц** (1927 йилда туғилган) Нью-Йорк шаҳар университети профессори; **Мертон М.Миллер** (1923 йилда туғилган) Чикаго университетида ходим; **Вильям Ф.Шарп** (1934 йилда туғилган) Стенфорд университети ходими. Бу олимлар «Молиявий иқтисодиёт назариясига оид биринчи ишлари учун» шундай мукофотга сазовор бўдилар.

Бўлажак олим **Г.Марковиц** Чикагода туғилди, дастлаб фалсафа билан шуғулланди. 1947 йили университетни тугатиб бакалавр бўлди, шу даврдан иқтисодиёт назариясига ихлос қўйди, уни кўпроқ ноаниқлик иқтисодиёти соҳасидаги тадқиқотлар қизиқтирар эди, чунки у Чикагода Ж.Маршак, М.Фридман, Л.Сэвиж каби таниқли иқтисодчилардан таълим олди. Унинг 1950 йилдаги докторлик диссертацияси фонд бозорини таҳлил этишда математик усулларни қўллаш имконига ўрганишга бағишланди. У бошқа олимлар каби ўз ҳаётини фақат илмий ва ўқитувчилик соҳасига бағишламай, 25 йил фирма ва корпорацияларда ишлади. Университетни тугатгач RAND согр. (1952-1960, 1961-1963) да Ж.Данцик билан тадқиқотчи бўлиб хизмат қилди, оптимизация техникасини ўрганди; кейинроқ Consolidated Analysis Centre Ltd. (1963-68) да техник директор бўлди, IBM (1974-83) да тадқиқот гуруҳини бошқаради. Бошқариш фани институти вице-президенти (1960-62), 1958-69 йй. Калифорния (Лос-Анжелес) университети ҳамда 1982 йилдан Нью-Йорк шаҳар молия университетида профессор эди.

Г.Марковицнинг дастлабки ишлари фойдалилик (наф) масалаларига бағишланган. Агар аввалги назарияларида умумий фойдалилик айрим фойдалиликларга бевосита боғлиқ деб қаралган бўлса, кейинчалик бу назария (Фридман-Сэвич) қайта кўриб чиқилди ва анча мураккаб функция эканлиги исботлаб берилди. Даромаднинг энг юқори фойдалилиги функция чизигининг ўрта қисмига тўғри келар экан. Марковиц фикри бўйича бу чизик уч эгриликдан иборат бўлиб, даромаднинг абсолют (мутлақ) миқдоридан қатъиназар энг юқори наф функцияси ўртасига (Уо) тўғри келади. Бу назария ўйинлар, таваккалчиликда кенг қўлланилади, яъни даромадларнинг аста-секин ортиб бориши ўсиб боровчи энг юқори нафни беради, худди шунингдек катта ютуқ (катта даромад)нинг нафи доимо бўлмаганидан пасайиб боровчи хисобланади; одамлар ҳаётда бу ҳодисадан кенг фойдаланадилар, масалан, қиморда йирик ставкаларга салбий муносибат бўлган ҳолда, майда, аммо ишончли ставка қўйишга рози бўладилар.

Унинг бир қанча тадқиқотлари молия назариясига бағишланган ва фирмани молиявий бошқариш билан боғлиқ. 1952 йилда у “Портфель танлаш” мақоласини эълон қилди, унда ҳозирги замон молиясига асос солинди. Бу тадқиқотда корхона молияси (портфель)да умумий диверсификация амалиёти қараб чиқилади ва инвестор акция танлашда таваккалчиликда хатони қандай камайитириши мумкинлиги баён этилади. Олим бу ишини такомиллаштириб борди.

М.Миллер Бостон (АҚШнинг Массачусетс штати)да туғилган, 1943 йили Гарвард университетида бакалавр даражасини олди, Р.Солоунинг иқтисодий назария бўйича маърузаларини тинглади. 1952 йили Жон Гопкинс университетида докторлик даражасига эришди. II Жаҳон уруши йиллари Молия вазирлиги солиқлар тадқиқоти бўлимида иқтисодчи бўлиб ишлади (1944-1947), 1944-1949 йиллари федерал резерв тизими бошқарувчилар кенгашининг тадқиқотлар бўлимида хизмат қилди.

Лондон иқтисодиёт мактаби (1952) ва Карнеги-Меллон университетида сабоқ берди. Университетда Г.Саймон, Ф.Модильянилар билан ҳамкорликда иш олиб борди. 1961 йилдан бошлаб, Миллер Чикаго университети Олий бизнес мактабида банк иши ва молия бўйича профессор эди. Агар корпорация молияси бўйича исталган дарсликни олиб қаралса, иккита “ММ” ҳарфлари бирикмасини деярли барча бўлимларида кўриш мумкин. Бу Модильяни ва Миллерларнинг бош ҳарфлари бўлиб, ММ формуласи, ММ теоремаси ва бошқа кўплаб тушунчаларни англатади. Икки олимнинг илмий ҳамкорлиги 1958 йилдан бошланган, шунда капитал тузилиши назарияси бўйича мақола тайёрланган эди ва бу ҳамкорлик 60-йилларнинг ўрталаригача давом этди (Ф.Модильяни гўғрисидаги маълумотга қаранг).

Миллер томонидан ҳозирги замон молия назариясига оид муҳим ғоялар тадқиқ этилган. Уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

- компаниянинг қимматбаҳо қоғозлари бўйича тўловларининг кўпайиши ёки камайиши ҳозирги бозор капитали мавжудлиги шароитида унинг бозор қийматига таъсир этмайди;
- фирма қиймати у чиқараётган қимматбаҳо қоғозлар билан эмас, балки унинг реал активлари билан аниқланади;
- оддий акциялардан кутилаётган даромад нормаси фирманинг суммар мажбуриятлари ва унинг акционерлик капитали ўртасидаги нисбатга пропорционал (мутаносиб) равишда кўпаяди.

Миллер солиқ тизимининг корхона капитали структураси (чўзилиши) ва унинг бозор қиймата натижада корхона акциясининг бозор баҳоси ўртасидаги алоқадорликка таъсирини кўрсатиб берди.

80-йилларнинг бошида у Чикаго университети профессори лавозимида ишлаш билан бирга, Чикаго савдо кеигашининг жамоатчи директорлигига сайланади, кейинчалик худди шундай лавозимни товар биржасида ҳам эгаллади.

Олимнинг тадқиқотчилик соҳаси корпорация молиясидан иқтисодий муаммолар ва молия хизмати тармоқларини тартибга солиш масалаларига бўлган томонларни ўз ичига олади.

В.Шарп Бостонда туғилди, Калифорния уииверситетида ўқиди (1955 йили бакалавр, 1956 йили магистр), дастлаб бизнес масалалари билан машғул бўлди, ўқиш давомида молия ва иқтисодий назария курсларига қизиқиб қолди. У 1956 йилда RAND Corp. Га ишга ўтади ва у ерда хизмат қилаётган Г.Марковиц билан ҳамкорлик қилади.

У 1961 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилади, бу илмий иш трансферт нархлар иқтисодиёти масалаларига бағишланган эди. Шарп 1961-1968 йиллари Вашингтон штати, 1968-1970 йиллари Калифорния (Ирвин), 1970-1989 йиллари Стенфорд университетлари профессори бўлиб ишлади.

Шарп 1964 йилнинг сентябрида ҳозирги замон молия фанининг энг муҳим ғояларидан бири бўлган капитал активларига нархлар модели асослари бўйича мақола эълон қилди. Бу модель кутилаётган даромадлилик ва таваккалчилик даражасига боғлиқ равишда молия активлари иархларининг шаклланишини тушунтириб беради.

Олимнинг бошқа тадқиқотлари орасида капитал бозоридаги мувозанат ва уни портфель танлови муаммоларига опциондаги нархлар, инвестициялар бошқарувини децентрализациялаш, инвесторларнинг ўз фондларини активларнинг асосий синфлари бўйича тақсимлашга қўллиш масалалари диққатга сазовордир.

Муҳокама учун саволлар:

1. Бугунги талаба “наф” (фойда) ни қандай маънода ҳаётга тадбиқ қилади ёки тушунади?
2. М.Миллер яратган молия назарияси билан ҳозирги молия назариясини фарқи нимада?
3. Капитал бозоридаги мувозанатга жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини таъсири.

23-ҲАФТА

Қадриятларимизнинг бош тарғиботчиси

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

И.Каримов

Ислом Аблуғаниевич Каримов 1938 йилнинг 30 январиди Самарқанд шаҳрида туғилган. У – Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи

Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони (1994). Хизматчи оиласида тугилган. Ўрта Осиё политехника институти (1960), Тошкент халқ хўжалиги институтини (1967) тугатган. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида мастер ёрдамчилигидан бошлади. Сўнг мазкур корхонада мастер, технолог, 1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, ётакчи муҳандис, конструктор бўлиб ишлади. 1966 йилда Ўзбекистон Давлат режа қўмитасига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат режа қўмитаси раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 йилдан Ўзбекистон ССР Молия вазири, 1986 йилдан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари – республика Давлат режа қўмитасининг раиси. 1986-89 йилларда Ўзбекистон КП Қашқадарё вилоят комитетининг биринчи котиби, 1989 йил июнидан Ўзбекистон КП МК биринчи котиби. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 августда И.Каримов тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. 1991 йилнинг 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. И.Каримов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги (1994). Шунингдек, иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун ўндан ортиқ хорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори, профессорлиги ҳамда академиклигига сайланган. Унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» (1993), «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993), «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» (1994). «Истиқлол ва маънавият» (1994), «Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир» (1995), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997), «Баркамол авлод орзуси» (1998). «Кучли давлатдан кучли жамият сари» (1998), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998), «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» (1999). «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» (2000). «Тинчлик учун курашмоқ керак» (2001), «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (2002), «Юксак-маънавият-енгилмас куч» (2008), «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» (2010) ва бошқ асарларида иқтисодиёт, ижтимоий – сиёсий тараққиётнинг долзарб масалалари тадқиқ қилинган, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати илмий асослаб берилган, ҳозирги ва истиқболдаги вазифалар кўрсатиб ўтилган. Унинг асарлари инглиз, рус, француз, Испан, немис, ҳинд, хитой, араб, корейс, турк ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб, бир неча бор нашр этилган.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча ютуқларни ҳақли равишда И.Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди. У собиқ совет тузумидан кейин пайдо бўлган беқарор, нотинч даврларда Ўзбекистон жамиятида барқарорлик ва ишончни пайдо қила олди, халқи олдига миллатни юксакларга кўтарадиган улкан мақсад ва вазифалар қўйди. И.Каримов Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси, мамлакатнинг истиқлол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир. И.Каримов демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифидир. У марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Ўзбекистон халқининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини мужассамлаштирган иқтисодий ислохотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчилик роли, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоядан иборат 5 тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган И.Каримов раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Ўзбекистон турли-туман «сакраш» лар, «фалаж қилиб даволаш» лардан воз кечиб, бозор иқтисодиётига ўтишда ўзига хос йўлдан борди ва пухта ўйланган дастур асосида мамлакат иқтисодий пойдеворини кура бошлади. Қисқа вақт ичида мамлакат нефть ва нефть маҳсулотлари, ғалла мустақиллигига эришди. Ўзбекистон Республикасида юксак сифатли олтин ва газ қазиб олиш кескин даражада кўпайди, ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари – автомобилсозлик саноати барпо этилди. И.Каримов Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир қуролли кучлар, чегара ва ички кўшинларни замонавий ислохотлар асосида ташкил этиш ишига раҳбарлик қилди. КПСС МК бошчилигидаги мустабид кучлар Ўзбекистонда адолатсизлик ва тазйиқларни авж олдирган йилларда ўзбек номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидойилик намунасини кўрсатди.

Айниқса, Президентимизнинг 80-йилларда марказдан ўтказилган “ўзбеклар иши” номи билан кенг ташвиқ қилинган пахта иши бахонасида олби борилган таъзийқ сиёсатиға қарши мустақил давлатнинг етқачиси сифатида юқори минбарлардан туриб қилинган чиқишлари, Ўзбекистонда 1989 йилда Ўзбек тилиға давлат мақомини олиб беришдаги фаолияти, Собиқ иттифок республикалари орасида биринчи бўлиб 1990 йил 24-март куни Ўзбекистонда президентлик институтини жорий этиши, 1990 йил 20-июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши, 1991 йил 31-августда Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши, 1992 йил 8-декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул

қилиниши, 1992 йил йил 2-март куни Ўзбекистонинг БМТга тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилиниши ва юртимизнинг ҳайрли истиқболи билан боғлиқ бошқа масалаларда президентимизнинг маънавий жасорати яққол намоён бўлган эди.

И.Каримов жаҳон сиёсат оламида ҳамиша илғор фикрларни илгари сурган, ташаббускор, ўз нуқтаи назарини қатъий ҳимоя қилиб, олдиға қўйилган мақсадға эриша оладиган кучли иродали шахс сифатида танилган. У собит қадамлик билан тинчлик ва ҳамжиҳатлик сиёсатини юритиб келмокда. И.Каримов юксак халқаро учрашувларда биринчилардан бўлиб XXI аср вабоси ҳисобланмиш террорчиликка ва у билан чамбарчас боғлиқ нарқобизнесға қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш зарурлигини, мазкур даҳшатли таҳдид манбаларини бартараф этиш ва Марказий Осиё минтақасида «хавфсизлик камари»ни шакллантиришға қаратилган чоратадбирлар тизимини яратиш кераклигини таъкидлаб келди. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборни юксалтириш, унинг бой маданияти ва бугунги улкан салоҳиятини дунёға танитишда буюк хизмат қилди. Ўзбекистон деярли барча нуфузли халқаро ташкилотлар уюшмаларға қабул қилинди. 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқа ўрнатди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсати, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақа мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудға келтириш, Орол денгизи муаммоларини жаҳон ҳамжамияти кўмағида ҳар томонлама ҳал этишға қаратилган бир қатор ташаббуслари билан халқаро майдонда танилди, ўз нуфузига эға бўлди. Жамиятда маънавий покланиш ва юксалишға эришиш, эски ақидалардан халос бўлиш, шу асосда миллий истиқлол ғоясини яратиш ва ҳаётға татбиқ этиш учун маънавий кадриятларға ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳамда уни бор қудрати билан тарғиб қилишни президентимиз ўз фаолиятининг бош йўналиши қилиб олди. Шунинг учун ҳам халқимиз унга миллий кадриятларимизнинг бош тарғиботчиси дея юксак баҳо билан тақдирлади. У халқимизнинг азалий урф-одатларини қайтариб бериш, тарихий меросини тиклаш, соғлом авлодни вояға етказиш вазифаларини И.Каримов юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарди. Унинг XXI аср бўсағасида ўзбек миллатининг ўзлигини англаши, унинг кадр-қимматини жойига қўйиш, ўзбек номини бутун дунёға тараннум этишға қўшган ҳиссаси айниқса бекиёсдир. У одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онғида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиш ва уни амалға оширишға раҳнамолик қилди. Маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди. И.Каримов янги турар жойлар қуриш, шу жумладан, улў аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, иқтисодий салоҳиятни оширишда катта ўрин тутадиган йирик-йирик корхоналарни бунёд этиш,

шаҳар-қишлоқлар, авваламбор, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қийёфасини тубдан ўзгартириш ишларига бевосита раҳбарлик қилмоқда.

И.Каримов мустақил Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, янги асрда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, ёруғ истиқбол йўлида халқни бирлаштариб, уни улуг мақсадлар сари бошлаб бормоқда.

И.Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш, тарихий адолатни тиклаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Мустақиллик» (1996), Амир Темур (1998) орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатларнинг ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден ва медаллари билан мукофотланган.

Муҳокама учун саволлар:

1. И. Каримовнинг қайси асарларини ўқигансиз?
2. Президентимизнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ғамхўрликларининг негизида қандай мақсад ётибди?
3. Президентимизнинг ёшларга қарата айтган қандай сўзлари, фикрларини биласиз?

ФЕВРАЛЬ

Душанба		7	14	21	28
Сешанба	1	8	15	22	
Чоршанба	2	9	16	23	
Пайшанба	3	10	17	24	
Жума	4	11	18	25	
Шанба	5	12	19	26	
Якшанба	6	13	20	27	

Феврал ойининг тахминий иш режаси

1. Январ ойи иш режаси таҳлили.
2. Феврал ойи иш режасини тасдиқлаш.
3. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
4. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг она-оналари билан мулоқот.
5. Иккинчи ёзги семестр бошланишини назорат қилиш.
6. Шеърят мулки султони Мир Алишер таваллуд кунини тантанали нишонлаш тадбирини тузиш.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кунни нишонлаш тадбирини тузиш.
8. А.Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган деворий газеталар чиқариш.

Феврал ойининг муҳим саналари

- 1 – феврал Халқаро кураш ассоциацияси (Ўзбек кураши) ташкил топган кун (1999).
- 9 – феврал Алишер Навоий таваллуд топган кун.
- 14 – феврал Заҳириддин Муҳаммад – Бобур шох, саркарда, шоир, тарихчи, давлат арбоби таваллуд топган кун.
- 14 – феврал Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон таваллуд топган кун.
- 18 – феврал Соҳибқирон Амир Темур вафот этган кун.

24-ҲАФТА

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий

... Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожини учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратгани умуминсоний тараққиёт ривожига қандай катта аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз. Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар

борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимишга келтирар эканмиш , беихтиёр ана шу буюк бобомиш мисолида бундай юксак марраларга эришишида ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиш ифтихорга тўлади.

Ислом Каримов

Ҳақиқатан ҳам буюк ватандошларимиш томонидан қилинган кашфиётлар илмий тафаккур тараққиётига қўшилган муносиб ҳиссадир. Эндиликда фанлар соҳалар бўйича таркиб топа бошлади. Фан тармоқлари эса кўпайиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 783 йилда Хоразмда туғилиб, 850 йилда Бағдод (Ироқ)да вафот этган. Дастлабки билимларни Хоразмда олган. Отаси сарой аъёнларидан бўлганлиги, аббосийлар сулоласидан бўлган Хорун ар-Рашид (ҳукмронлик даври 786—809 йиллар)нинг уғли Маъмуннинг Хоразмга ноиб (802—805 й.) этиб тайинлангандан кейин ўзига тенгдош Мусо ал-Хоразмийни яқин сафдошлари қаторига қўшганлиги бўлажак олимнинг кейинги тақдирида ҳал этувчи роль ўйнаган.

805 йилда Маъмун Бағдод халифалигининг энг қудратли ўлкаси бўлган Хуросонга ҳоким қилиб тайинланади. Маъмун ўз пойтахти Марвни Бағдод шахрига рақобатдош бўла оладиган шахарга айлантириш истагида эди. 809 йилда Хорун ар-Рашид вафотидан кейин унинг катта ўғли Халифа Амин Бағдодда тахтга ўтиради. 813 йилда Халифа Амин ўлдирилгандан сўнг Маъмун (813—833 й.) Бағдодда халифалик тахтини эгаллайди.

Маъмун Марвда бошлаган хайрли ишларини Бағдодда ҳам давом эттириб, отаси Хорун ар-Рашид томонидан асос солинган «Байт ул-Ҳикма» (илмлар уйи)ни янада ривожлантириб, ўз даврининг етук олимлари, таржимонлари, шоиру фузалоларига ҳомийлик қила бошлади. «Байт ул-Ҳикма»га дўсти Мусо ал-Хоразмийни бошлиқ қилиб тайинлайди, у бу лавозимда умрининг охиригача фаолиятини давом эттиради. Хоразмийга дастлабки буюк шуҳратни «Ҳисоб ал-Ҳинд» («Ҳинд ҳисоби») номли рисоласи олиб келган эди. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта ўнлик позицион системаси ҳақида сўз боради.

Мусо ал-Хоразмийнинг ўнлик позицион тизими инсониятга чексиз қулай имкониятлар яратиб бердики, агар мазкур санок тизими бўлмаганида илмий тафаккурнинг бу даражада такомил топиши амри маҳол эди. Масалан: 1180703051492863 рақамини ўрта аср ислом олами ва Оврупо адабиётларида «Минг минг минг минг минг минг беш марта ва юз минг минг минг минг тўрт марта ва саксон минг минг минг минг тўртта ва кейин етти юз минг минг минг уч марта ва уч минг минг минг минг уч марта ва эллик бир минг минг икки марта ва тўрт юз минг ва туксон икки минг ва саккиз юз олтмиш уч» деб ўқилган ва ёзилган. Сонларни бу тахлитда ўқиш ва ёзиш математика фанининг, қрлаверса, математика билан боғлиқ барча фанларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда Мусо ал-Хоразмий тўққиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз

миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик билан ифодаловчи санок тизимини кашф этади. Ҳиндларнинг тўққиз белгидан иборат рақамлар тизими яроқсиз ҳолатда эди. Чунки бу рақамлар мукаммал санок тизими бўлиши учун «Сифр» («Нул») кашф этилиб, ўз ўрнига қўйилиши керак эди. Ал-Хоразмийнинг «0» (нул — сифр)ни кашф этиши инсоният илмий тафаккурининг беқиёс улкан ютуқларидан бири бўлиб, ҳеч муболағасиз, жаҳон илмий тафаккурининг ривожига тўнтариш ясаган эди. Хоразмий «Хисоб ал-Ҳинд» («Ҳинд ҳисоби») номли рисоласида олтита амал — қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш кабиларни кашф этган эди. Умуман, буюк ватандошимиз ҳозирги замон арифметикасининг асосчиси эканлигига на Шарқ ва на Ғарб олимлари орасида ҳеч ким ҳатто шубҳалана олмайди. Инсоният мукаммал ҳинд рақам тизимини Хоразмий асарлари орқали қўлга киритган эди.

Алгебра фанининг мустақил фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиши бевосита Мусо ал-Хоразмий номи билан боғлиқдир. «Алгебра» атамасининг ўзи Мусо ал-Хоразмий томонидан ёзилган «Ал-китоб ал мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва-л муқобала» («Ал-жабр ва-л муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») номли рисоласидаги «ал-жабр» сўзининг лотинча ёзилишидан олинган. Бу асар бир неча ўнлаб марта лотин ва бошқа Оврўпо тилларига таржима қилинган. Булардан энг қимматлиси 1145 йили инглиз олими Роберт Честер ва 1160 йили италиялик олим Герардо томонидан лотин тилига қилинган таржималардир. Хоразмий ўзининг машҳур «Ал-жабр»и билан математика тараққиётида янги олий математика босқичига асос солган эди. Ғарб олимлари математика фани тараққиётини икки даврга ажратиб тушунтирадилар. Илк босқични Евклид геометрияси билан боғлаб, Евклид босқичи деб атасалар, математика ривожининг юқори, ҳозирги босқичини буюк аждодимиз Хоразмий номи билан боғлайдилар. Математиканинг ҳозирги тараққиёти ҳам Хоразмий босқичи доирасида амалга ошаётганини айтиб ўтиш лозим. Алгоритмлар назарияси ҳам ал-Хоразмий номи билан боғланганлигини, ҳатто, «Алгоритм» атамаси ҳам лотинчада талаффуз қилинган «Dixi Алгоритмус» («дедики ал-Хоразмий») ту-шунчаси билан боғлиқ эканлигини кўпчилик билади. Алгоритм сўзи ҳозирги замон кибернетика, электрон ҳисоблаш машина (ЭХМ)лари ва ҳозирги замон информатикалаштириш жараёнларининг асосий категорияси бўлиб, кишилиқ жамиятининг келгуси тараққиётини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хоразмийнинг бошқа фан соҳаларидаги хизматлари ҳам салмоқли бўлиб, айниқса, жўғрофия, тарих, астрономия фанлари соҳалари бўйича хизматлари каттадир. Маълумотларга кўра, халифа Маъмун олимлар олдига Осмон ва Ернинг тўлиқ харитасини тузишни топширган, Хоразмий эса бу ишларга раҳбарлик қилган. Хариталар «Мажмуи ал-Маъмун» — «Дунё харитаси» номи билан юритилган ва у 840 йиллар атрофида ниҳоясига етказилган. Шу муносабат билан Хоразмий жуғрофияга оид «Китоби сурат ал-арз» номли бир асар битган. Бу асарнинг ягона нусхаси

(кўлёзма холида) Қоҳирадан топилган бўлиб, анча варақлари йуқолган. Баъзи манбаларда кўрсатилган 22 та харитадан фақат 4 тасигина сақланиб қолган. Хоразмий ер юзини Авесто таълимотидаги 7 та иқлимга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Шимолий кутбдан то экваторгача бўлган майдонни етти иқлимга бўлиб ўрганиш асосида ер шарини меридианлардан ташқари яна параллелларга бўлиб ўрганишни бошлаб беради. Параллеллар билан меридианларнинг кесишган нукталари орқали ер юзи координаталарини аниқ белгилаш имкониятлари очилади.

Хоразмийнинг тарихга оид асарлари, хусусан, «Хоразмнинг машҳур кишилари» тўғрисида асар ёзганлиги ва Абу Райҳон Берунийнинг бу асардан тўртта кўчирма олганлиги ҳам маълум. Ҳатто бошқа бир асарида пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг туғилган йили, ой ва куни Шамсий йил ҳисобининг 570 йил 20 апрелига тўғри келишини аниқлаб берганлиги ва бу илмий далил мусулмон олами томонидан эътироф этилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз керак. Умуман, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ўрта асрларда етишган ўзбек маданияти фанининг илк тамал тошини қўйган буюк аждодимиздир. Жаҳонга машҳур олимлар «Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ ва кейинроқ Оврўпо риё-зиёт илмига асос солди» (С. Толстов), «Жаҳон фани тарихининг IX аср биринчи ярмини ҳеч муболағасиз Хоразмий даври деб аташимиз лозим» (Д. Сартон, америкалик олим), дея ал-Хоразмийни кўкларга кўтарган бўлса, «Суръат ал-арз» китоби бўйича илмий изланишлар олиб борган италиялик олим К. Наллино бу асар ҳақида «Оврўпода ҳеч бир халқ дастлабки даврда Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қодир эмас эди», деб эътироф этган эди.

Мусо ал-Хоразмий ижоди ва фаолиятига баҳо берганимизда унга Ўрта Осиё халқларининг маънавий меросини ўзлаштириб олган ва шу замин маданий ривожланишини ўз тимсолида намоён эта олган улўф аждодимиз сифатида қарашимиз керак.

Муҳокама учун саволлар:

1. Мусо ал – Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Мусо ал-Хоразмий фан ташкилотчисидир.
3. Мусо ал-Хоразмийнинг жаҳон фан тараққиётига қўшган ҳиссаси нималардан иборат.

25-ҲАФТА:

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий туғилган куни.

Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга эътиқод ва садоқат билан қарамаси.

Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бой ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади.

И.Каримов

XV–асрнинг буюк сиймоларидан бири Низомиддин Мир Алишер 1441 йил 9 февралда Хирот шаҳрида туғилди. Хирот шаҳри XV – асрнинг биринчи ярмида Амир Темурнинг иккинчи ўғли Шохруҳ Мирзо қўл остидаги обод манзиллардан бири эди. Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройида хизмат килиши билан барча юртда обрў-эътибор қозонган. Бўлажак шоирнинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор берди.

Алишернинг шеърятдаги илк устози, тоғаси Мирсаид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлардир. Адабий – бадиий ва олиму фузолар суҳбат қуриб турадиган хонадонда ўсган Алишернинг тўрт ёшидаёқ шеърятга ихлоси ошди.

Оразин ёпғоч кўзимдин тўкилур (сочилур) ҳар лахза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур, юлдуз ниҳон бўлғоч куёш.

Ёш Алишер 5-6 ёшлигидаёқ ёзган бу тўртликка шоир Лутфий ўзининг 14 минг мисра ғазалларини алмаштирмоқчи бўлган эди.

Шохруҳ Мирзо вафот этгач, тож – тахт учун кураш авж олди, юрт тинчлиги бузилди. Алишерни отаси Самаркандга ўқишга юбориб, хавф – хатардан сақлашни афзал кўрди. Мадрасадош ўртоғи Хусайн тахтни эгаллаб, мустаҳкамланиб олгач, Алишерни чақириб муҳрдор, бош вазир вазифасига тайинлади. Алишер ободонлаштириш, шоир ва адибларга хомийлик килиш ишларини бошлаб юборди. Шу билан бирга ижод килиш, изланишни давом эттирди. У Ганжавий, Дехлавий ва Жомийга эргашиб «Хамса» яратди. «Хамса» достонига кирган асарлари «Фарход ва Ширин», «Хайратул аброр», «Лайли ва Мажнун», «Саббаъи сайёр», «Саддий Искандарий»дир. Уларни бутун дунё халқлари севиб ўқийди. У ижод қилиш билан бирга илм – фан, мамлакатнинг гуллаб яшнаши, юрт тинчлиги, осойишталиги, илм аҳлига хомийликни давом эттирди. Буюк наққош, рассом, шарқ Рафаэли, Зугоний таҳаллусларини олган Камолиддин Беҳзод унинг шогирди бўлган.

Одами эрсанг демагил одами,

Анинг ким, йўқ халқ ғамидин – ғами

Одам борки одамларнинг нақшидур,

Одам борки хайвон ундан яхшидур.

Одам борки меҳнат қилиб экар ер,

Одам борки чигирткадай текин ер.

Алишер Навоий номи асрлар силсиласида бизнинг кунимизгача етиб келди. Лекин, бугунги кунимиз унинг учун сўнгги манзил саналмайди. Бу ном авлодлар оша биздан кейин ҳам мангу яшайверади. Навоий номи, эҳтимол, XV асрда ҳам бизнинг бугунимизчалик эътиборда бўлмаган бўлса керак. Истаймизми, йўқми биз бу номга мурожаат этамиз. Навоийнинг Навоийлиги ҳудди ана шу «топиш» туфайлидир. Хар бир давр ўз нуқтаи-назаридан келиб чиқиб Навоий асарларига мурожаат этади. Алишер Навоий ижоди сарбаланд қоя мисолидир. Бу қоя узокдан яхшироқ кўзга ташланади. Ўз давридан узоклашиб борганисари янада сайқаллашиб, янгидан янги қирраларини намоён этиб бораверади

Ўзбек тили ва маънавий қиёфаси, тафаккур тарзи, маданиятининг шаклланишида алоҳида ўрин тутган аллома Алишер Навоий ижодиёти ўзбек демократик тафаккур тараққиётида гуманистик ижод намунаси. Унинг ижоди асосида инсоният жамиятининг асосий омили бўлган инсон ва унинг бахт-саодати, маънавий қиёфаси масаласи ётади. Алишер Навоий «Бадойиъ ул-бидоя», «Наводир ун-нихоя» девонларини, «Ҳамса» номли беш дostonдан иборат асарини, сўфийлар ҳақидаги «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасини, «Хазойин ул-маоний» девонини, «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож ул-муслимин», «Муҳокамат ул-луғатайн» асрларини, «Лисон ут-тайр» фалсафий дostonини ва яна бошқа бир қанча асарларни ёзиб қолдирган. Адиб қайси соҳада ижод этишидан қатъи назар, унинг асарлари моҳиятини инсонпарварлик, маърифатпарварлик, толерантлик, дўстлик ва муҳаббат масалалари ташкил этади. Ўзбек демократик тафаккур тараққиётида шаклланган хусусиятлар Алишен Навоий ғоялари, уларнинг фикр ранг-баранглиги билан бойиди. Алишер Навоий ўз давригача бўлган тасаввуф фалсафасидаги пантеистик ғояларни гуманистик мафкурага хизмат қилдира олди, бу соҳада гўзал намунавий асарлар яратиб қолдирди. У ўзининг бир ғазалида:

Кимки бир кўнгли бузукни хотирин ёд айлағай,

Онча борки қаъба вайрон бўлса обод айлағай¹, - дейди.

Демак, Навоий наздида инсон қалби мусулмон олами учун энг муқаддас гўша ҳисобланган Қаъбатуллоҳдан ҳам муқаддасроқдир. Унинг инсоният жамияти, идеал давлат, фаровонлик ҳақидаги ғоялари ҳам ана шу эътиқоддан келиб чиқади. Алишер Навоий фалсафасида идеал давлат ҳақидаги сиёсий фикрлар комил инсон тўғрисидаги ахлоқий қарашлари билан узвий боғлиқликда олиб қаралган. Бу таълимотга асосан идеал, фаровон давлат бу давлатда яшовчи кишиларнинг комил маънавийтисиз мумкин эмас. Демак, илғор Ғарб демократик назарияларида фақатгина XIX-XX асрларда шаклланган бу каби қарашлар Навоий даврида ўзининг концепция шаклидаги кўринишига эга эди.

Алишер Навоий яратган идеал жамият ҳақидаги таълимотни яна шунинг учун ҳам концепция деб олиб қараш мумкинки, аллома бу

¹ Алишер Навоий. Хазойил ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990. - 431-б.

жамиятни қуришнинг боришнинг амалий услубларини ҳам ўз асарларида бадиий образлар, тасвирлар орқали кўрсатиб бера олган. Навоийнинг гуманистик характердаги демократия ҳақидаги таълимотининг буюклиги шундаки, у XIV-XV аср Марказий Осиёда рўй берган уйғониш даврининг маънавий асоси, тамал тоши бўлиб хизмат қилган.

Навоий атрофдаги одамлар ҳақида, уларнинг бахт – саодати ҳақида ўйлайди. «Агар огоҳ сен – шохсен» - деб ёзади у. Биздан қарийиб олти аср олдин ёзилган бу сўзлар бугун ҳам ўз исботини топмокда. Демак, Навоий хали яшаяпти. Унинг иккинчи умри энди бошланаяпти. Бу умрининг эртаси ёруғдир. Халқ учун , инсониятнинг бахт –саодати учун яратилган асарлар , қилинган ҳаракатлар изсиз кетган эмас. У барибир юзага қалқиб чиқади. Алишер Навоий сингари барҳаёт сиймолар ана шу ҳаракатларини намоён этгани учун ҳам азиз. Бу ғоя қошидаги хайратлар бир лаҳзалик эмас. Биз унга томон яқинлашганимиз сари ўзимизнинг мохиятимизни чуқурроқ англаб борамиз. Шу сабабли ҳам биз Навоий сингари қоялар қошида хайратга чўмамиз. Хайрат уйғонишнинг бошланишидир. Ана шу уйғониш сиз билан бизга муборак бўлсин, азизлар!

Навоий авлодларимиз.

Сиз ҳамон султонсиз Навоий бобо
Султонки мулкининг йўқ чегараси
Беш юз йил ортидан эшитилмокда,
Уйғоқ тафаккурнинг буюк наъраси.
Келиб кетаверар, қанча хон амир,
Ўлжага талпинган сордек ташланиб.
Лекин, сиз яшайсиз муборак руҳда,
Энди ҳаётингиз келар бошланиб .
Бу дунё кўп кўрган жаҳонгирларни ,
Хазонга айланди неча бир отлар...
Ўчиб кетармиди халқнинг дилидан .
Унинг бахти учун курашган зотлар,
Сизнинг йўлларингиз асрлар сари .
Руҳингиз сингийди қалбнинг ичида,
Сиз ҳам бўлгайсиз муқаддас бешик .
Қанча Навоийнинг туғилишига .
Ким бўлманг , бизларга бобосиз суюк,
Эҳтиром этамиз, сизни баримиз .
Дунё хавас билан қарар биз томон,
Кимсан, Навоийнинг авлодларимиз!

Муҳокама учун саволлар:

1. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик мавзусидаги қайси мисраларини биласиз?

2. Алишер Навоийнинг “Хамса” асари қайси дostonларни ўз ичига олади?
3. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан яна кимларни биласиз?

26-ҲАФТА:

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида гап кетганда унга шоҳ, саркарда, шоир, тарихчи, давлат арбоби, дилбар шахс деб таъриф берилади. Бу таърифларни яна бир қанча давом эттириш мумкин. Буларнинг ҳаммасига сазовор бўлган буюк шахс Заҳириддин Муҳаммад Бобур – истеъдодли лирик шоир, ёзувчи таржимон, тарихчи, мусикашунос ҳамдир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндасидир. Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо теурийлар авлодига мансуб бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими эди. 1494 йилда Умаршайх Мирзо тасодифан вафот этиб, унинг ўрнига 12 ёшли Бобур Мирзо ўтиради. Шу кундан бошлаб ёш шахзоданинг ғалабаю мағлубият, шодлигу ғам, курашларга тўла ҳаёти бошланди. Ўзаро тож – тахт кураши бошланаётган, ўз ҳокимлигига қаноат этмай, бошқа ҳудудларни эгаллаш, ҳасислик, бахиллик натижасида кучларни бирлаштириш, буюк Амир Теуур яратган мамлакатни тиклашни ўйламаган калта фахмлар сабабли таназзулга юз тутди. Ўз юртини қўйиб, икки юз нафар отлик аскар билан Қобулга юриш қилган ва Афғонистонни эгаллаган Бобурнинг Ҳиндистонда салтанат қуришдан бошқа иложи қолмади. 1526 йили Деҳли султонлигини эгаллаб, бир қанча машаққатлар билан Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Тарихда буюк империя деб ном олган Бобурийлар сулоласини бошлаб берди. Унинг ишини фарзандлари, неvara, чеваралари давом эттирди. Бобурнома, Ҳумоюннома – Акбарнома – асарлари юзага келди.

Қонли, шиддатли жанглардаги қурбонларни кўриб эзилган Бобур мардонавор курашибгина қолмай, тарихий воқеа – ҳодисалар хотиралари жам бўлган, шу билан бирга юртимизнинг табиати, халқи маданияти тарихига оид материаллар географик маълумотлар ва бошқа нодир маълумотлардан тузилган қомусий характердаги китоб машхур шоҳ асар «Бобурнома» ни қоралади, Асарда ўзининг 12 ёшида тахтга ўтирганидан то Ҳиндистонга подшоҳ бўлганигача юз берган жами воқеаларини баён этган. Одил шоҳ, мард саркарда Бобур умрининг сўнги кунигача Ватан соғинчи билан яшади. Ўз Ватанини ташлаб, Ҳиндистонга бош олиб кетганини катта бахтсизлик ҳисоблаб, афсусланади. Рубойи:

Толеъ йўқи жонима балoлиғ бўлди,
Хар ишни ким айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Хинд сори юзландим,
Ёраб, нетай, не юз қарoлиғ бўлди.

Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш,

мамлакатни бирлаштириш марказлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, боғ – роғлар яратиш, такомиллаштириш, ташқи алоқани яхшилаш борасида жуда кўп ишларни амалга оширди, никоҳ, оила тўғрисида ислохотчилик характеридаги фармонларни чиқарди. Унинг жамият ҳаётига киритган янгиликлари «Бобурий қонунлари» номи билан оламшумул шуҳрат қозонди.

Шоир қанча кўп ватанга қайтишни ўйласада, тақдир уни ватандан шунча йироқлаштирди.

Хижрон чўлида шахд била пучлар уриб,
Истаб зулели васил етишим саробга,
Чун хаст мундок эрдики, хижронда чекмок.
Саодат соҳили ёки ватан соғинчи.

Ҳиндистон ғалабаси Бобур ҳаётига забун бўлди. Деҳли султони Иброҳим Лўдининг онаси Байдахонимни инсонпарварлик юзасидан она қилиб олган Бобурга у заҳар бердирди, сўнгра у кўп яшамади. 1530 йил декабрь ойида Агра шаҳрида вафот этди. Кейинчалик фарзандлари унинг қабрини Қобулга олиб келиб дафн қилди .

Бобур Ҳиндистон ва Афғонистонни ва ушбу давлатлар тасарруфидаги бир қанча вилоятларини эгаллаб олгач, дастлабки жаҳоншумул ишларидан бири кўшничилик, тинч – тотув яшаш, савдо, алоқаларини йулга қўйиш бўлди. Муаррих Риёз ул Исломнинг ёзишича Эрон билан кўшничилик аломати сифатида совға-салом ёллаб карвон жўнатган .

1526 йили Хўжа Асад Эрон шоҳи Тахмасп саройига элчи қилиб юборилди. Эрон шоҳи ҳам Туркман Сулаймонни Ҳиндистонга элчи қилиб юборди.

Шунингдек Н.М. Генъдбергнинг «XV аср Россия – Ҳиндистон муносабатлари» номли асарида қайд қилинганидек, Бобур Россия билан муносабатини яхшилаш мақсадида 1533 йили биринчи Ҳинд элчисини Москвага жўнатди. У мусулмон савдогари бўлиб, ўзи билан буюк муғуллар асосчисининг дўстлик ва биродарлик ёрлиғини топширади.

Тарихчи Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Бобур ўз замонасининг йирик лашкарбошиси, сиёсатчиси бўлиш билан бирга туркий шеърятда А.Навойдан кейинги ўринда турар эди: “У соф ва нафосатли туркийда девон тартиб этиб, «Мубаййин» аталмиш асарини яратиш билан ҳуқуқшунослик таълимоти муаллифи бўлди”.

У, шунингдек, туркийдаги аруз вазни ҳақида беназир рисола ёзиб, «Рисолайи волидия» ни шеърга солди. Унинг «Воқеи ёки тарихи туркий» асари шунингдек, мусиқа ва бошқа санъат асарлари араб ҳарфларини ислоҳ қилиб, «Хатти Бобурий» алифбосини тузишга олиб келди. Янги алифбода кўчирилган «Қуръон» нусхасини Маккага жўнатди. Умуман Бобурийлар сарчашмаси ўлароқ Ҳиндистонда рўй берган ижобий ўзгаришлар, деб таърифлаган эди Жавоҳарлал Неру, муҳим омил сифатида

меъморчилик, санъат ва маданиятнинг бошқа турларига қайта жон бахш этди. Хиндистонда туркийзабон адабиётнинг ривожланишини бошлаб берган Бобур уларга раҳбарлик қилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Бобур ҳаёти ҳақида қандай ибратли воқеаларни биласиз?
2. “Бобурнома” асарида қандай мавзулар акс этган?
3. Бобурнинг Ҳиндистондаги фаолиятини гапириб беринг.

27-ҲАФТА:

Ёшлар диний экстремизм ва фундаментализмга қарши

...Фарзандларимзни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг “даъвати ҳам”, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона зоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

И.Каримов

Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга мамлакатнинг келажагини айтаман, деган эди социолог Эдмун Берк. Жамият маънавияти, юрт барқарорлиги, миллат фаровонлиги ҳар қандай тараққиётнинг муҳим шарт ва кафолатидир. Бунга эришишда эса тарихий хотира, миллий ва диний кадрият, анъаналарни изчил ўрганиб, давр руҳи билан бойитган ҳолда давлатнинг келажаги бўлган ёшлар онгига сингдириб бориш зарурий жараён саналади. Ушбу омиллар ёшларнинг жамиятдаги роли, ижтимоий фаоллиги даражасини ҳам белгилайди. Бугунги кун ёшларининг қизиқиш доиралари, фаолияти, дунёқарашида шаклланган диний ва дунёвий қарашлар уйғунлиги масалалари, улардан келиб чиқиб шаклланадиган толерантлиги ва ижтимоий фаоллиги нафақат уларнинг ўз тақдирларини, балки бутун бир миллат ёки мана шу миллат тақдири билан боғлиқ давлат келажагини белгилаб беради. У аксиомага айланган ҳақиқат бўлиб, бу каби фикрлар антик давр идеологларидан тортиб ҳозирги кун футурологларининг назарияларида тез-тез таъкидланади ва ҳар бир замонда ўзига хос янги мазмун касб этиб бормоқда. Шу билан бирга ушбу тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий жараёнда юзага чиққан, келиб чиқиш жиҳатдан мураккаб тарихий жараённинг натижаси бўлган ақидапарастлик каби салбий феноменларнинг чуқур

тарихий, ижтимоий-фалсафий, психологик таҳлилини олиб бориб, уни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиб, баъзи ёшлар дунёқарашида илдиз отишни бошлаган террористик оқимларнинг таъсирига барҳам беришга восита бўлади. Сабаби ҳозирги ёшлар ҳар хил диний экстремистик оқимларга чорловчи кишилардан эҳтиёт бўлмоғи лозим. Улар ёшларни чалғитиб, миясига ҳар хил бўлмағур фикрларни ингдиришга, халқ ва ватан тинчлигини бузишга ҳаракат қилишади. Булардан энг хавфлиси ваҳҳобийчилик оқимидаги кишилардир. Хўш, мамлакатимиз тинчлигини бузиш, халқ онгини захарли иллатлар билан тўлдиришни мақсад қилиб олган ваҳҳобийлик нима ўзи?

Ваҳҳобийлик — ақидапарастликнинг кўринишларидан бири. У XVIII асрнинг иккинчи яримида Марказий Арабистон ярим оролининг Нажд минтақасида шаклланган.

XX асрнинг сўнги чорагида у МДХга аъзо мамлакатларда ҳам барқарорликка таҳдид сола бошлади.

Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобдир. У ўз ақидасини суннийлик оқимидаги тўрт йирик мазҳабдан (ҳанафия, ҳанбалия, моликия, шофиъия) бири бўлган ҳанбалия мазҳабининг асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал (IX аср) ғоялари асосида яратган ва ваҳҳобийликда унинг муайян қоидалари ривожлантирилган, ҳатто ривожлантирилган қоидалар мазкур мазҳаб доирасидан чиқиб кетган.

Бизнинг минтақамиз мусулмонлари эса ханафия мазҳабадирлар. Шундай экан, ваҳҳобийлик таълимотининг бошқа мазҳаб мусулмонларига тикиштирилаётганлиги асрлар оша шаклланган маҳаллий исломий қадриятларимизга нисбатан ҳурматсизликдир ҳамда ўзини жамиятга қарши қўйишдир.

Ваҳҳобийликнинг мафкураси, асосан Аллоҳнинг ягоналиги, унинг ҳеч қандай шериклари йўқлиги, шу боис, пайғамбарлар, валийлар, муршидларга сажда қилиш, улар мақбараларини ҳурматлаш ва зиёрат қилиш бидъат деб қарашга йўналтирилган. Пайғамбарни улуғлаш ва ҳурматни унга сиғиниш деб баҳолаб, дастлабки йилларда пайғамбар мақбараси ва унинг ёнига қурилган масжидни Аллоҳга ибодат қиладиган жой деб эмас, балки маъбуда сифатида кўриб, уни вайронага айлантиришга ҳаракатлар бўлган.

Ваҳҳобийлик тарафдорларини кескин ақидапарастликка таянган ислом динига фундаментализм мафкурасини олиб киришга уринадиган «муқаддас уруш» лашкарлари, деб баҳоласа бўлади. Улар «соф ислом» учун кураш шиори остида ислом диний ақидаларига мойил сиёсий тизим барпо қилиш йўлида курашадилар.

«Соф ислом»га қайтиш, «ислом анъаналарига риоя қилиш», деганда Қуръон ва суннада кўрсатилган таълимотлардан ўзга манбаларни эътироф этмаслик, улуғ боболаримиз яратган асарлардан воз кечиш демакдир.

“Нур” диний оқими диний миллатчилик руҳидаги турк ташкилоти. Республикамизда бу оқим 1993 йилнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлаган. Туркияда таълим олиб, у ерда ўқиш даврида нурчилар таъсир

ўтказган ёшларнинг юртимизга қайтиб келишлари ва турк эмиссарларининг фаолияти бунга сабаб бўлди. Жумладан, Туркия давлатининг Ўзбекистонга маориф тизимини ривожлантириш, туркча тизимдаги, туркиялик ўқитувчилар таълим берадиган лицейлар ташкил этиш асосида 10-15 йил орасида сиёсий арбоблар ва тижоратчилар тайёрлаб беришга ёрдам бераётганидан фойдаланган нурчилар ташкилоти ўз ўқитувчилари (уларнинг кўплари илгари экстремистик ташкилотлардаги иштироки учун Туркия қуроли кучлари сафидан бўшатирилганлар эди) фаолияти ёрдамида турли диний манбалардан сабоқ бериш баҳонасида ёшларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишди. “Нурчилар” жамияти вакиллари Туркия ваколатхоналари, фирмалари, маданий ва миллий марказлар ниқоби остида ҳаракат қилиб, ҳатто ҳокимият тузилмаларига сингиб киришга ҳам уриндилар, жамиятни исломлаштиришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширдилар.

Тараққиётимизга тўсқинлик қилувчи бу оқимнинг ғоявий дастури:

- зўравонлик (экстремизм);
- иқтисодий таназзулга учратиш;
- давлатчиликни халқаро миқёсда поймол қилиш;
- диний конфессиялар орасида низо чиқариш;
- ислом маърифатини тарқатиш орқали ҳокимиятни эгаллаб, ҳукмронлик қилишга эришиш.

“Нур” оқимининг асосчиси Туркиянинг Нур қишлоғида туғилган Саид Нурий (1876-1960)дир. У 1908 йилда “Иттиҳоди Муҳаммадий” ҳаракатини тузган. 1915 йилда Россия – Туркия урушида қатнашган, асирга тушган, Сибирга сургун қилинган. 1917 йилда қамоқдан қочган. 1921 йилда “Рисолаи нур” оқимини тузган. 1925-1960 йилларда Туркияда давлатга қарши ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари учун 1935, 1943, 1949, 1950 йилларда хибсга олинган.

Ҳозирги пайтда “Нур” диний оқими бошлиғи Фатхулла Гулайдир.

Туркияда ушбу оқимга 4 млн. Киши аъзо эканлиги аниқланган. “Нур” оқими 1.5 млрд. АҚШ доллари миқдорида жамғармага эга. Улар 14 та журнал, “Замон” газетаси, “Сомон йўли” телевидение каналига эга.

“Ҳизбут-тахрир” диний – сиёсий уюшмаси ўзбек тилига ўгирилганда «Озодлик партияси» деб номланади.

Давлатимиз ва халқимизнинг манфаатларига тубдан зид бўлган бу партия фаоллари ўз олдларига яширин сиёсий кураш олиб боришпи вазифа қилиб қўйганлар. Улар бу курашни уч босқичдан иборат деб белгилаганлар:

1). ислом умматларини уйғотиш, ислом маърифатини уларнинг онига сингдириш орқали исломий тўғри фикрлашни шакллантириш учун кураш; ислом маърифати орқали фикрий кураш йўли билан тафаккурни тубдан ўзгартириш, ислом мафқурасини танитиш;

2) ҳокимият учун кураш, исломий давлатни барпо этиш, халифалик давлатини тиклаш, бу борада ҳар қандай тўсиқларни «Жиход» йўллари билан олиб ташлаш. Бу босқичда асосий эътибор ҳукумат тузилмаларига

ўрнашиб олиш, жамият исломлаштирилгандан сўнг эса ҳукмдорлардан халифаликнинг тикланишига қаршилик кўрсатмасликлари ва ҳокимиятни тарк этишлари талаб қилишга қаратилади.

Бу уюшма 1950 йилда Иорданияда ташкил топган. Унга Такийюддин Набҳонийнинг «Низомул Ислом» («Ислом низоми»), «Давлати Ислом» («Ислом давлати»), «Халифалик» номли ва шу каби бошқа асарлари ғоялари асос қилиб олинган. Бу ишларнинг жаҳон бўйича раҳномаси ва «Амири» Абдулқадим Заллум бўлиб, унинг кўрсатмалари асосида Такийюддин Набҳонийнинг китобларидаги ғоялар Ислом динига эътиқод қилувчилар орасида зўр бериб тарғиб қилинмоқда.

Улар ўзбек тилида кўплаб адабиётлар ва варақалар чоп этиб, уларда сиёсий уюшмалар тузиш ва уюшма аъзоларининг ёрдамида исломни ҳаёт майдонига қайтариш, исломий ҳаётни янгидан бошлаш фақат халифаликни қайтадан тиклашдан бошланиши кераклиги каби фикрлар баён қилинган. Адабиётлар ва варақаларни ким ёзгани, қаерда чоп этилгани сир тутилади.

Мазкур уюшманинг дастлабки ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1992 йилдан бошлаб яширин фаолият юритиб келган.

Партиянинг дастлабки вакиллари чет эллардан Ўзбекистонга махфий сиёсий топшириқлар билан келган эмиссарлар бўлиб, 1988 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаганликлари аниқланган.

Бошқа исломий оқимлардан фарқли ўлароқ, бу уюшма диндорлар дунёқарашида вужудга келган бўшлиқни фикрий мунозаралар ўтказиш воситасида ўз манфаатларига мос келадиган ғоялар билан тўлдиришни мақсад қилиб қўйганлар. Улар ёвуз ниятларини амалга ошириш учун ёшлар, талабалар, илмий ходимлар, зиёлилар, ишбилармонлар орасидан ўзларига ўринбосарлар тайёрлашга уринмоқдалар. Улар диний руҳда ўқитиш ва тарбиялаш ишига алоқида эътибор берадилар. Ислом давлатларидаги сиёсий фитналарни ўрганиш асосида, улардан ўз амалий фаолиятларида (шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам) фойдаланишни мақсад қилиб қўйганлар. АҚШ, Исроил, Европа мамлакатлари, собиқ совет Иттифоқининг Марказий Осиё республикаларини ўзларининг ҳозирги замон душманлари деб ҳисоблайдилар.

Диний уюшмага янги қабул қилинганлар беш кишидан иборат бўлган мустақил органни ҳосил қилишади. Янги номзоднинг турар ва иш жойи қайд қилиниб, унга махсус топшириқлар берилиб, синовдан ўтказилади. Шундан сўнг партиёга аъзо бўлиб турганлардан бирининг кафиллиги остида у партиё аъзолигига қабул қилинади.

МАРТ

Душанба		7	14	21	28
Сешанба	1	8	15	22	29
Чоршанба	2	9	16	23	30
Пайшанба	3	10	17	24	31
Жума	4	11	18	25	
Шанба	5	12	19	26	
Якшанба	6	13	20	27	

Март ойининг тахминий иш режаси

1. Февраль ойи иш режаси тахлили.
2. Март ойи иш режасини тасдиқлаш.
3. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
4. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
5. Шоира Зулфия таваллуд топган кунни нишонлаш тадбирини тузиш.
6. Ҳалқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб тадбир ташкил этиш.
7. Амарта Сен – 1998 йилги нобель мукофоти совриндори ҳақида суҳбат.
8. Деворий газеталар кўриклари ўтказиш.
9. Замахшарий ижодий меросига атаб давра суҳбати ўтказиш.
10. Наврўз айёмига атаб тадбир тайёрлаш.

Март ойининг муҳим саналари

- 1 – март садоқат куйчиси Зулфия таваллуд топган кун.
- 1 – март Жаҳон фуқаро муҳофазаси куни (1972).
- 2 – Ўзбекистон Республикаси БМТ га аъзо бўлган кун (1992).
- 4 – март Соғлом авлод учун ордени таъсис этилган кун (1993).
- 6 – март Х.Х.Ниёзий таваллуд топган кун.
- 8 – март Ҳалқаро хотин – қизлар байрами куни (1910).
- 14 – март “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис этилган кун (2000).
- 15 – март Ҳалқаро истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш куни (1961).
- 15 – март Саёхатчилар куни.
- 19 – март Замахшарий таваллуд топган кун.
- 21 – март Наврўз байрами.
- 21 – март Бутунжаҳон шеърят куни (1999).
- 21 – март Абдулла Орипов таваллуд топган кун.
- 23 – март Ҳалқаро мэтериологлар куни.

- 24 – март Ўзбекистон Республикаси Президентлик лавозими таъсис этилган кун (1990).
- 24 – март Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланган кун (1990).
- 24 – март Халқаро силга қарши кураш куни.
- 27 – март Халқаро театр куни (1961).

27-ҲАФТА:

Садоқат куйчиси шоира Зулфия туғилган куни

Шоиранинг шеърлари ҳақида, уларнинг латофати, инсоний жозибаси, теранлиги тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин мен бугун бошқа бир саволга жавоб излаяпман – Зулфияни бошқаларга ардоқли қилган, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айлантирган, XX асрнинг буюк аёллари қаторига қўшган асосий омил нимадир? Менимча бу унинг эътиқоди, жуда буюк маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва диёнат деган нарсаларга ўзи ҳаётда оғишмай амал қилганида.

Озод Шарофуддинов

Зулфия Исроилова 1915 йил 1 мартда Тошкент шаҳрида дегрез оиласида туғилган. «Отамнинг ҳамма вақт оловга йўлдош касбидан,- деб эслайди шоира,-фақат завқ ва шавқни кўрар эдим... Унинг неча марта чўян учқунлари из олдириб кетган қўллари лаққа чўққа айланган темир парчасини истаган шаклга солиб, инсон учун керакли, жуда зарур нарсага айлантиришга қодир эди...» Шоиранинг онаси Хадича опа жуда кўп қўшиқ, эртак, афсона ва дostonларни билар ва болаларга айтиб берар эди. «Сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда... оддий аёл-онам ўрнатган», дейди шоира.

Зулфия 1928 йилда бошланғич мактабни битириб, Тошкентдаги хотин-қизлар педагогика билим юртига кириб ўқий бошлайди. 1934 йили билим даргоҳини битириб, Ўзбекистон Фанлар комитетининг тил ва адабиёт илмий текшириш институти аспирантурасига киради. 1938 йили Республика ўсмир ва ёшлар нашриётига ўтиб, редактор бўлиб меҳнат қилади. Зулфия 1941-1950 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриёти бадиий адабиёт бўлими мудири 1950-1954 йиллари Ўзбекистон хотин-қизлари “Саодат” журналининг адабиёт ва санъат бўлими мудири вазифасида хизмат қилди. 1954 йилдан то 1985 йилгача журнал бош муҳаррири бўлиб ишлаб келди.

Зулфия билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ шоира деб ном чиқарди. 1930 йили «Ёш Ленинчи» газетасида «Мен ишчи қизи» номли биринчи шеъри босилиб чикди. 1932 йили «Ҳаёт варақлари» шеърий тўплами нашр этилди. 1943-1944 йиллари яна «Уни Фарҳод дер эдилар» ва

«Хижрон кунларида» шеърӣ тўпламлари босилиб чикди. 1943 йилда ўзбек халқининг суюкли санъаткори, “Фарҳод ва Ширин” мусикали драмасидаги Фарҳод ролининг ижрочиси Қобилқори Сиддиқов уруш майдонида ҳалок бўлади. Сафдошларининг хотирасига кўра жароҳатланган артист севимли кўшиғи Фарҳод ариясини айтиб, ўз дўстлари қўлида жон берган. Шоира Зулфия «Уни Фарҳод дер эдилар» балладасини ана шу инсон хотирасига бағишлаб ёзади.

Зулфия ижодининг ривожланишида шоир Ҳамид Олимжоннинг таъсири кучли бўлган. Зулфиянинг «Куйларим сизга» шеърӣ тўпламида шундай дейди. « Кўп утмай ҳаёт менга янада талабчан ва каттик қўл муҳаррирни бахш этди. Ҳаётимнинг ўн йили... Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўтгани мен учун бахт бўлди. Улкан шоир, ўз она тилининг билимдони, кам учрайдиган қобилят ва интизом соҳиби Ҳамид Олимжон қалбимга ва руҳимга уйғун ҳамроҳим ва сезгир маслаҳатчим ҳам эди».

1944 йил 3 июлда шоиранинг умр йулдоши Х. Олимжон автомабиль ҳалокатидан фожиали ҳалок бўлди. Ундан айрилиқ аламлари, шу билан бирга унга садоқат, вафодорлик туйғулари шоиранинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» (1945) шеърӣда чуқур бир дард билан берилган.

Хижронинг қалбимда, созинг қулимда.

Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.

Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда.

Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан, сен ҳам.

Адабиётшунос олим, мунаққид Озод Шарофиддинов шоира Зулфия ҳақида ёзган эсдаликларида шундай деган эди: “Зулфия – атоқли шоира, йирик давлат арбоби, жамоат ишларида фаол, эл назаридаги инсон. Лекин у биринчи навбатда аёл, аёл бўлганда ҳам ўзбек аёли эди... умрининг охиригача Зулфия Ҳамид Олимжонга муҳаббатини боши устига қўйиб, авайлаб, асраб, гард юқтирмай олиб ўтди. Баъзан Зулфия тўғрисида икки болани отасиз катта қилди, дейишади. Менимча бу унчалик тўғри эмас, чунки Ҳамид Олимжон руҳан ўз хонадонини бирон кун ҳам тарк этган эмас... Отанинг руҳи тирик бўлса, у оиланинг ҳамма ишларида, шу жумладан болалар тарбиясида ҳам иштирок этаверар экан” (Ижодни англаш бахти. “Шарқ”, 2004. 372-б.).

Одатда энг машҳур шоирларнинг ҳам шахсий ҳаёти улар яшаган даврдаги тарихий воқеалар кўламига мувофиқ келавермайди. Улар ўз ҳаётларининг эмас, ўз халқининг, ўз даврининг куйчиси эканликларини чуқур ҳис қиладилар, ўзларида кучли масъулият сезадилар. Шоира Зулфиянинг совет тоталитар тузуми даврида ижод қилганига қарамасдан, унинг шеърларида инсонга муҳаббат, халққа бўлган эҳтиром, ўзбек халқининг орзу умидларини ҳис этиш ва унинг дарди билан яшаш ҳисси сезалади. Унинг шеърларида зўрма- зўракилик, сунъий равишда шеър объектини танлаш эмас, теранлик ва табиийлик ҳукмрон. Лазиз Қаюмов Зулфиянинг “Ўғлим, сира бўлмайди уруш” шеърининг яратилиш тарихи ҳақида қуйидагиларни ёзади: “1954 йилда шоира Японияга қилган

сафарида Хиросимада ҳам бўлади. Тарихий фожиа изларини кўриб, мудҳиш портлаш оқибатида ҳалок бўлган ёхуд бир умрга ногирон бўлиб қолган минглаб японлар ҳақида эшитган шоира атом урушининг бутун даҳшатини ўз тасаввуридан ўтказди”. “Биз сукутда қолдик, -эслайди у , - мен ёнимда турган нотаниш япон аёлининг кўлини ушладим. Таржимон биздан узоқда эди. Биз бир-биримизни кўлимизни қаттиқ қисдик. – Уруш бўлмайди! Йўл қўймаймиз унга! – тахминан шундай деган эдим мен япон аёлига ўз ишорам билан ” (“Шоира Зулфия”, 95-б.) Хиросима фожиаси Зулфияга катта ғоя – тинчлик ғоясини берди. Унинг ушбу шеъри бир неча тилларга таржима қилиниб, ундаги аёл образи урушга қарши оналарнинг типик тимсолига айланди. Қутбий дунёнинг мафкуралар уруши даврида энг катта ҳавфга айланган атом бомбаси ҳалокати муқаррар бўлиб турган бир вақтда бу шеър тинчликсевар оналарнинг мадҳиясига айланди.

Шоира Зулфия ўз миллати тақдирини жаҳон халқлари тақдири билан қўшиб қуйлай оладиган чинакам халқ шоири даражасига кўтарилди. Зулфия асарлари инглиз, француз, немис, хинд, бенгал, араб, болгар, румин ва бошқа тилларга таржима қилинди. У халқаро Неру ва Нилуфар мукофотларининг лауреати, Болгариянинг “Кирил ва Мефодий” орденларининг совриндори эди. Шоира Зулфиянинг ўзи учун энг ардоқли мукофот Ўзбекистон халқ шоираси унвони эди. Ўзбекистон халқ шоираси, атоқли адиба Зулфия умрининг тўқсон тўрт ёшида вафот этди. 2005 йили унинг бошлаган иши ва анъаналарини давом эттириш, номини абадийлаштириш учун давлатимиз томонидан Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилди. Буюк шоиранинг ижоди ва ҳайрли мақсадлари рамзий маънода мазкур мукофотга сазовор бўлган юзлаб “зулфиялар” ижоди ва фаолиятларида ўз ифодасини топмоқда.

Муҳокама учун саволлар

1. Шоира Зулфиянинг ҳаёти XX асрнинг қандай даврларига тўғри келган?
2. Давлатимиз томонидан таъсис этилган «Зулфия» мукофоти кимларга берилади?
3. Зулфия шеърларидан намуналар ўқиб беринг?

28-ҲАФТА

1-мавзу. Амарта Сен – 1998 йилги нобель мукофоти совриндори

1998 йилги мукофотни асли Ҳиндистонлик Амарта Сен олди. Бу олимнинг илмий ишлари инсон ҳуқуқлари, камбағаллик ва тенгсизлик муаммоларига бағишланган бўлиб, унда давлатнинг шу масалаларни ечиш йўлларини кўрсатиб бориш бўйича тавсиялар берилади. Шуларни ҳисобга олиб Швеция қироллик фанлар академияси “ҳаётий муҳим иқтисодий муаммоларни муҳокама этишда ахлоқий мезонларнинг тикланаётганлигини” эълон қилди.

Амарта Сен 1933 йили Ҳиндистоннинг Бенгалия штатида таваллуд топган ва 9 ёшиданоқ очлик, қашшоқлик нима эканлигини ўз бошидан кечирган, шунда 3 миллион киши очлик туфайли кўз юмган.

Бўлажак олимнинг исми бенгал тилида “умрбоқийликка мансуб” деган маънони англатади. Бу рамзий маъно амалда ўз тасдиғини топди. Ҳаракати ва билими туфайли олий маълумот олди. Кембриж (Англия)даги Тринти коллежида ўқитувчи бўлиб ишлади, ҳозирги даврда Гарвард (АҚШ) университетининг хизмат кўрсатган профессоридир. 1994 йили Америка иқтисодий ассоциациясининг президенти бўлган, ҳозиргача Гарвард университетида вақтинчалик асосда маъруза қилади, демократия ва капитализм тўғрисидаги китобини тугатди ва келаси йили Кнопф томонидан нашр этилди.

Бундан ўн йилча аввал Швеция фанлар академияси иқтисодиёт мукофотлари комитетининг бир аъзоси “профессор Сен ҳеч қачон мукофтга сазовор бўлолмайди” деб башорат қилган экан. Бундай фикр пайдо бўлишига асосий сабаб шуки. Сеннинг қадриятлар тўғрисидаги фикр юритиш тамойиллари бошқаларникидан кескии фарқ қилади, унинг мушоҳадалари ниҳоятда ўзига хос, кенг қамровли, шу сабабли муҳолифлари ҳам анчагина.

Аммо вақт ўтиб бориши билан иқтисодиёт масалаларига бўлган муносабат ҳам, Швеция фанлар академиясидаги олимлар фикрлари ҳам анча ўзгарди ва Амарта Сеннинг тадқиқотлари эътироф этилди. Профессор Сеннинг 1981 йили ёзилган “Қамбағаллик ва очлик: ютуқ ва муаммолар тўғрисидаги очерк” номли машҳур китоби унга шуҳрат келтирди. Олим ёшлигидан ўз бошидан кечирган муаммолар тўғрисида тадқиқот олиб бориб, очлик ва тўқлик қандай қилиб ёнма-ён тинч-тотув яшаши мумкинлиги масалаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Бу тадқиқотлар натижаси ўлароқ, бир қанча мамлакатларда миллионлаб одамларнинг мушқули бироз бўлса ҳам осонлашди.

Профессор Амарта Сен 7,6 миллион крона (тахминан 964 минг АҚШ доллари) микдоридаги мукофотни 10 декабрда Стокгольмда олади ва уни ҳинд халқига тўхфа этади.

Муҳокама учун саволлар

1. Амарта Сеннинг ватанпарварлиги, халқпарварлиги қайси хизматида намоён бўлган ва нима учун?
2. Ҳиндистон иқтисодиёти билан Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини фарқлаб беринг.
3. Амарта Сен ҳақида маълумотга эга бўлгач ўзингизги қандай хулоса чиқардингиз?

2-мавзу. Мақсуд аз-Замахшарий

... Ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан, илм – фаннинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига машаққатли сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб қолаверади.

Ислом Каримов

Замахшарий 1075 йил 19 мартада Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда туғилган. Фикҳ илмининг афлотуни деб ном олган Замахшарий илм излаб бутун Шарқни, Осиёни кезиб чикди.

Асли исми Маҳмуд Ибн Умар ибн Аҳмад ал-Хоразмий аз-Замахшарий бўлган. Аз-Замахшарий Хоразмнинг Аз-Замахшар қишлоғида унча бой бўлмаган тақвадор, мадраса имоми оиласида дунёга келди. У туғма чўлоқ эди. Олимнинг отаси Замахшарий қишлоғида обрў-эътиборли кишилардан бўлиб, моддий аҳволи ўртача бўлсада, фикҳ илмига меҳр қўйган зиёлилардан эди. Замахшарийнинг отаси тақводор инсон бўлиб, хушфеъл, диёнатли, хожатбарор, олижаноб инсон бўлган. Унинг онаси ҳам оқила аёл бўлиб, илмга меҳр қўйган, эл ичида мўътабар инсонлардан эди. Илмга чанқоқ Маҳмуд аввал аз-Замахшар қишлоғидаги мачит – мадрасада, кейин Хоразм, сўнгра Бухоро мадрасаларида таълим олди. Бухородан қайтиб, Хоразмшохлар маҳкамасида давлат ишлари, ёзув – чизувида ишлаб турди. Лекин бари – бир илм ўрганиш, китоб мутолаа қилишни канда қилмади. Кейинчалик илм излаб Хуросанга, Исфaxonга сафар қилди, ундан Бағдодга ўтди. Кўплаб билимдонлар билан суҳбатда бўлди, билмаганларини суриштириб ўрганди, шогирдликдан устоз даражасига кўтарилиб кўплаб шогирдлар тарбиялади.

Замахшарий 1118 йили машаққатли турмуш, сафарлар натижасида оғир бетоб бўлиб қолади. Унинг бир неча йиллар давомида амалдор ва подшоҳларни улуғлаб ёзган қасидалари унинг қадрини оширмагани, унинг бетоблигида сарой амалдорлари томонидан беэътибор қолдирилганлиги сабабли у соғайиб кетган тақдирда бутун умрини фақат илмга сарфлашни ният қилади. Касалликдан бутунлай фориғ бўлиб, у араб амалакатларига сафар қилади ва у ерда икки йил муддат ичида самарали ижод қилади. Замахшарий Макка амири Ибн Ваққоснинг ўзига бўлган илиқ муносабатидан оқилона фойдаланиб, Арабистоннинг кўпгина вилоятлари, шаҳарларида бўлади, бу мўтабар заминда обрў эътибор топади. Олим араб диёрида етарли ҳурматга, илм қилиш учун қулай шароитга эга бўлишига қарамасдан, ватан соғинчи туфайли яна Хоразмга қайтади.

Бу вақтда Хоразм тахтига Қутбиддин Муҳаммад фарзанди, илм ва маърифатни қадрловчи инсон Отсиз (1127-1156) ўтирган эди. Буюк олим

ундан кўп яхшиликлар кўради. Унинг отаси Қутбиддин Муҳаммад ва унинг ўзига бўлган ҳурматини шоир “Муқаддимат ул адаб” номли китобида баён этиб кетади. Лекин шоир ислом оламининг гултожи бўлган Маккадаги муҳитни, араб тилига эътибори туфайли қозонган эътиборини тез-тез қумсайди. У 1128 йили Маккага қайтади. Бағри кенг амир Ибн Ваққос яна олимни чексиз ҳурмат ва саҳоватпешалик билан кутиб олади. Унга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам беради. Ана шу даврда Замахшарий ислом оламининг дурдонаси бўлган “Ал Кашшоф” асарини ёзади. Мазкур асар муқаддас Қуръони Карим тавсирига бағишланган бўлиб, унда ислом фани оламининг маҳорати, салоҳияти ва истеъдоди намоён бўлган. Ватанга бўлган муҳаббат олимни яна ўз диёрига қайтаради. У ногиронлиги, кексалиги қарамай Хоразмга қайтар экан, Бағдодда бир қанча вақт яшаб, сўнг она заминга келади. 1143 йил арафа кечаси Гурганчада вафот этди. У бутун умри давомида оила қурмади, ватандан йироқда ўтди. Бор умрини илму-фанга, адабиёт ва санъатга, Қуръон илмига, ҳадислар шарҳига бағишлади.

Аз-Замахшарий кўп қиррали олим бўлиб, ҳадис, тафсир, фикҳ, қироат илми сингари фанларнинг ривожига ҳақида 50 дан ортиқ китоб ёзиб қолдирган. Айниқса унинг араб грамматикаси, тилшунослик, Қуръон тафсири ҳақидаги асарлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилиниб, ўрганилмоқда. Дунёда тафсирлар беҳад кўпдир, бироқ улар орасида «Ал кашшоф» алоҳида ўринга эга.

Олимнинг «Ал-кашшоф» - ошкор қилувчи асари «Қуръони карим» тафсирига бағишланган бўлиб унинг ўзига ҳам жуда маъқул тушган. Нозик иборалар, фикҳ санъати ҳақида муфассал китоб «Ал-муҳожат бил смасил» - грамматика масалалари ҳақида, «Самоиул араби» - араб тилининг негизи. “Ал ул-муклафинпахви” – грамматик намуналар ҳақида асарларини Хоразмшоҳ – Отсиз Алоуддавла яъни фан ва дин хомийсига атаб ёзган эди. Асарларнинг ўзбекча нашрига тўхталиб, Садриддин Айний домла 1921 йилда ёзган бир илмий асарида Аз-Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир», деб ёзганида тўла ҳақли эди. «Муқаддимат ул-адаб» асарининг аҳамияти шунда эдики, у «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» (1973 йил), “Ўзбек адабий тили тарихи” (1975 йил) китобларининг босилиб чиқишига асос бўлди.

Улуғ алломанинг фалсафий, илмий, диний қарашларини имкон даражасида талқин қилган шоир Олимжон Бўриев хайрли ишни амалга оширган: «Замахшарийнома» манзумаси бугунги кунимизда истиқлол ва маърифат ғояларини элга ёйишда, халқ қалбига жо этишда маънавиятимиз тартиботида янгича шакл ва мазмундаги асардир.

Муҳокама учун саволлар.

1. Замахшарийнинг ибратли сўзларидан қайсыларини биласиз?
2. Замахшарий қайси даврда яшаб, ижод этган ва унинг замондошлари

кимлар эди?

3. Замахшарий каби ислом оламида катта илмий изланишлар олиб борган алломалардан кимларни биласиз?

29- ҲАФТА

1-мавзу. Наврӯз

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказиладиган Наврӯз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврӯз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний гоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ислом Каримов

Наврӯз халқимизнинг азалий удуми, шарқда йил боши саналиб, ризку-насиба, тирикчилик ва ёруғлик айёми сифатида кадрланиб келинган. Халқнинг кўшиқлари, ўйин-кулгуси, санъати, бор маҳорати намоён бўладиган бу байрам замирида ўзлик бор эди. Бу айём уч минг йилдан кўпроқ вақт ўтсада, балоғатга тўлиб, янгиланиш тимсолида миллат қалбида ёруғликка интилиш туйғуларини сайқаллаштириб келди. Наврӯзда халқ қаҳрамонлари Сиёвуш, Афросиёб, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Номоз Ботирлар, Алпомишлар куйланар эди.

Наврӯз айёмида ернинг онамиздек нақадар ардоқли, ҳаётбахшлик тимсоли эканини ҳис қиламиз. Буғдой тупроққа тушди, тупроққа қайтди, бўйин чўзди, яшилланди. Наврӯзнинг қозонида сумалакка айланди. Тирикликнинг онаси эканлигини исбот этди. Агар одамзод шу нарсани яхшилаб тушуниб, Ер менинг онам, дея қулоғига қуйиб олганида эди, ҳеч қачон замин узра урушлар бўлмас эди. Одам қон тўкишни бас қилар эди. Дарвоқе, Наврӯзда уришлар тақа-тақ тўхтаган.

Наврӯз ҳақидаги илк маълумотларни Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридан олиш мумкин. Беруний Наврӯзнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, “айтишларича, шу куни худо фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин, уларни айлантириб ва ёриткичлар сайрдан тўхтагандан кейин уларни сайр эттириб юборган. Қуёшни яратган, ниҳоят у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган”, дейди. (Танланган асарлар. 1-том. Тошкент, Фан. 1968. 253-бет.) Абу

Райҳон Беруний наврӯз байрамининг юзага келиши қадимги аждодларимизнинг қуёшни улуғлаш анъаналарига бориб тақалишини қайд этади. Афсоналарда наврӯзнинг келиб чиқиши қуёшнинг пайдо бўлиши, оловнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ҳолда тушунтирилишида жон бор. Бу байрам олов ва қуёш ҳомийси, Авестодаги олтита маъбуддан бири эзгулик рамзи Аша –Ваҳишта номи билан, қиш, совуқ, зулмат давридан кейинги эзгуликнинг ғалабаси билан боғлиқдир. Наврӯз қадимда авлодларимиз табиатни муқаддас билиб, сувни асраб, тупроқни бошига кўтариб яшаган давридан бошлаб шаклланган. Фолклоршунос олим М.Жўраевнинг “Наврӯз байрами” (2007) номли китобида наврӯз деҳқончилик маданияти келиб чиқиши даврларидаги халқ қарашлари асосида юзага келган, деган фикр бор. Ушбу олимнинг маълумотларига кўра, милoddан аввалги биринчи ва милодий биринчи аср оралиғида яшаган қадимги юнон олими Страбоннинг ёзишича, икки дарё оралиғида истиқомат қилган аждодларимиз наврӯз байрами куни оташкада, яъни оловга бағишланган ибодатхоналарда тўпланишган ва йил бошини ўн икки кун давомида тантана қилишган. Байрамда қатнашган ҳар бир кишининг устига қуёш нури тушиши унинг йил бўйи тўкин-сочин, баракали яшашидан дарак беради, деб қаралган. Йил боши байрами тантаналари дала ишларининг бошланиши билан ўз ниҳоясига етган.

Халқимиз анъанасига кўра, наврӯз келиши лайлакларнинг эрта баҳорда учиб келиши билан ҳам аниқланган. Шунинг учун ҳам лайлак халқимизда мўътабар қуш саналиб, унинг келиши тўкин сочинлик, тинчлик белгиси бўлган. Ота-боболаримиз лайлакларнинг учиб келишига қараб қиш қировли кунлар ортда қолганлигини аниқлаганлар. Лайлаклар мўътабар қуш саналгани учун ҳам унга озор етказиш, инини бузиш, полопонларига озор етказиш гуноҳ ҳисобланган. Наврӯз арафасида қариндошларни, ётиғли беморларни, қарияларни кўриб, ҳолидан хабар олиш одатий ҳол бўлган. Шу билан бирга бу куни ўтганлар ёд этилади, зиёратгоҳларга борилади, қабристонлар тозаланади.

Наврӯз байрами энг қадим замонларда яшаган аждодларимизнинг эзгуликка йўғрилган эътиқодий қарашлар, тасаввур ва ишончларидан тортиб бугунги кундаги замондашларимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик ютуқларидан баҳра олиб, тараққий этиб келаётган муҳташам бадий қадрият ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли маънавий тикланиш жараёни туфайли наврӯз яна ўз қаддини тиклади.

Муҳокама учун саволлар.

1. Наврӯз айёмида қандай таомлар пиширилади?
2. Наврӯз айёмида сайлларда ўтказиладиган қандай урф-одатларни биласиз?
3. Наврӯз ҳақида илмий изланишлар олиб борган, адабий асарлар ёзган алломалардан кимларни биласиз?

2–мавзу. Абу Али ибн Сино

Марказий Осиё халқлари маданиятини ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири Абу Али ибн Сино бўлиб, у Оврупада Авиценна номи билан машҳурдир. Ибн Сино (асл исми Хусайн, отасининг исми Абдуллох) Бухоронинг Афшона қишлоғида ҳижрий 370 (980) йилнинг сафар ойида, амалдор оиласида туғилди. 986 йилда ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келади ва шу вақтдан бошлаб ёш Хусайн бошланғич маълумот олишга, илм-фанни ўрганишга киришади. Унинг ёшлиги, йигитлик чоғлари сомонийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларига, хусусан Нух II ибн Мансур Сомоний ҳукмронлиги даври (976-997)га тўғри келади. Ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зеҳни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тездан эгаллай бошлади. 10 ёшидаёқ Қуръони Каримни бошдан оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошланғич математика, мантиқ, фикх, фалсафа илмлари билан шуғуллана бошлайди. Ибн Сино ёш бўлишига қарамай, Абу Абдулло Нотий раҳбарлигида фалсафани, Ҳасан ибн Нух ал-Қумрийдан тиббиёт илмини ҳар томонлама ўрганади, аста секин табиблик билан ҳам шуғулланади. 16-17 ёшидаёқ ибн Сино машҳур табиб – ҳаким бўлиб танилди. 999 йилда Бухоро Қорахонийлар томонидан забт этилгач, Сомонийлар ҳокимияти инқирозга учради 1000 йилда ибн Сино Бухородан чиқиб кетди ва маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди, у ерда Хоразм ҳокими Али ибн Маъмун саройидаги олимларни бирлаштирган ўз замонасининг академиясига қабул қилинди. Ибн Сино Беруний, ибн Мискавайх, Абу Саҳл Масихий, Абулхайр Ҳаммор, Абу Наср ибн Ироқ каби етук олимлар билан яқиндан танишди. Лекин бу даврда кучайиб бораётган Маҳмуд Газнавийнинг таъқибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишга ва Хуросон, Эроннинг турли шаҳарларида сарсон-саргардонликда юришга мажбур бўлди. Абивард, Тус, Нишопур шаҳарлари орқали Журжон шаҳрига келган ибн Сино ҳоким Қобус ибн Вашмгир саройида машҳур табиб сифатида яшади, бўлажак шогирди Жузжоний билан танишди. 1019-21 йилларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қиларкан, ҳоким билан келиша олмай, 4 ой қамоқда ётиб чиқади. 1023 йилда Исфажонга қочди ва бутун умрини илмий асарлар ёзишга бағишлади. Ибн Синонинг “Китоб ал-қонун фит-тибб”, “Китоб ун-нажот”, “Китоб ул-инсоф” каби машҳур асарлари, геометрия, астронимия, ўсимлик, ҳайвонот олами, мантикка оид рисоалари, “Ҳайй ибн Яқзон” фалсафий қиссаси сўнгги йилларда ёзилган. Умрининг сўнгги йилларида феодал урушлар кучайиб кетганлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзи ҳам фаол қатнашганлиги туфайли у Исфажон, Рай, Ҳамадон шаҳарлари орасида сарсон-саргардонликда юриб, 1037 йил 18 июнда Исфажон шаҳрида 57 ёшида қулунж касаллигидан вафот этди. Ибн Синонинг ҳаёт йўли ўзи ёзган таржимаи ҳоли ва шогирди Жузжоний томонидан қолдирилган манбалардан маълум. Олим асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган, холос. Унинг бизга

маълум бўлган катта асари “Китоб уш-шифо” 22 жилддан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимини мантиқ, физика, математика, метафизикага доир масалалар эгаллаган. Ибн Сино замонасининг етук шоири ҳам бўлган. У Шарқ, хусусан, форс поэзиясида рубоий жанрининг асосчиларидан бири бўлиб, рубоийлари ўзида чуқур фалсафий хулосаларни ифодалайди. Кимёда ҳам ибн Сино замонасининг билимларини умумлаштиришга ҳаракат қилиб, турли асарлар ёзди, тажрибалар ўтказди. Ибн Сино ижодида фаннинг структурасини текшириш, илмларнинг тартибини аниқлаш, уларни тасниф қилишга эътибор алоҳида ўрин эгаллайди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ибн Синонинг асарлари номларини айтиб беринг.
2. Ибн Синонинг илм-фан соҳасига қўшган хизматлари ҳақида гапириб беринг.

30-ҲАФТА:

Мирзо Улуғбек

1394 йил 23 мартада Султония шаҳрида бобоси Амир Темур юришида қатнашиш шарафига муяссар бўлган чақалок туғилди. У Шохрух Мирзонинг тўнгич ўғли бўлиб бобоси унга Муҳаммад Тарағай деб исм қўйди. Уни кейинчалик Улуғбек деб атай бошладилар. 1405 йил бобоси Амир Темур вафот этгач, Самарқанд тахти 1409 йилда Улуғбекка насиб этди.

Улуғбекнинг болалик йиллари Амир Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. 1405 йилнинг бошида Хитойга қилинаётган юриш бошланиши пайтида Темур вафот этади. Унинг ўлиmidан сўнг тўрт йил давомида фарзандлари ўртасида тахт учун кураш давом этади.

Отаси Шохрух Мирзо мамлакатнинг нотинч қисми Хиротни пойтахт этиб, қўчиб кетди. Улуғбек 17 ёшида ҳоким бўлиб, бобосидан қатъий ўлароқ тож-тахт учун курашмади. У ҳокимиятни бошқарар экан, илм-фанни тараққий эттирди, мадрасалар қуриб, илм арбобларига ҳомийлик қилди. 40 йил давомида одил шох, буюк математик, астроном деган улуғ номларга сазовар бўлди. Обсерватория қуриб, юлдузларни текширди, схемасини тузди «Зижи Курагоний» номли юлдузлар харитасини тузиб, келажак авлодларга буюк меърос қилиб қолдирди. Улуғбекнинг устози сифатида мунажжим Мавлоно Аҳмад эканлигини тахмин қилиш мумкин. У Темур саройидаги энг йирик олим бўлиб, сайёраларнинг келажак икки юз йиллик тақвимлари жадвалларини тузган. Лекин Улуғбек ўзининг Зижи Курагоний асарида устози сифатида Қозизода Румийни тилга олади.

Улуғбек ёшлигиданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий таъсирида улғаяди. Шунинг учун Улуғбек йигирма ёшидаёқ йирик олим сифатида танилади. Олим илмга бўлган алоҳида эҳтироми туфайли янги усулдаги билим масканлари – мактаб ва мадрасалар барпо қилди. Бир вақтнинг

Ўзида Бухоро ва Ғиждувонда, Самарқандда учта мадраса очади. Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда қурилиш битирилади. Тез орада бу мадраса мударрис ва олимларни тўплай бошлайди. Шу тариқа Самарқанддаги фалакиётшунослик мактаби шаклланади. Самарқандга Моварауннахрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан келган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 нафардан ортиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, рассомлар, меъморлар бор эди. Улар даврасида Қозизода ва Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар. Самарқанд мадрасасининг очилиши маросими 1420 йилда бўлади. Мирзо Улуғбек мадрасаси Шарқ илм-фани ва маданияти тарихида катта воқеа бўлди. Абдурахмон Жомий ҳам дастлабки таҳсилни ана шу мадрасада олади. Ушбу илм масканида алоҳида эътибор бериладиган илмлар фалакиётга оид фанлар эди. 1424 йили юлдузлар ҳақида асрлар ёзиш, умуман юлдузларни тадқиқ этиш учун расадхона қурилиши бошланади ва у 1429 йилда қуриб битирилади. Улуғбек йирик олим бўлишига қарамасдан тўрттагина илмий асар ёзиб қолдиради. Унинг кўп вақти давлат ишлари билан боғлиқ масалаларга сарфланар эди.

Улуғбек қаламига мансуб энг машҳур асар “Зижи Жадиди Кўрагоний”дир. Риёзиётга мансуб “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”, юлдузларга бағишланган “Рисолаи Улуғбек” асари ҳам мавжуд. Бу асарнинг ягона нусхаси Ҳиндистоннинг Алигарх университети кутубхонасида сақланади. Унинг тарихга оид “Тарихи арбаъ улус” асари ҳам мавжуд (бу асарнинг ўзбекча таржимаси 1990 йилда Тошкентда чоп этилди). Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” асари VIII-IX асрларда бошланган фалакиёт анъанасини давом эттирсада, уларга нисбатан илмий савияси анча юқори эканлиги билан ажралиб туради.

Тоғ- тахт, бойлик учун хирс-хавас сўнмас юлдуз атрофини қора булутлар билан тўсди. Ўғли Абдулатифнинг калтафаҳмлиги натижасида Улуғбек 1449 йили 27 октябрида фожиали ҳалок бўлади. Лекин падаркуш Абдулатифни ҳам олти ойга бормай ўз навқарлари томонидан ўлдирилади. Улуғбекнинг ишлари сўнмади. Шогирдлари Али Қушчи, Чалабий томонидан асарлари сақлаб қолинди, ишлари поёнига етказилди.

Истамбулда яшаб ижод этган Али Қушчи хизматлари натижасида Улуғбек ва унинг асарлари Европага тарқатилди. Унинг илмий ишлари бутун дунёга танилди, ёйилди. «Зижи» ва «Тўрт улус тарихи» асарларидан бутун дунё илм аҳли баҳраманд бўлмоқда. Улуғбек катта ҳаётий тажриба билан «Подшоликлар емирилади, дин тумандек тарқалиб кетади, олим-фузалолар иши абадул- абаддир», деган нодир фикрларни қолдирди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Мирзо Улуғбекнинг асарлари номларини айтиб беринг.
2. Мирзо Улуғбек ҳақида адабий асар ёзган адиб ким ва асар қандай номланади?
3. Мирзо Улуғбекнинг илм-фан соҳасига қўшган хизматлари ҳақида гапириб беринг

АПРЕЛ

Душанба		4	11	18	25
Сешанба		5	12	19	26
Чоршанба		6	13	20	27
Пайшанба		7	14	21	28
Жума	1	8	15	22	29
Шанба	2	9	16	23	30
Якшанба	3	10	17	24	

Апрел ойининг тахминий иш режаси:

1. Март ойи иш режаси таҳлили.
2. Апрель ойи иш режасини тасдиқлаб олиш.
3. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
4. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
5. Амир Темур таваллуд топган кунни нишонлаш тадбирини тузиш.
6. Ўзбекистон Давлат Мадҳияси ҳақида суҳбатлар.
7. А.Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбатлар.
8. Университет ҳудудида шанбалик ва ободонлаштириш ишлари билан шуғулланиш.
9. Спорт мусобақалари ўтказиш.
10. Зукколар мусобақаси ўтказиш.
11. Саёҳат ва марафонлар ташкил этиш.

Апрел ойининг муҳим саналари.

- 1 – апрел Кулги ва ҳазил куни.
- 7 – апрел Халқаро саломатлик куни (1948).
- 9 – апрел Амир Темур таваллуд топган куни (1336-1405).
- 10 – апрел Абдулла Қодирий таваллуд топган кун (1894-1937).
- 12 – апрел Халқаро авиация ва космонавтика куни
- 15 – апрел Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлган кун (1995).
- 15 – апрел Садриддин Айний таваллуд топган кун.
- 17 – апрел Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари куни.
- 18 – апрел Халқаро ёдгорликларни ва тарихий жойларни асраш куни (1983)
- 19 – апрел Илм-фан куни (1979).
- 22 – апрел Халқаро оламини асраш куни (1990).
- 23 – апрел Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни (1996).
- 23 - апрел Республика “Маънавия ва маърифат” маркази ташкил этилган

кун (1994).

24 - апрел Халқаро ёшларнинг бирдамлиги куни (1957).

25 – апрел Халқаро интеллектуал мулк куни.

25 - апрел Ўзбекистон Республикаси “Қамолот” ЁИХ тузилган кун (2001).

26 – апрел “Амир Темур” ордени таъсис этилган кун (1996).

29 – апрел Халқаро рақс куни (1982).

31-ҲАФТА:

Авесто

Ота боболаримиз асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота боболаримизнинг ақл заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори-атиқалари бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тунроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганлигидан ғувоҳлик беради.

Ислом Қаримов

Ўзбек миллий қадриятлари шаклланиши тарихида ҳам маънавий меросимиз Авесто, унинг вужудга келиши ва у билан боғлиқ тарихий шахслар тарихи катта аҳамият касб этган. Шарқ ва Ғарбнинг маданий мероси, фалсафаси ва адабиёти тарихини қиёсий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилган ўзбек олимаси Ғозила Сулаймонованинг илмий тадқиқотида «зороастризм жаҳон миқёсидаги энг қадимги динлардан бўлиб, академик С.Ғ. Олденбургнинг айтишига қараганда «зороастризм инсоннинг ер юзидаги ҳаётини енгиллатишга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг оқилона диндир»- дейилади. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда тугал ҳолда шаклланиб, ўзида Марказий Осиё халқларининг эрамиздан аввалги тўрт минг йиллик тарихини ифодалаган «Авесто» моҳиятан демократик ғояларни мужассамлаштирган фалсафий тизимни ифодалайди.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиё ибтидоий даврида мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўқувчи, қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик ҳужумларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Умуман моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблаб, хайрли ишни, ахлоқли,

одобли бўлишни турли диний ақидаларга мутлақ амал қилишдан устун қўйган.

Мафкура жиҳатидан зардуштийлик ғоят кучли таълимот бўлиб, у инсоннинг маънавий, иқтисодий ва маданий ҳаётини мутаносиб ҳолда прогрессив ривожлантиришда катта имкониятларга эга эди. Ушбу таълимотнинг мақсади дунёда абадий бахтли ҳаётни ўрнатиш ва унда ҳар бир инсонни фаровонликда яшаши бўлган. Зардуштийликда энг ноёб ғоялардан бири инсон ва табиатни бир бутун моҳият деб билишдир. Унга кўра, табиатни суиистеъмол қилиш эвазига ундан ўзини айри ҳолда тасаввур қилиб ҳаёт кечирганда, инсон фаровонликка эриша олмайди. «Зардуштийлар табиатни, ер-сув, дарахт, ўсимлик, жониворларни эъзозлаши, ерни ишлаб, суғориб, боғ-роғ, экинзор қилиши, чорвани, айниқса, йилқичиликни йўлга қўйиши, сувни мукаддас тутиши шарт эди». Инсоният глобал миқёсдаги экологик муаммоларга дуч келаётган ва уни ҳал қилиш йўллари сифатида илғор фан ютуқлари билан бир қаторда демократик тараққиётнинг муҳим омили бўлган экологик тарбия воситалари ва усуллари ишлаб чиқаётган ҳозирги даврда, Авестода огоҳлантирувчи, табиат билан инсоннинг ягона моҳиятлиги ҳақидаги муҳим ғоялар мавжудлигига амин бўламиз.

Зардуштийликдаги яхшилик ва ёмонлик, жаннат ва дўзах ҳақидаги таълимот аввал яҳудийлар дини, кейинчалик христиан ва ислом динларига ўтиб, у динларнинг хусусиятларига кўра қайта ишланади. Ундаги онтологик, гносеологик таълимотлар, пантеистик қарашлар эса антик давр файласуфлари Фалес, Афлотун, Аристотель таълимотларининг генезиси сифатида роль ўйнаган. Бу фикрлар кейинчалик Ғарб ва Шарқнинг бутун фалсафий фикр тараққиётида ўз аксини топган.

Зардуштийлик таълимотига кўра Ахура Мазда яратган олти мукаддас рух – олти маъбуд Амеша Спента (яъни «мангу авлиёлар») қуйидагилардир – Воху-Мана (Яхши ният), Аша-Ваҳишта (Ўта адолатлилик), Спента Армаити (Диёнатли авлиёлик), Хшатра-Ваирйа (Орзу этилган кудрат, ирода), Хаурватаг (Яхлитлик) ва Амэрэтаг (Мангулик). Уларнинг ҳаммаси Ахура Мазданинг эманацияси. Улар ўзлари яратган ҳар бир моддада иштирок этадилар. Бу олти модда, мангу авлиёлар ўз моҳияти жиҳатидан бутун мавжудликнинг бир бутунлигини ташкил этади ва таъминлайди. Яхши ният, адолат, диёнат, кудрат, ирода каби сифатлар эса зардуштийлик таълимотида назарда тутилган эзгуликнинг ёвузлик устидан ҳукмрон бўлишининг маънавий омилларидир.

«Авесто» дан кейин уч минг йиллик тараққиётни босиб ўтган инсон тафаккури демократик тараққиёт ва унга олиб келувчи ғояларга ана шу олти модданинг моҳиятида ётган маънавий стимуллар орқали етиб келди. Улар моддийлик ва маънавийликнинг уйғун ҳолда ривожланиши, тараққиёти ва келажаги учун гаров бўлган омиллар сифатида роль ўйнайди. Замонавий демократик назарияларда қайд этилган, юқорида тилга олинган демократик имперетивлар- ишонч, яхши ният, идеализм

айнан Зардушт таълимотидан олинган дейишга етарли асос бўлмаса ҳам, бу фикр Шарқ ва Ғарбнинг гуманистик ва демократик таълимотлари орқали «Авесто» дан ҳозирги кунгача сақланиб турибди дейиш ўринлидир.

Марказий Осиёга қилинган аксарият босқинчилик юришлари ва миссионерлик ҳаракатларига маҳаллий халқ томонидан бўлган қаршиликлар билан бирга маънавий, мафкуравий соҳада ҳам кучли қаршилик мавжуд эди. Зардуштийликдан кейин унинг таъсирида шаклланган ва унинг кўп элементларини ўзида бирлаштирган моний, ҳуррамия ҳаракатларида ижтимоий адолат, фаровонлик, тенглик, идеал бахт каби демократик ғоялари етакчи омиллигича қолди. Кейинчалик дунёда ягона империяни яратмоқчи бўлган Александр Македонский босқини, тарихий вақт нуқтаи назаридан деярли кетма-кет содир бўлган араб босқини оддий халқ орасидагина эмас, зиёлилар муҳитида ҳам миссионерлик сиёсатини сингдириши билан мазмун-моҳият жиҳатидан ўз мақсадларига анча вақтларгача эриша олмадилар, «бу давр Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон маданияти, фани, адабиёти ва санъатининг араблар томонидан босиб олинган мамлакатларга ўта кенг тарқалган ва бу маданият араблар томонидан ўзлаштирилган давр эди. Сиёсий ҳокимият араблар қўлида бўлгани билан маданий ҳукмдорлик улар қўлида эди».

Муҳокама учун саволлар:

1. Зардуштийлик моҳиятида қандай мақсад мужассамлашган?
2. Александр Македонский босқинидан кейин “Авесто” нинг қанча қисми сақланиб қолган?
3. Марказий Осиё тарихида Зардуштийлик динининг аҳамияти қандай?

32-ҲАФТА:

Амир Тему́р Кўрагоний таваллуд топган кун

...Буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Тему́р ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Шахсан мен “Тему́р тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз,

лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён.

Ислом Каримов

Бутун Шарқ, Осиё ҳукмрони, Европани турк ва мўғул босқинидан сақлаб қолган жаҳонгир -Амир Темур ибн Амир Тарагай 1336 йил 9 апрелда Кеш, ҳозирги Шаҳрисабзда Хўжа Илғор даҳасида дунёга келди. Унинг отаси Амир Муҳаммад Тарагай барлос уруғига мансуб беклардан бўлиб, баҳодир жангчи, уламои фузалога ихлосманд илм аҳлига ҳомий ва имтиёзманд киши бўлган. Амир Темур ёшлиги ҳақида кам маълумотлар учрасада, айрим манбаларга караганда, у ёшлигида саводли, зеҳни ўткир бўлган. Амир Темур «Қуръон» ҳадис, тиббиёт, тарих, астрономия, риёзиёт, фалакиёт, меъморчиликлардан бир мунча хабардор эди. У сиёсат майдонига кириб келгунча илм олиш билан бирга саркардалик, чавандозлик, қиличбозлик, мерганликдан ҳам пухта илм олди. Бу даврда Моварауннаҳр ва Хуросон юртлари муғуллар истибдодида эди. Чингизхон ва унинг ўғли Ботухон лашкарлари босиб ўтган жойлар харобага айланган эди. Иншоотлар, тарихий ёдгорликлар бузиб ташланган, хароба, вайронагарчилик авжига чиққан давр эди. Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ана шу вайронагарчиликни тузатиш, юртни босқинчилардан тозалаш, мамлакатни йирик қилиб бирлаштиришга қаратилди. Унинг ҳаёти асосан икки даврга бўлинади. Биринчи даври 1360-1385 йилларда Маворауннаҳрни мўғуллардан тозалаш. Марказлашган давлат тузиш. Иккинчи даври 1380-1405 йилларда икки, уч, беш, етти йиллик урушлар олиб бориб буюк империяни вужудга келтириш билан характерлидир.

Амир Темур 1360 йиллардан бошлаб урушларда юзбоши, мингбоши, ҳоким, амир ёрдамчиси -вазир сифатида қатнашиб, 1370 йил қайноғаси устидан ғалабага эришиб, бутун ҳокимиятни қўлга олди. Самарқандни пойтахт этиб Эрон, Афғонистон, Россия, Хитой чегараларигача бўлган ҳудудни эгаллади. Арабистон, Ҳиндистонларни забт этди. Азиз авлиёлардан мадад сураб, тиловат ва зиёратни канда қилмади. Шунинг учун ҳам Макка ва Мадинага юриш қилмади. Араб халифалари ва амирлари ўзлари Темурга тан бериб, дўстона мулоқотлар олиб борди. Буюк Туронни кашф этди. Россия ва бутун Европани хавф остида қолдирган Тўхтамиш ва Йилдирим Боязидни янчиб ташлаб, ўзига буюк ҳайкал ўрнатди. Собиқ Советлар даврида нафақат Амир Темур, балки бутун Шарқ, Осиё зиёлилари, алломалари камситилди. Мустақиллик натижасида, ўзликни англаш, тарихга тўғри баҳо бериш бошланди. Буюк Темур ишлари ўз баҳосини топди. Самарқандда, Тошкентда Европадагидек хайкаллар, музейлар барпо қилинди.ЮНЕСКО буюк Темур кунларини эълон қилди.

Миллий давлатчилик шаклланиши тарихида асарлари дастуруламал сифатида олиб қаралган йирик давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур «Тузук» лари энг ноёб маънавий меросдир. У ўрта аср Шарқининг барча

қонун-қоидалари битилган маънавий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асардир. Темур бу асарда ўз меросхўрларига бир бутун салтанат билан бирга уни сақлаб қолишнинг йўллари ҳам ёзиб қолдирган. Ушбу китоб моҳиятида қандай қилиб адолатли, фаровон давлат қуриш йўллари, унинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий асослари баён этилган: «Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-аҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим», дейилади «Тузук» ларда.

«Темур тузуклари» дан маълум бўладики Амир Темур марказлашган давлатида қонун-қоидалар асосида ўз-ўзини бошқарувчи тизим ташкил этишга ҳаракат қилган: «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмас эди».

Амир Темур давлатда адолат тамойилларининг устун бўлишида ҳар ишдан огоҳлик ва ички тартибга ҳушёр муносабатда бўлиш катта роль ўйнашини яхши тушунган, унинг ёзишича: «Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозийларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида менга хабар қилиб туришни буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин деб адолат амирини тайинладим».

«Қизиқ, бу тасодифми ёки қонунийми – билмадим, «Темур тузуклари» ҳам, Ўрта Осиё заминида яратилган кўпгина ажойиб асарлар сингари аввал ўзга юртларда, хусусан Европада шуҳрат топди», деб ёзади Бўрибой Аҳмедов. Бунга сабаб табиийки, асарда давлат тузуми ва бошқарилишига оид маълумотларнинг мукамаллигида эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётий фаолияти, ибратли сўзлари, пурмаъно ўғитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кеглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Уларни ҳадсиз ҳазина, одоб-ахлоққа тегишли дастурлар дея оламиз.

Муҳокама учун саволлар:

1. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари дунёнинг қайси тилларига таржима қилинган?
2. Соҳибқироннинг сиёсатни олиб боришдаги моҳирона тадбирлари ҳақида гапириб беринг.
1. Амир Темур ҳақида қандай бадиий асарлар яратилган ва бадиий филмлар ишланган?

33- ҲАҒТА

Абдулла Қодирий туғилган кун

Абдулла Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкентнинг Самарқанд дарвозаси маҳалласида боғбон оиласида дунёга келди. «Болаликда бой оилада, ёки камбағал оилада туғулдимми албатта, билмадим», деб ёзади А.Қодирий. «Аммо ёшим 7-8 га етгач, қорним ошга тўймаганидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг тамоғи фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатида 1,300 саржин боғнинг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келса, қиши билан жаврашиб чиқар эканмиз».

Абдулла болалигиданоқ зеҳни ўткир, ўқиш, ўрганишга меҳр иштиёқи баланд бўлган. Аммо оиладаги моддий муҳтожлик туфайли 9-10 ёшда кечикиб мактабга борди, 2-3 йил эски усулда ўқигач, бир бойга хизматчиликка бериб юборилди. Хўжайин савдо ишлари билан шуғулланиб, русча ёзув-чизувни биладиган саводли киши бўлиб, Абдуллани ҳам русчага ўргатди. Кейин 1912 йили қийналиб бўлса ҳам рус-тузем мактабини тамомлади. Шу йилдаёқ Расулмуҳаммад бойга приказчи бўлиб хизматга кирди. «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталарини берилиб ўқиди. Ўзи ҳам хат-хабарлар ёза бошлади. 1914 йил 1-апрелда «Садойи Туркистон» газетасида янги масжид, мактаб хабарлари босилиб чиқди.

Абдулла Қодирийнинг адабиёт соҳасидаги илк қадамлари жаидчилик деб аталмиш ижтимоий - маданий оқимга мансубликдан бошланди. Маҳаллий матбуот Абдулла Қодирийдек буюк ўзбек ёзувчиси ижодининг шаклланишида тамал тоши бўлди. «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз» номли шеър ва ҳикоялари бирин-кетин босилиб чиқа бошлади. Унинг «Улоқда» ҳикоясига Ойбек юксак баҳо берган. Вақтли матбуотда унинг бадиий проза соҳасидаги ишлари чиқа бошлади. Абдулла Қодирий кўпинча сатирик проза билан шуғулланди ва уста ҳажвчи сифатида машҳур бўлди.

Қодирийнинг адабиёт соҳасидаги салмоқли адиб эканлиги унинг ромончилик санъатида кўринди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» каби роман ва повестлари босилиб чиққач, А.Қодирийни кўпчилик китобхонлар таниди ва севиб қолди. Унинг асарлари рус, татар, қozoқ, қирғиз ва тожик тилларига таржима қилиниб севиб, ўқила бошлади.

Романнинг бу қадар эътироф этилишининг сабаби унинг ҳаётийлиги ва ғоясининг бақувват эканлигида эди. Романда инсоннинг бахти, унинг бойлиги оиласининг фаровон эканлиги билан таъминланиб қолмай, у яшаб турган жамиятнинг ҳам даражаси, маънавий, ахлоқий камолоти билан боғлиқ, деган ғоя ўртага ташланган эди. Асарда мустамлака таркибида бошқа халқларга эргашиб фаровон жамият қуриш эмас, миллий қусурлардан ҳоли бўлиш эвазига юксак маънавиятли инсонлар жамиятини қуриш ғояси ташвиқ этилган.

1937 йилги «қора гуруҳлар» А.Қодирийга ҳам тегила бошлади. «Миллатчи», «Эски тузумни қўмсаганлар» деган тамға босилиб, ҳибсга олинди ва отиб ташланди. Беҳбудий, Фитрат, Усмон Носирлар қатори ўлимга ҳукм килинди. Ўзбек адабиётининг яна бир сўнмас қуёши бевақт сўнди. Қанчадан-қанча «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» сингари ноёб асарлар ёзилмай қолди.

«Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: гарчи мен турли бўҳтон, шахсият ва сохталиклар билан иккинчи оқланмайтурсан бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қоракўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлган жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмаган, содда, виждонли йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусига биноан маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинчли эмасдур. Одил судлардан мен шуни сурайман».

1926 йил Самаранд. (А.Қодирийнинг суддаги охириги сўзидан).

Номус, инсоф, ҳақгуйлик Абдулла Қодирий ҳаётининг асосий тамойиллари эди. Табиат инъом қилган нодир истеъдод, чинакам ўзбекона меҳнаткашлик билан уйғунлашгани учун Қодирийнинг қаламидан асрлар мобайнида эскирмайдиган асарлар бунёд бўлди.

Фаранг, олмон, инглиз, рус, ҳинд рамоннавислигидан кейин олтинчи ўзбек романчилигини А.Қодирий бошлаб берди. Дарҳақиқат, ҳақчил, ўқимишли, тез тушунарли тарихий роман ёзиш анъанаси А.Қодирийдан миллий ўзбек адабиётига анъана сифатида кириб келди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Абдулла Қодирийнинг романлари китобхонни қайси хусусиятлари билан ўзига тортади?
2. Кумуш ва Отабек, Анвар ва Раъно образларидаги қайси сифатларни ўзингизда ҳосил қилишни истар эдингиз?
3. Абдулла Қодирийнинг яна қандай асарларини ўқигансиз?

34-ҲАФТА:

Аҳмад ал-Фарғоний

Яна бир улуг аждодимиз - Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намоёндаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёқараши ва маънавиятининг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатди. Унинг бебаҳо мероси ўз даври олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилгани тарихий манбалар орқали яхши маълум. Алломанинг “Астрономия асослари ҳақида китоб” номли асарининг ўн иккинчи асрдаёқ латин ва иврит тилларига таржима этилгани ҳам бу фикрнинг далилидир.

Европада Ал-Фраганус номи билан машхур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожигаги нуфузи шу қадар юксак эдики, унинг исми-шарифи ер куррасидагина эмас, балки самода ҳам шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилгани бу фикрни исботлайди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган “Селенография” китобида ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз- Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улугбек номи билан аталади.

Ислом Каримов

Халифа Маъмун ўзининг энг яқин дўсти ҳамда маслакдоши Мусо ал-Хоразмийни, Марвдаги кутубхона ва олимларни Бағдодга кўчирганидан сўнг, саройга чақиртиради. Хоразмий қабулга қадди-қомати келишган, эндигина мўйлаби сабза ура бошлаган бир йигитча билан келади.

Хоразмий халифа билан сўрашганидан сўнг хали ҳам қабулхона эшиги олдида одоб сақлаб турган йигитчага имо қилиб, ҳукмдорга таништиради.

— Олампаноҳ., келгусида саройингиз доврўғини янада кенг таратиши мумкин бўлган истеъдодни олдингизга олиб келдим. Исми Аҳмад, ўзи Мовароуннахрнинг сўлим маскани Фарғонадан.

Икки йил муқаддам Марвда кутубхонага таҳсил олгани келган. Айниқса риёзиёт ва фалакиётга алоҳида меҳри бор. Иншоолло. сизнинг карамингизга умид қилган ҳолда олдингизга олиб келдим. Зехни ўткир, хотираси кучли, мантиғи эса изчил, ўзим кўп марта синаганман.

Халифа ийманиб ерга қараб турган йигитчага қараб:

— Демак, Хоразмий, Бухорий, Самарқандий, Термизийлар қаторида эндиликда Фарғоний нисбасини ҳам тилга олур эканмиз-да. Яхши, жуда яхши.

— Агар маъқул топсангиз фалакиёт соҳасини шунга топширсак, — деди Хоразмий халифага кўлини кўксига қўйиб, бошини хиёл эгган ҳолда, — фалакиёт илмларини бир ерга тўплаш, Ҳинд, Юнон, Сурия, Эрон фалакиётшунос олим-ларининг ишларини араб тилига таржима этиш, уларни бир-бирига қиёслаш, барча билимларни тўплаб, тартибга солиш ишлари билан шуғулланиш учун алоҳида гуруҳ ташкил этиш зарур. Бу иш фақат Аҳмадга ўхшаган ёш, зехни ўткир илм фидойиларининггина кўлидан келур. Булар билан шуғулланишга мана шу йигитга изн берсангиз.

— Ёши ва тажрибаси бунга имкон берурми? Агар сиз ишонч ҳосил қилган бўлсангиз, бизга маъқул.

Хоразмий халифага ишончи учун миннатдорчилик изҳор этди. Сўнг хали ҳам ўша алфозда турган ёш Аҳмадга қараб, ташқари чиқиши мумкинлигига ишора қилди. Аҳмад кўлини кўксига қўйганча чиқиб кетди (манба).

«Ҳосиб ул-Кабир» номи билан шуҳрат қозонган бу мутафаккирнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Каср ал-Фарғоний ал-

Маъжусий бўлиб, кейинчалик бутун дунёга йирик фалакиётшунос олим бўлиб танилди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси» китоби араб тилида «Ҳаракати ас-Само-вия» номи билан кенг шуҳрат топди. Бу эса астрономияга оид билимларнинг муайян мантиқ асосидаги тўплами бўлиб, унда астрономия фанининг предмети, қонуниятлари, тадқиқот усуллари қўлланиладиган асбоблар ва уларни ясаш ҳамда қўллаш усуллари изчил баён қилиб берилган.

Ал-Фарғонийнинг бошқа бир катор ишлари ва кашфиётлари илмий тафаккур тараққиётини кўп асрлар олдинга суришга хизмат қилган. Дамашқ, ва Бағдодда самовий ҳаракатларни кузатиб бориш учун иккита расадхона ҳам айнан ал-Фарғонийнинг лойиҳаси бўйича бунёд қилинган ва уларнинг қурилишига бевосита ўзи раҳбарлик қилган.

Энг муҳими, Бағдод ва Дамашқ расадхоналаридаги кузатиш, тадқиқот натижалари ўзаро қиёсланиб, фанда жуда катта кашфиётлар қилинишига сабаб бўлган эди. Шулардан, Қуёш нурининг текисликка тушишдаги градусларини ҳисоблаб, ердаги шаҳарлар (ёки жуғрофий нукталар)-нинг оралиқ масофасини аниқлаш усули кашф этилди. 1 градуснинг аниқ ўлчами аниқланиб, ер шарини 360 градусга бўлиб, бир градусга тегишли масофани 360 га кўпайтириш орқали ер айланаси узунлигини топиш усули ҳам бизнинг улуғ аждодимизга мансубдир.

Аҳмад ал-Фарғоний ер шари айланмасининг узунлигини 40800 км деб чиқарди. Буни қарангки, ҳозирги аниқ маълумотлар ҳам бобомиз нечоғли ҳақ эканлигини исботламоқда.

Хоразмий асарларида иқлимлар шимолдан экваторга томон йуналтирилган бўлса, Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Етти иқлим ҳисоби» асарида эса иқлимлар Шарқдан Ғарбга томон жойлаштирилади.

Буюк ватандошимиз Бағдодда устози ал-Хоразмий вафот этганидан сўнг 850—861 йиллар орасида «Байт ул-Ҳикма»га раҳбарлик қилди. 861 йил «Байт ул-Ҳикма» тутатилганидаи сўнг Фарғоний халифанинг махсус топшириғига мувофиқ Мисрдаги Нил дарёси сувининг миқёсини ўлчайдиган иншоот — «Миқёси Нил»нинг лойиҳа тархини чизиб битиради. Ўзи чизган лойиҳа тархи асосида бошланган иншоот қурилишига раҳбарлик қилади. Бунёдга келтирилган иншоот ўн бир аср мобайнида Миср халқига хизмат қилиб келди ва 1973 йил Асвон тўғони ишга туширилганидан сўнггина ўз фаолиятини тўхтатди. Фарғоний «Етти иқлим ҳисоби», «Ойнинг Ер остида ва устида бўлган вақтларини аниқлаш ҳақида рисола», «Устурлобда мраммарнинг хизмати ҳақида китоб» каби асарларнинг ҳам муаллифидир. Унинг энг муҳим асари бўлмиш «Ҳаракати ас-самовия» асари «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» номи билан 1145 йилда Иоган Ссвильский ва 1175 йил Герод Кремонский томонидан латин тилига таржима этилиб, кейинги асрлар мобайнида қайта-қайта нашр қилинди ва бутун Оврўпо мамлакатлари олимлари учун энг мукаммал дарслик сифатида кенг тарқалди. Бу асар бутун Оврўпо

минтақасида фалакиёт тўғрисида илк илмий тасаввурларнинг шаклланиши ҳамда қарор топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган эди.

Муҳокама учун саволлар

1. Аҳмад ал Фарғонийнинг фалакиёт соҳасига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
2. Алломанинг қайси асарларини биласиз?
3. Аниқ фанлар соҳасида ижод қилган мутафаккирлардан яна кимларни биласиз?

35-ҲАФТА:

Шаҳарларимиз тарихи: Хоразм билан боғлиқ афсоналар

Машҳур этнограф олим, Хоразм археология ва этнография экспедициясининг қатнашчиси Глеб Павлович Снесарёв - Зардушт таълимотининг муқаддас китоби "Авесто"га суяниб "Хива" сўзининг этимологиясини Ардахива афсонаси билан боғлаб тушунтиради. Унинг айтишича, вақт ҳамма нарсадан устун ва қудратли жараён бўлиб, бутун оламнинг яратувчиси Эҳтон ҳам вақт олдида ожиз эди. Ундан Ормузд ва Ахриман исмли ўғиллар дунёга келган. Ормузд одамларга барча эзгу ишларни ўргатиб, кишиларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган оловдан фойдаланиш, кийим тикиш, балиқ овлаш, экин экиш, уй қуриш каби касб-ҳунарларни ўргатиб, барча одамларнинг меҳрини қозонган. Кишилар эндиликда Эҳтонга эмас, балки Ормузд шарафига ибодатхоналар қуриб, уни мадҳ этиб, куйлай бошлаганлар. Одамларнинг ўз акаси Ормуздга бўлган садоқати, меҳри, интилишини кўрган Ахриманнинг ғайирлиги тутиб, уларни Ормуздга бўлган муҳаббатидан қайтариш мақсадида зулмат кучлари - жин, шайтон, алвасти, дев сингариларни яратиб, шу кучлар ёрдамида кишиларнинг қалби учун кураш олиб боради. Дунё бу икки қарама-қарши қудратнинг кураш майдонига айланади.

Эзгулик худоси Ормузд ўз қўл остидаги фаришталар кўмагида ер юзидаги ҳаётни бошқариб турган, қадимги Хоразм давлати сарҳадларини осмондан туриб зимдан кузатиш, зарур бўлса зудлик билан ёрдам бериш фаришта Ардахивага юклатилган.

Бир куни Ардахива осмондан Хоразм ўлкасини кузатаётиб, Хоразмшоҳнинг ўғли Шаҳзоданинг ов билан шуғулланаётганлигини кўриб қолади. Ой бир неча кун давом этади. Шаҳзоданинг бир кийик изидан от чоптириб қум устига йиқилганини кузатиб турган Ардахиванинг ишларидан хабардор Ормузд фариштасига "Намунча туғилиш ва ўлишга маҳкум этилганлар билан қизиқиб қолдинг", дея танбех беради. Ардахива қизариб, жим бўлиб қолади. Кечаси Шаҳзодага нима бўлганлигини билиш учун мушукка айланиб Шаҳзода ётган чодирга киради. Унинг соғ-саломатлигини, бир маромда нафас олиб, ширин уйқуда ётганини кўриб тинчланади. Лекин Шаҳзоданинг гўзал чехрасидан то тонг отгунча кўз

узолмайди ва ниҳоят, қуёш кўринмасдан олдин осмонга кўтарилиб кетади. Ўша куни шаҳзодага бир чиройли кийик қиёфасида кўриниб, эргаштириб узоқ-узоқдардаги чакалакзорга олиб боради. Бутанинг орқасига ўтиб, бир амал билан гўзал қизга айланади. Кийикни қувиб келган Шаҳзода ниҳоятда гўзал қизга дуч келиб, уни жонидан ҳам ортиқ севиб қолади. Бу ҳолдан хабар топган Ормузд ерга бўрон юбориб, Ардахивани самога олиб чиқиб кетади. Ардахива Ормузд қароргоҳида ерга қайтаришларини ва Шаҳзода билан қовушишга, одамларга ўхшаб ҳаёт кечиришга рухсат беришларини сўраб, ялиниб-ёлворади. Шунда Ормузд, агар у ҳам одамлар каби яшаса абадий умр кўрмаслигини, яъни одамлар қанча умр кўрса, шунча умр кўриши, ўлгандан кейин қилган гуноҳ ишлари учун жазоланиши, яъни жаҳаннам қаърига улоқтирилишини айтиб, гуноҳга ботган заминга, одамлар орасига қайтармасликка уринади. Ардахива: "Эй, буюк Ормузд, сен одамларга оловдан фойдаланишни ўргатдинг, овқат пиширишни, кийим кийишни, балиқ овлашни, уй қуришни ўргатдинг. Бу эзгу ишларни одамларда ўзингга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, одамларнинг жисминигина эмас, уларнинг қалбини ҳам эгаллаш учун қилгансан. Хўш, одамларнинг қалб меҳри учун нима билан жавоб бера олдинг", - деб хитоб этади,

Ормузд: "Одамлар ўзларининг тирикликлари учун мендан миннатдор, шу боисдан ҳам ота ўз фарзандини қандай яхши кўрса, мен ҳам одамларни ана шу туйғу билан яхши кўраман", - деб жавоб беради. Ардахива Ормузднинг бу гапларига эътироз билдириб: "Агар одамларни ўз фарзандинг янглиғ яхши кўришинг рост бўлса, унда айтчи, нега сен содиқ хизматкорингнинг фарзандларингдан бирига бўлган кучли эҳтиросли туйғусини поймол қилишга уринмоқдасан. Ахир менинг Шаҳзодага бўлган ўтли эҳтиросим сенинг фарзандларингдан бирига ва шундай мукамал гўзалликнинг яра-тувчисига ҳам бўлган чексиз муҳаббатимдан дарак бсрмайдими?" - дейди.

Қудратли Ормузд Ардахиванинг Шаҳзодага бўлган буюк муҳаббати олдида ночор қолган эди. Ормузд ўз отаси, бутун оламнинг яратувчиси Эҳтоннинг "Борликда бизга бўйсунмайдиган ва бизнинг устимиздан ҳам ўз ҳукмини ўтказувчи бир нарса бор, у ҳам бўлса Вақтдир", деган сўзларини эслади. Шунда Ормуздга фақатгина Вақт эмас, балки одамларнинг ўзаро қалб эҳтирослари ҳам тангрилар иродасидан ташқарида эканлиги аён бўла бошлади.

Ормузд Ардахивага ерда одамлар каби ҳаёт кечириб яшашга рухсат беради. Ардахива Шаҳзодага турмушга чиқиб, бахтли турмуш кечири бошлайди ва улар Ормузд шафкатидан баҳраманд бўлганлиги учун унинг шарафига ибодатхона қурдириб, Ормузд номиини одамлар орасида аввалгидан ҳам кенгроқ ёйиб, шарафлаш билан шуғулланишибди. Ардахива ва Шаҳзодаининг Ормузд шарафига тоат-ибодат қилишлари, Ормузд номи чексиз улуғланаётганлигини кўрган Ахриман чидай олмайди. У севишганлар орасига нифоқ солиш, уларнинг Ормуздга бўлган меҳр-

муҳаббатини поймол этиш учун бир иблисни кампир қиёфасига киритиб, Шахзода қароргоҳига юборади.

Кампир тез орада малика Ардахивага жуда яқин кимса бўлиб қолади. Ширин сўзи ва ўткир ақли билан Маликанинг ишонган кишисига айланади. Малика фақат унгагина ишонадиган, узоқ тунларда фақат унинг суҳбатидан баҳра топадиган бўлади. Шунда, мастон кампир ўзининг қоранин амалга оширишга киришибди.

Бир куни Шахзода бир неча кунга шикорга жўнаган пайтда. Малика ёриин соғиниб, юрак дардини кампирга айтиб, изтироб чекади. Мастон кампир: "Мана сен Шахзодани соғиниб, куйиб кул бўлиб ўтирибсан, лекин Шахзода ҳам сени шунчалик соғинишига ишонасанми? Агар Шахзодаинг муҳаббати ҳам сенинг муҳаббатингчалик бўлганида эди, сени бунчалик ёлғиз ташлаб, шунча кундан бери шикорда юрмаган бўларди?", дея, зимдан кузатган ҳолда, жавраб кўяди.

Шу қабилдаги гаплар ҳар куни такрорланса ҳам, Маликанинг юрагига ғул-ғула сола олмаётганлигини сезган мастон кампир узум шарбатини ачитиб, гулуни кашф этибди. Маликани оз-оздан май ичишга ўргатибди ва ёлғизликда узоқ тунларнинг қандай ўтаётганлиги ҳам билмай қоладиган қилиб кўйибди. Ана шунда, мастон кампир яна ўша гапларни паст, таъсирчан бир товушда айта бошлабди. Малика кулоқ соладиган, ҳатто бу гаплар таъсирида майни янада кўпроқ сипқорадиган бўлибди. Бир куни мастон кампир Маликага:

"- Мана, сен Шахзодани соғиниб, изтироб чекиб ўтирибсан. У бўлса, қайси бир гўзал кизнинг оғушида ором олиб ётибди, дейсан.

Ахир эркак киши шунча ойдан бери ёлғизликда яшашига ишониш қийин. Умуман, эркак зотининг ҳаммаси бир гўр", дея Маликанинг юрагига тушган шубҳани баттар авж олдириб, қалбида рашк оловини алангалата бошлабди.

Шахзода шикордан чарчаб келиб, ухлаб қолади. Шубҳа таъсиридаги Ардахива жаҳл билан чодирга кириб, қилич сермаб севганининг бошини узиб ташлайди. Бироқ, тезда Малика ўз ишидан пушаймон бўлиб, кампирга дард-аламини тўқмоқ учун уни излайди, излаб топа олмайди. Кайфи тарқаб, нима қилиб кўйганини тушунган Ардахива буюк Ормуздга илтижо эта бошлайди:

- Эй, жумла жаҳоннинг ҳукмдорн, мен сенинг айтганингни қилмасдан одамлар орасида ҳаёт кечирдим. Одамлар орасида ўтган етти йил ичида инсон зоти журъат этмаган даҳшатли гуноҳ ишга қўл урдим. Бу гуноҳимни башарти сен кечирсанг ҳам, ўзимни-ўзим кечира олмайман. Сендан охирги илтижом шуки, менга ер қаърининг энг чуқурида жойлашган жаҳаннамга йўл очиб бер. Менинг жисмим ва руҳим ўша даҳшатли жаҳаннам оловида мангу куйиб, азобда қолсин! Бу иш, токи инсоният бор экан, барча одамларга ибрат бўлсин, - дея тиз чўкиб, қўлини осмонга чўзганча, нола чекади.

Ормузд Ардахиванинг бу охирги илтимосини ҳам бажарибди, ер қаърининг еттинчи қатида жойлашган жаҳаннамдан Ардахива тиз чўккан

ерга қараб йўл очиб берибди. Ардахива олдида чуқур қудуқ вужудга келиб, қудуқ оғзидан жаҳаннам алангаси отилиб чиқибди. Малика Ардахива охирги марта буюк Ормузд шарафига ибодат қилиб, кейин ўзини қудуққа отибди. Олов бир оздан кейин пасайиб, сўнг бутунлай ўчибди. Лекин, қудуқ тубида ер ости сувлари тўпланиб, жуда тотли шифобахш сув чиқа бошлабди. Карвонлар бу ширин сувли қудуқ атрофига қўниб ўтадиган бўлишибди. Кейинчалик карвонсаройлар қурилиб, Жайхундан ёп қазилиб, ён атрофларини суғориб, экин экиб, боғлар яратибдилар.

Одамлар бу қудуқни "Ардахива қудуғи" деб юрита бошлабдилар. қудуқ атрофида бунёд бўлган шаҳарни ҳам аввал "Ардахива шаҳри", кейинчалик "арда" сўзини тушириб қолдириб, қисқагина "Хива шаҳри", деб юрита бошлабдилар.

Агар бу ривоят муқаддас "Авесто" таълимоти билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, яна бу китоб таркибига киритилган яштлар яратилган давр эрамиздан олдинги II минг йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, Ардахива номи билан боғланган шаҳар, яъни Хива шаҳрининг ёшини 2500 йил билангина чеклаб қўйишни мантиқан тўғри деб бўлмайди.

Зардушт Хоразмда туғилган. У диний ривоятларни тўплаганда бу ривоятларда асосан Хоразмнинг эрадан олдинги II минг йилликнинг II ярмида шакллана бошлаган кўпхудолилик (политеизм)дан яқка-худолилик (монотеизм)га ўтиш даври ҳаёти ўз ифодасини топганлиги ва Зардушт таълимоти асосан ўша даврда шакллана бошлаганини эътиборга оладиган бўлсак, у вақтда Хива шаҳрининг ёши энг камида яна олти - ўн асрга улғайиши шак-шубҳасиздир.

Муҳокама учун саволлар

1. Ўзингиз яшаб турган ҳудуд ҳақидаги афсона ва ривоятларни биласизми?
2. Хоразм тарихи ва ёзма ёдгорликлари ҳақида илмий изланишлар қилаётган олимларни биласизми?
3. Хоразм воҳасида ижод қилган алломалар кимлар?

МАЙ

Душанба		2	9	16	23	30
Сешанба		3	10	17	24	31
Чоршанба		4	11	18	25	
Пайшанба		5	12	19	26	
Жума		6	13	20	27	
Шанба		7	14	21	28	
Якшанба	1	8	15	22	29	

Май ойининг тахминий иш режаси.

1. Апрель ойи иш режаси таҳлили.
2. Май ойи иш режасини тасдиқлаш.
3. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
4. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
5. Матбуот - радио кунларини нишонлаш тадбирларни тузиш.
6. Академик Яҳё Ғуломовнинг таваллуд кунини нишонлаш тадбирининг режасини тузиш
7. Академик шоир Ғафур Ғулом таваллуд кунини нишонлаш тадбирининг режасини тузиш.
8. 2001 йилда “70-йиллардан ассиметрик информацияга оид бозорлар назарияси асосларини” яратган уч олим ҳақида суҳбат.
9. Жаҳонга танилган алломалар ҳақида суҳбатлар ўтказиш (Ҳинд ёзувчиси Р.Тагор ва Хисрав Деҳлавий).
10. Спорт мусобақаларини ташкил этиш.
11. Талабалар турар жойларида “Соғлом танда-соғ ақл” мавзусида суҳбатлар ўтказиш.

Май ойининг муҳим саналари.

- 1 – май “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони таъсис этилган кун (1998).
- 1 – май Академик Яҳё Ғуломов таваллуд топган кун (1908).
- 2-Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик кенгаши ташкил бўлган кун.
- 3 – май Жаҳон матбуот эркинлиги куни (1991).
- 5 – май “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони ва “Олтин юлдуз” медали таъсис этилган кун (1994)
- 5 – май “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари ва “Жасорат”, “Шуҳрат” медаллари таъсис этилган кун. (1994)
- 9 – май Хотира ва қадрлаш куни (2001).
- 10 – май Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом таваллуд топган кун.
- 13 – май Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева таваллуд

топган куни.

15 – май Халқаро оила куни (1994).

18 – май Халқаро музейлар куни (1977).

20 – май Ёзувчи Сарвар Азимов таваллуд топган кун.

31 – май Халқаро кашандаликка қарши кураш куни.

35-ҲАҲТА:

1–мавзу. Илм сари илк қадамлар. Академик Яҳё Ғуломовни хотирлаб

Яҳё Ғуломов 1908 йил 1 май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур даҳасидаги Оқмасжид маҳалласида зиёли оилада туғилди. Унинг отаси Ғуломхон маҳдум ўқимишли, билимдон киши бўлиб Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мадрасасида мударрислик қиларди, яъни сабоқ ўргатарди. Оналари Сорахон ўткир зехнли аёл бўлиб, қариндош-уруғ ҳамда маҳалла аёллари орасида энг обрўли ва саводхон аёл эди. Ғуломхон маҳдумнинг олти фарзанди – Эшонхон, Одилқори, Яҳё, Саидахмад, Ақром ва Руқиялардан ташқари опасидан етим қолган тўртта ёш жиянлари ҳам қарамоғида эди. Ғуломхон маҳдум мударрислик билан машғул бўлгани сабабли хўжалик ишларига Сорахон бош-қош бўларди. “Онамиз оилада катта нуфузга эга эди, - деб хикоя қиларди Яҳё Ғуломовнинг катта укалари марҳум профессор Саидахмад Ғуломович, - тўй хашам ёки бирор маръака билан боғлиқ бўлган оилавий масалаларни ҳал этишда отамиз онамизнинг маслаҳатларига катта эътибор берар эди”. Ота ва оналарининг саводхонлиги сабабли фарзандлар бошланғич саводни оилада олишади. Шу жумладан Яҳё Ғуломов ҳам ҳовлисидаги мактабхонада опаси ёнида ўтириб араб алифбосини ва абжад ҳисобини ўрганади. Яҳё Ғуломов етти-сакиз ёшлариданоқ араб имлосида ёзилган китобдларни ўқий оларди. Талабалар билан бўлган бир учрашувда Яҳё Ғуломовга “Сизнинг биринчи ўқитувчингиз ким?” – деб берилган саволга у “менинг устоди аввалим-волидам:, у кишининг сиймоси доимо кўз олдимда, ҳамма вақт хотирлайман” – деб жавоб берган эди. Катта оила бошлиғи Ғуломхон маҳдум 1918 йилда вафот этгач болаларни боқиш ва тарбиялаш Сорахон аянинг зиммасига тушади. Сорахон ая Яҳё ва Саидахмадларни эски мактаб-интернатга беради. Тарихга, археология фанига бўлган қизиқиш Яҳё Ғуломовда худди ана шу масканда бошланди деб айтсак муболаға бўлмайди. Яҳё Ғуломов ўрта мактабни тугатгач Тошкентдаги эрлар билим юртида ўқийди. Билим юртини 1926 йилда тугатгач у бошланғич мактабда ўқитувчилик қилади. Аммо Яҳё Ғуломов ёшлик чоғиданоқ илмга хавас қўйган туфайли олий маълумот олиш мақсадида Самарқандга йўл олади. 1927 йилдан бошлаб Яҳё Ғуломов Ўзбек Давлат педагогика академияси ижтимоий ва иқтисодий бўлимида ўқий бошлайди. Самарқанддаги бу олий дорилфунунда машҳур олимлардан Бўлат Солиев, Мусо Саиджонов, Василий Лаврентьев Вяткин ва бошқалар маърузалар ўқир эдилар. Бўлат Солиевнинг маърузаларидан олган билимлари натижасида Яҳё Ғуломовда

археология фанига қизиқиш ортади. Унинг бу қизиқиши Самарқандда олиб борган археологик қазишлари билан ўша пайтларда шуҳрат топган шарқшунос олим ва археолог В.Л. Вяткин билан бўлган учрашувлардан кейин яна ортади. Яхё Ғуломов олий ўқув юртининг охириги курсига кўчар пайтида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Ўзбек илмий-тадқиқот институтига аспирант бўлади. Самарқанд тахсили тугагач Яхё Ғуломов Тошкент педагогика техникумида ўқитувчилик қилади. Бу даврда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш республика комитети ташкил этилиб, унга архитектура ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда, республикада археологик тадқиқотлар олиб бориш иши ҳам юклатилган эди. 1933 йилдан бошлаб Яхё Ғуломов мазкур қўмида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Сўнгра у шу қўмига илмий котиб қилиб тайинланади. Яхё Ғуломов кўхна тарихни ёритишда археологик қазилмаларнинг муҳимлигини билгани сабабли археологик олимларнинг бетиним, беҳаловат ишларида фаол қатнашиб, турли археологик экспедицияларда иштирок қила бошлайди. 1933 йилдаёқ Яхё Ғуломов Сурхондарёда М.Е. Массон бошчил қилган археологик экспедицияга қатнашади. Бу экспедиция Айртомда қазиш ишлари олиб боради. Айртомдан қадимий Будда ибодатхонаси ва бошқа фан оламида қизиқиш уйғотган турли ноёб ашёлар топилади. 1934 йилда эса Яхё Ғуломов Зарафшон экспедициясида иштирок этади. Яхё Ғуломов ўзининг мустақил археологик тадқиқотларини илк бор 1936 йилда қадимги Хоразм ерларида археолог дўсти Турди Мирғиёсов билан биргаликда бошлайди. Бевақт ўлим академик Яхё Ғуломовни 1977 йил 12 январда орамиздан олиб кетади. Унинг кўплам илмий асарлари фан тараққиётига хизмат қилмоқда. У умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг бирлашган илмий Кенгашига ва Тарих, археология институтининг илмий Кенгашларига раислик қилди. Академик Яхё Ғуломов “Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонона хизмати учун” медали, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг иккита Фахрий ёрлиғи ва Қорақалпоғистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Яхё Ғуломовнинг хотирасини абадийлаштириш учун Самарқанддаги археология илмий текшириш институтига ва Тошкент кўчаларининг бирига унинг номи берилди. Академик Яхё Ғуломов кабинет олими эмас эди. У доимо халқ орасида, қишлоқларда юриб халққа, фанга хизмат қилди ва одамлар қалбидан жой олди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Яхё Ғуломовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб беринг.
2. Яхё Ғуломовнинг қандай асарларини биласиз?

2-мавзу. Хотира ва қадрлаш куни

Халқимиз тарихида асрлар давомида синовлар, машаққатли кунлар жуда кўп бўлган. Яқин тарихимиз, XX асрнинг энг қакшатқич воқеаларидан бири содир бўлган, ўзбек халқининг совет даври ҳаётидаги иккинчи жаҳон уруши даври ҳам шулар жумласидандир. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

XX асрдаги совет тузумининг машъум ва тарих саҳифаларига қора ҳарфлар билан ёзилган сиёсати қатағонликдир. Қатағон сиёсати бир асрга етмай умр кўрган совет тузумида даврий равишда бир неча марта ўтказилган бўлса, ўрта ҳисобда кетма-кет дунё юзини кўрган уч-тўрт авлоднинг энг салоҳиятли, фикрли, ақлли фарзандларини жисмонан йўқ қилди. Коммунистик мафкура сиёсатида тарихни шахслар эмас, халқ яратади, деган тезис илгари сурилди, халқлар, миллатлар тарихини яратадиган шахслар йўқ қилиниб, тарих омма ихтиёрига топширилди.

Совет даври қатағонлари тўғрисида Сталин шахси ҳақида ўтган асрнинг қайта қуриш йилларидан бошлаб жуда кўп материаллар эълон қилинди. Бу борада Россия матбуоти ва илмий-адабий нашрларни алоҳида эътироф этиш лозим. А.С.Кан, А.М.Кёль, Т.Харт муаллифлигида чиққан, 2001 йил Упсал (Швеция)да нашр этилган инглиз тилидаги «Коммунистик тузумлар тадқиқоти» китоби ва шу асар асосида нашр этилган «Россия ва СССРдаги сиёсий қатағонлар ҳақида совет давридан кейинги тадқиқотлар» мақоласи қатағон сиёсати ҳақида атрофлича маълумот беради. Қатағон сиёсати ҳақидаги энг машҳур асарлардан бири Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» асари халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлди. Ака-ука Р.А ва Ж.А.Медведевларнинг машҳур «Тарих ҳукми олдида: Сталин ва сталинизм ҳақида» асарлари Ғарбда инглиз тилида чоп этилди ва «Ўтмиш», «Хотира» каби эмигрантлар журналларида нашр этиб борилди.

Юртимиз илм-фанида ҳам мустақиллик йилларидан кейин совет даври қатағон сиёсати даврига кескин муносабатлар билдирила бошланди. Бу дастлаб қатағон бўлган жаҳид зиёлиларининг тақдирлари ва ижодига янгича муносабатда намоён бўлди. Ўзбек илм-фанида бу даврга қадар бундай қарашларни ҳеч бир тадқиқотда учратиш мумкин эмас эди. Совет даврида жаҳидлар ижоди ва қатағон сиёсатига биринчи марта одилона ва холис баҳо берилган тадқиқот сифатида Э.А.Каримовнинг «Ўзбек адабиётида реализм ривожини» асарини тилга олиш мумкин. Қатағон қурбонлари номини тиклаш, уларнинг ижодларини халққа қайтариш бўйича ўзбек адабиётшунослигининг саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу йўналишда «Истиқлол фидойилари» туркумидан аксарият қатағон қилинган истиқлол фидойиларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблар нашр этилиши муҳим воқеа бўлди. Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Мунаввар қори, Авлоний, Сиддиқий Ажзий, Тавалло ва бошқа адибларнинг танланган асарлари, тўпламлари нашр этилди. Э.Каримов, О.Шарафутдинов, Ш.Турдиев, Б.Қосимов, Б.Дўстқораев, И.Ғаниев,

Ҳ.Болтабоевларнинг истиклол фидойилари хотирасига бағишланган мақолалари эълон қилинди. Адабиётшунослик фанларининг имконияти ва доирасини эътиборга олсак, ушбу тадқиқотлар илмий муҳитда ўз имкониятидан кўпроқ вазифани бажарди, дейиш мумкин. Баъзи бир ҳолларда эса юқорида номи тилга олинган адибларнинг чиқишлари ва тадқиқотларида бу даврга оид ижтимоий-сиёсий фикрларни кўриш мумкин, умумлашган хулосаларни қилишга ҳаракатни сезиш мумкин.

Коллективлаштириш давридаги маънавий қатағон, 37-38 йиллардаги миллат зиёлиларини жисмоний йўқ қилиш қатағони, 53-йиллардаги Сталин қатағони, 85-йилларда ўзбекларда пахта иши деб номланган жисмоний қатағон каби қатағонлар ушбу қатағонларнинг гувоҳларида ҳам, миллат келажаги бўлган ёшлар онгида ҳам салбий таассурот ҳосил қилган. Бир аср давомида даврий равишда уюштирилиб турилган қатағонларнинг миллий менталитетга таъсирини комплекс тарзда қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. Халқимиз бошига тушган қирғинбарот урушлар, иқтисодий ва маънавий хўрланишлар миллат табиатида бефарқлик, конформизм, мутелик, ҳар қандай зўравонликларга кўниш хислатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса халқнинг ташқи таъйиқларга қарши тура олиш, хавфларга қарши курашчанлик иммунитет кучини сусайтириб юборди.

Бу даврдаги сиёсат кўп жиҳатли мақсадларни ўзида ифодалаган эди. Улардан бири Ўзбекистонни пахта баъзасига айлантиришга қаратилган сиёсатидир. Ўзбекистон советларнинг пахта мустақиллигини таъминлашга маҳкум этилди. Бу эса, бизнинг халқимиз учун қимматга тушди. Советлар белгилаб берган пахта режасини бажармаслик, унинг сабабларидан қатъи назар, саботаж деб баҳоланиб, бунга алоқадор барча шахслар жиноий жавобгарликка тортиларди. 1931 йилнинг якуни бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР адлия халқ комиссарлиги съездида «пахта ишлари» бўйича 1930 йилда 2941 шахс, 1931 йилда 3846 шахс жиноий жавобгарликка тортилганлиги эълон қилинди. Ўша маълумотларда «пахта ишлари» бўйича 1930 йилда судланган шахсларнинг 74,0% ини, 1931 йилда судланган шахсларнинг 65,0% ини «қулоқ»лар (яъни самарали иқтисодий фаолият ташкил этган деҳқонлар), 1930 йилда 10,0%, 1931 йилда 11,0 ини ўрта ҳол деҳқонлар, 1930 йилда 9,0% ини, 1931 йилда 40% ини камбағал деҳқонлар ташкил этганди ва ҳар йили шу асосда судланган шахсларнинг сони мунтазам равишда 3 мингга ташкил қилди.

Худди шундай ҳуқуқий амалиётни ғалла етиштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин эди. Жумладан, 1934 йилнинг ғалла мавсумида 700га яқин киши турли айблар билан жиноий жавобгарликка тортилган эдилар. Буларнинг ҳар учинчисини камбағал деҳқонлар, ҳар бешинчисини «қулоқ»лар ташкил этганди. Судланганларнинг ҳар учинчиси советларнинг коллективлаштириш сиёсатига хизмат қилган колхозчилар эди. Бундан ташқари, 20-йиллар Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти, НЭП, коллективлаштириш даврида Ўзбекистондан ташқарига 56 минг оила, яъни 300 мингга яқин киши кўчириб юборилган.

1935 йилга келиб қатағонлар янада кучайтирилди, жазолар оғирлаштирилди, ушбу тоифадаги ишлар бўйича ҳукм қилинган шахсларнинг (жами: 2457 шахс) 125 тасига ўлим жазоси қўлланилиб, шулардан 48 таси «кулоқ»лар, 15 таси колхоз аъзолари эди.

Юртимизда 1937-53 йиллар давомида давлатга қарши ҳаракатлар ва миллатчилик тамғаси остида 18 652 та одам қатағон қилинган бўлса, улардан 6038 таси отишга ҳукм қилинган ва аксарият ҳолатларда ҳукм эълон қилингунга қадар амалга оширилган.

1983-1989 йилларда Ўзбекистонда пахта иши деб аталган ишлар бўйича 4,5 мингга яқин киши жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган.

Ўтган асрнинг қайта қуриш йилларидан кейин ўзбек миллий маънавий муҳотида ҳам қатағон қилинганлар хотирасини тиклаш, уларнинг номини оқлаш миллий идентификациянинг бир кўриниши сифатида кўтарила бошланди. 1990 йили Ўзбекистон Олий суди контрреволюцион жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм этилган 2850 шахсни реабилитация қилган бўлса, кейинги тўрт йил ичида 5200 киши реабилитация қилинган.

Юртбошимиз томонидан «Қатағон қурбонларини хотирлаш Кунини белгилаш тўғрисида» фармон қабул қилинди. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб пойтахтимизнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси қурилди. Қўшни республикалар ёки чет элларда қатағон бўлган миллат зиёлилари хотирасини тиклашдаги ҳужжатларни топиш, ташкил этиш бўйича фонд ташкил этилди, маблағлар ажратилди. Дунёга юз тутаётган миллат, тараққиётга юз бураётган давлат ўз тарихини оқлаб, объектив ёритиши учун қанчалик сабъ-ҳаракат лозим бўлса, ҳаммасини қилди.

Лекин, тарихий хатолар туфайли содир бўлган йўқотишлар, инсон, миллат, халқлар ҳуқуқи, маънавияти, иқтисоди, ҳаётини поймол қилишга қаратилган ваҳшиёна қатағон сиёсатларининг инсонлар тафаккурига деструктив таъсири, миллий демократик тафаккурнинг кушандаси сифатидаги салбий оқибатлари ўзбек миллий менталитетида из қолдирмай кетмади.

Бу каби воқеалар одамлараро мулоқотлар тизимида шахснинг давлатга, жамият тузилмаларига бўлган муносабатларида ишончсизлик ҳиссининг юзага келиши, ҳаётга рационалистик, яъни ақл ва ҳушёрлик билан ёндашувдан кўра иррационал ёндашувнинг кучайишини шакллантирди. Бундан ташқари қатағон сиёсатнинг бир неча бор такрорланиши фуқароларнинг сиёсатдан кўрқиш ва унга кўр-кўрона эргашиш хусусиятини шакллантиради. Бу психологик иммунитет демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган мамлакатлар тараққиётининг кушандаси сифатидаги омилидир.

Муҳокама учун саволлар:

1. Мустақиллик даврида хотира ва қадрлаш кунининг қандай анъаналари шаклланди?

2. Қатағон сиёсатининг қурбонлари деганда кимларни тушунаси?
3. Тоталитар тузумнинг қатағон сиёсати қурбонларининг хотирасини тиклаш йўлида юртимизда қандай ишлар қилинапти ?

36-ҲАФТА:

**1903 йил 10 май - академик шоир Ғафур Ғулом
таваллуд топган кун.**

**Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.**

Ғафур Ғулом

Бу ўлмас сатрлар халқ шоири, академик Ғафур Ғулом қаламига мансуб, Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрида камбағал оилада таваллуд топди. Дастлабки саводни отаси ҳамда аяси Тошбибидан аядан олган. Ёш Ғафур Ғулом 1912 йили отадан, 1918 йил онадан етим қолди. Тўнғич фарзанд бўлганлиги учун этикдўзга шогирд тушди. Сарибой деган бойнинг боғида қоровуллик қилди. Хассос шоир Ғафур Ғулом кўп йиллар шу бой хизматида бўлганлиги учун «Шум бола» повестида кўрган - кечинмаларини кулгули қилиб тасвирлаб берган. 1916 йилда рус-тузем мактабига кириб ўқиди. Кейинчалик босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлаши унда шоирликка ҳавас уйғотди. Ҳарф териш давомида ғазал мутойибаларни ёд олди ва ўзи ҳам ижод қила бошлади.

1918 йили саккиз ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини битиргандан сўнг, ўқитувчи, интернат мудир, мактаб директори лавозимларида ишлади. «Сен етим эмассан» ана шу ишлар ҳосиласи эди. «Муштум», «Ер юзи», «Шарқ ҳақиқати», «Кизил Ўзбекистон» газеталарида ишлаб тобланган шоир нашриётида бўлим мудир, муҳаррир даражаларига кўтарилди.

Ғафур Ғуломнинг баъзи шеърлари тарихий ходисалар, маълумотлар ва тарихий шахслар образини акс эттириш асосига қурилган. Бундай асарлар тарихнинг бадиий солномаси, тарихий шахс такдири, қиёфасининг инъикоси сифатида аниқлик касб этади. «Турксиб йўлларида» «Пол Робсонга», «Ҳамза хотираси» шеърларида инсоният тарихининг алоҳида воқеаларига ўзбек шоирининг теран нигоҳи акс этган. Ғафур Ғулом Шарқ ва Ғарб тарихи, фалсафаси, маданиятини фавқулудда чуқур билган аллома, шунинг учун унинг аксарият шеърларида Инжилу Қуръондан тортиб Бобилгача нақллар-у, катта кичик тарихий ходисалар, маълумотлар, у ёки бу шахсларга оид фактлар сингдириб юборилган.

Бизда логаритмнинг мушкул муаммолари,
Қўлдаги бармоқлардай оддий қилинганда ҳал.
Олий ирқ даъвогари Черчилнинг боболари ,

Ҳатто санай олмасди ўн бармоқни мукаммал..

деб ёзишнинг ўзи Хоразмийнинг жаҳон математикаси отаси хисобланишини поэтик кўринишда ифодаланишидан иборат. Жаҳон фанига нолларни кашф этиб, қўшиб миллионларни келтириб чиқарган ҳам Хоразмий эканлигини бу сатрлар шунда мужассамлантирган.

Ғафур Ғулом Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ ўзига сафарбар эълон қилди, гитлерчи-фашист босқинчиларига қарши шеърлар тизимини шайлантирди. «Халқ отланди», «Сен етим эмассан», «Мен яхудий», «Кузатиш», «Қиш», «Соғиниш», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Хотин», «Биз енгамиз» каби шеърлари уруш даври совет поэзиясининг ютуқларидан бири бўлиб қолди. Улар ҳаққонийлиги, инсонпарварлик, дўстлик туйғуларини акс эттириши, чуқур оптимизми, қахрамонона руҳи ва бадиий етуқлиги билан таҳсинга лойиқдир. Шунинг учун ҳам Ғ. Ғуломни А. Фадеев поэзиянинг ўзига хос ва мислсиз ҳодисаларидан бири деб таъкидлайди. Бунда Ғафур Ғуломнинг ҳаёт йўли, тажрибаси ва унда шаклланган юксак ватанпарварлик туйғуси ҳам катта роль ўйнади. Ғафур Ғуломнинг ўзи бир неча болани ўз тарбиясига олиб, ўқитди, илм берди ва вояга етказиб, ҳаётга йўллади. «Мукофот» (1940) номли шеърый китобини жамоатчилик асосида нашр қилдириб, болаларга тақдим этди. (Нашриётнинг авторлик ҳуқуқи қонунда жамоатчилик асосида китоб чиқариш масаласи тўғрисида ҳеч гап бўлмагани учун ноширлар Ғафур Ғуломга гонорар олмасангиз, китобингизни чиқара олмаймиз, деган гапни айтадилар. Шунда Ғафур Ғулом газетада «Узр» номли фельетон билан чиқиб, ўз ҳаёсини нашр қилдиришга муяссар бўлади).

Ғафур Ғулом етим ва унинг бахти мавзуини ижодининг би-ринчи кунларидан бошлаб қаламга олган, уни бир дақиқа ҳам ҳаёлидан, эътиборидан узоқлаштирмаган. Чунки оғир етимлик дардини шоирнинг ўзи ҳам тортганди. У энди тўққиз ёшга кирганда отасидан айрилиб қолади, рўзгор тебратиш, укаларини боқиш унинг зиммасига тушади, ўн беш ёшга кирганда меҳрибон онасидан ҳам жудо бўлди. Буларга ўхшаган оч-яланғочлар, биринчи жаҳон урушининг жабрини тортган етимларнинг сон-саноғи йўқ эди. Ғафур Ғулом етим-есирларни интернатга тортишда жонбозлик кўрсатди. У ўз автобиографиясида «1923 йилларда маориф комиссарлиги боқимсиз болалар учун болалар уйи — интернатлар очиш ишини менга топширди», дейди ва давом этиб, ёзади: «Ўрдада «Урфон» ўрта мактабини ташкил қилишда иштирок этдим, унинг ёнида бир юз эллик болалик интернат — боқимсиз болалар уйи ҳам очилди».

Етим болалар тақдири Ғафур Ғуломга чуқур таъсир қилди. «Бир куни болалар боғчасидаги,— деб эслайди Ғафур Ғулом,— етим болалардан ўн бештасини бизнинг интернатга ўтказдилар. Мен бу гўдаклар билан бирга тунаб қолдим. Кечаси ухламай, кузатувчилик' қилиб чиқдим».

Ўша мурғак шеърдаёқ Ғафур Ғуломнинг инсонга бўлган меҳри ва инсоният душманларига нисбатан нафрати ўзининг илк ифодасини топган эди:

Ғафур Ғулом Тошкентни, Ўзбекистонни жону дилидан яхши кўрарди. 1966 йилнинг апрел зилзиласига ниҳоятда ачинди, хўрлиги келди ва ётиб колди. Август ойига келиб ҳаётдан кўз юмди. Ватан уни эъзозлади, кахрамон шоир, академик унвонларини берди, Ғафур Ғулом номли мукофот жорий этди. Ғафур Ғулом номи кўчалар, мактабларга қўйилди.

Йигитлар халқларнинг мақтови, кўрки,

Наслнинг жавҳари, давлат таянчи

Юртнинг ободлиги тўйлар сабаби,

Элнинг гуркираши, файзи қувончи.

Деб куйлаган шоир мустақиллигимизни канчалик орзу қилиб яшаганини ҳис қилиш қийин эмас.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеърининг яратилиш тарихини биласизми?
2. Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб беринг.

37-ҲАФТА

1-мавзу. Истибод қурбонлари хотираси кун

ФИТРАТ

Фитрат Ватанини улуг бир муҳаббат билан севарди ва шу муҳаббат унинг бутун фаолиятини ёрқин нур билан ёритиб турарди. Фитрат ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпонлар каби Ватанини эркин ва мустақил кўрмоқни истар, халқининг ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлгани ҳолда ҳар қандай кишанлар ва бўйинтуруқлардан халос бўлиб яшамогини орзу қилар эди. Шунинг учун у ҳеч нарсадан ҳайиқмай мустамлакачиларга нафратини ҳайқариб айтди. Золимларни лаънатлади, халқни уйғонишга ундади, жаҳолат ва нодонлик, бидъат ва ҳурофот исканжаларидан қутулиб, очик кўз ва ҳур фикр билан яшашга, ўзлигини танишга чақирди.

Озод Шарофуддинов

Фитрат Абдурауф Абдурахим ўғли –Туркистон жадиличлик ҳаракатининг раҳнамоси, сиёсий арбоб, янги ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, драматург, гуманитар ва аниқ фан соҳаларида илмий изланишлар олиб борган олим. 1886 йил Бухорода туғилган. Бухоронинг Мир Араб мадрасасини тугатгандан кейин, 1909-1913 йиллар давомида Истамбул дорилфунунида таҳсил олади. Ёш турклар инқилоби Фитратнинг ижтимоий-сиёсий қарашларига кескин таъсир қилади ва у Туркияда «Бухоро таълими маориф жамияти»ни ташкил этади. Ижодини дастлаб «Мижмар» таҳаллуси билан бошлаган ва 1911 йилда «Сайҳа» шеърый тўпламини нашр этган. «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» (1912), «Раҳбари

нажот» (1915) асарлари Туркистонда инқилобий фикр ўзгаришини ҳосил қилган асарлар деб баҳоланган. Мазкур асарларда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёт кескин танқин остига олинади, таназзулдан чиқиб кетиш йўли сифатида миллий тафаккур тарзидаги диний мутаассиблик, аскетизм кайфиятларини бартараф этиш, сиёсий мустақилликка эришиш, таълим тизимида дунёвий фанларни жорий этиш каби тараққийпарвар ғоялар кўрсатиб ўтилади. Хусусан, «Раҳбари нажот» асарида миллий таълим тизимини шакллантиришда қўллаш мумкин бўлган фанлар туркуми ва уларнинг таснифи келтирилган. 1913 йилда Фитрат Истамбулдан Бухорога қайтади ва кенг қамровли фаолият олиб боради. Шу йиллардан бошлаб Фитрат жаҳидларнинг «сўл» гуруҳига раҳбарлик қила бошлайди (қаранг: Жаҳидчилик). 1918 йилнинг охирларига келиб «Чиғатой гурунги» маданий – адабий ташкилотини тузди. Ундан мақсад Туркистон ҳудудида яшовчи халқларнинг адабиёти, маданияти ва тарихини тиклаш ҳолда миллатни уйғотиш, миллий давлатнинг ғоявий-маънавий асосини яратиш эди. 1919 йилда ёзилган «Шарқ сиёсати» асари Шарқ ва Ғарб цивилизацияси, уларнинг ўзаро фарқи ва маданий даражасининг қиёсий таҳлилига бағишланган. Унда Ғарб дунёсининг империалистик сиёсати кескин танқид қилинган фикрлар бор. «Туркистонда руслар», «Шарқда инглизлар» (1920) асарларида ҳам мустабид сиёсатга қарши руҳдаги ғоялар илгари сурилади ва, бошқа жаҳид тараққийпарварларидан фарқли ўлароқ, мустамлака зулми бутун Шарқ халқлари миллий-маданий тараққиёти кушандаси сифатида жиддий таҳлил этилади.

Фитрат ўзбек илм-фанига 260 босма табоқ ҳажмдаги мерос қолдириб, унинг ривожига катта ҳисса қўшди. Ёзувчи ўзбек классик адабиёти дурдоналарини тиклаш ва мусиқа санъатини сақлаб қолиш йўлида катта хизмат қилган. У 1922-1923 йилларда турли масъулиятли лавозимларда фаолият олиб боради. Шу даврда рус композиторларига олтин ҳисобидаги пул эвазига «Шашмақом» ни нотага туширтиради. 1923 йили Туркистон ёшларидан 62 таси Германияга ўқишга юборилади. Ушбу ишлар туфайли Фитрат мансабини суистеъмол қилганликда айбланиб, ишдан бўшатилади. 1923-1924 йиллар давомида Москвадаги собиқ Лазарев номидаги Шарқ тиллари институти ва Санкт – Петербург давлат университетининг Шарқ факультетида маърузалар ўқиди, профессорликка сайланди. У Британия энциклопедиясида ўзбек файласуф - шарқшунос олими сифатида қайд этилган биринчи адибдир. Фитрат 1922 йилдан сўнг бир қарашда атеистик бўлиб кўринган асарлар ёза бошлайди. Аслида «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Оқмозор», «Заҳронинг имони» ва яна бир қатор асарларида қизил империянинг кирдикорларини таҳлил этади. Фитрат машъум қатағон сиёсатининг қурбони бўлди у 1938 йилнинг 4 октябрь тунида ўлими ҳақида ҳукм чиқмасдан аввал қатл этилган.

Чўлпон Абдулҳамид Сулаймон ўғли - Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1898 йили Андижоннинг Қатортерак маҳалласида туғилади. Онаси уй бекаси, отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли эса (1874-

1929) деҳқончилик қилган, хунарманд бўлган, баззозлик билан ҳам шуғулланган. Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида материалларга кўра, Чўлпоннинг отаси замонасининг пешқадам зиёлиларидан бўлган. «Расво» тахаллуси билан ғазаллар ёзган, ҳатто ўз асарларидан севган ғазалларидан таркиб топган девон ҳам тузган. Чўлпон аввал эски мактабда ўқийди, яхшилаб хат саводини чиқаргач, Андижон ва Тошкент мадрасаларида тахсил кўради, араб, форс, турк тилларини мукаммал эгалайди. У ёшлигиданоқ Шарқ адабиётини, айниқса форс ва турк адабиётини жуда севиб қолади. Шу сабаб Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Умар Хайём, Жалолоддин Румий, Алишер Навоий, Тавфиқ, Фитрат, Абдулла Тўқай каби адибларнинг асарларини мутасаа қилишдан, ёд олишдан тўхтамайди.

Лекин янги пайдо бўлаётган ижтимоий муҳитда анъанавий билим билан чекланиб қолиш мумкин эмас эди. Замонанинг зайлини чуқур ҳис этган Чўлпон Андижонда янги очилган рус-тузем мактабига кириб ўқийди. У ерда дунёвий илмларни, айниқса рус тилини мукаммал ўрганади. Рус тили эса Чўлпон учун нафақат Россия, балки бутун Европа тарихи ва маданиятининг дарчаларини кенг очиб берди. шундай қилиб Чўлпон 16-17 ёшларидаёқ ҳам Шарқона, ҳам Европача ҳар томонлама пухта маълумот олган, илғор фикрли зиёли бўлиб етишди.

Ижодининг бошланиши XX асрнинг талатўплари даврига тўғри келди. Чўлпон шоир, ношир, драматург, тажimon, публицист бўлиши билан бирга истеъдодли мунаққид, моҳир адабиётшунос, ўзига хос тарзда фикрлайдиган санъатшунос ҳам эди. Чўлпон «Чўлпон», «Қаландар», «Мирзақаландар», «Андижонлик» каби тахаллуслар билан ижод қилган.

Шоир ҳақидаги мақолаларда унинг дастлабки асарлари «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» каби маҳаллий газеталарда, шунингдек, Оренбургда чиққан «Шўро» журналида босилгани қайд этилган. Аммо Чўлпоннинг инқилобдан аввалги ижоди деярли ўрганилган эмас, унинг мақолалари тўла тўпланган ҳам эмас. Ҳозиргача бизга етиб келган «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар», «Адабиёт надур?» каби мақолалари, «Уш» деган очерки, «Қурбони шаҳолат» фелъетони, «Доктор Муҳаммаддиёр» фелъетони бор. Инқилобдан кейин 1917-1919 йилда пьесалар ёзади: «Ҳалил фаранг», «Чўрининг исёни», «Муштумзўр», «Ўртоқ Каримбоев». Чўлпоннинг «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари» шеърлар тўплами босилиб чиқади. 1926-31 йилларда «Ҳужум» мусикий комедияси, «Ёрқиной» пьесаси, «Ёв» қиссаси вужудга келади. «Кеча ва Кундуз» деб номланган икки китобдан иборат романнинг «Кеча» деб номланган биринчи қисми 1936 йили нашр этилган. Романнинг «Кундуз» деб номланган иккинчи қисми ёзиб туганланганлиги ва нашр этила бошланганлиги ҳақида хабар бор. Аммо бу асар корректураси ёзувчи билан биргаликда ҳибсга олинган ва унинг кейинги тақдири ҳақида маълумот учрамайди.

Унинг бадиий асарлари халқнинг миллий онгини кучайтиришда муҳим роль ўйнади ва ҳозирга қадар ўз қимматини йўқотмай келяпти. Чўлпон 1914 йили 16 ёшида эълон қилинган «Адабиёт надур?» деб

номланган мақоласида «Адабиёт яшаса-миллат яшар», деган хулосага келади.

1917 йилга келиб, Чўлпон Туркистонда етилиб келаётган эрк ва озодлик эҳтиёжини тўлиқ англаган, уни воқеъликка айлантириш табдиллари ҳақида тасаввурга эга бўлган, истеъдодини шу ғоялар самарасига бағишлаган ижодкор даражасига кўтарила бошлаган эди.

Чўлпоннинг маърифатпарварлик қарашлари ҳам унинг миллатпарварлик қарашларидан келиб чиққан, айтиш мумкинки, маърифатпарварлик Чўлпон миллатпарварлигининг таркибий қисмидир. У кўпгина жадидлар қатори миллатнинг тараққиёти, порлоқ истикболи учун жамиятнинг илм-фан асосида тараққий этишини етакчи омил деб ҳисоблайди. Бу каби қарашлар ижодининг дастлабки давридаёқ кўзга ташланган эди.

Чўлпон, бошқа жадидлар сингари, билим эгаллаш-бахтли бўлишнинг бирдан-бир йўли деган ғояга қаттиқ ишонган. Билимли киши шахсан ўзи бахтиёр бўлибгина қолмай, халқига ҳам бекиёс даражада фойда келтиради, деган фикр асарларининг асосий ғоясини ташкил этади. Ҳолбуки, бир маълумотли одамнинг туғилиши билан жаҳолат чекинмаслигини, «тараққий асари ҳеч кўрилмасдан, бир тараққийга минг таданний тайёр туришини» Чўлпон ҳам бошқа жадидлар яхши тушунишган. Шунинг учун ҳам Чўлпон маърифатпарварлиги ўзининг юқори шакли-миллатпарварликка ўсиб ўтди. Чўлпон бошқа жадидлар каби дастлабки қўлга киритилиши керак бўлган нарса эрк ва озодлик эканини тушунди. Чунки мустамлака халқнинг муносиб илмли бўлиши учун ҳам, миллий маданий тараққиёт йўлидаги илм-фан ривожини учун ҳам кишан эди.

Чўлпон 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ўлдирилди, машъум қатағон сиёсатининг қўрбони бўлди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Абдурауф Фитратнинг асарлари ҳақида гапириб беринг.
2. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романини ўқиганмисиз?
3. Қатағон қурбонлари ҳақида қандай мақола ва китобларни ўқигансиз?

2-мавзу. Мунаввар Қори Абдурашидхонов

Мунаввар Қори Абдурашидхонов – Туркистон жадид миллий демократик таълимотининг асосчиларидан бири. 1978 йилда Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасида зиёли оиласида таваллуд топган. Отаси Абдурашидхон мударрислик қилган, онаси Хосиятхон отин бўлган. Отасининг эрта вафотидан сўнг Тошкентдаги Юнусхон мадрасида, сўнгра Бухорода таҳсил олади. 90-йилларнинг охирида янги шакллана бошлаётган жадидчилик ҳаракатига қўшилади. 1901 йилда биринчилардан бўлиб Тошкентда жадид мактабини очади. Мунавварқори «Адиби аввал», «Адиби соний» дарсликлари, «Тажвид ал - қўрьон», «Ер юзи» каби қўлланмалар нашр этади. Бехбудий «Ойна» журналининг 1914 йилдаги

сонларининг бирида Мунавварқори мактабини олий миллий таълим намунаси сифатида баҳолайди.

Мунавварқори Туркистон маданий ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишнинг ҳам назарий, ҳам ўз амалий фаолиятида кўрсата бера олган арбоб эди. У миллий матбуотнинг шаклланишида тамал тошини қўйган. 1906 йилда чиқа бошлаган «Тараққий», «Хуршид» газеталарининг ташкилотчиларидан бўлди. 1914 йилда нашр этила бошлаган «Садои Туркистон», 1917 йилдаги «Нажот» газетасининг ташкил этилишида жонбозлик кўрсатди. 1917 йилдан чиқа бошлаган «Кенгаш» журнаliga муҳаррирлик қилган. Унинг гезетачилик фаолиятидаги ижтимоий – сиёсий ғоялар, мақолаларидаги етакчи фикрлар XX аср бошларидаги миллий озодлик кўтарилишларидаги фаолиятида ёрқин намоён бўлди. 1909 йилда Мунавварқори бир неча сафдошлари билан биргаликда «Жамияти ҳайрия» ни тузади. Бу жамият 1923 йилга қадар юзлаб Туркистонлик ёшларнинг чет элда таҳсил олиши учун моддий ва маънавий воситалар таъминоти масъулиятини ўз зиммасига олади. Мунавварқори томонидан 1913 йилда «Турон» жамияти таъсис этилиб, бу жамият қошида кейинчалик «Мактаб» ва «Нашриёт» каби ширкатлар очилади. 1917 йилда «Турон» номи билан клуб, кутубхона ва газета ташкил этилади. Ушбу жамият 1926 йилгача турли сиёсий тазйиқлар натижасида бир неча маротаба қайтадан турли номлар билан фаолият кўрсатади. 1917 йили апрель ойида «Шўрои исломия» жамиятига Мунавварқори раис сифатида сайланади. Шу йили шўроларга қарши тузилган «Иттиҳод ва тараққий» яширин жамиятининг аъзоси бўлади. Ушбу жамият Мунаввар қори томонидан 1917 йилда тузилган «Турк одам марказияти» ташкилоти фаолияти давом эттирди.

Мунавварқори Туркистон Мухториятининг қонли босқинидан сўнг ҳам ўз сиёсий фаолиятини тўхтатмайди. 1918 йили Туркистон халқ дорилфунунининг мусулмон бўлимини тузади ва унинг ректори сифатида фаолият олиб боради. 1919 йилда Москвада ташкил этилган «Турккомиссия» томонидан у ишдан бўшатилади. Аксилинқилобий фаолияти туфайли Мунаввар қори биринча марта 1921 йили декабрь ойида, кейинги марта эса 1929 йилда қамолқа олинади. Лекин у сиёсий ташкилот ва жамиятлардаги ишларини давом эттираверди. 1921 йили «Миллий иттиҳод», 1924 йилда эса «Миллий истиқлол» номидаги ташкилотларнинг етакчиси ва аъзоси бўлди. Бу ташкилотларни тузишдан мақсад мустақил Туркистон ғоясини амалга ошириш эди. Мунавварқори қарашлари туркчилик ва исломпарастлик сифатида баҳоланди, турли талқин ва таърифларга эга бўлди. Аслида унинг замирида тараққийпарварлик ва маърифатпарварлик қарашлари уйғунлашган, миллатпарварликдан ватанпарварликка ўсиб ўтувчи Туркистон халқларининг озодлиги ғояси ётар эди. Шу билан бирга этномиллий тафаккур тарзидаги диний дунёқарашни тўғри шакллантириш, уни дунёвий жамият мафкураси билан уйғунлаштиришни мақсад қилиб қўйган саъй-ҳаракатлар бу жамиятнинг мақсадларидан яна бири эди. Мунавварқорининг қатағон қилиниши тоталитар тузум қатағонларининг

дастлабки даврига тўғри келди. У 1931 йилда Москванинг машҳур Бутиркасида отилди. Унинг ўлими ҳақидаги маълумотлар юртимизда 1997 йилдагина маълум бўлди. Бу ҳақда биринчи бўлиб Мустафо Чўқай Парижда чиқадиган «Ёш Туркистон» журналида 1934 йили маълум қилган эди. Мунавварқори 1999 йилнинг апрель ойида оқланди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Мунаввар Қори қандай миллий озодлик ташкилотларининг аъзоси ва ташкилотчиси бўлган?
2. Мунаввар Қорининг жаидчилик қарашларининг хусусияти қандай эди?
3. Мунаввар Қорининг қайси мавзудаги асар ва мақолаларини биласиз?

38-ҲАФТА

Шарқ азалдан тарбия мактаби:

Энг буюк жасорат.

Сиз, юртимиз ёшлари катта ҳаётга қадам қуйяпсиз.

Келажакда ким бўлишингиздан қатъи назар, сиз - Ватан фарзандисиз. Она замин сиздан ана шу муқаддас масканга содиқ, маънавий комил инсон бўлишингизни истайди.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг маънавият ҳақида сўз борадиган барча асарларида, хусусан “Юксак маънавият-енглимас куч”, “Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”да маънавий жасорат тўғрисида гапирилади. Унинг таърифича, “маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади”. Шунингдек, маънавий жасорат соғлом, бақувват маънавият учун курашда яққол намоён бўлади.

Шуни айтиш керакки, маънавиятнинг мазмунини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлган мафкура ўзида муайян ижтимоий гуруҳларнинг, баъзан бутун халқнинг, миллатнинг туб манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидларини ифодалайди, уларни амалга ошириш воситалари, йўллари тўғрисидаги тасаввурларни ўзида мужассамлаштиради.

Ҳалқимиз, айниқса ўсиб келаётган ёки авлоднинг ҳақиқатни англаб етишга эришиш учун, авваломбор, уларнинг дунёқарабини кенгайтириш, юксалтириш, онгини миллий ғоя, унинг фалсафий-тарихий илдизлари тўғрисидаги билимларни сингдириш орқали бойитиш зарур.

Хусусан, ёшлар ўзининг қандай авлодлар вориси, қандай маънавий меъроснинг эгаси эканлигини англаб етиши, улуғ аجدодларининг буюк меросини авайлаб-асраши, уларга таяниб ҳақиқатни тушуниб етиши, ақл-идроки воситасида уни янги мазмун билан бойитиши, соғлом турмуш тарзига эга бўлиши керак. Бу ёшларни камол топтиришнинг, уларни демократик жамият қуришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришнинг муҳим шартидир.

Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт учун курашган, ижоди ила мустақиллик мафкурасини яратишга ўз ҳиссасини қўшган ота-боболаримиз ишларини давом эттириш ҳалқимизнинг эзгу бурчи, ҳаётий эътиқодга айланиши даркор.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Табаррук заминимизнинг қадрига етиш учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, уларнинг бу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак”.

Ўз юрти, унинг келажаги, элининг маънвияти хусусан, унинг иймон-эътиқоди, илмий салоҳиятини ўйлаб иш қилган аждодларимизнинг кўпи ўз фаолиятларини муракаб мафкуравий шароитда амалга оширганлар ва шунинг учун ҳам улар жасорат кўрсатган инсонлар қаторида тилга олинади. Масалан, ижодида дунёвий билимлар устун бўлган, Форобий асарлари ман этилган, Беруний умрининг бир қисмини Ғазнавий саройида тутқунликда ўтказишга мажбур бўлган, Ибн Сино, Носир Хисрав кабилар қувғинда, сургунда бўлганлар, Мирзо Улуғбек вахшийларча ўлдирилган.

Маънавий жасоратни тушуниб етиш маънавиятнинг инсон ҳаётининг муҳим қирраси эканлигини, ўз аҳамиятига, қадр-қимматига кўра унинг ҳаётининг моддий асосидан кам эмаслигини англашни тақозо этади. Бу асосларнинг ўзаро муносабати масаласига кескин ёндашув, “одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охиروқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп маротаба исботлаган”.

Руҳиятнинг қандай яратувчи, фаол куч эканлигини “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида И.А.Каримов номини зикр этган Қадимги юнон файласуфи Платон яхши тушунтириб берган. Биз бу ерда масалага унинг ёндашувининг ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий вазият, ҳукмрон мафкура билан тақозолангани, унинг муайян ижтимоий гуруҳ қарашларини ифода қилишини назарда тутган, унинг идеализминини ёқлашдан йироқ бўлган ҳолда, буюк мутафаккирнинг ғоя, руҳга хос бўлган хусусиятларини кўрсатиши, унинг куч-қудратини намойиш этишга бўлган интилишини эсга олишни ўринли деб биламиз.

Платон фикрича, ғоя гўзалликдан иборат, у объектив тарзда мавжуд. Энг олий ғоя - бахт-саодат ғоясидир. Барча нарсаларнинг бошида ана шу ғоя тургани учун, оламдаги мавжуд тартиб-мақсадга мувофиқ тартибдир: барча нарсалар эзгу, қадрли, муътабар мақсадга қараб йўналади. Ана шунинг учун ҳам, Платоннинг таъкидлашича, фалсафий таълимотлар ичида энг олийси - бахт-саодат ғояси тўғрисидаги таълимотдир. Буюк мутафаккир “Филеб” асарида инсоний бахтнинг шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: 1) ақлнинг мавжудлиги, 2) тўғри фикрга эга бўлиш, 3) зарур билимлар, санъат турларини эгаллаш, 4) гўзалликдан лаззатланиш ва шу кабилар.

Демак, Платон ғояни-гўзаллик, энг олий ғояни-бахт-саодат ғояси деб тушуниб, инсоннинг саодатини ақл, билим, санъатда, яъни маънавий омилларда деб ҳисоблаган.

Платон давлатнинг ўз давридаги шакллари номукамал деб ҳисоблаб, ундан аввал жамиятнинг олтин асри, давлатнинг мукамал шакли бўлгани, унда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини худолар бошқаргани, турмуш кечириш учун барча нарсаларнинг бўлгани, урушлар, босқинчиликларнинг йўқлиги, одамларнинг бўш вақтларда фалсафа билан шуғулланганини, одамларни дўстлик ришталари боғлаб турганини қайд этади ва, айти пайтда, бундай тузумни ижтимоий тартиб намунаси деб бўлмаслигини, уни фақат муайян эталон сифатида олиб, ёвузликнинг нима эканлигини, ҳалқлар ўртасидаги курашлар, турли эҳтиёжлар келтириб чиқарадиган ва жамият ҳаётини тўғри қуришга ҳалақит берадиган омилларни аниқлаш зарурлигини уқтиради. Унингча, идеал давлат кам сонли раҳбарлар томонидан бошқарилиши, улар иқтидорли, бошқариш учун зарур кўникмаларга, тайёргарликка ва кўп йиллик бой тажрибага эга бўлиши керак.

Платон идеал давлат қурилишининг негизида адолат ётиши зарур деб билади. Адолат ҳар бир фуқаронинг жамиятдаги ўз ўрнини топишига, алоҳида мақомга эга бўлишга имкон беради. Адолат кишиларни бирдамликка чақиради, давлатни яхлит ҳолатда ушлаб туришга, жамиятдаги барча ходисаларнинг уйғунликда бўлишига хизмат қилади. Идеал давлат ўз-ўзини қура олади ва ҳимояланиш қобилиятига эга, у барча фуқароларнинг моддий эҳтиёжларини қондира оладиган система шаклида мавжуд ва, айти пайтда, маънавият ва ижоднинг ривожланишига имкон беради.

Қаранг, кулдорлик муносабатлари билан боғлиқ ўта мураккаб, зиддиятли социал-сиёсий вазиятда адолат, унинг фуқароларнинг бирдамлиги, давлатнинг яхлитлиги, ижтимоий ходисаларнинг уйғунлигини таъминлашда, маънавият ва ижоднинг ривожидида тутган ўрнини айтишнинг ўзи мардлик, маънавий юксаклик, маънавий жасорат намунаси эмасми?! У буюк бобоколонимиз Амир Темурнинг “куч-адолатда” деган фикрига ҳамоҳанг эмасми?!

Платон, Аристотел таълимотлари ва, умуман антик дунё фалсафаси ва фани шу давр маънавиятини юксак чўққига кўтарди. Унда илгари сурилган инсонпарварлик ғоялари кейинги давр маънавий юксалиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Ўрта асрларда маънавиятнинг юксалиши жаҳон динларининг вужудга келиши, хусусан, христиан, ислом динларининг дунё бўйлаб тарқалиши, улардаги ғояларнинг ҳукмрон мафкура мавқеига эга бўлиши шароитида содир бўлди. Ўрта аср маънавиятининг умумий хусусиятларидан бири диний дунёқарашнинг тўла ҳукмронлиги, унга барча илмларнинг, фалсафий тафаккурнинг бўйсиндирилиши билан характерланади.

Айти пайтда шуни ҳам таъкидлаш зарурки, мазкур динларда инсонларнинг тенглиги ғояси, гарчи бу тенглик худо олдида тенглик деб талқин қилинсада, муҳим сиёсий аҳамият касб этди. Масалан, христианлик тарқалган худудда бу ғоя оммавий тус олди, диний ҳуқуқ ва ахлоқ

нормаларида ўз аксини топди. Худди шунингдек, исломнинг диний мазмуни ҳам ундаги инсонпарварлик ғояларининг илгари сурилиши ва асосланиши билан тавсифланади. Исламнинг муқаддас китоби-Қуръони Карим сура, оятларида муҳим ахлоқий нормаларнинг-сабр-тоқатли бўлиш, бировни сабабсиз ранжитмаслик, мухтожларга ёрдам кўрсатиш, нафсни тийиш, ватанга муҳаббат ва бошқа ижобий ахлоқий фазилатларнинг қайд этилганини кўрамиз. Бу каби ҳолатлар исломнинг турли мамлакатлардаги турли халқлар ҳаётига, турмуш-тарзига сингиб кетишига, унинг муҳим маънавий қадриятга айланишига сабаб бўлган.

Заминимизда етишиб чиққан буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, муҳим кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Хусусан, Ал-Хоразмийнинг математикада янги йўналиш – алгебрани яратиши илмий билимлар ривожига муҳим ўрин эгаллаганини яхши биламиз. “Алгебра” атамасининг ўзи Мусо ал-Хоразмий томонидан ёзилган “Ал-китоб ал мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал муқобала” (“ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”) номи рисоладаги “ал-жабр” сўзининг лотинча ёзилишидан олинган. Бу асар бир неча ўнлаб марта лотин ва бошқа Европа тилларига таржима қилинган.

Мусулмон оламида Платон ва Аристотел фалсафасининг буюк тарғиботчиси, шарҳловчиси ва кўпгина мустақил фалсафий асарларнинг муаллифи сифатида ном қолдирган Абу Наср Муҳаммад ибн Тархон ал-Форобий бўлиб, у фалсафа, мантиқ илмларини янги фикр-мулоҳазалари, ғоялари, хулосалари билан бойитди.

Миллий тарихимиз ва маънавиятимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Беруний қомусий тафаккур соҳиби бўлиб, у ўзининг илмий хулосаларида ҳолислик ва ҳаққонийликни асос қилиб олган.

Ибн Сино тиббиёт соҳасида тўнтариш ясади деб бемалол айтишимиз мумкин. Унинг илмнинг турли соҳаларга оид кашфиётлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Замахшарийнинг арабларга араб тили грамматикасини ўргатиши ҳам диққатга сазовордир.

Заминимизда етишиб чиққан буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини ривожлантиришга қўшган хиссалари ҳам бекиёсдир. Хусусан, мусулмон оламида “Муҳаддислар султони” деган ном билан шуҳрат қозонган Имом Бухорийнинг “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом дунёсида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба деб ҳисобланади.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг “Суннани Термизий” асарида инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғояларни учратамиз. Уларнинг бугунги кунда ҳам ахлоқий-маънавий масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти каттадир.

Ўз тадқиқотлари ва хайрли амаллари учун Имом Мотуридий ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга муяссар бўлган. У илгари сурган ғоялар ислом динининг асосини инсонийлик, эзгулик, тўғрилиқ ташкил этишини кўрсатади.

Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” – “Тўғри йўл” асари ислом ғоялари негизида яратилган ҳуқуқий манба деб этироф этилган.

Юқорида илм-фан, фалсафа, санъат ривожига улкан хисса қўшган мутафаккирлар ҳаёти ва фаолиятини маънавий жасорат наъмунаси деб қабул қилсак бўлади. Улар таълимотларини ўрганиш маънавиятимизнинг тарихий илдизларини чуқур англашга, уларда мужассамланган миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзлаштиришга имкон беради.

Муҳокама учун саволлар:

1. Сиз эгаллаган соҳангизнинг эгаси бўлишингизга қарор қилдингизми?
2. Сиз танлаган касбга меҳр уйғотишга ким ёки нима сабаб бўлди?

39-ХАФТА

2001 йилда “70-йиллардан асимметрик информацияга оид бозорлар назарияси асосларини” яратган уч олим.

2001 йилда иқтисодиёт бўйича мукофот уч америкалик олим: **Жорж Акерлоф** (Калифорния университети), **Майкл Спенс** (Стенфорд) ва **Жозеф Стиглиц** (Колумбия)га берилди. Улар, “70-йиллардан асимметрик информацияга оид бозорлар назарияси асосларини яратганлиги учун” шу мукофотга сазовор бўлдилар. Бу назария бозор иқтисодиётини ўрганишда таянч назариялардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ж. Акерлоф (1940й. туғилган) 1970 йили “Лимонлар бозори” асарини яратди. АҚШда “лимон” деганда анча минилган автомобиллар тушунилади. Бунда қуйидаги ҳолат таҳлил этилади. Фараз қилайлик, янги автоомобиль сотиб олинди ва қисқа вақтдан кейин, ҳатто минмасдан туриб, уни сотиш керак бўлиб қолди. Бунда автомобилнинг нархи албатта пасаяди. Бунинг асосий сабаби шундаки, автомобилнинг ҳолати харидорга нисбатан сотувчига аниқроқ бўлади.

М. Спенс (1943) “Бозор сигналлари” китобида ишчилар ва ходимларни ишга олиш билан боғлиқ бўлган ҳолатни таҳлил этади. Одатда иш ҳақи тўлашда маълум дифференциация мавжуд, қора танлилар оқларга нисбатан, аёллар эркекларга нисбатан камроқ ҳақ олади, ваҳоланки уларнинг меҳнат унумдорлиги деярли баробар бўлади. Бунга асосий сабаб иқтисодий информациядир. Бунда ҳисобга олинажак асосий информация ишчини дипломи, ўқиганлиги тўғрисидаги маълумотлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Худди шунингдек, ходимларга дивидент тўлаш амалиёти ҳам корхонанинг яхшилигини кўрсатиш учун берилган **сигнал** деб қабул қилиниши мумкин. Ҳар бир корхона ўз фаолиятини реклама қилсагина ўзининг афзаллик томонларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу эса бошқаларга “ташқи сигнал” сифатида баҳо беришга имкон яратади. Шундай йўл билан ҳар бир ходим ўзи тўғрисида маълум сигнал беришга ҳаракат қилади.

Ж. Стиглиц (1943) ҳам ассиметрик информациялар хақида фикр юритиб, суғурта компаниялари фаолиятини таҳлил этади. Унинг фикрича, яхши ииформацияга эга бўлган ҳар бир корхона маълум устунликка эга бўлади. У шундай мисол келтирадики, соғлом киши одатда суғурта қилдирмасликка ҳаракат қилади, чунки унда бунга эҳтиёж катта бўлмайди. Аксинча, соғлиги пастроқ бўлган одамлар ўзини суғурта қилишга мойилроқ бўлади. Худди шундай ҳолат ер эгаси ва ижарачи ўртасида ҳам рўй беради. Агар ижарачи кафолатланган ҳосил қисмига эга бўлса, унинг манфаатдорлиги юқори бўлади ва аксинча.

Муҳокама учун саволлар:

1. Бозор назарияси деганда нимани тушунасиз? Ва иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатади?
2. Ахолининг иш билан бандлиги бозорга ва ундаги жараёнларга боғлиқлиги тўғрисида қандай фикр билдирасиз?
3. Ж.Стиглицнинг суғурта сиёсатиға фикрингиз.

ИЮНЬ

Душанба		6	13	20	27
Сешанба		7	14	21	28
Чоршанба	1	8	15	22	29
Пайшанба	2	9	16	23	30
Жума	3	10	17	24	
Шанба	4	11	18	25	
Якшанба	5	12	19	26	

Июнь ойининг тахминий иш режаси.

1. Май ойи иш режаси таҳлили.
2. Июнь ойи иш режасини тасдиқлаш.
3. Тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш.
4. 1988 йилги Нобель мукофотида сазовор бўлган Морис Аллэ ҳақида суҳбат.
5. Талабаларнинг яшаш-шароитлари билан танишиш ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот.
6. Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Хлебушкина номли 22-мехрибонлик уйида тадбир ўтказиш.
7. “Республика ёшлари давлат ҳимоясида” мавзусида суҳбат.
8. Иккинчи ва учинчи жорий ва оралиқ назоратларидаги ўзлаштиришни таҳлили этиш.
9. Якуний назоратни юқори кўрсаткичлар билан якунлаш.
10. Ёзги меҳнат (қурилиш) отрядларида иш олиб боришни таъминлаш.
11. Ёзги дам олишни мароқли ва муваффақиятли ўтказиш ҳақида суҳбатлар ва режалар.

Июнь ойининг муҳим саналари.

- 1 – июн Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни (1949).
- 5 – июн Халқаро атроф – муҳитни муҳофаза қилиш куни (1972).
- 10 – июн “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган кун (1999).
- 17 – июн Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни (1987).
- 23 – июн Халқаро олимпиада куни (1894).
- 26 – июн Халқаро гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни (1987).
- 27–июн Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни (1993).

40-ХАФТА

1-мавзу. Республика ёшлари давлат ҳимоясида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Баркамол авлод йили**” давлат дастури тўғрисидаги қарорида Мамлакатимиздаги ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқариш, ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш мақсади қўйилган.

Қарорда:

- болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш,
- “**Соғлом она-соғлом бола**” дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора – тадбирларни янада кучайтириш,
- тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратиш...
- таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш,
- замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг фарматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш..,
- ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш, янги спорт мажмуаларини қуриш,
- иқтисодиёт таркибини ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синиф мулкдорлари даромадларини шакллантириш бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш,
- илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш,
- ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш,
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар киритилган.

Шунингдек, “**Баркамол авлод йили**” давлат дастурида 2010-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхонани босқичма-босқич шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш, Республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида ишлаб турган халқ таълими мактабларидан ташқари муассасалари ва клуб маданият муассасалари базасида замонавий ва зарур ускуналар билан жиҳозланган «**Баркамол авлод маркази**» ташкил этиш ва уни ривожлантириш, ҳар бир

махалла, даҳа ва микротуманда болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишлиги бу мақсадли ишларда хомийларни ва грант маблағларини ҳам жалб қилиш кўзда тутилган.

Агар биз дастурнинг ҳар бир бандини таҳлил қилсак фақатгина тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари учун ажратилган маблағлар **82 979,4 млн. сўм** харажат кўзда тутилган. Ушбу маблағлар бинолар қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан: Термиз, Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларида вилоят туғруқхона комплексларини реконструкция қилиш; Нукус, Андижон, Жиззах, Термиз, Гулистон ва Чирчиқ шаҳарларида вилоят болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказларини реконструкция қилиш; Тошкент шаҳрида гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтини ва вилоят қон қуйиш станцияларини реконструкция қилиш, Тошкент шаҳридаги Республика перинатал марказида даволаш корпуси қуриш, Тошкент ва Наманган шаҳарларида ихтисослаштирилган кордиожарроҳлик маркази учун биноларни реконструкция қилиш, Нукус шаҳрида Республика болалар силга қарши санаторийсини реконструкция қилиш ва ниҳоят Даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий ва лаборатория ускуналари, мебель билан жиҳозлаш, Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида **94** та туғруқхона комплексини, **14** та ўсмирлар диспансерини (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда) флюорография аппаратлари билан, Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг **6** та минтақавий қон қуйиш марказини ва ДПМ ҳузуридаги касалхона қон банкларини, **74** та ҚВПни ва **2315** та ҚВПни қўшимча равишда жиҳозлаш, туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги **140** та вилоят ва туман ахборот марказларини таъмирдан чиқариш мўлжалланган.

Дастурда фақатгина бу билан чегараланмай, тиббиёт ходимларини профессионал маҳоратини ошириш ҳам кўзда тутилган бўлиб унда республиканинг **8** та минтақасида (Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари) **8000** нафар педиатр, акушер-гинеколог, неонатолог, умумий амалиёт врачлари камраб олинадиган бу мақсадли ишларга **ЮНИСЕФ, ЮНФПА** ва **Жаҳон соғлиқни сақлаш** ташкилоти маблағларидан **1,9** млн доллар миқдорида молиялаштириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси овқатланиши сифатини яхшилаш, Микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва даражасини пасайтириш, Оилаларда оқилона овқатланиш маданияти ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида аҳолининг мақсадли гуруҳлари орасида озик-овқат маҳсулотларини фортификация қилиш, тузни йодлаштириш, темир, фолий кислота ва **А** витамини саплементацияси бўйича мавжуд дастурлар амалга оширилишини кенгайтириш зарурлигини инобатга олган ҳолда Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, «Ўздонмаҳсулот» АК, Туз ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, «Маҳалла»

жамғармаси ва бошқа тегишли ташкилотларга аниқ мақсадли вазифалар қўйилган, унда **МАР** кредити, Хомийлар, **ЮНИСЕФ** маблағлари иштирокида **900,0** минг доллар маблағлар ишлатиш кўзда тутилган.

2010/2011 ўқув йили бошланишигача Наманган шаҳрида **9900** ўқувчи ўринли **14** та умумтаълим мактаби, **1350** ўқувчи ўринли **4** та академик лицей, **23240** ўқувчи ўринли **41** та касб-хунар коллежи шунингдек олдин ишга туширилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга **12640** ўринли **99** та ётоқхона, **124** та касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ётоқхоналари мукаммал таъмirdан чиқарилади. Бу йўналишга бюджет маблағлари ва Мактаб таълими жамғармасидан **215952,0** мил.сўм сарфланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўналиши бўйича 2010 йилда қатор ижобий ишлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб унда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг **3200** ўқувчи ўринли янги ўқув корпуси қурилишини тугаллаш ва жиҳозлаш, Тошкент молия институтининг **3500** ўқувчи ўринли ўқув корпуслари биноларини реконструкция қилиш, Термиз давлат университетининг **2300** ўқувчи ўринли янги ўқув корпусининг иккинчи навбатини қуриш, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали учун янги бино қуриш, Қарши давлат университети ўқув корпуслари биноларини реконструкция қилиш мақсадида ўз маблағлари ва бюджет хисобидан **11 016,0** мил. сўм ажратилган.

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педогогик технологияларни кенг жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобига мамлакатимиз мактабларида касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилашга бирталай мақсадли дастур ва мақсадли режалар амлга ошириш кўза тутлган. Факатгина 2010-2011 йиллар мобайнида ҳар бир умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-хунар коллежида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиши ва фаолият кўрсатишини таъминлаш режалаштирилган бўлиб,

- 1551 та мактабни «Умумтаълим мактабларини ахборотлаш-тириш» лойиҳаси доирасидаги кредит маблағлари ҳисобига компьютер синфлари билан,

- 650 та мактабни «Умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси доира-сидаги кредит маблағлари ҳисобига компьютер синфлари билан,

- 2228 та мактабни Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига компьютер синфлари билан жиҳозлаш ва маҳаллий тармоқлар ташкил этишга (улар мавжуд бўлмаганда) имконият яратилган. Ушбу тармоққа Эксимбанк (Корея) кредитидан, Осиё Тараққиёт банки кредити ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, бюджет маблағларидан **81 887,0** мил.сўм ажратилиши режалаштирилган.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш мақсадига ҳам катта маблағ ажратилиб ёшларга катта имконият яратилиб берилмоқда.

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб этиш масаласи кун тартибининг долзараб масалаларидан эканлигини бугун инкор қилиш қийин.

Умуман олганда 2010 йилда Дастур тадбирларини амалга оширишга жами харажатлар: **7898,03** млрд сўм ва **165,43** млн доллар, миқдорида маблағлар сарифланади; уларда

	Сўмларда	АҚШ долларида (эквивалентда)
Бюджет маблағлари:	-1761,52 млрд сўм	-4,96 млн доллар
Бажарувчилар маблағлари:	-2742,2 млрд сўм	-17,98 млн доллар
Банклар кредитлари:	-3324,8 млрд сўм	-61,41 млн доллар
Ҳомийлар:	-69,49 млрд сўм	-3,73 млн доллар
Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари	-	-75,0 млн доллар
Грантлар	-0,02 млрд сўм	-2,35 млн доллар

Муҳокама учун саволлар:

1. “Баркамол авлод йили” давлат дастурида қандай вазифалар белгиланган?
2. Республиканинг умумий аҳоли сонини неча фоизини ёшлар ташкил этади?
3. ТДИУ ва сиз тахсил олаётган факультетда талаба-ёшларни интеллектуал бойлигини ошириш ва малакали миллий кадр бўлиши учун қандай шарт-шароитлар яратилган?

2–мавзу. Глобаллашув ёки миллийлик инқироzi?

XXI аср тарих саҳифасига глобаллашув ва буюк тараққиёт асри сифатида кириб келди. Глобаллашув жамият соҳасида ўзига хос мураккаб, айна пайтда объектив жараён саналанади. Шу билан бирга глобаллашувнинг барча жараёнларни қамраб олиш кўламининг тезлиги бутун жаҳон учун янгилик ҳисобланади.

Глобализация атамаси биринчи бўлиб иқтисодчи олимлар томонидан 1981 йилдан бери қўлланилиб келинган. Аммо бу сўзнинг тўлиқ маъноси, концепцияси 1990 йилнинг ярмида америкалик олим Чарлз Таз Рассел томонидан тўлиқ очиқ берилган.

Глобаллашув сўзининг луғавий маъноси ХАЛҚАРО ИНТЕГРАЦИЯ, яъни бутун дунё аҳолисининг бир ижтимоий тузум остига бирлашиши, бир хил вазифа бажариши процесси тушунилади. Глобаллашув жараёнида интернет янги алоқавий воситадир. Кимдир маълумот, кимдир ахборот олади ва яна бошқа биров таниш орттиради, хат ёзишмалар сифатида фойдаланилади ва барча соҳалар маълумот берувчи энциклопедия ўрнини эгаллайди. Глобаллашув жараёнида кишилар интернетдан хоҳлаган манбани топади. Интернет кўпчиликни бирлаштиради ёки ажратиши ҳам мумкин, бундан ташқари агрессив мақсадда ишлайди, яъни у мафкуравий уруш куралидир, буни илмда «кибертерроризм» дейди.

Глобаллашув жараёнда дунёда содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатлар тезликда интернет тармоқлари орқали тарқалади. Бу эса ахборот коммуникация дунёсининг ривожланишидан далолат беради. Интернетда ишлаган киши дунё янгиликларидан хабардор бўлади, айрим ёшлар ўзини виртуаль дунёда эканлигини ҳис қилмайди. Унда ишлаш руҳий ғояларнинг ривожланишига ва соғлиғига зарар етказиши ҳам мумкин. Интернет дунё ҳамжамиятини ўзининг беғараз (порнографик) сайтлари билан ташвишга солмоқда, ўспирин ёшларнинг онгига таъсир қилиб, баъзи ноанъанавий хабарларни ҳам тарқатмоқда. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларининг интернетда ишлаётган жараёнини назорат қилишга мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда интернетнинг ҳар хил сайтлари ёшлар онгига салбий таъсир қилади, лекин кун сайин унга ўрганиб қолаётганлар сони ортиб бормоқда. Бундай руҳий боғланиш фожеали оқибатларга олиб келади. Айрим ёшлар компьютер клубларида ҳар хил ўйинлар билан машғул. Бу нафақат Ўзбекистонда балки бошқа давлатларда ҳам мавжуд. Масалан, Жанубий Кореяда компьютер ўйинлари жуда оммалашган. Умуман олганда, барча тадқиқотчи олимлар глобал ўзгаришлар маданий ўзига хосликларга, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига, уларнинг онги ва мафкурасига таъсирини ўтказишини таъкидлайдилар. Ёш авлоднинг мияси ҳали ёзилмаган оқ қоғоз мисоли тоза бўлади. Унга нима ёзилса, киритилса, ўша нарса намоён бўлади. Бирок ушбу таъсир доираси тўғрисида ҳар хил муносабат билдирадилар.

Баъзилари янги технологияларнинг кенг тарқалишини қўллаб-қувватлайдилар, бу билан глобаллашув жараёни барча салбий

оқибатларнинг олдини олишга қодир, деб ҳисоблайдилар. Ғарб цивилизациясининг ютуқларидан ҳайратланган бошқалар глобаллашув фақатгина ижобий ўзгаришларга олиб келади, деган фикрда. Ушбу тоифадаги тадқиқотчи ва олимлар бу ўриндаги маданий ўзига хосликни қолоқлик, камбағаллик, тараққиётдан воз кечиш каби тушунчаларнинг синоними сифатида баҳолайдилар. Учинчи бир гуруҳдагилар эса глобал ўзгаришларда катта таҳдид мужассам эканлигини таъкидлайдилар.

Бошқаларнинг тасаввурига мувофиқ, глобаллашув иқтисодий соҳада эмас, балки диний соҳада катта хавф-хатар тайёрламоқда, чунки, глобализм ва ахборот дунёвий характерга эга бўлган бир пайтда худосизлик тарғиботи билан уйғунлаштирилади. Яна бошқаларнинг қарашларида глобаллашув миллатга ва миллий ўзига хосликка путур етказди. Маданий, шу жумладан диний қадриятлар, турмуш тарзи ҳам хавф остида қолади. Бундай ёндашувга мойиллик билдираётган фан ва сиёсат арбоблари учун маданий ўзига хосликни сақлашга интилиш асосий мақсаддир. Чунки ҳозирда интернет тармоғидан фойдаланадиганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилмоқда. Ёшлар эса миллат ва давлат келажагидир.

Глобализм миллий давлатлар суверенитетини сезиларли даражада чеклаб қўйди ва бу жараён кучайиб бормоқда. Чеклаб-чегаралаш механизмларини яратиш ва кучайтириш орқали вазиятни тўлалигича назорат қилиш каби тор ва саёз фикрлаш концепцияси аллақачон эскирган. Барча соҳадаги глобаллашувни жамиятнинг ичига олиб кириш масаласида кўп ўйлаган ва ўйлаётган давлатлар эртами-кечми шу нарсани тушунадиларки, глобаллашувни инкор қилиш ушбу феноменнинг таъсир доирасига тушишнинг энг ҳалокатли йўлидир. Чунки, ўзини-ўзи чеклаб чегаралаш билан қолоқлик домига тушгач, барибир бу борадаги ислохотларни бошлаш лозимлигини англайди. Глобализм, жумладан ахборот глобаллашувининг мутлақо домига тушмасликнинг чораси мавжуд эмас ва бунинг иложи ҳам йўқ. Энг яхши йўл – бу маълум миллий давлат манфаатларини сақлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ахборот технологияларини, дастурларини имкон қадар тезлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотларни изчил йўлга қўйишдир.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, глобализмнинг мудҳиш оқибатларига йўлиқмаслик ва домига тушмасликнинг бирдан-бир йўли – тезроқ ушбу жараён ичига кириб боришдир ва шу тўғрисида ўзига керакли тушунчалар ҳосил қилишдир. Миллий давлатлар, жамиятлар, ҳукуматларнинг ҳаётийлигини таъминлашнинг шарти ҳам барча соҳада замонавий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт дастурларини қабул қилиш, жамиятни ахборотлаштиришдир.

Албатта, бугун интернет майдони сайёрамиздаги мавжуд ҳар хил маданиятлар, ғоялар, қадриятлар ва манфаатларни ўзида акс эттирган ягона глобал тармоқдир аммо, баъзи масалаларни кенг миқёсда назоратга олишни тақозо қилмоқда. Бундайлар сафига терроризмни парваришловчи, диний экстремистик ғоялар тарқатувчи, порнография каби ахлоқсизликка

мойилликни ривожлантирувчи сайтларни киритиш мумкин. Бироқ, мазкур сайтларга бўлган муносабат даражаси ҳам дунё мамлакатларида ҳар хилдир.

Глобал миқёсда инсониятнинг баъзи масалаларда муросага юзланишига тўғри келади. Шулардан бири, бизнингча, интернетда терроризмни парваришловчи саҳифаларни назорат қилишга йўналтирилган ҳамкорликдир. Шуниси қизиқки, бу веб саҳифаларнинг қурбони фақатгина ёшлар эмас, балки катта ёшдаги кишилар ҳам ўзининг маънавий бойлигининг тўлиқ эмаслиги ҳамда бузғунчи ғояларга мойиллиги туфайли қурбонга айланмоқдалар. Бунинг учун, террористик деб тан олинган гуруҳлар, кимсаларга мутахассислар томонидан тан олинган сайтларга серверлардан жой бермаслик, уларни ёпишга қаратилган чора-тадбирларни қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда БМТ катта рол ўйнаши мумкин.

Шубҳасиз, бу йўналишда маълум ишлар амалга оширилиб, муайян ҳалқаро ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Аммо кибермайдонда зикр этилган иллатларнинг ёйилиши муаммосини юқори ўринга кўтариш, мавжуд имкониятларни сафарбар этиш фурсати аллақачон етиб келган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда интернет тижорати фирмалари, газета-журнал сайтлари ниҳоятда ривожланиб, мукаммаллашиб бормоқда, уни таъқиб қилиш қийин. Аммо миллий урф-одатга ва ахлоқий даражага тўғри келмайдиган сайтлар ҳам кўп. Бу ёшлар ва келажак авлод онгига катта таъсир қилади. Айрим қўштирноқ ичидаги беғараз инсонлар ёшларни порнографик сайтлар орқали нишонга олади, яъни, маънавий озуқа билан бирга, руҳий ҳаёт тарзига таъсир ўтказди. Ҳозирги кунда бунинг олдини олиш мақсадида айрим сайтларни филтердан ўтказиш зарур. Жаҳон саҳнида етарли даражада мавқега эга бўлган интернет ёшларнинг онгидаги бўшлиқни ортиқча маълумотлар билан тўлдиради. Ёшлар виртуал ҳаётга шунчалик кириб кетмоқдаки, миллий маънавий қадриятлар минг йиллар давомида шаклланган, ўтмиш авлодлардан ўтиб келаётган маънавий бойлик эканлигини билишмайди. Ўсмир ёшдаги болаларнинг интернетга қаттиқ боғланиб қолиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу эса “интернет касаллиги”ни келтириб чиқаради. Бир неча йил олдин Пекин шаҳрида “интернет касаллиги”га чалинган беморларнинг шифохонаси очилди.

Глобаллашув деганда фақатгина интернет ёки ахборот глобаллашувини назарда тутиш хато ҳисобланади. Интернет тармоғи глобаллашув жараёнини кучайтирувчи асосий омилдир. Шундай экан глобаллашувга иқтисод, маданият, фан соҳасидаги ва экология, ҳуллаб бутун дунёдаги глобаллашувни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳатто экологиянинг салбий томонга ўзгариши жамият аъзоларининг ҳар бирига жисмоний таъсир кўрсатиб қолмасдан уларнинг маънавиятига ҳам ёмон таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг глобаллашувга нисбатан соғлом дунёқарашини ривожлантиришга қаратилган дастур ишлаб чиқишини давр тақозо қилади. Ва бу йўлдаги ҳукуматимизнинг қилаётган ишлари мақтанса арзигулик ва ўрнатқучлик бўларли, даражада деб айтиш мумкин.

41-ХАФТА

1988 йилги Нобель мукофотиغا сазовор бўлган Морис Аллэ.

Морис Аллэ (1911 йилда туғилган) Францияда туғилиб, Парижда ижод этади, "Бозорлар ва ресурсларнинг самарали ишлатилиши назарияларига қўшган катта ҳиссаси учун" **1988 йилги Нобель мукофотиغا сазовор бўлди.**

М.Аллэ бир йил армияда хизмат қилгач, Париж олий миллий Тоғ мактабида ўқиб, уни битиргач (1936), муҳандис бўлиб ишлади, 1941 йилдан маъмурий ва илмий иш билан параллель шуғулланди. Тез орада (1946) Миллий илмий тадқиқотлар маркази директори, 1948 йил Тоғ мактабида иқтисодий гаҳлил профессори бўлди.

М.Аллэ фандаги ўз қизиқишларини тўрт асосий соҳага ажратади: 1) иқтисодий бошқариш; 2) даромадларни тартибга солиш ва солиққа тортиш; 3) пул сиёсати; 4) энергетика, транспорт ва тоғ-кон саноати иқтисодиёти. Унинг асосий тадқиқот йўналиши амалий аҳамият касб этади ва жамият нуқтаи назариядан рационал, албатта назарий таҳлил билан мустаҳкамланган иқтисодий қарорларни топишга қаратилган. Ўзининг биринчи тадқиқотларидаёқ амалий аҳамиятга молик назарияларнигина тан олишини намоён қилди.

Бу олимнинг фаолиятида капитал ва фоиз назариялари асосий бўлган. Бош асари "Иқтисодиётда математик таҳлил" киггобида ана шу капитал ва фоизни ҳисоблаш бўйича мураккаб жараёнлар ечими берилади.

У деярли 15 йил капитал ва ўсиш назарияси масалалари билан шуғулланди, натижада неоклассик ўсиш назарияси асоси яратилди, жумладан жамғаришнинг "олти қоидаси" вужудга келди. Олимнинг кўпгина ишлари бозор шароитида танлов назариясига бағишланган. Бунда у масалага ҳам назарий, ҳам эмпирик тажриба асосида ёндашади. Таҳлил психологик тестлар асосида тажриба яқунларига асосланади ва ўша давр учун бутунлай янгича ёндашув ҳисобланади.

Морис Аллэ ўзининг "муомала назарияси"ни ноаниқлик шароитида умумий мувозанат моделига татбиқ этади ва рақобатли таваккалчилик тақсимооти ресурсларнинг оптимал тақсимотига олиб келишини кўрсатади. Унинг илмий муваффақиятлари Францияда қайта жонланаётган пулнинг микдорий назарияси анъаналарига мос бўлиб тушди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Морис Аллэ ким ва у нима учун нобель мукофотини олган?
2. Неоклассик ўсиш назарияси ва жамғаришнинг "Олти қоидаси"ни биласизми?
3. Ресурсларнинг оптимал тақсимотига Морис Аллэ қандай ёндашган?

42-ХАФТА

1-мавзу. Гиёҳвандлик ва оила.

Гиёҳвандлик (наркомания) қадимдан маълум. Иккинчи жаҳон урушидан кейин фақат Осиё мамлакатларида эмас балки Европа ва Америкада ҳам жуда кўп тарқалди. Гиёҳвандлик наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу қилиш, аниқроғи табиий ёки синтетик захарли моддалар (айрим дори моддалари)ни вақтинча ёки сурункасига истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати. Гиёҳвандлик организм соматик ва руҳий ҳолатининг чуқур ўзгаришига сабаб бўлади ва гиёҳвандни таназзулга олиб боради. Гиёҳвандда ўзини тўхтатиб бўлмайдиган даражада гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш майли пайдо бўлади, гиёҳванд модданинг миқдorigа нисбатан эҳтиёж, руҳий ва жисмоний боғлиқлик ортиб боради. Гиёҳвандлик аста-секин бошланиб, сурункали давом этади. Гиёҳванд моддалар дастлаб хушнудлик, димоғчоғлик, хотиржамлик ҳиссини уйғотиб, кайф қилдиради, кейин бора-бора бу касалликка айланади. Гиёҳвандлик икки зайлда авж олиши мумкин. Биринчи ҳолда врач буюрган ва беморнинг руҳи ҳамда кайфиятини ошириш хусусиятига эга бўлган дориларни узоқ вақт ва нотўғри қабул қилиш; оғриқ, уйқусизлик ва б. дардлардан қутилиш мақсадида дори миқдорини ошириб бориш; дарддан тузалиб дorigа унчалик эҳтиёж бўлмаса ҳам, уни қабул қилавериш натижасида дорининг наркотик таъсири ва миқдори орта бориб, пировардида гиёҳванд моддага мойиллик кучайиб, у ҳумор қиладиган бўлиб қолади. Иккинчи ҳол онгли равишда кайф қилиш мақсадида гиёҳванд моддаларга ўрганишдир.

Гиёҳвандликка одатда, иродаси кучсиз, ўзини тия олмайдиган, ўткир сезгиларни ўзида синаб кўришга қизиқувчан, руҳан заиф ва ўта худбин кишилар берилувчан бўлади. Ёшлар тарбиясидаги нуқсон ва камчиликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб юрувчи катта ёшдагиларга тақлид ва ҳавас, оиладаги нохуш шароит (ота-онанинг ичкиликбоз ёки гиёҳванд бўлиши) ҳамда гиёҳванд моддаларнинг осон топилиши ёки қўл остида бўлиши ҳам гиёҳвандликка сабаб бўлиши мумкин. Гиёҳвандликка мубтало бўлганларда хасталик борган сари кучая бориб, одатда, кутилмаган ёмон оқибатларга олиб келади.

Гиёҳвандлик авж олишининг олдини олиш учун айрим мамлакатларда тегишли тадбирлар амалга оширилган. Хусусан Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандликка қарши кураш қўмитаси ташкил қилиниб, давлат дастури ишлаб чиқилган. Республикада наркология маркази ташкил қилинган ва бу марказда наркология бўйича олим ва мутахассислар томонидан малакали кадрлар тайёрланиб, улар мамлакат минтақаларида гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб боради. Гиёҳвандликка мубтало бўлган беморлар асосан шифохона шароитида 2-4 ойгача даволаниб, 4-5 йилгача амбулатория кузатуви ва ҳисобида бўладилар. Ўзбекистонда гиёҳванд воситаларни и.ч. ва сотиш билан шуғулланган кишилар жиноий жавобгарликка тортилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Нима учун ёшлар гиёҳванд моддаларни истеъмол қила бошлайдилар?
2. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш қандай оқибатларга олиб келади?
3. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни ёшлар орасида қандай олдини олиш мумкин?

2-мавзу. Ижтимоий ҳимоя – устувор йўналиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37, 38, 39-моддалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23, 24, 25-моддаларида фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган. Булар қаторида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаши ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, шунингдек қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи қайд этилган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган ижтимоий ислохотлардан кўзланган мақсад – фуқаролар учун муносиб турмуш шaroитларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳамда самарали кафолатларини таъминлашдир. Бу инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-моддасида қайд этилганидек, инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқларини амалга ошириш, шахснинг кадр-қимматини таъминлаш ва эркин ривожланиши учун ниҳоятда зарур.

Президент Ислom Каримов таъкидлаганидек, бозор механизмини жорий этишда аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруратдир. Шу нуктаи назардан, бозор муносабатларига ўтишнинг “Ўзбек модели” аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса унинг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини илгари суриб, юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизимини шакллантиришни тақозо этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий муҳофазалаш давлат органлари тизими тамомила қайта қурилди. Ижтимоий ҳимоянинг янги шакллари жорий этилиши билан бирга уни амалга оширувчи давлат органлари ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Ислохотлар натижасида ваколатларнинг муайян қисми нодавлат ташкилотларига, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ижтимоий ҳимоя принципи - деганда нимани тушунаси?

2. Юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг қандай мутлақо янги ва ўзига хос тизими шакллантирилган?

43-ХАФТА.

1–мавзу. ОАВ Фуқаролик жамиятининг ажралмас бўлаги (Садо – TVR Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ҳафталик нашри)

Сўз эркинлигини таъминлайдиган, халқнинг дилидаги орзу-интилишларини, дардларини кўтариб чиқадиган, жамоатчилик фикрини ифодалаб берадиган оммавий ахборот воситаларисиз замонавий кишилик жамиятини тасаввур этиб бўлмайди. "Ахборот асри" деб аталаётган бугунги кунда ОАВ тизимини жамиятнинг қон томирларида кўриш мумкин. Чунки ҳозирги кунда ахборот тараққиёт генераторининг ёқилғиси сифатида хизмат қилмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият кўрсатаётгани диққатга сазовор. Бугунги кунда уларнинг эркин ривожланиши ва фаолият юритишини таъминлайдиган муҳим меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Шу билан чекланилмай, бу соҳада иқтисодий кафолатлар яратилиб, ОАВга турли ижтимоий ғоя ва лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий кўмак бериш тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ташкил этилиши миллий журналистикамиз тарихида муҳим босқич бўлди. Мамлакатимиз раҳбари: "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоат фондининг ташкил этилиши мамлакатимизда иқтисодий ўзини ўзи таъминлай оладиган, шу жумладан хусусий ахборот воситаларини ўз ичига олувчи давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради", - деб таъкидлаганди.

Республика ва ҳудудий ОАВларга нафақат молиявий, шу билан бирга, ахборот кўмагини ҳам бериш бу икки ташкилотнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Кейинги пайтларда анъанавий уч оммавий ахборот воситаси — матбуот, радио, телевидение имкониятларини ўзида қамраган Интернет оммалашиб бормоқдаки, бевосита ахборот соҳасидаги тараққиёт уфқларини мана шу томонда кўрамыз. Бу воситадан фойдаланувчилар сони ҳам кундан кунга кўпайиб бормоқда. Ўз навбатида, мазкур ҳолат дунё ахборот тўрида миллий манфаатларни ҳимояловчи, керак бўлса, миллий мафкура ва ғояни тарғиб-ташвиқ қилувчи Интернет ресурсларини яратиш эҳтиёжини юзага келтирди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг миллий домендаги www.mtrk.uz манзили пайдо бўлиши, Ўзбекистон мустақил босма оммавий

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди молиявий кўмаги билан 80 дан ортиқ нашрлар электрон версиясининг Интернетдан жой олиши ана шу эҳтиёжни бирмунча қондиргандек бўлди. Уларнинг орасида анча самарали ишлаётган сайтлар талайгина. Қолаверса, асосий фаолияти интернетда бўлган www.gzt.uz, www.press-uz.info, www.region.uz каби нодавлат ахборот хизматлари ҳам ишлаб турибдики, буни ҳам миллий журналистикамиз ютуғи дейишимиз мумкин. Уларнинг ҳар бирида бериб борилаётган янгиликлар, таҳлилий материалларни кузатар экансиз, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлганидан буён ўтган ҳар бир йилимиз том маънода бунёдкорлик даври бўлаётганига, юртимизда яратувчанликнинг ўзига хос мактаби барпо этилганига гувоҳ бўласиз.

Хусусан, www.region.uz сайти республикамызда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақидаги хабарларга катта ўрин ажратади.

"Зарафшон шаҳри Ўн иккинчи кичик туманида ўттиз икки хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли янги тураржой биноси қурилиши бошлаб юборилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги томонидан хайрли ишга қўл урилгач, шаҳар Архитектура бўлими бинога оид зарур ҳужжатларни тайёрлади, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими эса ёш оилалар рўйхатини тузди.

Эҳтиёжманд ёш оилалар имтиёзли кредит асосида янги уй-жойга эга бўлишади. Саккиз юз квадрат метрда барпо этилаётган ихчам ва мустақам замонавий бино барча қулайликларга эга бўлади". Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар мамлакатни модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат дастурларини амалга ошириш борасидаги ишларни ёритишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини халқ онига сингдиришда ҳам оммавий ахборот воситаларининг муносиб ўрни бор. "Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан ҳудудий телестанциялар ҳамда "Эркин фикр" студияси томонидан 95 та кўрсатув, 138 та ахборот лавҳалари, 30дан ортиқ ижтимоий тасмалар тайёрлангани ҳам фикримиз исботидир. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан босма нашрларга берилган грантлар ҳам ижтимоий ҳимоя соҳасига қаратилди. Бу йил фонд фаолиятининг ушбу қиррасида кўпроқ "Ёшлар йили" Давлат дастуридаги вазифаларнинг амалга оширилишига эътибор берилиши, бўлиб ўтган анжуманларнинг бирида эълон қилинди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий базаси, иқтисодий кафолатлари яратилиши, шунингдек уларни қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг очилиши, умуман айтганда, барча саъй-ҳаракатлар дунё ахборот майдонида ўз ўрнимизни эгаллашимизга замин ҳозирлаши шубҳасиз.

Муҳокама учун саволлар:

1. ОАВ жамият тараққиётида қандай роль ўйнайди?
2. ОАВнинг тараққиёт омили – Интернетми?
3. Мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш - миллат камолоти мезонини ташкил этадими?

2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Герби.

1992 йил 2 илда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг X – сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат Герби” тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Давлат Гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга.

Герб марказидаги Хумо куши – бахт-саодат ва эрксеварлик рамзи. Гербнинг юқори қисмидаги саккиз қиррали юлдуз республикамизнинг собит ва барқарорлик тимсоли сифатида тасвирланган.

Куёш – давлатимизнинг йўли ҳамиша нурафшон бўлиши билдирилган яхши ният, айна пайтда у Ўзбекистоннинг ноёб иқлимга эга мамлакат, серкуёш ўлка эканлигини билдиради.

Бошоқ ризқ рўзимиз тимсоли, тўкин сочинлик ифодаси, оппоқ пахта Ўзбекистон донғини дунёга таратган бебаҳо бойлигимиз рамзи.

Бугдой бошоқлари ва пахта чанокларининг Давлат байроғида лента бўлиб ўралганлиги Ўзбекистонда яшаётган халқлар дўстлиги ва яқинлиги ифодаси ҳисобланади.

Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо куши-кумиш рангда, куёш, бошоқлар пахта чаноклари ва “Ўзбекистон” деган ёзувлар –тилла ранг, тоғлар-хаво ранг, чанокдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз-оқ рангда.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Герби қачон қабул қилинган?
2. Сиз Гербни тасвирлаб бера оласизми?

44-52-ҳафталар таътил.